

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

Қ.Р.Абдурасулова

КРИМИНОЛОГИЯ

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги томонидан юридик институти ва факультетларининг
талабалари учун дарслик сифатида тавсия қилинган
(ЎзР Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2007 йил
28 августдаги №177/35-сонли буйруғи)**

Тошкент 2008

Қ.Р.Абдурасулова.

Криминология. Дарслик. Масъул муҳаррир:
ю.ф.д., проф. М.Ҳ. Рустамбоев. –Т.: ТДЮИ
нашриёти, 2008. 305 бет.

Сарлавҳада: Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, ТДЮИ.

Тақризчилар:

1. Юридик фанлар доктори, профессор Р.Кабулов
2. Юридик фанлар номзоди, доцент М.Усмоналиев

Дарсликда криминология фанининг предмети, вазифаси ва тизими, жиноятчилик тушунчаси, хусусиятлари ва турлари, жиноятчилик сабаблари ва уни тавсифлаш муаммоси, жиноятчи шахси, унинг криминологик тавсифи ва жиноятчиликнинг олдини олиш, шахс ғайриижтимоий мойиллигининг шаклланиши ҳамда муайян жиноят содир этиш механизми, криминологик виктимология асослари, таснифи, жиноятларни профилактика қилиш, рецидив, уюшган, вояга етмаганлар, оиладаги, тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган, иқтисодий, экология ва солиқ жиноятчилигининг криминологик тавсифи ҳамда унинг олдини олиш каби масалалар кўрилган.

Дарслик ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари ва факультетлари талабалари, ўқитувчилари, тадқиқотчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун мўлжалланган.

© Абдурасулова Қумринисо Раимқуловна.

© Тошкент давлат юридик институти, 2008 йил.

1-мавзу. КРИМИНОЛОГИЯ ПРЕДМЕТИ, ВАЗИФАЛАРИ ВА ТИЗИМИ

1. Криминология тушунчаси ва унинг предмети
2. Турдош фанлар тизимида криминологиянинг ўрни
3. Криминологиянинг вазифалари
4. Криминология тизими ҳақида

1.1. Криминология тушунчаси ва унинг предмети

«Криминология» сўзи икки ўзакдан иборат: *crimen* (лотинча) – жиноят, жиноий хулқ-атвор, *logos* (يونونча) – фан, таълимот, билим. Бинобарин, «криминология» - бу жиноят ёки жиноий хулқ-атвор ҳақидаги фан.

Криминологиянинг пайдо бўлиш тарихи диққатга сазовор.

Айрим тадқиқотчилар фикрига кўра, криминологиянинг вужудга келиши 1764 йилда италиялик 26 ёшли инсонпарвар, публицист ва юрист Чезаре Беккариянинг «Жиноятлар ва жазолар ҳақида» деган кичкина, бироқ сермазмун китоби нашр этилиши билан боғлиқ.

Орадан 120 йил ўтгач, 1884 йилда Турин шаҳри (Шимолий Италия) судьяси Р.Гарофало «Криминология» ёки «Жиноятчилик табиати ҳамда жазо назарияси» деб номланган китобни чоп этди. Бу китоб уч қисмдан иборат бўлиб, унда «Жиноятчилик», «Жиноятчи» ва «Жазо» масалалари кўрилган. Шундай қилиб, криминология фанининг пайдо бўлишида итальянлар ўз пешқадамлиги билан фахрланишлари мумкин.

Фикримизча, криминологиянинг мазкур дастлабки талқини амалиётга мосдир, чунки «жиноят ҳукуқи» фани амалда асосан жиноят ҳамда жиноий жазо тушунчалари, уларнинг белгилари ва рўёбга чиқариш омилларини таърифлаш билан шуғулланиши лозим.

Инсон хулқ-атвори яхлит ҳодиса бўлиб, уни айнан хулқ-атвор сифатида айрим қисмларга, чунончи: ижтимоий, биологик, психологик, маънавий, физиологик ва ҳоказо қисмларга ажратиш мумкин эмас. Одамлар (билиш субъекти) хулқ-атворнинг у ёки бу жиҳатларини муфассалроқ ўрганиш учунгина бундай қисмларни шартли равишда ажратадилар. Шу боис инсон хулқ-атвори билан қизиқувчи фанлар анчагина (фалсафа, дин, социо-

логия, тиббиёт, педагогика, психология, юриспруденция ва ҳ.к.).

Америкалик криминолог профессор Верон Фокс дунёни тўлиқ билиб бўлмаслигини қайд этиб, киноя билан шундай деб ёзади: «Инсон хулқ-атворини бирон-бир фан нуқтаи назаридан тушуниб етишга ҳаракат қилиш беш нафар кўрнинг филни тавсифлашга уринишини эслатади»¹.

Ҳар бир муайян жиноят – жиноятчиликнинг «элементар зарраси»². Ҳар қандай жиноят инсон хулқ-атворининг муайян кўринишидир. Психологияга оид адабиётларда хулқ-атвор деганда **шахснинг эркин фаоллиги**, яъни кўзланган мақсад англаб етилган ва юз бераётган жараёнларни назорат қилиш имконияти мавжуд бўлган фаоллик тушунилади. Лўндароқ қилиб айтганда, субъект учун муайян мазмун касб этувчи хулқ-атвори инсон хулқ-атвори деб тавсифлаш мумкин³. Бошқача айтганда, бу ерда шахснинг онгли, шу жумладан янглиш, салбий ва ғайрихукукий хулқ-атвори тўғрисида сўз юритилмоқда.

Инсон хулқ-атвори макон ва замонда юз беради, у вазият ўзгарувчан омилларининг нисбатан барқарор шахсий хусусиятлар билан ўзаро таъсирланиш жараёнини ташкил этади. Бу жараённинг ташқи (объектив) ва ички (субъектив) томонлари бор. Ташқи томон бирон-бир объектга қаратилган ҳаракат (ёки ҳаракатсизлик) тарзида ифодаланса, ички, субъектив томон нафақат бу ҳаракат (ҳаракатсизлик)да бевосита намоён бўлади, уни психологик жиҳатдан тартибга солади ва онгдаги инъикоси бўлиб хизмат қилади, балки ундан олдин шаклланади. Зотан, инсон ҳаракат содир этишдан олдин кўпинча уни режалаштиради, баъзан вақт пойлайди ва сўнгра амалга оширади. Бошқача айтганда, қилмиш хаёлда олдиндан моделлаштирилади. Субъектнинг эркин фаоллигини тавсифловчи бу ва бошқа руҳий жараёнлар ўзининг якунловчи босқичидагина объектга у ёки бу даражада таъсир кўрсатувчи ташқи ҳаракат (қилмиш)да ифодаланадиган шахс хулқ-атворининг унсурлари сифатида қаралиши мумкин.

Юқорида айтилганлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин. Биринчи - «хулқ-атвор» тушунчаси «ҳаракат», «ҳаракат-

¹ Фокс В. Введение в криминологию. – М.: «Прогресс», 1985. – 17-б.

² Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. –М., 1998. 16-б.

³ Хеккхаузен Х. Мотивация и деятельность. Том 1. – М., 1986. – 14-б.

сизлик» ёки «қилмиш» тушунчаларига қараганда кенгрок, чунки фаолликнинг улардан олдинги босқичларини ҳам камраб олади. Иккинчи – хулқ-атвор муайян тузилишга эга бўлиб, у ички (руҳий) жараёнлар ҳамда макон ва вақтдаги ташқи (объектив) шарт-шароитлар мантиқига мувофиқ изчил ривожланиб боради. Бу жараёнлар ва шарт-шароитларнинг ўзаро таъсирини **шахс хулқ-атвори механизми** деб номлаш мумкин¹.

Мантиқ ва фалсафа фанлари маълумотларига кўра, «предмет» категорияси объектнинг бир қисми, унинг парчаси, «билишнинг муайянроқ объекти»дир. Бошқача айтганда, бу билиш субъекти идрок этиши, аниқлаши ва айтиши мумкин бўлган барча нарсалардир.

Фалсафа фани маълумотларига кўра, **билиш предмети** бу мазкур шарт-шароитларда муайян нуктаи назардан ва маълум мақсадда ўрганилаётган **объектларнинг тажрибада қайд этилган ва инсоннинг амалий фаолиятида мужассамлашган жиҳатлари, хоссалари ва муносабатларидир.**

Ҳар қандай фаннинг шаклланишига қараб унинг предмети ҳам фарқланади.

Криминология предмети – ҳар қандай ва оддий хулқ-атвор эмас, балки **алоҳида хулқ-атвор**. Бу хулқ-атвор жиной хусусиятга эга, шу боис у жиной хулқ-атвор деб аталади, яъни хулқ-атвор аввало жиноят қонунини, унинг нормаларини бузиш билан боғланади. Криминология инсон хулқ-атворини ўргатувчи бошқа табиий ва ижтимоий фанлардан асосан шу жиҳати билан фарқ қилади. Айни шу сабабли жиной хулқ-атвор жиноят билан бевосита боғлиқ, чунки муайян жиной қилмиш содир этилганлиги туфайлигина хулқ-атвор жиной деб эътироф этилади.

Бироқ ҳозирги талқиндаги криминология айрим жиноятни эмас, балки уларнинг **мажмуи** – «жиноятчилик»ни ўрганади. Криминология учун жиноят – бу жиноятчиликнинг индивидуаллаштирилган (муайянлаштирилган) кўриниши. Шу боис жиноятчилик жиноятларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки айрим жиноятлардан фарқ қиладиган, янги, яхлит ва узвий ҳодисадир.

Шундай қилиб, жиноятчилик нисбатан оммавий хусусиятга эга бўлган ва айни вақтда одамлар ва жамият манфаатларига

¹ Кудрявцев В.Н. Генезис преступления. Опыт криминологического моделирования. – М., 1998. 17-б.

ошиқча ижтимоий хавф туғдирадиган, шу боис амалдаги жиноят қонунчилигида жиноят деб эътироф этилган ижтимоий белгиланган қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик)нинг муайян мажмуидир.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноятчилик муайян жиноятдан нафақат ҳажми ва шаклига кўра, балки айрим миқдор ва сифат белгилари (аввало, ҳолати, динамикаси ва таркиби)га кўра ҳам фарқ қилади.

Жиноятчиликнинг бу жиҳатларини ўрганиш унинг юзага келиш сабаблари ва омилларини ўрганиш учун муҳимдир.

Бинобарин, **криминология предметининг иккинчи мустақил элементи** сифатида жиноятларни юзага келтирувчи ёки улар содир этилишини белгиловчи **жиноятчилик сабаблари** амал қилади.

Жиноятчилик тизимида ҳам, сабабият тизимида ҳам жиноий жазога лойиқ қилмиш содир этган шахс муҳим роль ўйнайди. Бироқ, шахсни муайян жиноят субъекти деб топиш учун қонунда белгиланган мезонларни (ақли расо жисмоний шахс муайян жиноят-ҳуқуқий ёшга тўлганлигини) аниқлашнинг ўзи кифоя бўлган жиноят ҳуқуқи фанидан фарқли ўлароқ, криминологияда жиноятчилик сабабларини ўрганиш учун жиноят субъект ҳақида бошқа маълумотлар, яъни **нафақат демографик, балки ижтимоий-ахлоқий, психологик, жиноят-ҳуқуқий ва бошқа белгилар (хоссалар) тавсифи** ҳам зарур.

Бинобарин, **криминология предметининг учинчи муҳим элементи бу жиноятчи – жиноят содир этган одамнинг шахсидир.**

Бироқ, криминологиянинг бош мақсади ва мўлжалини ҳисобга олмасак, унинг предмети тўлиқ бўлмайди. Жиноятчилик сабаблари ва жиноятчининг шахси мазкур таҳлил асосида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш (профилактика) чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун ўрганилади. Шунинг учун ҳам **жиноятчиликнинг олдини олиш криминология предметининг тўртинчи муҳим элементи** ҳисобланади. Гарчи кетма-кетлик бўйича у «охирги» ўринда бўлса-да, бироқ ўз амалий аҳамиятига кўра жиноятчиликнинг олдини олиш криминология предметининг энг муҳим элементи ҳисобланади. Ўрганиш ҳажмига кўра ҳам у криминология фани тизимида энг кат-

та ўринни эгаллаши лозим. Шу боис айрим олимлар уни билимнинг алоҳида соҳаси сифатида ажратишни таклиф қилади.

Амалда жиноятчиликнинг олдини олиш вазифасига кўра ўрганилиши лозим бўлган ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик, ахлоқий ва бошқа жараёнлар ва ҳодисалар криминология предметини ташкил этувчи масалалар доирасидан анча кенг.

Боз устига, XVIII асрнинг буюк маърифатчилари асарларида жиноятчиликнинг олдини олиш бутун юриспруденциянинг оламшумул вазифаси сифатида қаралган. Масалан, Ш.Монтескье ўзининг «Қонунлар руҳи ҳақида» деб номланган машҳур фалсафий-ҳуқуқий рисоласида «яхши қонунчи жиноят учун жазо беришдан кўра жиноятларнинг олдини олиш ҳақида кўпроқ қайғуради; у жазолашга эмас, балки одамлар ахлоқини ўзгартиришга ҳаракат қилади», деб таъкидлаган¹.

Чезаре Беккариянинг «Жиноятлар ва жазолар ҳақида» деб номланган машҳур асари тўғрисида сўз юритиб, Вольтер **жиноятларнинг олдини олиш ҳақиқий юриспруденциядир**, деб айтгани бежиз эмас.

Криминология предмети назарияси доирасида *виктимология* (жиноятлардан жабрланганлар ҳақидаги фан) ҳам, жамиятдаги барча криминал ҳодисалар *тарихи* (динамикаси ва таркиби) ҳам унинг ажралмас таркибий қисмлари сифатида тан олиниши лозим.

Адабиётларда баъзан **криминология методлари** криминология предметининг мустақил элементи сифатида қайд этилади. Бироқ у ёки бу фан методлари ҳар бир фан билан муштарак, таъбир жоиз бўлса, унинг «ички иши»дир, шу боис уларни мазкур фан предметининг элементи сифатида ажратиш ўринли бўлмаса керак.

Шундай қилиб, **криминологияни жиноятчилик, унинг сабаблари ва ундан жабрланганлар, жиноятчи шахси ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисидаги фан** деб таърифлаш мумкин.

¹ Монтескье Ш. Избранные произведения. – М., 1955. – 231-б.

1.2. Турдош фанлар тизимида криминологиянинг ўрни

Фаншунослик ҳамда криминологияга оид адабиётларда бу масалага нисбатан *уч хил ёндашув* қайд этилган.

Биринчи ёндашувга кўра, криминология умумижтимоий фан ҳисобланади, чунки у ижтимоий ҳодиса сифатидаги жиноятчиликнинг социологик, иқтисодий, психологик ва педагогик жиҳатларини ўрганади (М.И.Ковалев, А.Б.Сахаров, Б.С. Утевский ва б.). Мазкур ёндашув криминология социологиянинг бўлими сифатида тан олинган АҚШ олимларига ҳам хос. Германия, Италия ва Францияда криминология ҳатто **ижтимоий-табiiй фан** ҳисобланади.

Иккинчи ёндашувга биноан, криминологияни юридик фанлар, хусусан жиноят ҳуқуқи доирасидан четга чиқариб бўлмайди. Бундан хулоса шуки, криминология – жиноят ҳуқуқи фанининг таркибий қисми, бироқ унинг фақат муайян-социологик қисми. Ҳолбуки, жиноят ҳуқуқининг ўзи унинг норматив-догматив қисмидир (А.А. Герцензон, В.Д.Меньшагин, А.А.Пионтковский, П.С.Ромашкин, М.С. Строгович ва б.). Ушбу ёндашув тарафдорларининг фикрига кўра, ягона жиноят-ҳуқуқи фанини сунъий тарзда икки қисмга ажратиш катта методологик хатодир.

Баъзан махсус адабиётларда мазкур ёндашувнинг бир турига дуч келиш мумкин. Унга кўра, криминология жиноят-ҳуқуқий фанларнинг мустақил комплекс қисми ҳисобланади (А.Д.Берензон, В.А.Сергиевский, В.Е.Эминов ва б.).

Умумий эътироф этилган асосий – *учинчи ёндашувга биноан*, криминология – ижтимоий-ҳуқуқий фан. Бу ёндашув амалда аксарият олимлар томонидан тан олинган. Унинг тарафдорлари криминология предметининг асосий таркибий элементлари (айниқса жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахси, жиноятчилиكنинг олдини олиш) ҳуқуқий ҳодисалар ва муносабатлар доирасида четга чиқиши, бироқ асосий таянч нуқталари (хусусан, жиноят ва жиноятчи, шу жумладан жинoий ва маъмурий жазo) ҳуқуқнинг тегишли тармоқлари, аввало жиноят ҳуқуқи ҳамда жиноят-процессуал ҳуқуқи билан белгиланишидан келиб чиқади. Бинобарин, криминология икки ижтимоий фан – социология ва ҳуқуқ туташган жойда туради, шу боис у ижтимоий-ҳуқуқий фан ҳисобланади.

Энди предмети жиноятчилик билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган бошқа фанлар билан криминологиянинг ўзаро нисбати масаласини кўриб чиқамиз.

Юқорида қайд этиб ўтганимиздек, **криминология жиноят ҳуқуқи билан узвий боғлиқдир.** Криминологиянинг асосий объектлари – жиноят ва жиноятчи жиноят ҳуқуқи соҳасида ётади, бироқ криминология уларнинг жиноят-ҳуқуқий белгиларини аниқлаш билан кифояланмайди, балки жиноят мажмуининг қонуниятларини, уларнинг ўзига хос хусусиятларини, уларнинг сабаблари, жабрланувчилар ҳамда жиноятчи шахси билан жиноятчиликнинг ўзаро алоқаларини аниқлайди.

Криминология жиноят ҳуқуқининг жиноят қонуни ижтимоий белгиланганлиги, жиноят ҳуқуқи нормалари ҳамда уларни амалга татбиқ этишнинг самарадорлигини ўрганувчи қисми билан айниқса узвий боғлиқ. Ўз навбатида, жиноят ҳуқуқи социологияси маълумотларидан криминологияда жиноятчиликнинг олдини олиш тизимида жиноят-ҳуқуқий чораларнинг роли ва ўрнини аниқлаш учун фойдаланилади. Шу нуқтаи назардан **жиноий жазо криминология фани шуғулланадиган жиноятчиликнинг олдини олишнинг ижтимоий чора-тадбирларидан бири сифатида амал қилади.**

Жиноят ҳуқуқига таққослаганда, криминологиянинг мақсади кенгроқ бўлиб, жиноятчиликка қарши курашнинг мавжуд барча (шу жумладан жиноят-ҳуқуқий) усуллари ва воситаларининг самарадорлигини ўрганиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишга қаратилган (шу жумладан жиноят-ҳуқуқий) методлар ва чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишдан иборатдир.

Жиноят процесси фани ҳам криминология билан бир вазифани бажаради. Бу фан жиноят судлов ишларини юритиш жараёнида муайян жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омилларни аниқлайди ва уларни бартараф этиш чораларини кўради. Бу вазифа 1994 йилги Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодекси моддаларида ҳам белгиланган.

Криминология криминалистика билан ҳам алоқадор ҳисобланади.

Криминалистика аввало жиноятларни жиноят-процессуал фаолият шакли тарзида тергов қилиш техникаси, методикаси ва тактикасини ишлаб чиқади. Бироқ жиноятларни тергов қилиш, очиш ва уларнинг олдини олиш вазифаси узвийдир.

Криминология жиноятчиликни умумий, ижтимоий даражада ўрганади, унинг умумий ижтимоий сабаблари ва омилларини аниқлайди, жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирларини умумлаштиради ва тизимга солади.

Криминалистика фанида жиноятчилик сабабларини ўрганиш ҳамда жиноятчиликнинг олдини олишнинг бошқача даражаси амал қилади. Криминалистика муайян жиноятларни содир этиш механизмларини, жиноятларни тайёрлаш, содир этиш ҳамда жиноят изларини яшириш усулларини ўрганади. Бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш вазифаси криминалистика фани билан муштаракдир. Криминологиядан фаркли ўлароқ, криминалистикада жиноят содир этиш ҳоллари, уларнинг олдини олиш ва уларга барҳам бериш учун шошилиш чоралар кўриш ҳақидаги энг янги маълумотлар амал қилади.

Кези келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, Австрия криминалистика ва криминология фанининг асосчиси Г.Гросс ўзининг «Суд терговчилари учун қўлланма» асарида (1893 йил) полиция ва тергов органларининг жиноятчилик ва жиноятчилик ҳақидаги умумлаштирилган маълумотларини таҳлил қилиб, криминология ва криминалистика фанларининг узвийлигини қайд этган.

Криминология фани ва жиноят-ижроия ҳуқуқи фани турдош соҳага – такрорий жиноятчиликнинг олдини олиш, такроран жиноят содир этган (рецидивист) шахсини ҳамда уни жамиятга қайтариш масалаларини ўрганади. Бундан ташқари, улар жиноий жазонинг ҳамда уни ижро этиш шарт-шароитларининг самарадорлигини ошириш юзасидан таклифлар ва тавсиялар ҳам ишлаб чиқади. Айрим мамлакатларда криминология пенитенциар фанлар (улар баъзан «турмашунослик» деб ҳам аталади) доирасида ўрганилиши бежиз эмас.

Гарчи жиноят-ижроия ҳуқуқининг предмети (жазони ижро этиш жараёнида ҳамда бу борада юзага келувчи ижтимоий муносабатлар) криминология предметида торроқ бўлса-да, улар пировардида бир мақсадга – жиноятчиликнинг олдини олишга эришиш учун мўлжалланган. Бу мақсадга эришиш воситалари ҳар хил, бироқ улар бир-бирини тўлдиради. Криминологияда қўлланиладиган жиноятчиликни энг салбий ҳодиса сифатида ўрганиш жиноят-ижроия ҳуқуқи учун ҳам фойдалидир, чунки жиноятлар озодликдан маҳрум қилиш жойларида ҳам, озодлик-

дан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган шахслар томонидан ҳам, кам аҳамиятли қилмишлар учун ижтимоий таъсир чоралари қўлланилган шахслар томонидан ҳам содир этилади.

Жиноят содир этган шахсларнинг барча тоифаларига профилактик таъсир кўрсатилади, бироқ унинг шакллари ва усуллари ҳар хил: ахлоқ тузатиш муассасаларида сақланаётган шахслар учун – жиноят-ижроия ҳуқуқи фанининг шакллари ва усуллари, бошқалар учун – криминология фанининг шакллари ва усуллари қўлланилади. Амалиётда жиноят содир этган шахслар билан тарбиявий ишлар олиб бориш ҳамда огоҳлантириш методларини ишлаб чиқишда криминология ва жиноят-ҳуқуқи фани ютуқларидан фойдаланилади.

Шу ўринда криминологиянинг **жиноятлар статистикаси** билан алоқасини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Зотан, жиноятчиликни ўрганиш замирида жиноятчиликнинг ҳолати ҳақидаги статистик материал, жиноятчилар шахсига доир (айниқса демографик) маълумотлар ётади, статистиканинг илмий методларидан эса криминологияда кенг фойдаланилади (айниқса кузатиш, маълумотларни йиғиш ва гуруҳлаш).

Боз устига, XIV асрда криминологиянинг асосий муаммоларини айнан статистика назариётчилари томонидан ўрганиш кенг ривожланди (Францияда Герри, Бельгияда Кетле, Россияда Ткачев). Статистик таҳлил воситасида жиноятчиликнинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқаларининг турли жиҳатлари аниқланди. Масалан, Кетле жиноятчиларни жинси ва ёши, жиноят содир этилган жой, вақт ҳамда фойдаланилган жиноят қуролларига кўра таснифлашнинг ўзига хос хусусиятларини ёритиб берди. У жиноятчиликнинг баъзи бир ҳодисалар билан алоқасига эътиборни қаратиб, жиноятчиликнинг олдини олиш чора-тадбирлари ҳақида айрим муҳим хулосалар чиқарди.

Криминология фани учун **бошқа юридик фанлари** (айниқса, **конституциявий ва маъмурий ҳуқуқ**) маълумотлари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Улар жиноят содир этиш сабаблари ва омилларини ўрганиш ҳамда жиноятчи шахсини тавсифлашда ҳам, ижтимоий профилактика субъектлари бўлган давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг вазифалари ва ваколатларини белгилаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш чора-тадбирларини аниқлашда ҳам зарур. Бунда криминологияга

умуман **жиноий хулқ-атвори**ни ўрганувчи ва олдини олувчи маъмурий ҳуқуқ яқинроқ туради.

Айни вақтда ҳуқуқбузарликларнинг энг хавфли шакли бўлган жиноятчилик сабаблари ва омилларининг яхлит манзари расини бериш ва жиноятчиликнинг олдини олиш тизимининг умумий концепциясини ишлаб чиқишга криминологиянинг ўзигина қодир эканлигини назарда тутиш лозим. Бошқа юридик фанлари, айниқса криминал циклга кирувчи фанлар ўз вазифаларини ечиш учун криминологик тадқиқотларнинг умумий натижаларидан фойдаланади.

Криминология ижтимоий-ҳуқуқий фан бўлгани сабабли, бошқа бир қанча ноюридик фанлар билан ҳам яқин алоқаларга эга. Бундай фанлар орасида ижтимоий психология ва педагогика алоҳида ўрин тутди. Бу психология ва педагогика шахснинг индивидуал жиноий хулқ-атвори (қарашлари, анъаналари, қизиқишлари ва эҳтиёжлари) механизмини ҳамда ғайриижтимоий ҳодисалар, айниқса жиноятларнинг олдини олиш учун умумий ва индивидуал таъсир ўтказиш чора-тадбирлари тизимини ўрганишда катта ёрдам бериши мумкинлиги билан белгиланади.

1.3. Криминологиянинг вазифалари

Жиноятчиликнинг мазмуни ҳамда намоён бўлиш шакллари, унинг қонуниятлари, асосий ва иккинчи даражали ҳаракатлантирувчи кучлари ва омилларини, шунингдек жиноятчи шахси, унинг таркибий ва функционал хусусиятларини билиш бирданбир мақсад эмас. У пировард натижада ҳозирги босқичда жамиятда юз бераётган ижтимоий жараёнларни бошқариш ва тартибга солиш борасидаги муҳим амалий вазифаларни ечишга қаратилган.

Криминология фани олдида нафақат жиноятчиликнинг айрим муаммолари, унинг ҳозирги босқичдаги баъзи бир сабаблари, профилактика субъектлари тизими, уларнинг вазифалари ҳамда таъсир кўрсатиш чора-тадбирларига доир нуқтаи назарларни янгилаш ва асослаш каби методологик хусусиятга эга бўлган муҳим вазифалар юзага келмоқда, балки ўтиш даври иқтисодиёти соҳасидаги ғайриижтимоий ҳодисаларнинг турли омилларини аниқлаш ва атрофлича таҳлил қилиш зарурати ҳам туғилмоқда. Жумладан, ташқи иқтисодий фаолият, инвестиция-

лар, хўжалик юритишнинг давлат ва хусусий секторлари, акциядорлик жамиятлари, тижорат тузилмалари, кичик, кўшма корхоналар, молия, кредит, солиқ солиш ва бошқа соҳаларда жиноятчиликнинг олдини олиш муаммолари, айниқса, муҳим аҳамият касб этаётир.

Ҳаво, сув, ўрмон ва ер ресурслари; ўсимлик ва ҳайвонот дунёси; аҳолининг соғлиғи ва яшаш қobiliятини сақлаш соҳаларида экологик жиноятчилик сабаблари ҳамда унинг олдини олишнинг криминологик таҳлили муҳим вазифа бўлиб қолмоқда.

Собиқ СССРнинг парчаланиши ва унинг ҳудудида янги мустақил суверен давлатларнинг ташкил топиши эндиликда яқин, ўрта ва узоқ хориж давлатлари доирасида халқаро жиноятчилик, айниқса, наркобизнес, фоҳишалик, ғайриқонуний валюта операциялари, маданий ва маънавий бойликларни ўғирлаш, халқаро терроризм, диний ақидапарастлик ва ҳоказоларга қарши курашда ҳамкорлик қилишга нисбатан бошқача ёндашувни тақозо этмоқда. Айни вақтда, **коррупция, уюшган**, шу жумладан **профессинал жиноятчиликка қарши кураш масалалари** ҳам тобора муҳимроқ аҳамият касб этиб бормоқда.

Компьютер техникаси, реклама иши соҳасидаги жиноятлар, ёшлар ва вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳамда ичкиликбозлик негизидаги жиноятчиликка қарши кураш вазифалари ҳам мустақил роль ўйнаётир.

Миллий криминологиямизда яна бир ғайриижтимоий ҳодиса – **наркожиноятчилик** узил-кесил қарор топди. Бу ҳодисага қарши курашнинг муҳимлигини тасаввур қилиш учун икки омилни кўрсатиб ўтиш кифоя деб ўйлаймиз. Расмий статистика маълумотларига кўра, ижтимоий хавфли қилмишлар умумий таркибида наркожиноятчилик тахминан 15 фоизни ташкил этади. Ҳолбуки, гиёҳвандлик ҳамда гиёҳвандлик моддалари билан ғайриқонуний муомалада бўлиш ўта яширин жиноятлар қаторига киради. Сўнгги йилларда Ўзбекистонда наркожиноятчиликнинг ўсиш тенденцияси кузатилмоқда.

Иккинчидан, илмий таҳлил гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилувчиларнинг учдан икки қисмидан кўпроғини 30 га тўлмаган ёшлар ташкил этишини кўрсатади. Ваҳоланки, аҳолининг бу тоифаси ижтимоий тараққиётни белгиловчи ишлаб чиқариш кучларининг ўзаги ҳисобланади.

Бу ерда яна бир муҳим янги ҳолатни ҳисобга олиш лозим. Ижтимоий-иқтисодий тузумнинг тубдан ўзгариши, янги халқаро муносабатлар ва умумий алоқалар ривожланиши муносабати билан мамлакатимиз Шарқдан Ғарбга, Жанубдан Шимолга гиёҳвандлик воситалари йўллари ўтадиган ўзига хос «транзит йўлаги»га айланиш хавфи мавжуд.

Бу ҳамда бу ерда қайд этилмаган бошқа омиллар гиёҳвандлик воситаларининг тарқалиши ва истеъмол қилинишига қарши кураш борасидаги олдинги ёндашувларни жиддий қайта кўриш зарурлигидан далолат беради.

Тиббиёт – ижтимоий муносабатларнинг алоҳида соҳаси. Унинг ўзига хослиги шундан келиб чиқадики, жамият инсонсиз фаолият кўрсата олмайди. Инсон – жамиятнинг ўзаги.

Бироқ инсон омили серқиррадир, шу боис уни турли фанлар ўрганади. Инсон (ҳозирги вақтгача) ақлли, онгли жонзот сифатида унинг яшаш, меҳнат қилиш, кўпайиш ва бошқа қобилиятлари турли нуқтаи назаридан қизиқиш уйғотади. Жамият инсоннинг бу қобилиятларини сақлаш ва ривожлантириш, бунинг учун зарур шарт-шароит яратиш ҳақида ғамхўрлик қилиши лозим. Инсон ҳаёт фаолиятини ҳуқуқий, шу жумладан жиноят-ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари шуни тақозо этади.

Афсуски, бу жиҳат ҳуқуқ фанида энг кам ўрганилган жиҳатлардан бири бўлиб қолаётир. Бугунги кунда «биринчи қалдирғочлар» туғилиб, ўз норматив-ҳуқуқий шакл-шамойилларини касб этишга ҳаракат қилмоқда. Биз бу ерда яқиндагина пайдо бўлган янги фан тармоғи – **тиббиёт ҳуқуқини** назарда тутяпмиз.

Тиббиётни жиноят-ҳуқуқий воситалар билан ҳимоя қилиш масаласига келсак, собиқ Иттифоқ ҳамда янги суверен ва мустақил давлатлар жиноят қонунчилиги тарихи айрим махсус нормалар билангина чекланган. Ҳолбуки, бу соҳада муаммолар анчагина. Айрим муаммолар ечилмаган ёки умуман қўйилмаган. Бунда айрим йўналишларда тиббиёт маълумотлари ҳозирги шароитда сезиларли даражада ўзгаргани ва бойиганлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Хусусан, инсон органлари ва тўқималарини трансплантация қилиш муаммолари алоҳида диққатга сазовор.

Жиноятчиликка қарши курашнинг ҳар қандай шакллари замирида **ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш** ётиши лозим.

Бу, ўз навбатида, илмий асосланган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўз вақтида ва самарали амалга оширишни тақозо этади. Бунда тажрибани ўрганиш, ундан ер курасининг турли минтақаларида ва умуман жаҳон мамлакатларида жиноятчиликка таъсир ўтказиш чора-тадбирлари соҳасида фойдаланиш мезонларини белгилаш мумкин ва лозим. Барча ижтимоий субъектлар (давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маданият, таълим, фан, тарбия муассасалари, шу жумладан оила, микромуҳит ва ҳ.к.)нинг имкониятларидан ҳамда жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга барҳам бериш воситалари (усуллари, чора-тадбирлари)дан фойдаланиш ҳолати ҳамда унинг истиқболларини теран таҳлил қилиш лозим. Жамият бу борада ўз «заҳиралари»га эга. Масалан, биз оммавий маданият ва ахборот воситаларининг жиноятчиликка қарши курашдаги аҳамиятига ҳозиргача кам эътибор берамиз.

Криминологияда виқтимликни ўрганиш ва унинг олдини олиш вазифаси ҳам алоҳида диққатга сазовор. Бу ерда **жиноятларнинг барча турлари бўйича теран таҳлил** ҳамда виқтимликнинг олдини олиш юзасидан илмий асосланган тавсиялар зарур. Бунда жиноятлардан жабрланганларнинг пассив ҳуқ-атвори сабабларини ўрганиш ва аниқлаш, уларни тизимга солиш ва таснифлаш мақсадга мувофиқдир.

Айни вақтда, жиноятларни провокация қилиш (ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан, масалан, товламачилик йўли билан пора ундиришда; жиноятлардан жабрланганлар томонидан, масалан, номусга тегишда)ни ўрганиш ва олдини олиш муаммоларини ҳар томонлама тадқиқ қилиш фурсати етди.

Бундан ташқари, ҳозирги шароитда **ижтимоий адолатни тиклаш, айниқса, жиний қилмишлардан кўрилган маънавий, моддий ва жисмоний зарарни қоплаш** муаммоларини ўрганиш зарурати ҳам туғилди.

Ниҳоят, **қиёсий криминология асосларини** ишлаб чиқиш лозим, чунки жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида жиноятчиликка қарши кураш муаммоларига дуч келинмоқда. Бу ерда умумий вазифалар бисёр.

Жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонунчилик асосларини яратиш, нафақат ҳуқуқшуносларга, балки бошқа мутахассисларга ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарларига криминология ҳамда жиноятлар-

нинг олдини олиш асосларини ўргатиш фурсати етди. Бозор муносабатлари ва алоқаларини тартибга солишда ҳуқуқий нормалар ролининг кучайиши шуни тақозо этмоқда. Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бу муҳим давлат фаолиятини дастурлаштириш ва режалаштириш шартлари ва тартибини, маблағлар ва кадрлар билан таъминлаш манбаларини, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш органларининг жамоат бирлашмалари, айрим фуқаролар ёки уларнинг вакиллари билан ўзаро алоқа қилиш тартибини белгилаши лозим.

Шу муносабат билан умуман ҳуқуқбузарликларга, айниқса жиноятларга қарши кураш соҳасида жамоатчилик иштирокининг ҳуқуқий ва процессуал асослари аввало шахсий хавфсизликни амалда таъминлаш, фуқароларни жамият ва давлат номидан моддий ва маънавий рағбатлантириш нуқтаи назаридан тубдан қайта кўрилиши керак.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари тизимида, аввало Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, прокуратура ва суд органларида, солиқ, божхона ва чегара хизматларида жиноятларнинг олдини олиш бўйича махсус бўлимлар ва хизматлар барқарор ва изчил хусусиятга эга бўлиши лозим.

Жиноятчиликнинг олдини олиш, унга барҳам бериш пировард натижада профессионал кадрларга боғлиқ. Давлат органларининг нормал фаолият кўрсатиш учун бундай мутахассисларни, бутун кадрлар аппаратини сақлаш ва барча зарур нарсалар билан таъминлашга куч ва воситалар аялмаслиги керак.

Бугунги кунда нафақат маркетинг, аудит, менежмент соҳасида, балки ҳарбий прокуратура, солиқ, божхона, чегара ва бошқа хизматларда ҳам кадрлар тақчиллиги сезилмоқда. Демак, давлатнинг қонун устуворлигини, жамоат тартиби ҳамда ҳуқуқий тартибнинг барқарорлигини таъминлаши лозим бўлган давлат органлари учун юристлар тайёрлаш сиёсатида жиддий ўзгаришлар келтирилиши лозим. Ҳуқуқий давлат фақат ва фақат қонунга бўйсунадиган давлат органларининг пухта ташкил этилган тизими ва механизмига эга бўлиши керак.

Юридик олий ўқув юртларининг режа ва дастурларига ҳам ўзгаришлар киритилиши лозим.

Қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот учун курашда фуқаролик жамияти давлатга яқиндан ёрдам бериши даркор. Бу муҳим

соҳада давлат дастурини амалга ошириш учун жиноятчиликнинг олдини олишнинг барча субъектлари масъулдирлар.

Кўрсатилган ва бошқа муаммоларнинг ечимларини назарий ва методологик жиҳатдан асослаш криминология фани учун оғир, бироқ шарафли вазифа.

1.4. Криминология тизими ҳақида

МДХ доирасида мавжуд адабиётларда *криминологияни икки муҳим бўлим* (умумий ва махсус қисмлар)га ажратиш қабул қилинган. Бунда *Умумий қисм* қуйидаги муаммоларни қамраб олади: криминология тушунчаси, унинг предмети ва тизими; мамлакат криминологиясининг ҳолати ҳамда унинг вазифалари; криминология методлари; жиноятчилик, жиноятчилик сабаблари, жиноятчи шахси; муайян жиноятнинг шаклланиши ҳамда уни содир этиш механизми; жабрланувчи шахси; жиноятчиликнинг олдини олиш; жиноятчиликка қарши курашни прогноз қилиш ва режалаштириш.

Криминологиянинг *Махсус қисми* қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

- рецидив жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ҳамда унинг олдини олиш;
- вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик;
- касбий ва уюшган жиноятчилик;
- эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этишнинг криминологик тавсифи ҳамда унинг олдини олиш;
- аёллар жиноятчилиги;
- зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар;
- тамагирлик жиноятлари;
- ичкиликбозлик ва алкоголизм билан боғлиқ жиноятлар;
- гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятлар;
- аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш билан боғлиқ жиноятчилик;
- мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш билан боғлиқ жиноятчилик;
- компьютер техникаси билан боғлиқ жиноятчилик ва ҳ.к.

Шуни эътиборга олиш лозимки, у ёки бу муаммолар муҳим аҳамият касб этган, илмий тадқиқот материаллари тўпланган ҳолларда криминологиянинг Махсус қисми янгиланиши ва янги

мустақил мавзулар билан бойитилиши керак. Масалан, экологик ҳамда халқаро жиноятчиликни, маънавиятга қарши жиноятчилик, хусусан сексуал жиноятчиликни; иқтисодий жиноятчилик, мансабдорлик жиноятлари, компьютер ҳамда гиёҳвандлик жиноятчилигини криминологик жиҳатдан тавсифлаш ҳамда уларнинг олдини олиш зарурати туғилди.

Айни вақтда, криминология тизимида унинг учинчи муҳим қисми – айрим турдаги жиноятлар (ўғирлик, одам ўлдириш, Ватанга хиёнат, дезертирлик ва ҳ.к.) тавсифи ҳамда уларнинг олдини олиш ҳам ажратилиши лозим. Умумий, хусусий ва айрим фалсафий категория қонуниятларининг намоён бўлиш мантиқи шундай.

2-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИК ТУШУНЧАСИ, УНИНГ АСОСИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ ВА ТУРЛАРИ

1. Жиноятчилик тушунчаси ва унинг белгилари
2. Жиноятчилик кўрсаткичлари
3. Жиноятчилик таркиби
4. Жиноятчилик динамикаси

2.1. Жиноятчилик тушунчаси ва унинг белгилари

«Жиноятчилик» тушунчаси криминологиянинг энг муҳим ва айтилиши вақтда энг қамровли тушунчасидир. Унга камида икки нуқтаи назардан: формал миқдорий (статистик) ва сифат (социологик) томонлардан ёндашиш мумкин.

Миқдорий (статистик) нуқтаи назардан жиноятчилик бир эмас, кўплаб жиноятлар, уларнинг муайян йиғиндиси, яъни ғайриижтимоий ва хавфли қилмишларнинг қандайдир мажмуи мавжудлигини англатади.

Гап шундаки, ҳодисалар ҳаракатининг ҳар қандай ички қонуни муайян ҳодисалар кенг миқёсда рўй берган ҳолдагина муайян тарзда намоён бўлади.

Айрим ғайриижтимоий қилмишлар жиноятчилик ҳодисасини вужудга келтириши мумкин эмас.

Жиноятчиликнинг миқдор жиҳати муҳим аҳамиятга эга. Лекин унга ортиқча аҳамият юклаш ҳам тўғри бўлмайди. Масалан, профессор В.М.Коган жиноятчиликнинг ижтимоий хоссаларини ўрганиб чиқиб, унга: «Муайян жойда муайян вақтда содир этилган барча жиноятлар мажмуи ҳамда ушбу жиноятларни содир этишда айбдор барча жиноятчилар мажмуи»¹, деб таъриф беради.

Шу билан бирга, «жиноятчилик» тушунчасини унинг сифати ва мазмуни нуқтаи назаридан ўрганиш муҳимроқдир. Бу криминология предмети билан узвий боғлиқ. Жиноят ҳуқуқи, жиноят процесси ва умуман криминалистика жиноят шакллари ўрганиш билан чекланади ва шу боисдан муайян қилмишни давлат томонидан тартибга солиш ва уни жиноят-ҳуқуқий, жиноят-процессуал ва криминалистика мезонларига кўра баҳолаш муаммоларини ишлаб чиқади.

¹ Коган В.М. Социальные свойства преступности. – М., 1977. – 37-б.

Криминология эса, асосан жиноятчилик мазмунини (моҳиятини) ўрганади. Шу нуқтаи назардан «жиноятчилик» тушунчаси унинг жамият тараққиёти, энг аввало унинг ишлаб чиқариш ва тақсимлаш муносабатлари ҳолати билан боғлиқ объективлигини акс эттиради.

Жиноятчилик тушунчаси жамият тараққиётининг муайян босқичида, нафақат айрим ижтимоий хавфли қилмишлар, балки уларнинг муайян мажмуи мавжудлиги ва у бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқлиги тушуниб етилганидан сўнг пайдо бўлди.

Бинобарин, жиноятчилик тушунчасининг мазмуни у нафақат объектив, балки ижтимоий ҳодиса, яъни кишилик жамияти ва унинг қонунлари билан боғлиқ эканлигини англатади. Шунинг учун ҳам жиноятчилик тушунчасига таъриф берган кўпгина муаллифлар унга энг аввало ижтимоий ҳодиса сифатида қарайди.

Жиноятчилик нафақат нисбатан оммавий, объектив ва ижтимоий, балки тарихан ўзгарувчан ҳодиса ҳамдир. Турли тарихий шароитда ва турли жамиятларда кишиларнинг айти бир ғайриижтимоий қилмишлари ҳар хил баҳоланган. Жиноятчилик ўз ижтимоий моҳиятига кўра ҳам, намоён бўлган жойига кўра ҳам ўзгарувчандир. Масалан, жиноятлар доираси нафақат турли ижтимоий-иқтисодий тузумларда, балки ҳатто айти бир тузумга мансуб давлатларда ҳам бир хил эмас. Боз устига, жиноятлар доираси айти бир тузумга мансуб бир давлат тарихида ҳам ўзгариб туради.

Ишлаб чиқаришнинг ривожланмаганлиги, жуда катта ҳудудда кам аҳоли яшаши ибтидоий одамни ўз хулқ-атворини уруғ ва қабила манфаатларига мослаштиришга мажбур этарди. Уруғдошлик жамияти шароитида яшаган одамларнинг кўп сонли авлодлари коллективизм, ўзаро ёрдам, тенглик, эркинлик, ҳалоллик, қариялар, беморларга ғамхўрлик туйғуларига асосланган урф-одатларни шакллантирдилар.

Аммо вақт ўтиши билан янги ишлаб чиқариш шакллариининг вужудга келиши, ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши иқтисодий, психологик ва ижтимоий ҳодисаларнинг ўзаро таъсири шунга олиб келдики, айрим ғайриижтимоий қилмишлар нисбатан оммавий ҳодисага айланиб қолди.

Жиноятчилик – шубҳасиз, ғайриижтимоий салбий ҳодиса. Ҳолбуки, криминология тарихида уни ижтимоий ижобий ҳоди-

са сифатида баҳолашга уринишлар ҳам бўлган. Масалан, XIX асрда яшаган таниқли социолог Эмил Дюркгейм жиноятчилик тараққиётни ҳаракатлантирувчи куч, у жамиятда муҳим фойдали функцияни бажаради¹, деган фикрни илгари сурган.

Америкалик социолог Р.Мертон фикрига кўра, жиноятчилик – ижтимоий ҳаёт суръатлари жадаллашуви ҳисобига жамият тўлаши лозим бўлган ҳақдир.

Бошқа бир америкалик криминолог Танненбаум 1944 йилда Барнз ва Титерзнинг «Криминологиянинг янги уфқлари» номли китобига ёзган сўзбошисида: «Жиноятчилик – жамият каби абадийдир. Жиноятчиликка барҳам бериш мумкин эмас. Жиноятчилик – касаллик, ўлим каби абадий ҳодисадир», деб таъкидлаган эди².

Немис криминологи Арманд Морген 1961 йилдаёқ «жиноят - кадим замонлардан бери мавжуд бўлган ва токи жамият мавжуд экан, ҳеч қачон йўқолмайдиган ҳодисадир», деб ёзган эди.

Айрим криминологлар жиноятчилик нафақат нормал, балки фойдали ҳодисадир, чунки у жамият аъзоларида ҳамжиҳатлик туйғулари мустаҳкамланишига кўмаклашади, деган фикрни илгари суради. Табиийки, бу фикрга қўшилиш қийин, чунки жиноятчи энг аввало ўзини бошқа шахсларга қарама-қарши қўяди, уларнинг манфаатларини муайян жинсий қилмиш билан бузади.

Ниҳоят, жиноятчилик – жиноят-ҳуқуқий ҳодисадир, чунки унинг таркибидан ўрин олган жиноятлар доираси амалдаги жиноят қонунчилигида белгилаб қўйилади. Биз жиноятчилик тўғрисида сўз юритганимизда, давлат томонидан тан олинган ижтимоий-хавфли ва ғайриҳуқуқий қилмишлар (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлик) мажмуидан келиб чиқамиз.

Жиноятчилик ўзининг ҳуқуқий белгиси билан бошқа ижтимоий ҳодисалар (ахлоқий нормалар)дан, жиноят-ҳуқуқий белгиси билан эса – бошқа, жиноят ҳисобланмайдиган жинсий (интизомий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий ва б.) ҳуқуқбузарликлардан фарқ қилади.

Шундай қилиб, жиноятчилик бир қанча ўзига хос белгиларга эгадир. Булар: нисбатан оммавийлик, тарихий ўзгарувчанлик, объективлик, ижтимоийлик, жиноят-ҳуқуқийлик, у ёки бу дав-

¹ Дюркгейм Э. Норма и патология // Социология преступности. – М., 1966. – 39-б.

² Преступление как социально патологическое явление. – СПб., 1900. – 7-б.

латда муайян даврда содир этилган барча жиноятларнинг умумий миқдори ва ҳ.к. Бошқача айтганда, **жиноятчилик – муайян макон, минтақада маълум давр ичида содир этилган барча жиноятлар мажмуи кўринишидаги тарихан ўзгарувчан, салбий, объектив ва ижтимоий ҳодисадир.**

2.2. Жиноятчилик кўрсаткичлари

Жиноятчиликнинг ҳолати. Жиноятчилик уч асосий кўрсаткич ҳолати (даражаси), таркиби ва динамикаси билан ўлчанади. Бундан ташқари, жиноятчиликнинг етказилган зарар ҳажми ёки миқдори ва хусусияти каби қўшимча кўрсаткичлари ҳам фарқланади. Баъзан жиноятчиликка қарши кураш харажатлари ҳам жиноятчилик кўрсаткичлари қаторига киритилади.

Жиноятчиликнинг ҳолати тушунчасига икки: тор ва кенг нуқтаи назардан ёндашиш мумкин.

Кенг маънодаги жиноятчиликнинг ҳолати тушунчаси нафақат унинг даражасини, балки таркиби ва динамикасини ҳам қамраб олади.

Тор маънодаги жиноятчиликнинг ҳолати тушунчаси муайян даврда, тарихий босқичда жиноятчилик даражасини акс эттиради. Хўш, жиноятчиликнинг ҳолатига нима киради? Жиноятлар мажмуими ёки барча жиноятчилар мажмуими?

И.И.Карпец: «Жиноятчиликнинг ҳолати – содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар миқдоридир»¹, деб ёзган эди. Жиноятчиликнинг ҳолати тушунчасига умумий таъриф берилган ҳолда ушбу ёндашувга қўшилиш мумкин. Лекин адабиётларда жиноятчиликнинг ҳолати тушунчасини муайянлаштиришга уринишлар (шу жумладан жиноятчилик даражасини аниқлаш йўли билан) кузатилади.

Профессор Г.А.Аванесов шундай деб ёзади: «Жиноятчилик даражаси муайян ҳудудда содир этилган жиноятлар миқдоридан келиб чиқиб, шу ҳудудда яшайдиган аҳоли сонига нисбатан ҳисобланади». Даража кўрсаткичлари фақат нисбий рақамларда ифодаланади. Жиноятчилик даражасини янада аниқроқ аниқлаш учун бутун аҳолини эмас, балки вакиллари амалдаги жиноят қонунчилигига мувофиқ жиноят учун жавобгарликка тор-

¹ Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – 109-б.

тилиши мумкин бўлган ёш гуруҳларинигина ҳисобга олиш зарур¹.

Айрим муаллифлар жиноятчиликнинг ҳолати ва даражасини аниқлашда муайян ҳудудда маълум вақт давомида содир этилган жиноятлар ва уларни содир этган шахслар тўғрисида сўз юритадилар.

Жиноятчиликнинг ҳолатини аниқлашда муайян давр ичида (фалон йилнинг фалон ойидан фалон йилнинг фалон ойигача) содир этилган жиноятлар эмас, балки муайян санага (даврга) қадар содир этилган жиноятлар кўрсаткичи олинса, ўринлироқ бўлади деб ўйлаймиз. Бу нафақат жиноятчиликнинг муайян санага қадар бўлган ҳолати тўғрисидаги масалани ечиш, балки жиноятчиликнинг муайян санага қадар бўлган ҳолатини жиноятчиликнинг муайян даврдаги динамикасида фарқлаш учун ҳам зарурдир.

Жиноятчиликнинг ҳолати содир этилган барча жиноятлар ва уларни содир этишда айбдор шахслар миқдори билан белгиланади. Жиноятчиликнинг ҳолатини мутлақ миқдорда ҳам, коэффициент миқдорида ҳам аниқлаш мумкин.

Жиноятлар миқдорини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) суд ҳукми билан юритиш тугалланган жиноятлар;

б) айбдор шахслар жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган (амнистия бўйича ёки жиноий жазо тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари ёки тарбиявий йўсиндаги чоралар ёхуд маъмурий таъсир чоралари билан алмаштирилиши муносабати билан) жиноятлар;

в) очилмаган, лекин мавжуд маълумотларга кўра содир этилган жиноятлар.

Жиноятчиларнинг умумий миқдорини аниқлашда қуйидагилар ҳисобга олинади:

а) маҳкумлар ҳақидаги маълумотлар;

б) жиноий жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинган шахслар ҳақидаги маълумотлар.

Йиғма тушунча бўлган жиноятчиликнинг ҳолати нафақат миқдорий белгилар, балки сифат белгилари, чунончи: таркибий хусусиятлари, жиноятлардан кўрилган зарар, иқтисодий, уюшган, такрорий ёки бошқа жиноятчилик даражаси билан ҳам -

¹ Қаранг: Криминология и социальная профилактика. – 60-б.

тавсифланиши мумкинки, бу жиноятчилик таркибини таҳлил қилишда муфассалроқ ўрганилади.

Жиноятчиликнинг даражаси бир қанча коэффициентлар билан аниқланади. Коэффициентлар ҳар хил бўлиши мумкин, лекин улар орасида жиноятчилик, аниқроғи – жиноятлар коэффициенти ва аҳолининг криминоген зарарланганлик (криминогенлик) коэффициенти муҳим ўрин эгаллайди.

Жиноятчилик коэффициенти ҳисобга олинган барча жиноятлар умумий миқдори ва танланган минтақа аҳолисининг муайян масса (миқёс)га бўлинган умумий миқдори нисбати сифатида аниқланади.

Масса ёки миқёс – коэффициент ҳисобланаётган аҳолининг асосий миқдори. Одатда жаҳон криминология амалиётида у 100 минг кишига тенг деб олинади. Аммо масса (миқёс) ҳаракатчан категория бўлиб, муайян маъмурий ёки бошқа ҳудуд (муайян контингент, минтақа, республика, ўлка, вилоят, туман, шаҳар)да яшовчи аҳолининг умумий миқдорига қараб ўзгариши мумкин.

Масалан, Т. шаҳрида 1999 йилда мингта жиноят рўйхатга олинган. Шаҳар аҳолиси 3 миллион кишидан иборат. Жиноятчилик коэффициенти (ҳар 100 минг аҳолига) тахминан 333 ни ташкил этади.

Жиноятчилик коэффициентини ҳисоблаш формуласи:

$$K_{\text{ж}} = \frac{\text{Жиноятлар миқдори} \times 100 \text{ минг (масса)}}{\text{Бутун аҳоли миқдори}}$$

Аҳолининг криминоген жиҳатдан зарарланганлик (криминогенлик) коэффициенти жиноятчилар (муайян даврда жиноят содир этган шахслар) умумий миқдори ва танланган масса (миқёс)га бўлинган ушбу ҳудудда яшовчи жиноий жавобгарлик ёшига (Ўзбекистон Республикаси ЖК бўйича – 14 ёшга) тўлган барча шахсларнинг нисбати сифатида аниқланади.

Масалан, ўша Т. шаҳрида 1999 йилда 900 жиноятчи – жиноят содир этган шахслар рўйхатга олинган. Шаҳар аҳолиси, 14 ёшга тўлмаган шахслардан ташқари, 200 кишидан иборат. Бунда аҳолининг криминогенлик коэффициенти ҳар 100 минг кишига нисбатан 450 га тенг бўлади.

Аҳолининг криминоген жиҳатдан зарарланганлик коэффициентини ҳисоблаш формуласи:

$$K_{кз} = \frac{\text{Жиноятлар миқдори} \times 100 \text{ минг (масса)}}{14 \text{ ёшдан катта бўлган аҳоли миқдори}}$$

В.В.Лунеев «XX аср жиноятчилиги» китобида 1994 йил жаҳоннинг турли мамлакатларида рўйхатга олинган жиноятчилик коэффициентлари (ҳар 100 минг аҳолига нисбатан) ҳақида қуйидаги маълумотларни келтиради:

Финляндия	-	14798
Швеция	-	12620
Дания	-	10524
Канада	-	10351
Германия	-	8037
Франция	-	6782
Венгрия	-	3789
Болгария	-	2522
Польша	-	2351
Россия	-	1778
Япония	-	1490
Португалия	-	988
Хитой	-	127

АҚШда энг оғир 8 жиноят бўйича жиноятчилик коэффициенти 53714 ни ташкил этади.

Ироқлик олим М.Раишаҳрий келтирган маълумотларига кўра, бир йилда (1989) Ер юзида рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий миқдори 500 миллионга етган. Агар шу суръат сақланиб қолса, XXI асрнинг биринчи ярмида бу рақам миллиарддан ошиб кетиши мумкин.¹ В.Лунеев маълумотларига кўра, охириги 25 йил ичида жаҳонда жиноятчилик ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 4 барабар кўпайган.

Ниҳоят, «латент», яъни «яширин» жиноятчиликсиз жиноятчиликнинг ҳолати умумий тушунчасининг тавсифи тўлиқ бўлмайди, деб ўйлаймиз.

Латент жиноятчилик умуман олганда *икки қисмдан* иборат.

¹ Иншаков С.М. Криминология. – М., 2000. – 20-б.

Биринчи қисм ҳисобга олинмаган ёхуд давлат идоралари, аввало ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан рўйхатга олинмаган жиноятларни қамраб олади. Бу асосан жиноятлар ҳисобини юритиш ва уларни рўйхатга олиш қониқарсиз ташкил этилганлиги натижасидир. Аммо жиноятлар ҳақидаги ҳар хил ахборотларни ҳисобга олишдан ҳар хил сабабларга кўра (аввало муайян қонунбузарликлардан холилик муҳитини сохта равишда вужудга келтириш учун) онгли тарзда яшириш ҳолатлари ҳам учраб туради.

Давлат органлари томонидан рўйхатга олинадиган жиноятлар «музтоғ» («айсберг»)нинг сув юзасидаги қисми эканлиги, унинг тўртдан уч қисми яширинлиги умум эътироф этилган. Масалан, ўғриликлар сони жуда кўплиги шубҳасиз. Лекин амалда ҳар уч ўғриликдан бири рўйхатга олинади.

Латент жиноятчиликнинг *иккинчи қисми* амалда мавжуд бўлган ва кўпчилик жиноят сифатида қабул қиладиган, лекин ҳозиргача давлат томонидан жиноят сифатида расман тан олинмаган ижтимоий хавfli қилмишлардан иборат. Илгари амал қилган аналогия институти, гарчи бу қонунийликка зид бўлсада, қонунчиликдаги муайян камчиликлар ўрнини тўлдириш имконини берарди. Маълумки, 1959 йил ЎзССР Жиноят кодекси қабул қилинганидан сўнг, аналогия, яъни муайян моддада муфассал ёки тўғридан-тўғри назарда тутилмаган қилмишни жиноий деб топиш бекор қилинди.

Масалан, экология соҳасидаги жиноий қилмишлар, «халқаро» жиноятлар, «оқёқалилар»нинг жиноий қилмишлари (мансабдорлик жиноятларининг ҳар хил турлари), аксарият иқтисодий жиноятлар (ноқонуний кредитлаш, даромадни ҳисоб ва солиқдан яшириш, корхона учун фойдасизлиги аён битим тузиш, сохта корхона ташкил этиш, нарх-навони сунъий тарзда ошириш, қалбаки товарлар чиқариш ва б.) ва компьютер жиноятчилиги асосан латент (яширин) бўлиб қолаётир. Уларни криминологик жиҳатдан ҳар томонлама ўрганиш ва уларнинг жиноят-ҳуқуқий кўрсаткичларини аниқлаш ҳозирги даврнинг мушкул ва долзарб вазифаларидан биридир. Зотан, латентлик ҳодисаси жуда кўп салбий оқибатларга сабаб бўлади. У жиноятчиликнинг ҳақиқий миқёси, шакллари ва таркиби, жамият, давлат ва фуқароларга етказилган маънавий ва моддий зарарнинг миқдори ва хусусияти ҳақида нотўғри тасаввур беради. Латентлик натижа-

сида жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи барча ҳолатларни аниқлаш, жиноят учун жазонинг муқаррарлиги принципини рўёбга чиқариш қийинлашади, жиноятчиларда ва аҳолининг бошқа қатламларида жазосизлик туйғуси шаклланади, давлат ва жамиятнинг турли минтақаларда ва бутун давлат миқёсида жиноятчиликни прогноз қилиш имконияти чекланади, бу эса жиноятчиликнинг олдини олиш соҳасида амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади.

2.3. Жиноятчилик таркиби

Ҳар қандай ҳодиса, муайян комплекс, тизимнинг таркиби – комплекс, тизимнинг ички элементлари ўртасидаги ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи нисбатдир.

Жиноятчилик таркиби – бу муайян мамлакатда, минтақада маълум даврда ёхуд тарихий босқичда содир этилган барча жиноятларнинг **турларга тақсимланган** мажмуидир. Жиноятларнинг турлари бир қанча гуруҳларга ажратилади. Уларнинг энг муҳимлари ижтимоий-демографик, жиноят-ҳуқуқий ва криминологик белгилардир.

Жиноятчилик таркиби, умуман олганда, уни сифат жиҳатидан, яъни жиноятчиликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифлайди. Жиноятчилик таркиби умумий кўринишда жиноятчиликни ташкил этувчи қилмишлар (айрим қилмишлар ҳамда улар гуруҳларининг) ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини акс эттиради. Шунинг учун ҳам жиноятларнинг оғирлик даражасига кўра ўзаро нисбати (**ўта оғир, оғир, унча оғир бўлмаган ва ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар**) жиноятчилик таркибининг энг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 15-моддаси).

Жиноятчилик таркиби жиноят-ҳуқуқий белгиларга кўра бошқа кўрсаткичлар бўйича тақсимланиши ҳам мумкин:

- а) ЖК Махсус қисми боблари (моддалари) бўйича;
- б) айб шакллари бўйича;
- в) жазонинг хусусияти бўйича;
- г) иштирокчилик шакли бўйича;
- д) такрорийлик белгисига кўра;

е) субъектнинг ўзига хос хусусиятларига кўра (вояга етмаганлик, махсус субъектлар, «профессионаллар» ва ҳ.к.).

Жиноятчилик таркиби криминологик белгиларга кўра қуйидагича тақсимланиши мумкин:

а) ҳудудий белгига кўра (вилоятлар, туманлар, минтақалар ёки алоҳида объектлар бўйича);

б) ҳўжалик юритиш, бошқариш ёки жамият ҳаёти тармоқлари бўйича;

в) хусусияти ва мотивларига кўра (давлатга қарши жиноятлар, ғаразғўйлик жиноятлари, зўравонлик жиноятлари, экология соҳасидаги жиноятлар, халқаро жиноятлар ва ҳ.к.);

г) жиноят содир этилган вақт ва жойга кўра;

д) жиноят содир этиш қуроллари (воситалари)га кўра;

е) тарқалганлигига кўра.

Жиноятчилик таркиби, айниқса, жиноятчининг шахсига нисбатан, ижтимоий-демографик белгилар (жинси, ёши, касби, оилавий аҳволи ва ҳ.к.)га кўра ҳам тақсимланади.

Криминология фанида жиноятчиликнинг **тўлиқ таркиби ва нотўлиқ таркиби** фарқланади. Жиноятчиликнинг тўлиқ таркибида унинг мажмуи (массаси) мумкин бўлган барча гуруҳлаш белгилари бўйича тақсимланади. Жиноятчиликнинг нотўлиқ таркиби эса айрим зарур гуруҳлаш белгилари нуқтаи назаридан таҳлил қилишни назарда тутаяди (масалан, бутун массада қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг ўзаро нисбатини аниқлаш учун ёхуд муайян даврда жиноят содир этган шахсларнинг жинси, ёшини аниқлаш учун).

2.4. Жиноятчилик динамикаси

Жиноятчилик динамикаси – муайян давр (ой, чорак, ярим йиллик, йил, беш йиллик, ўн йиллик, йигирма йиллик ва ҳ.к.) оралиғида умуман жиноятчиликнинг ҳамда унинг таркибий кўрсаткичларининг ўсиш ёки камайиш томонга ҳаракати. Жиноятчилик динамикасига жуда кўп омиллар таъсир кўрсатади. Уларнинг энг муҳимларини **иккита: ижтимоий омиллар ва юридик омиллар** гуруҳларига бирлаштириш мумкин. Ижтимоий омилларга жиноятчилик сабаблари ва уни вужудга келтирган шарт-шароит, аҳолининг демографик таркиби, миграция ва ҳ.к. киради.

Иккинчи гуруҳга жиноий ва маъмурий жазо тизимида, қонунларга киритилган, жиноий ёки бошқа жазога лойиқ қилмишлар доирасини торайтирувчи ёки кенгайтирувчи, муайян жиноятлар таснифини ўзгартирувчи ўзгартиш ва қўшимчаларни киритиш мумкин. Жиноятчилик динамикаси жиноятлар ҳисобини юритиш ва уларни рўйхатга олишнинг ҳолати, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари (суриштирувчи, тергов ва суд)нинг шу жумладан жиноятларни ўз вақтида аниқлаш ва айбдорларни фош этиш, жазонинг муқаррарлиги принципини таъминлаш борасидаги самарали фаолияти билан ҳам боғлиқдир.

3-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ САБАБЛАРИ

1. Сабабиятни билишнинг асосий принциплари
2. Жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги асосий назариялари
3. Жиноятчилик сабабларини таснифлаш муаммоси

3.1. Сабабиятни билишнинг асосий принциплари

Криминологияда сабабият – энг мураккаб муаммолардан биридир. Шу сабабли унга изчил ва муфассал ёндашиш зарур. Хўш, сабабиятни билишнинг асосий методологик қоидалари қайси?

Ҳар қандай ҳодисаларнинг келиб чиқишини тавсифловчи умумий категория «детерминация» (лотинча *determinare* – аниқлаш) деб аталади.

Детерминация ҳодисалар, жараёнлар ва ҳолатларнинг объектив тарздаги мавжуд бўлган боғлиқлигидир. Атрофимизда мавжуд ҳар бир ҳодиса улкан дунёга минглаб ришталар билан боғланади ва пировардида умумий универсал алоқа ва ўзаро боғланишларнинг ягона жараёнини вужудга келтиради.

Диалектика қонуни мавжуд барча нарсалар ва ҳодисалар муттасил ҳаракатда бўлади деб ўргатади. Ҳар бир ҳодисанинг ҳаракати шу ҳодиса муносабатларининг рўёбга чиқиш жараёнидир. Борлиқнинг умумий боғланиши объектив дунё фаолияти ва ривожланишининг энг универсал қонуниятларидан биридир. Ҳар бир ҳодиса, объектив борлиқнинг исталган предмети ва жараёни воқеаларнинг умумий занжиридаги муайян бир **бўғин**, *лаҳза*дир.

Материя ҳаракатининг асосий шакллариға мувофиқ одатда борлиқнинг нисбатан мустақил жабҳалари фарқланади. Бу жабҳаларнинг ҳар бирида борлиқ ҳодисаларининг умумий боғланиши ўзига хос тарзда, чунончи: элементар зарралар шаклида, механик, физик, кимёвий, биологик ва ниҳоят, ижтимоий кўринишда намоён бўлади. Ҳодисаларнинг умумий боғланиши ўз чўққисига фақат ўзининг ижтимоий кўринишидагина етади. Шу боисдан бу кўриниш унинг энг олий шакли ҳисобланади.

Детерминациянинг бир қанча турлари мавжуд: ҳолатлар боғланиши, функциялар боғланиши, корреляция, сабабият ва ҳоказо.

Сабабий боғланиш детерминациянинг асосий тури ёки детерминация ҳақидаги таълимотнинг ўзагидир. Сабабият детерминациянинг ички мазмунини, унинг моҳиятини ташкил этади.

Сабабий боғланиш ҳам умумийлик, муқаррарлик, замон ва маконда узлуксизлик каби ўзига хос хусусиятларга эгадир. Ўз табиатига кўра сабабият – ирсий боғланишдир, чунки сабаб муайян оқибатга олиб келади.

Ҳодисаларнинг сабабий боғланиши шундан иборатки, бир ҳодиса муқаррар тарзда бошқа ҳодисани келтириб чиқаради. Ҳар қандай ҳодиса ўз сабабига эга бўлади, яъни сабабсиз ҳодисалар бўлмайди. Ҳар қандай ҳодиса бирон-бир сабаб билан белгиланади. Худди шунингдек, бирон-бир оқибатни келтириб чиқармайдиган сабаб ҳам мавжуд эмас. Сабабият нафақат бири-бирига таъсир кўрсатувчи муайян ҳодисаларни тавсифлайди, балки ҳодисанинг ўзгаришига сабаб бўладиган муайян механизмни ҳам ифодалайди.

Сабабият категорияси нафақат сабабни, балки шарт, натижа (оқибат)ни, улар ўртасидаги боғланишни ҳамда сабаб ва оқибат ўртасидаги тесқари алоқани ҳам қамраб олади. Ҳар қандай сабаб ҳар хил шартлар билан таъсирга киришади. Сабаб ва шарт ўртасидаги фарқ нимада кўринади? У – шартлидир.

Бироқ, оқибатни келтириб чиқарадиган сабаб оқибат келиб чиқиши учун зарур бўлган ҳодисанинг муайян тарзда ривожланишини таъминлайди.

Фалсафада боғлиқ, зарур ва етарли шартлар фарқланади.

Сабаб пайдо бўлиш жойи ва вақтининг тафсилотлари билан боғлиқ шартлар ҳисобланади.

Оқибат рўй бериши учун зарур бўлган шартлар зарур шартлар деб топилади.

«Барча зарур шартлар мажмуи етарли шартларни ташкил этади, - деб ёзади В.Н.Кудрявцев. – Етарли шартлар ва сабаб мавжуд бўлса, оқибат муқаррар тарзда рўй беради»¹.

Атрофлича таҳлил қилганда сабаб ва шарт ўртасидаги фарқ нисбий эканлиги англашилади. Сабабнинг ирсий хусусиятигина сабаб оқибатни келтириб чиқаришини, шарт эса бунга имконият яратиши, яъни кўмаклашишини кўрсатади. Буни фақат муайян ҳолат бўйича аниқлаш зарур.

¹ Кудрявцев В.Н. Понятия советской криминологии. – М., 1985. – 35-б.

Сабаб ва оқибат муайян қонуниятлар билан боғлиқ. Қонуниятлар динамик ва статистик бўлади.

Динамик қонун – бир хилда, бирон-бир истисносиз амалга ошувчи ҳодисалар туркуми қонунидир (масалан, бутун олам тортишиш қонуни).

Ижтимоий ҳодисалар соҳасида кўпроқ статистик қонуниятлар намоён бўлади. Бу ерда бир эмас, жуда кўп сабабий боғланишлар мавжуд бўлиб, улар жамулжам ҳолда оммавий ҳодисаларни (масалан, жиноятчиликни) вужудга келтиради.

Жамият – ўз-ўзидан ривожланувчи ҳодиса, ҳар қандай ривожланиш эса – қарама-қаршиликлар курашидир. Бу умуман тизимнинг ва унинг муайян элементларининг хоссалари ўртасида қарама-қаршиликни назарда тутди.

Ижтимоий сабабларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, улар нарсалар ёки моддий жисмлар сифатида амал қилмайди, балки ҳолат, жараён, муносабатлар кўринишида намоён бўлади.

Методологияда «муносабат» категорияси барча ҳодисаларнинг ўзаро боғланиш вақти, деб таърифланади. Бу боғланишнинг муайян шакли ижтимоий муносабат сифатида амал қилади.

Ижтимоий мавжудот сифатидаги бош бўғинни ташкил этувчи инсон фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар алоҳида хусусиятга эгадир. Одам ўзи яратган нарсалар билан муайян муносабатларга киришади. Билиш субъекти ўзини ўзи кузатади ва ўзига одам сифатида қарай бошлайди, бошқа одамга эса ўзига ўхшаш мавжудот сифатида муносабатда бўлади. Инсон онгининг ижтимоий табиати ва билиш жараёнида ижтимоий онгни ўрганиш зарурлиги шу билан изоҳланади.

Ижтимоий муносабатлар одамлар ўртасида ҳам амалий (шу жумладан билиш), ҳам маънавий ҳаёт фаолияти жараёнида юзага келади. Шунинг учун ҳам ижтимоий муносабатлар тизимида энг аввало ишлаб чиқариш муносабатлари фарқланади. Ушбу муносабатлар бошқа ижтимоий муносабатлар (сиёсий, ҳуқуқий, диний, ахлоқий ва ҳ.к.) мазмунини белгилайди.

Ижтимоий муносабат мазмунига кўра ҳам, таркиби жиҳатидан ҳам мураккаб ҳодисадир. Ижтимоий муносабатнинг асосий элементлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин: жамият, давлат ва уларнинг қонун-қоидалари, тузилмалари, вакиллари; одамларнинг ҳар хил бирлашмалари ва жамоалари, алоҳида

шахслар; моддий борлиқ предметлари ҳамда ҳар хил шаклларда, шу жумладан ҳуқуқий шаклда намоён бўлувчи ижтимоий муносабатлар иштирокчилари ўртасидаги боғланиш.

Ҳар қандай шахс муайян жинойтни содир этар экан, ижтимоий муносабатнинг у ёки бу элементларига тажовуз қилади, уларнинг ўзаро боғланишини бузади ва шу тариқа муносабат иштирокчиларининг манфаатларига бевосита ёки билвосита зарар етказди.

Кўриб турганимиздек, сабабий боғланиш инсон, айниқса, унинг онги билан узвийдир. У инсон хулқ-атворининг мотиви ёки мақсади кўринишида намоён бўлади. Ижтимоий ҳаёт соҳасидаги сабабий боғланишнинг муҳим хусусияти ана шундан иборат.

Юқорида айтилганлардан баъзи бир хулосалар чиқариш мумкин.

Биринчидан, ғайриижтимоий ҳодисалар, шу жумладан жинойтчилик фақат ижтимоий муносабатлар доирасида ўз сабабларига эга бўлади, шу сабабли асосан ижтимоий хусусият касб этади. Умуман олганда, бу ҳаётнинг иқтисодий шароитларини, инсон психологиясини, унинг эҳтиёжлари, манфаатлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини, кичик ва катта ижтимоий гуруҳдаги одамларнинг ўзаро муносабатларини (оила, ишлаб чиқариш муносабатлари, яқин муҳитини), қарашлари, эътиқодлари, қадриятлари ва мўлжалларини қамраб олади. Бинобарин, жинойтчилик сабаблари муаммолари ижтимоий институтлар нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим.

Иккинчидан, жинойтлар ва жинойтчиликнинг бирон-бир ягона сабабини кўрсатиш методологик жиҳатдан нотўғри бўлар эди. Сабаб – комплекс ҳодиса. Тўғри, бу ерда ҳал қилувчи, асосий, туб ҳамда иккинчи даражали, юзаки, ташқи ва ички, объектив ва субъектив сабаблар фарқланиши мумкин.

Учинчидан, бинобарин, жинойтчилик сабаблари муаммосига бир томонлама эмас, балки кўп томонлама ёндашиш ҳам мумкинки, уни тушунтириш билан боғлиқ изланишлар тарихи бунни тасдиқлайди.

3.2. Жиноятчилик сабаблари тўғрисидаги асосий назариялари

Жиноятчилик сабаблари муаммоси энг қадимги муаммолардан биридир. Бу муаммонинг жуда кўп концепциялари ишлаб чиқилган бўлиб, улар жиноятчилик ҳодисаси ва унинг келиб чиқишини ҳар хил нуқтаи назардан, чунончи: теология ва астрология, антропология ва биология, бионика ва кибернетика, генетика ва психология нуқтаи назаридан тушунтиради. Таҳлил бир таълимотни иккинчи таълимотдан фарқлаш жуда қийинлигини кўрсатади. Шу боис бу таълимотлар таснифи анча шартли бўлиб қолаётир. Шундан келиб чиқиб, биз жиноятчилик сабабларини тушунтиришнинг турли оқимларига оид материални баён этишга ҳаракат қиламиз.

Жиноятчилик сабабларини тушунтиришга оид ижтимоий адабиётларда асосан икки йўналиш: биологик ва социологик йўналишлар фарқланади. Аммо масалага яқиндан қарайдиган бўлсак, улардан ташқари, бошқа бир қанча таълимотларни ҳам кўришимиз мумкин.

Муаммога хронологик нуқтаи назардан ёндашадиган бўлсак, **илоҳиётни** энг қадимги таълимот деб ҳисоблаш мумкин. Унинг жиноятчилик сабабларини тушунтириш билан боғлиқ асосий қоидалари қандай?

Биринчидан, шуни таъкидлаш лозимки, илоҳиётда жиноят (жиноятчилик) тушунчаси ўрнига кенгроқ ва қамровлироқ бўлган *гуноҳ* атамаси қўлланилади. Аммо «гуноҳ» тушунчаси одамлар ва жамият учун ўта хавфли бўлган инсон хулқ-атвори сифатидаги жиноятни ҳам ўз ичига олади. Масалан, одам ўлдириш, бировнинг молини ўғирлаш, бировга зўрлик ишлатиш, одамнинг шаъни ва кадр-қимматини ерга уриш ва ҳоказолар оғир гуноҳ ҳисобланади. **Асосий динларда** «одам ўлдирма», «ўғрилиқ қилма» каби ақидалар амал қилади.

Иккинчидан, кўриб чиқиладиган муаммога оид илоҳий қарашларнинг асосий ғояси шундан иборатки, инсон (умуман, бутун инсоният) гуноҳ қилишга мойилдир. Бунга Одам Ато ва Момо Ҳавонинг ўғиллари Ҳобил ва Қобил ҳақидаги машҳур ривоят мисол қилиб келтирилади ва инсоннинг гуноҳ қилиши ўшандан бошланган деб таъкидланади.

Бу таълимот нуктаи назарига кўра, инсоннинг жиноий (гуноҳкор) хулқ-атвори унинг «табiiй», узвий хоссаларидан бери­дир. Бинобарин, токи инсоният бу ёруғ дунёда мавжуд экан, унинг бу хоссаси йўқолмайди.

Астрология, айниқса, тиббий астрология таълимоти руҳан илоҳиётга яқин туради.

Тиббий астрология Қуёш, Ой ва бошқа сайёралар, буржлар, юлдузлар ва космик нурланишларнинг инсон аурасига таъсири­ни ўрганади. Бир бурж белгиси остида Ой ҳаракатининг бир босқичида туғилган одамлар одатда бир хил касалликларга ча­линишга мойиллиги қадимдаёқ кузатилган. Масалан, Қўй бур­жи остида «кучли Ой» босқичида, яъни ой тўлишига яқин дав­рда туғилган одамларнинг кўпчилиги мигрень, буйрак касал­ликлари билан оғрийди, Ой тўлган пайтда Сигир буржи остида туғилган одамларнинг кўпчилиги эса томоқ, сийдик-таносил ти­зими касалликларига мойилдирлар.

Астрология таълимотига кўра, одам боласи дунёга келган илк лаҳзаларданок космос энергиясини ўзлашти­ра бошлайди, муайян космик маромга мослашади. Инсоннинг ҳаёт фаолияти, шунингдек ножўя қилмишлари у қанча қулай ёки ноқулай пайтда дунёга келганлигига боғлиқ бўлади. Астрология инсон содир этган муайян қилмишнинг космос билан сабабий боғла­ниши тўғрисидаги саволга аниқ жавоб бермайди, лекин инсон тақдири Қуёшга умумий тарзда боғлиқ эканлигини қайд этади.

XVIII аср ўрталарида ишлаб чиқилган «омиллар назарияси» жиноятчилик сабаблари ва унга қарши кураш чора-тадбирлари тўғрисидаги ҳар хил таълимотлар учун энг ривожланган, ҳатто классик методологик негиз бўлиб хизмат қилади.

Ижтимоий тараққиёт омиллар назариясининг асосчиси сифа­тида Шарл Монтескье тан олинган. Ўзининг «Қонунлар руҳи» (1748) асарида у инсон хулқ-атворига ҳал қилувчи таъсир кўр­сатадиган омиллар қаторида қуйидагиларни қайд этади: давлат бошқарув шакли, қонунчилик, мамлакатнинг географик хосса­лари, иқлими, тупроғининг сифати, ўрни ва катта-кичиклиги, халқнинг турмуш тарзи (деҳқонлар, овчилар, чўпонлар), эркин­лик даражаси, дини, аҳолининг мойилликлари ва сони, бойлиги, савдо-сотик, урф-одатлари ва удумлари. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, Монтескьенинг ушбу назарияси кейинчалик кримино­логияда жиноятчиликни тушунтиришда икки йўналиш: геогра-

фик омиллар ва иқлим омилининг роли вужудга келишини белгилаб берди.

Ушбу таълимотнинг йирик намояндаларидан бири бўлган инглиз ҳуқуқшуноси ва ахлоқчиси Иеремия Бентам (1748-1832) ўзининг «Маънавият ва қонунчилик асосларига кириш» номли асарида инсон хулқ-атворида ва умуман жиноятчиликка таъсир этувчи 32 омилни санаб ўтди. Улар орасида қуйидагилар бор: инсон соғлиғи, кучи, қуввати, жисман номукаммаллик, билим миқдори ва сифати, ақлий қобилиятлар кучи, ўжарлик, мойилликлар, қизиқишлар, антипатияга мойиллик, қизиққонлик, таъсирчанлик, симпатиялар, пул билан боғлиқ ҳолатлар, симпатия орқали алоқалар, антипатия орқали алоқалар, тана тузилиши, руҳият, жинс, ёш, ижтимоий ҳолат, тарбия, иқлим, келиб чиқиш, бошқарув шакли, дин ва ҳоказо.¹

Ўзининг энг муҳим асари «Деонтология ёки ахлоқ ҳақидаги фан» (1834)да Бентам инсоннинг хулқ-атвор мотивларини лаззат олишга ишқибозлик ёки жафокашлик билан боғлайди. Унинг фикрича, ахлоқийликни муайян шахснинг бирон-бир қилмиши (қилмишлари) натижасида олинган лаззат ёки чекилган азоб-уқубатлар нисбати тарзида математик йўл билан ҳисоблаб чиқариш мумкин.

XIX асрнинг биринчи ярмида бельгиялик олим Адольф Кетле статистик маълумотларга асосланган ҳолда ўзининг жиноятчилик омиллари назариясини ишлаб чиқди. Унинг асосий асари – «Статистик физика» (Брюссель, 1869) юқорида қайд этилган ёндашувни асослашга бағишланган. «Ўртача одамнинг жиноятга мойиллиги»ни аниқлаш учун Кетле ахлоққа иқлим, жинс ва ёш омилларининг таъсирини тадқиқ қилиш ва уларнинг таъсири эҳтимоллик даражасини аниқлаш имконини бериш ё бермаслигини фарқлаш вазифасини қўйди. Ўз хулосаларини Кетле қуйидагича таърифлаб берди: «Ёш жиноятга мойилликнинг ривожланишига ёки камайишига жиддий таъсир кўрсатувчи сабаб эканлиги шубҳасиздир. Ушбу салбий мойиллик одамнинг жисмоний кучи ва эҳтирослари билан тенг даражада ўсиб боради... Ўз эҳтирослари таъсирига берилган одам дастлаб зўрлик ишла-тиш ва номусга тегишга берилади; деярли шу вақтда у ўғрилиқ йўлига киради ва бу инстинкт уни сўнгги нафаси чиққунча тарк этмайди; кучининг ривожланиши уни зўравонлик, одам ўлди-

¹ Қаранг: Избранные произведения Иеремии Бентама. Т. 1. – СПб., 1867. – 39-б.

риш, исёнкорлик ва йўлларда талончилик қилишга даъват этади. Ниҳоят, одам жиноят йўлига кириб, куч билан бирга ҳийланайранг ишлата бошлайди ва ўз ҳаётининг бошқа даврларидигига қараганда кўпроқ даражада ёлғончи бўлиб қолади».

Жиноятчиликка ёш омилининг таъсирини аниқлаб олгач, Кетле жинс омилининг таъсирини аниқлашга ўтади: «Жиноят содир этишга мойилликка жинслар ўртасидаги фарқ ҳам катта таъсир кўрсатади». Бу таъсирни Кетле жинсларнинг одатлари, хусусан, аёл маҳдуд (бошқалар учун ёпиқ) муҳитда ҳаёт кечириши, у эркакка қараганда кучсизроқ эканлиги билан тушунтиради.

Жиноятчиликка фасллар ўзгаришининг таъсирини аниқлар экан, Кетле «йил фасллари жиноятчиликка мойилликка сезиларли даражада таъсир кўрсатади; ёзда шахсга қарши жиноятлар кўпроқ ва ўзгалар мулкига қарши жиноятлар камроқ содир этилади, қишда эса – бунинг тескариси кузатилади», деб таъкидлайди.

Шундан сўнг у жиноятчиликка иқлимнинг таъсирини аниқлашга ҳаракат қилади: «Иқлим шахсга қарши жиноятларга мойилликка кўпроқ таъсир кўрсатса керак».

Кетле жиноятчилик омиллари сифатида ёш, жинс ва омилга асосий эътиборни қаратиб, бошқа омиллар ҳақида ҳам унутмайди. Улар қаторига Кетле саноат ва савдо-сотиқнинг ривожланганлиги, кишилар ўртасидаги тенгсизлик, касб-хунарлар роли, маърифат ва камбағалликни киритади.

Омиллар кўплиги назариясини ишлаб чиққан кўпгина ҳуқуқшунослар қуйидаги асосий қоидаларни қабул қилдилар:

1) жиноятчиликнинг туб сабабларини тушунтиришда жиноятчиликка таъсир кўрсатувчи муайян омилларни ажратишнинг зарурлиги;

2) жиноятчиликнинг ривожланиш қонуниятларини инсон хулқ-атвори алоҳида омилларининг механик йиғиндиси тарзида тадқиқ қилиш зарурлиги;

3) жиноятга физик-биологик ва ижтимоий омиллар маҳсули сифатида қараш. Жиноятчиликнинг доимийлиги, унинг асосий кўрсаткичлари ўзгармаслиги шу қонуниятлар билан белгиланади.

Биологик назариялар. Жиноятчилик сабаблари ҳақидаги ҳар хил биологик таълимотлар жиноятчилик сабабларини ту-

шунтирувчи назариялар орасида энг ривожланганидир. Шунинг билан таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноятчиликни биологияга боғлаб тушунтириш ҳозирга қадар энг барқарор тенденциялардан бири бўлиб қолаётир. Қуйида шу ҳақда муфассалроқ тўхталиб ўтамиз.

Италян ва криминалисти, Турин университетининг анатомия фанлари профессори Чезаре Ломброзо (1830-1909) жиноятчиликнинг биологик омиллари ва уларни таснифлаш муаммоси билан махсус шуғулланган биринчи олимдир. У «антропологик мактаб»га асос солди ва унга раҳнамолик қилди.

Ломброзо ишлаб чиққан жиноятчилик сабаблари назарияси позитивизм фалсафаси (Конт, Спенсер), психиатрия ва статистикага асосланар эди.

Шунинг билан таъкидлаб ўтиш керакки, Ломброзонинг жиноятчилик сабабларига нисбатан ёндашуви тадрижий тарзда ривожланиб борди. Аммо дастлабки «туғма жиноятчи» талқинида жиноятчилик омилларини таснифлашга зарурат йўқ ёки деярли йўқ эди. Бу ерда моҳият эътибори билан бир асосий омил – туғма жиноятчининг биологик табиати тўғрисида сўз юритиларди. Ўз ишига изчил ёндашишга ўрганган Ломброзо аввал жиноятчилик омиллари схемасини эмас, балки туғма жиноятчининг белгилари, аломатлари, «стигма»лари схемасини ишлаб чиқди. Буни Ломброзонинг икки асосий асари – «Жиноий одам» (1876) ва «Жиноятчилик, унинг сабаблари ва даволаш воситалари» (1899)ни қиёсий ўрганиш зарурлигини тасдиқлайди.

«Жиноий одам»да Ломброзо туғма жиноятчини тавсифловчи белгилар (кўрсаткичлар)ни диққат марказида тутди. Сўнгра у ҳар хил антропологик, биологик белгиларни ва, бундан ташқари, туғма жиноятчини, ахлоқан бузилган, эпилептик, истерик шахсни тавсифловчи биопсихологик белгиларни изчил тадқиқ қилади. Мана, унинг тахминий схемаси: **А.** Бош миёна аномалиялари, унинг тузилиши. Жиноятчи, ақли норасо шахс ва нормал одам бош миёнасининг ўзига хос хусусиятлари; **Б.** Миёна аномалиялари; морфологик гистологик аномалиялар; **В.** Ички органлар: юрак, ошқозон ва ҳоказоларнинг аномалиялари; **Г.** Антропометрик кўрсаткичлар: бўй, оғирлик, бош, юз, кулоқ, бурун, оғиз, соч, терининг ўзига хос хусусиятлари. **Д.** Тана: кўкрак, томирлар ва ҳоказоларнинг аномалиялари; **Е.** Биопсихологик хусусиятлар: тана температураси, таъсирчанлик, шафқатсизлик, майга

ва қимор ўйинига ишқибозлик, диндорлик, ахлоқий сезгилар, виждон қийналиши, ўз қилмишидан пушаймон бўлиш, адолат туйғуси, дангасалик, енгилтаклик, цинизм, ёлғончилик, маълумот, жаргон, имо-ишоралар, дастхат, татуировка.

Бу шахсларнинг барчасини туғма жинойтчилар деб ҳисоблаганлиги учун, Ломброзо уларнинг биологик белгиларини тавсифлаш билан кифояланди. Бироқ, туғма жинойтчи типи билан бир қаторда, тасодифий жинойтчи типи мавжудлигини ҳам тан олган Ломброзо космик, ирсий, этник, шахсий ва бошқа омилларнинг схемаларини ишлаб чиқишга ҳам маълум даражада эътибор берди.

Ломброзо таклиф қилган жинойтчилик омиллари тўғрисидаги масаланинг дастлабки ечими ана шундай эди.

Орадан йигирма йилдан кўпроқ вақт ўтгач, Ломброзо ўзининг янги тадқиқоти – «Жинойт, унинг сабаблари ва даволаш воситалари» асарини эълон қилди. Унда олим жинойтчилик омилларининг катта бир тизимини ривожлантирди. Ушбу тадқиқотга ёзган қисқа сўзбошисида у шундай дейди: «Ҳар қандай жинойтга жуда кўп омиллар сабаб бўлади».

Ломброзо ушбу тадқиқотида жинойтчиликнинг ҳар хил омилларини аниқлайди ва кўп омилли жинойтчилик йўналишига қадам қўяди.

У жинойтчилик омилларини 15 гуруҳга ажратди. Пировардида уларни бир неча асосий гуруҳларга, чунончи: физик, биологик, психологик ва ижтимоий омиллар гуруҳларига бирлаштириш мумкин.

Ломброзо ишлаб чиққан жинойтчилик омиллари рўйхати қуйидагича:

1) Метеорологик омиллар ва иқлим омиллари: ҳаддан ташқари юқори ёки паст температура, мўътадил температура, йил фасллари, иссиқ йиллар, жинойтчилик календари, иссиқ мамлакатлар, бошқа таъсирлар.

2) Географик омиллар: геология, география, малярия (безгак), одамлар ўлими даражаси.

3) Ирқий омиллар: ирқлар таъсири, жинойтчилар марказлари, делихоцефаллар, брахицефаллар, сочнинг сарғиш ёки қоралиги, яхудийлар, богемаликлар.

4) Маърифийлик ва ваҳшийлик омиллари: ваҳшийлик, одамлар кўплиги ёки камлиги, эмиграция, иммиграция, туғилиш, маърифийлик, шаҳар, қишлоқ.

5) Овқатланиш омили.

6) Алкоголизм ва наркотизм омили: алкогольнинг зарарли таъсири, пауперизм, никотин, морфий, бузилган маис.

7) Маълумот омили: саводлилик, саводсизлик, маълумотлилик аломатлари.

8) Иқтисодий омил: нарх-наво ва солиқлар, ишсизлик, маош бериладиган кунлар, омонат кассалари, қишлоқ хўжалик ва саноат ҳудудлари, бойлик, камбағаллар жинойтчилиги кенг тарқалганлиги.

9) Дин омили.

10) Тарбия омили: ноқонуний туғилганлар, етимлик, ота-онанинг ахлоқсизлиги, тарбия.

11) Ирсий омил: атавистик ирсият, ота-онанинг руҳий касалликлари, ота-она эпилепсияси, алкоголизм кўринишидаги ирсият, ота-онанинг ёши.

12) Ёш омили: барвақт ривожланиш, ёш.

13) Жинс омили: жинс ва ёшнинг ўзаро нисбати, жинойтчиликнинг жинс билан боғлиқ хусусиятлари, проституция.

14) Фуқаролик ҳолати омили: фуқаролик ҳолати, касб-ҳунар, ҳарбий хизмат, ишёқмаслик.

15) Бошқа омиллар: турма, сенсация, тақлид.

Кўриб турганимиздек, Ломброзо жинойтчилик омиллари назариясини ишлаб чиқишда мазкур омилларни изчил тизимга солиш мақсадини кўзламаган. Бу омиллар унинг асарида ўта тартибсиз кўринишда берилган. Аммо шу ернинг ўзидаёқ муҳим ва иккинчи даражали, таъсирчан ва тўқима омилларнинг аралашуви, ижтимоий ҳодисалар ва уларнинг қонуниятлари билан индивидуал ҳуқ-атвор ўртасидаги фарқларни олим яхши тушунмаганлиги, ижтимоий ҳодисалар ва жараёнларни шахснинг ўзига хос хусусиятлари билан тушунтиришга интилиш, яъни ҳар хил ҳодисалар ва жараёнларни қўпол равишда биология билан боғлашга уриниш кўзга ташланади.

Ломброзо нафақат туғма жинойтчи назариясини, балки шахснинг ташқи белгиларига асосланган ҳолда жинойтчиларнинг типлари назариясини ҳам ишлаб чиқди.

Унинг фикрича, жиноятчи, масалан, қотил она қорнидан жиноятчи бўлиб туғилади. Бундай шахс ибтидоий одамларга хос алоҳида физик ва руҳий хусусиятларга (атавизмга) эга бўлади.

Ломброзонинг қарашлари унинг замондошлари томонидан қаттиқ танқид қилинди. Чунончи, инглиз врачлари Горант жиноятчилар ва оддий одамларни қиёсий ўрганишга асосланган антропологик назария хулосаларини таҳлил қилиб, жиноятчиларнинг анатомик типи мавжуд эмаслигини аниқлади.

Бошқа бир машҳур криминолог олим – Ферри жиноятчи яшайдиган ижтимоий муҳит билан боғлиқ жиноятларнинг ижтимоий омиллари қаторига қуйидагиларни киритади: аҳоли зичлиги, жамоатчилик фикри, ахлоқ, дин, оиладаги ҳаёт тарзи, мактабдаги тартиб, саноатнинг ривожланиш даражаси, алкоголизм, иқтисодий ва сиёсий тузум, маъмурий идоралар, адлия, милиция ва қонунчилик қурилиши.

Хуллас, ломброзичилар учун жиноятчилик омиллари тизимида одамнинг туғма белгилари биринчи ўринда туради. Шу сабабли мазкур назария криминологияга оид адабиётларда «туғма жиноятчи» назарияси деб номланади.

Бу назарияни изсиз йўқолган деб бўлмайди.

Ҳозирда ломброзичиликнинг янги йўналиши – неоломброзичилик ҳам мавжуд. Масалан, жинсий-биологик назарияга асосан, рецидивист жиноятчилар, тасодифий жиноятчилардан фарқли ўлароқ, тегишли физик ва психологик хусусиятларга эга бўладилар, бу хусусиятлар уларга нормал, жамият томонидан маъқулланадиган турмуш кечиришга ҳалақит беради. Масалан, Кречмер физик ўзига хослик типларини фарқлайди ва жинсий хулқ-атвори шуларга боғлаб ўрганади.

Шелдон ва Глюк жиноятчининг «морфологик» типи тўғрисидаги таълимотга асос солдилар. Бу таълимотда улар одамнинг физик, ташқи ўзига хосликлари билан унинг делинквент салоҳияти даражаси ўртасида боғланиш мавжудлигини исботлашга ҳаракат қилганлар.

Генетик назария. Ирсият ҳамда организмларнинг ўзгарувчанлиги қонунлари тўғрисидаги фан, маълумки, биологияда нисбатан янги йўналиш – генетика вужудга келишига сабаб бўлган.

Инсон хулқ-атвори, шу жумладан ғайриижтимоий хулқ-атвор сабабларининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги биологик таълимотлардан бири генетик назариядир.

Ушбу назария тарафдорлари ҳар қандай одам ҳаётида генлар муҳим роль ўйнайди, деган ғояга асосланадилар.

Генлар – оксил синтези учун жавобгар бўлган, пировардида шахсининг муайян хоссалари ва аломатларини белгилайдиган нуклеин кислота қисмларидир. Айни вақтда, ушбу хоссалар ва аломатлар генларда тайёр ҳолда мавжуд бўлмаслигини эътиборга олиш лозим. Генлар фақат ташқи муҳитнинг муайян шароитида хоссалар ва белгиларнинг ривожланиш имкониятини белгилайди, холос.

Генетиклар генлар ҳар хил типлар, биологик таркибларнинг ривожланишига ва биологик жараёнлар фаолиятига таъсир кўрсатишини назарда тутган ҳолда, «улар руҳий хоссалар боғлиқ бўлган муайян таркиблар ва функцияларга ҳам таъсир кўрсатади, генотиплардаги фарқлар хулқ-атвордаги фарқларга ҳам сабаб бўлиши мумкин»¹, деб тахмин қиладилар.

Эгизаклар ўртасидаги жинойтчилик жиноий хулқ-атворнинг генетик код билан боғланишини тасдиқловчи инкор этиб бўлмайдиган далиллардан бири ҳисобланади. Маълумки, эгизаклар икки ҳар хил тухум ҳужайралари бир вақтда уруғланиши натижасида ҳам («икки тухумли» ёки дизигот эгизаклар), бир уруғланган тухум ҳужайраси хромосомалар ва генлар тўплами бир хил қўшни тухум ҳужайраларига бўлиниши натижасида ҳам туғилиши мумкин. Сўнгги зикр этилган ҳолатда ирсий жиҳатдан бир хил эгизаклар («бир тухумли» ёки монозигот эгизаклар) туғилади.

Эгизаклар методининг аҳамияти шундаки, бир тухумли эгизаклар деярли бир хил генотипга эга бўлади. Улар икки ўғил ёки икки қиз кўринишида туғилади. Бундай эгизакларни таққослаб ва жуфт доирасидаги мувофиқлик катталигини баҳолаб, уларнинг қайси хусусиятлари генотип билан, қайсилари – муҳит ва шароит таъсири билан боғлиқлигини аниқлаш мумкин. Бундай эгизаклар морфологик, физиологик ва физик хусусиятларининг ажабтовур тарзда ўхшашлиги билан ажралиб ту-

¹ Штерн К. Основы генетики человека. – М., 1965. – 529-б.

ради. Уларнинг туғилиш такрорийлиги турли ирқ вакиллари учун ҳар минг туғишга нисбатан 3,2 – 5 атрофидадир.¹

Биобарин, бир тухумли эгизаклар ўртасида бирон-бир фарқ мавжуд бўлса, улар фақат бу эгизакларнинг ривожланиш шарт-шароити билан белгиланади, чунки уларнинг ирсияти бир хилдир.

Биринчи эгизаклар жинойтчилиги қайд этилган ҳолларда иккинчи эгизаклар жинойтчилигининг такрорийлик даражасини аниқлаш учун юқорида зикр этилган ҳолатдан фойдаланилди. Бунда, табиийки, ирсий ўхшашлик тўлиқ бир хил бўлган, яъни бир тухумли эгизакларга оид маълумотлар тадқиқотга асос қилиб олинди.²

Тадқиқотчилар жами 249 жуфт эгизаклар хулқ-атворини ўрганиб чиқдилар. Улар бир тухумли эгизаклардан бири жинойт содир этган бўлса, тадқиқ этилган ҳолатларнинг 62,6 фоизида иккинчи эгизак ҳам жинойтга қўл урганлигини аниқладилар. Бундан ирсий жинойт «ген» мавжуд деган хулоса келиб чиқади. Эгизакларни ўрганган муаллифлар аксарият ҳолларда инсоннинг интеллект даражаси ирсий омиллар билан белгиланади, деган хулосага келдилар. Бунда ирсият таъсирининг улуши 75-80%, муҳит таъсирининг улуши эса – 20-25% атрофида бўлади. Аммо маълумотлар кўп жиҳатдан қарама-қарши ва субъектив тарзда талқин қилинади.

Ирсий-генетик назариянинг ривожланишига хромосомалар билан боғлиқ аномалиялар ҳақидаги маълумотлар ҳам ҳисса қўшди. Менделнинг цитологик механизмларини кашф этган ирсиятнинг хромосома назариясига америкалик биолог Морган Томас Хант (1866-1945) асос солган. Ушбу назария хужайра ички жараёнлари – хужайраларнинг бўлиниши, гаметогенез ва уруғланиш билан генларнинг алоқасини кўрсатиб берди ва организмлар ривожланиши ирсиятга боғлиқлиги ҳақидаги таълимотга асос солди.

Одамнинг одатдаги хужайра мағизи (ядроти) 23 жуфт хромосомадан иборат бўлади. Хромосомаларнинг нормал тақсимланиши махсус «ХҮ» формула кўринишида ифодаланади. Бу ерда «Х» - эркак гетерогаметлик хусусиятига эга бўлган турларда аёл

¹ Дубинин Н.П., Карпец И.Н., Кудрявцев В.Н. Генетика, поведение, ответственность. – М., 1982. – 129-б.

² Эфроимсон В. Родословная альтруизма // Новўй мир, 1971, №1. – 210-б.

жинсининг ривожланишини ёки гаплофазада жинсни белгилайдиган хромосома; «Y» - фақат эркак жинсига мансуб турларда учрайдиган хромосома.

Аммо ҳаётда баъзан (беш юзтадан бир ва мингтадан бир ҳолатда) 46 та эмас, балки 47 та хромосомага, яъни «нонормал» ортиқча хромосомага эга бўлган одамлар ҳам учрайди.

Баъзи бир тадқиқотлар хромосома аномалияларига эга бўлган шахслар ўзига хос феъл-атворга ҳам эга бўлишини кўрсатди. Хусусан, «XXY» аномалиясига эга бўлган шахслар одатда ҳезалактабиат, эрксиз, интеллектуал даражаси паст бўлади.

Ортиқча «Y» хромосомага эга шахслар баланд бўйи, эмоционал беқарорлиги, агрессив хулқ-атвори билан ажралиб туради. Бундан хулоса шуки, хромосома аномалиялари жиноят содир этмаган шахсларга қараганда жиноятчиларга тахминан 80 барабар кўпроқ хосдир. Демак, «ортиқча» хромосома жиноят содир этишга туртки берувчи ирсий (биологик) сабаблардан биридир.

Жиноятчилик омиллари биологик назариясининг ривожланишини «эндокринологик» оқим таълимотида кузатиш мумкин. Ушбу назария жинсий хулқ-атвори одамнинг ички секреция безлари аномалиялари билан боғлиқ. Мазкур ёндашув тарафдорлари муайян жиноят содир этишга мойил одамлар типларининг ўзига хос таснифини ишлаб чиқдилар.

Психологик назариялар. Жиноятчилик омилларининг психологик назарияси ҳозирда энг кенг тарқалган ва нисбатан изчил назариялардан биридир. Бу ерда мазкур назариянинг икки муҳим йўналиши – психопатик ва психоаналитик йўналишларни қайд этиш мумкин.

Биринчи йўналиш шахснинг жиноят содир этишга психопатик тарзда мойиллигидан, яъни руҳий соғлиқ хусусиятидан келиб чиқади. Немис психиатри Курт Шнейдер ўзининг «Психопатик шахслар» асарида психопатларнинг 10 типини қайд этиб ўтган. Унинг фикрича, шу типлардан камида 7 таси ғайриижтимоий қилмиш содир этишга муайян даражада мойилдир (хусусан, меланхоликлар ва холериклар).

Бошқа бир немис психиатри Эрнест Кречмер (1899-1964) жиноятчиларнинг қуйидаги типларини фарқлайди: пикник тип (катта гавдали, калта оёқли одамлар); лепотосомик ёки астеник тип (узун бўйли, оғирлиги унча катта бўлмаган одамлар); дис-

пластик тип (умумий ривожланишда муайян аномалиялар мавжуд одамлар); атлетик тип (танаси пропорционал жиҳатдан яхши ривожланган одамлар). Бироқ, Э.Керчмер ўз таснифида антропологик назария ғояларига, хусусан, жиноятчиларни ташқи белгиларига қараб тавсифлаш ғоясига яқинлашади.

Австриялик психиатр Зигмунд Фрейд (1856-1940) ишлаб чиққан психоаналитик назария ҳам ўзининг жуда кўп издошларини топди (ва ҳозир ҳам топмоқда). Унинг «Тушлар таъбири» деб номланган асосий асари 1900 йилда эълон қилинди. Ўзининг шу ва кейинги тадқиқотларида З.Фрейд шахс ички дунёси тузилиши, унинг эҳтирослари ва бурч туйғуси ўртасидаги тўқнашувлар, маънавий кечинмаларнинг сабаблари, инсоннинг ўзи ва ўзини қуршаган муҳит ҳақидаги қарашлари билан боғлиқ муҳим масалаларни ёритиб берди.

Фрейднинг муҳолифлари «пансексуализм» деб номлаган асосий ёндашуви қуйидагичадир. У истерия касаллигига чалинган беморларни, асосан кўрқув, таъсирчанликни йўқотиш, иштаҳасизлик, шахснинг иккиланиши, галлюцинациялар, спазмлар ва ҳоказо симптомлар (фобия)га эга бўлган аёлларни ўрганиш жараёнида инсон хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи икки муҳим инстинкт – ўзини ўзи асраш инстинкти ва сексуал инстинктни қайд этди. Бунда у сексуал инстинкт (либидо)ни ўз психоанализ назариясига байроқ қилиб олди. Унинг фикрига кўра, онгсиз соҳаси «либидо»га тўлиқ бўлиб, лаззатланиш принциpidан бошқа ҳеч нарсани билмайди. Онг ижтимоий тақиқлар таъсирида лаззатланиш эркинлигини чеклашга тайёр бўлганлиги туфайли, либидо энергияси ташқарига чиқиш учун «айланма» йўлларни излашга мажбур бўлади. У ақлий, ҳатто тана реакцияларида – нафақат беозор, балки патологик реакцияларда, чунончи: психоневроз, истерия ва ҳоказолар кўринишида ва пировард натижада ғайриҳуқуқий қилмишларда намоён бўлади.

Шундай қилиб, Фрейднинг психоанализ назариясига асосан, сексуал (жинсий) эҳтиёжни қондириш инсон хулқ-атворининг асосий ёки ҳал қилувчи омили ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, унинг қондирилиши руҳий соғломлик негизини ташкил этади, унинг қоникмаслиги эса ғайриижтимоий қилмишлар кўринишини касб этиши ҳам мумкин бўлган оғир асабий ва руҳий касалликларни келтириб чиқаради.

Фрейд таълимоти Эмил Дюркгейм (1858-1917) асарларида (хусусан, «Одам ўлдириш: нормопатология» китобида) аниқ кўриниш касб этди. Унинг фикрига кўра, ҳар қандай одам ўз эҳтиёжлари тўла қондирилган ҳолдагина яшай олади. Одамнинг озик-овқат, кийим-кечакка бўлган эҳтиёжларини, унинг жинсий майлини тизгинлаш мумкин эмас, уларни фақат жамият чеклаши мумкин. Аммо жамият шахсий эҳтиросларни тийиб туришга қодир эмас, чунки унинг ўзида беқарорлик омили мавжуд. Бинобарин, ҳар қандай жамиятда жиноятчилик нормал ҳодисадир, шу боис фақат патологик ҳодисаларга қарши курашни ташкил этиш лозим. Француз социологи Эмил Дюркгейм ўзининг ушбу назариясини «аномия» деб номлади.

Фрейдизм ғоялари Зигмунд Фрейд ҳаётлик пайтдаёқ қаттиқ танқид қилинди. Фрейднинг илк мухолифлари А.Адлер ва К.Юнгдир.

А.Адлер жинсий эҳтиёжни қондириш усули муайян шахснинг турмуш тарзи билан белгиланади, зотан, инсон жинсий эмас, балки ижтимоий мавжудот, унинг асосий эҳтиёжи – ўзини ўзи тартибга солишдир, деган ғояни илгари сурди. Аммо Адлер Фрейднинг жинсий онглизлигини ҳокимиятга онгсиз тарзда интилиш билан алмаштирди. Ўз назариясини Адлер «шахсий психология» деб номлади. Ушбу назария замирида бола ўз ҳаётининг дастлабки йилларида ўзлаштирадиган ва умрбод ўзгаришсиз қоладиган «турмуш тарзи» ётади. Адлернинг фикрича, бола «баркамоллик»ка эришиши учун унга тўла эркинлик бериш лозим.

Бу ғоя айрим мамлакатларда рўёбга чиқарилган. Бола 5 ёшга тўлгунга қадар унга ҳеч нарса ман этилмайди, ҳамма нарсага рухсат берилади ва фақат шу ёшдан кейин нима мумкин-у, нима мумкин эмас деган саволлар туғилади.

К.Юнг Фрейднинг юқорида қайд этилган ғояларини «сублимация», «Эдип комплекси» сифатида рад этди, онгсизлик физикадаги «туғал шакл»га кириш ёки мувозанат ҳолатини эгаллаш мақсадида бир турдан бошқа турга ўтувчи энергияни эслатишини исботлашга ҳаракат қилди. Юнг кўпчилик учун умумий бўлган «коллектив онгсизлик» ғоясини илгари сурди. Юнгнинг «аналитик психологияси»да шахсларнинг типларини аниқлашга катта аҳамият берилади. Унинг типологияси замирида одамларнинг ўзи ва бошқалар ҳақидаги фикрлари ётади. Ушбу мезонга

кўра Юнг одамларни икки типга: ўзига («ичга») қараб мўлжал олувчи ва бошқаларга («сиртга») қараб мўлжал олувчи одамларга ажратади.

К.Хорни ва Э.Фроммнинг америкача фрейдизми ҳам, ҳатто руҳий касалликларни инқилобий салоҳият, ҳокимият функцияси (милиция, соғлиқни сақлаш ва ҳ.к.)ни эса – тараққиётга тўсқинлик воситаси сифатида талқин қилувчи фрейдоманизм ҳам неофрейдизм йўналишига мансубдир. **Ички онгсиз кучлар – майллар инсон хулқ-атворини ҳаракатлантирувчи кучдир**, деган ғоя неофрейдизмнинг барча янги оқимларида сақланиб қолаётир.

Француз олими Габриэль Тард (1843-1904) ишлаб чиққан назарияни жинойтчилик сабаблари ҳақидаги психологик таълимотларнинг ўзига хос тармоғи деб ҳисоблаш мумкин. У, жинойт ижтимоий ҳодиса, лекин унинг замирида инсон руҳий фаолиятининг алоҳида кўринишлари, хусусан, бировга тақлид қилиш ва бошқаларга таъсир кўрсатиш қобилияти ётади, деган ғоядан келиб чиқади. Тақлид қилиш ва таъсир кўрсатиш одамларни қаттиқ ўзига тортади ва шу тариқа шахснинг хулқ-атворига таъсир этади. Тақлид қилиш назарияси айрим тадқиқотларда «ўргатиш» назарияси деб ҳам номланади. Габриэль Тард бу назариянинг уч қонунини кашф этди: 1) Ўзаро яқин муносабатда бўлган одамлар бир-бирининг хулқ-атворини тез ўзлаштиради. 2) Ёшлар ўзидан катталарга, камбағаллар – бойларга, деҳқонлар – аристократларга тақлид қилади. 3) Олдинги хулқ-атвор янги хулқ-атворга ўрин бўшатади, Г.Тард фикрича, тақлидни модага ўхшатиш мумкин. Инсоният тараққий этиши билан жамиятда тақлиднинг таъсир доираси кенгаяди, бинобарин, одамлар содир этувчи жинойтлар сони ҳам кўпайиб боради.

Жинойтчилик сабабларининг социологик назариялари. Жинойтчилик сабабларига нисбатан социологик ёндашувлар асосан XVIII-XIX асрлар оралиғида шаклланди. Ушбу таълимотларнинг асосий хусусияти шундан иборатки, улар аввало экзоген омилларга ва уларнинг кўплигига эътибор беради.

XVI асрдаёқ Томас Мор ўзининг «Утопия» асарида инглиз жамиятида жинойт хулқ-атвор айрим шахсларнинг қашшоқлиги ва айрим шахсларнинг паразитик турмуш тарзи билан бирлигидан келиб чиққан эди.

Кампанелла (XVII аср) «Қуёш шаҳри» асарида жинойтчилик кўпчилик одамларнинг қашшоқлиги билан боғлиқлигини, жа-

миятни одиллик ва жамият аъзоларининг тенглиги принципларида қайта қуриш зарурлигини таъкидлайди.

А.Морелли «Табиат кодекси»да инсон табиатан камчилик-кусурлардан холи туғилишини қайд этади.

Ж.П.Марат (1743-1793), А.Н.Радищев (1749-1802) асарларида жиноятчилик бир одамнинг бошқа одамга зулм ўтказиши, жамиятдаги зўравонлик, адолатсизлик билан боғланади.

Ж.П.Марат ўзининг «Жиноят қонунчилиги режаси» (1789) асарида асосан жиноятчилик ижтимоий-иқтисодий омиллар билан боғлиқлиги тўғрисидаги ғояни ривожлантирди. У жамиятда ҳукм сураётган камчилик вакиллари томонидан содир этиладиган жиноятларни қайд этиб ўтди.

Рус мутафаккири ва демократи А.Н.Радищев ўзининг «Петербургдан Москвага саёҳат» ва «Қонун-қоидалар тўғрисида» номли асарларида жиноятчилик жамият қурилиши хусусияти, Россиядаги крепостнойлик тузумининг ижтимоий-иқтисодий шарт-шароити билан боғлиқ эканлигини таъкидлади. Бундан ташқари, у жиноятчилик сабабларини статистик маълумотлар негизида ўрганиш дастурини махсус ишлаб чиқди.

Социалист-утопистлар жиноятчилик сабабларини шахсий мулкнинг мавжудлиги ва адолатсизлик билан боғлайдилар. А.Сен-Симон (1760-1858) асарларида жиноятчиликнинг одамлар турмуш шароити замирида яширин туб сабаблари кўрсатилади. Социалист-утопистлар чайқовчилик, судхўрлик билан боғлиқ жиноятчиликка ишора қилиб, зўравонлик ва эксплуатация, тарбиясизлик ва ёмон қонунлар шароитида жиноятчиликка қарши курашиш беҳуда эканлигини таъкидлайдилар. XIX аср рус демократлари А.Н.Герцен, В.Г.Белинский, Н.А.Добролюбов, Н.Г.Чернишевский ҳам жамиятдаги жиноятчилик сабаблари тўғрисида шунга ўхшаш хулосаларга келдилар.

Бельгиялик олим, социолог, статистик Адольф Кетле (1796-1874) ўз асарларида жиноятчиликнинг ижтимоий муносабатлари билан алоқасини тадқиқ қилди, жамиятнинг ўзи жиноятлар содир этилишига туртки беришини таъкидлади. Статистика ёрдамида у шахс хулқ-атвори, у тарбияланган муҳит, унинг маълумоти ва ҳоказолар ўртасидаги боғланишни аниқлашга ҳаркат қилди.

Голланд криминологи Ван-Гамель (1842-1917) социологик мактаб доирасида ижтимоий омилларга, улар орасида эса – иқтисодий шарт-шароитларга (айниқса, бойиш иштиёқига) алоҳида эътибор берди.

Немис криминалисти Лист (1851-1919) жиноятчиликка нафақат жамиятнинг иқтисодий шароитлари, балки уруш, алкоголизм, баъзи бир урф-одатлар ва удумлар, тарбиядаги қусурлар ва проституция ҳам таъсир кўрсатишини таъкидлади.

Бельгиялик криминолог Бонгер (1876-1940) жиноятчиликни аввало ижтимоий тузум маҳсули деб тавсифлади. Бундан ташқари, у болалар меҳнати, узун иш куни, иқтисодий тангликлар, рўзғордаги камчиликлар каби ижтимоий омилларни ҳам жиноятчилик омиллари сифатида қайд этди.

Америкалик криминолог Верон Фокснинг «Криминологияга кириш» асарида жиноий хулқ-атвор онтологиясининг баъзи бир иқтисодий назариялари, «табақалаштирилган боғланиш», «субмаданиятлар», «нейтраллаштириш», «дрейф», «сигмация» назариялари, ниҳоят, жиноятчилик сабабларини экологик асослан-тириш назариялари кўриб чиқилади.

Хўш, уларнинг бир-биридан фарқи нимада?

Э.Дюркгеймнинг юқорида қайд этиб ўтилган «аномия» назарияси Р.Мертон таклиф қилган америкача вариантида жиноятчиликни ижтимоий ахлоқнинг заволи топиши, жамият институтлари ижтимоий-сиёсий жиҳатдан инқирозга учраши, бунинг натижасида шахс жамиятга қарши исён кўтариши ёки ўз жонига суиқасд қилиши билан тушунтиришга ҳаракат қилади.

Америкалик криминолог Эдвин Сатерленд (1883-1950)нинг «табақалаштирилган боғланишлар» назарияси жиноятчилик сабабини жиноий хулқ-атворга ўргатиш натижаси сифатида талқин қилади. У илгари сурган назарияга асосан, жиноий хулқ-атвор шахс муҳитида қонунбузарликка туртки берувчи мезонлар қонунга бўйсунтиришга мажбур қилувчи мезонларга қараганда устунроқ эканлигининг оқибатидир.

Криминологияга оид таълимотлар тарихида жиноятчилик сабабларининг нисбатан янги концепцияси марксизмнинг синфлар назарияси таъсирида вужудга келди.

Н.Ф.Кузнецова фикрига кўра, салбий иқтисодий, мафкуравий, маданий, тарбиявий, ташкилий, бошқарув, ижтимоий-психологик омиллар мажмуи жиноятчиликка сабаб бўлади¹.

Л.И.Спиридоновнинг фикрича, жиноятчиликнинг алоҳида сабаблари мавжуд эмас: айтиб бериш махсус ҳодисалар ҳар хил шароитда турли ижобий ёки салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин. Криминологиянинг вазифаси жамиятда мавжуд ноантагонистик руҳдаги қарама-қаршиликлар одамларнинг ижтимоий хоссаларида намоён бўлиб, уларнинг у ёки бу даражадаги салбий хулқ-атворида қандай туртки беришини аниқлашдан иборатдир².

А.А.Пионтковский жиноятчилик сабабларининг асосий мазмуни жамият аъзоларининг муттасил ўсиб борувчи эҳтиёжлари билан уларни қондириш моддий воситалари ўртасидаги қарама-қаршиликдан иборатдир, деб таъкидлайди³. С.А.Домакин эса, аксинча, ижтимоий муносабатлар ғайриижтимоий қарашлар ва жиноятларга сабаб бўлиши мумкин эмас, деган фикрни илгари суради⁴.

В.Н.Кудрявцев ғайриҳуқуқий хулқ-атвор субъект хулқ-атвори ва қонун талаблари ўртасида муттасил равишда кескинлашиб борувчи ва очиқ-ойдин конфликтга айланувчи ҳар хил қарама-қаршиликлар асосида ва шаклида вужудга келади ва ривожланади, деб ёзган эди. Унинг фикрича, бу қарама-қаршиликлар психологик, ижтимоий ёки аралаш кўринишга эгадир⁵.

В.Н.Кудрявцев қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган ва намоён бўлувчи барча ҳодисалар ва жараёнларни объектив ва субъективга ажратишни таклиф қилади.

«Жиноятчиликнинг объектив сабаблари – бу ижтимоий борлиқдаги, одамларнинг иқтисодий ва ижтимоий муносабатларидаги муайян қарама-қаршиликлар, ғайриижтимоий мойилликларга сабаб бўлувчи қийинчиликлар ва камчиликлардир, - деб таъкидлайди у. – Объектив шарт-шароит – бу ҳуқуқбузарликларнинг субъектив ва объектив сабаблари таъсирини қувват-

¹ Қаранг: Советское уголовное право. Общая часть. – М., 1974. – 77-б.

² Спиридонов Л.И. Проблема причинного комплекса преступности. – М., 1981. – 46-б.

³ Пионтковский А.А. Пути укрепления социалистического правопорядка // «Советское государство и право», 1967, №1. – 33-б.

⁴ Қаранг: Курс советского уголовного права. Часть общая, т. 1. – ЛГУ, 1969. – 192-б.

⁵ Қаранг: Кудрявцев В.Н. Причины правонарушений. – М., 1976. – 124-б.

ловчи, баъзан эса – жонлантирувчи ташкилий, ҳуқуқий, техникий йўсиндаги камчиликлардир».

В.Н.Кудрявцев фикрига кўра, жиноятчиликнинг субъектив сабаблари – бу ижтимоий психология унсурлари, қусурли эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсадлар, мотивлар, субъектив шарт-шароит эса – аҳолининг демографик ва ижтимоий-психологик хусусиятлари (феъл-атвори, мижози, жинси, ёши ва ҳ.к.)дир.

Аммо жиноятчилик билан боғлиқ ҳодисаларни гуруҳлашга нисбатан бошқача, янада оқилона ёндашув ҳам мумкин, деб таъкидлайди В.Н.Кудрявцев. Бу – шахс, кичик ижтимоий гуруҳ, жамоа ва умуман жамият. Мазкур ёндашувда жиноятчилик сабаблари жамият, синф, меҳнат жамоаси, кичик ижтимоий гуруҳ, шахс каби тизимлар доирасида элементларнинг номувофиклашуви, шунингдек мазкур тизимлар, кичик тизимлар ўртасидаги қарама-қаршиликлар тарзида амал қилади. Кўриб турганимиздек, муаллиф қарама-қаршиликларни фақатгина жиноятчилик манбаларидан бири деб ҳисоблайди.

Фалсафа фани вакиллари ижтимоий ва шахсий муносабатлар ўртасида қуйидаги қарама-қаршиликларни фарқлайдилар:

1) кураш билан боғлиқ қийинчиликлар айрим шахсий эҳтиёжларни қондиришни вақтинчалик чеклаш ёки кечиктиришга мажбур қилишидан келиб чиқадиган қарама-қаршиликлар;

2) жамият ҳаётини, меҳнат ва тақсимлаш муносабатларини ва ҳоказоларни ташкил этишдаги камчиликлар билан боғлиқ қарама-қаршиликлар;

3) шахснинг шахсий интилишлари ва жамият эҳтиёжлари ўртасидаги қарама-қаршиликлар¹.

Шахс ва жамият ўртасидаги энг кескин тўқнашувлардан бири бўлган жиноятчилик жамиятда мавжуд ижтимоий қарама-қаршиликлар билан бевосита ёки изчил боғлиқдир.

Нисбатан янги «деформациялар» назарияси «қарама-қаршиликлар» назариясига яқин туради.

А.Номоконов ҳар қандай қарама-қаршиликларни эмас, балки ижтимоий тараққиётга тўсқинлик қилувчи қарама-қаршиликларнигина жиноятчилик манбаи деб ҳисоблайди. Бундай қарама-қаршиликларни у «жамият ҳаётидаги деформациялар» деб

¹ Қаранг: Глезерман Г. Общество, коллектив, личность // Газета «Правда». 31 октября 1966 г.

номлашни таклиф қилади.¹ Унинг фикрича, муайян микромуҳитда, шахснинг турмуш тарзи ёки ҳолатида намоён бўлувчи «деформациялар мажмуи» муайян жиноятларга сабаб бўлади.

Профессор В.С.Устинов А.Номоконов асарига ёзган тақризида ҳар қандай қарама-қаршиликлар жиноятчилик манбаи бўлиши мумкинлигини таъкидлайди, чунки жамият тараққиётига имконият яратувчи омиллар жиноятчиликка қаршилик кўрсатувчи омилларга кўп жиҳатдан қарама-қарши бўлиши мумкин (тенг тақсимлаш жиноятларнинг олдини олишга кўмаклашади, лекин иқтисодий тараққиёт йўлига ғос бўлади; демократия фуқаронинг хулқ-атвор вариантларини танлаш чегараларини кенгайтириб, жиноятчиликнинг ривожланишига имконият яратиши мумкин; кўрқувга асосланган тоталитаризм жиноятларни камайтиради, лекин турғунликка сабаб бўлиши мумкин). Нима маъқуллигини жамиятнинг ўзи ҳал қилади.

Маданият етишмаган тақдирда демократия жуда кўп камчиликларга эга бўлади. Бироқ, юксак маданият, ҳуқуққа ҳурмат, моддий неъматлар етарлилиги билан муштарак демократия жуда кучли антикриминоген омил бўлиб хизмат қилади. Лекин, ҳатто биринчи кўринишда ҳам демократия нафақат иқтисодиёт, балки инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун ҳам тоталитаризмга қараганда афзалроқдир, деб таъкидлайди В.С.Устинов.

Профессор В.С.Волков ғайриижтимоий хулқ-атвор деформациясининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, жиноятчилик сабаблари ва шартларини уч гуруҳ (комплекс)га ажратишни таклиф қилади:

а) жамият ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос хусусиятлари билан боғлиқ сабаблар ва шартлар;

б) шахснинг жамиятга интеграциялашуви, унинг ижтимоий-психологик ўзига хосликлари билан боғлиқ сабаблар ва шартлар;

в) ижтимоий муносабатларни ижтимоий-ҳуқуқий тартибга солиш ва ҳуқуқий тартиботдаги, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдаги камчиликлар билан боғлиқ сабаблар ва шартлар².

Гарри С.Беккер ва Исаак Эрлихнинг жиноятчилик иқтисодий назарияси биз ҳозир бошдан кечираётган бозор муносабатларига ўтиш даврига бевосита дахлдор бўлган жиноятчилик

¹ Қаранг: Номоконов А. Преступное поведение: детерминация и ответственность. – Владивосток, 1989. – 187-б.

² Қаранг: Советское государство и право. 1991, №5. – 151-б.

сабабларининг энг қизиқарли ва замонавий назарияларидан биридир.

Сиёсий иқтисодчи Гарри С.Беккер биринчилардан бўлиб криминология классик мактабининг қуйидаги далилларини тиклади: одам унинг мотивацияси бошқа одамлар мотивациясидан фарқ қилганлиги учун эмас, балки ўз ҳаракатларининг сарф-харажатлари ва фойдали томонларини таҳлил қилиб, ўз қарорларини қабул қилиш учун бошқача хулосалар чиқарганлиги учун жиноятчига айланади. Жиноятчи мутлақо оқилона қарор қабул қилади. У ўз ахборот имкониятлари доирасида ўзининг имкониятларини текшириб кўради ва энг кам харажатларда ва айниқса, камроқ жазога тортилиш хавфи билан кўпроқ шахсий наф кўришни ваъда қилган ҳаракатни танлайди.

Бошқа сиёсий иқтисодчи Исаак Эрлих фикрига кўра, жиноятчилар бундай имкониятларга жиноятчиликка мойил бўлмаган одамлар билан бир хилда муносабатда бўлади. Жиноий жазога лойиқ қилмишларни, айниқса, мулкий жиноятларни улар «бозордаги нормал операциялар» каби содир этадилар. Жиноятнинг оғирлик даражаси мускул кучи ва харажатларга қараб аниқланади. Ҳар бир жиноятчи харажатлар ва кўрилиши мумкин бўлган нафни шундай таҳлилдан ўтказди. Исаак Эрлих фикрига кўра, жиноий қилмишларнинг «яширин бозори» ҳуқуқбузарлар хулқ-атворини тартибга солади ва мувофиқлаштиради. Боз устига, мазкур бозор жиноятлардан жабрланувчиларнинг хулқ-атворини, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини ҳам тартибга солади.

Бундан ташқари, И.Эрлих фикрига кўра, жиноятлардан жабрланиши мумкин бўлган шахслар ҳар хил эҳтиёт чоралари ёрдамида ўзларини жиноятлардан ҳимоя қиладилар. Бундай эҳтиёт чоралари қаторига, масалан, қўриқлаш сигнализацияси ўрнатиш, сейф харид қилиш билан боғлиқ харажатларни киритиш мумкин. Кўрсатиб ўтилган объектларга тажовуз қилиш имкониятларининг чекланиши жиноий қилмишларни муваффақиятли амалга ошириш харажатларини кўпайтиради. Пировард натижада жиноятни **даромадлар тенгсизлиги** вужудга келтиради, деб таъкидлайди иқтисодчи. Бу тенгсизликка барҳам бериш учун маълумот олиш, бандлик ва етарли даромад олиш имкониятларини жамиятнинг барча вакиллари учун тенглаштириш зарур.

Вестфалия университети криминология институтининг раҳбари Ганс Иоахим Шнайдер жиноятчилик сабабларининг уч иқтисодий назариясини қайд этади:

1) депрессия назарияси – конъюнктура юқори бўлган даврда жиноятчилик камаяди, иқтисодий депрессия даврида эса – кучаяди;

2) экспансия назарияси – иқтисодиёт ўсиши билан жиноятчилик ҳам ўсиб боради, иқтисодий ўсиш пасайиши билан эса – пасаяди;

3) депрессия ва экспансиянинг уйғунлик назарияси – иқтисодиёт юксалган ва пасайган пайтларда жиноятчиликнинг ўсиши рўй беради¹.

Жиноятчилик сабабларига нисбатан асосий ёндашувларнинг қисқача таҳлилидан умумий хулоса тариқасида қуйидагиларни қайд этиш мумкин.

Ҳар қандай ҳодиса серқиррадир. У минглаб боғланишлар ва ўзаро таъсирларга эга. Жиноятчилик ҳам, унинг сабаблари ҳам бундан мустасно эмас. Боз устига, улар энг мураккаб ҳодисалардир.

Буни тан олиш уларни кўп томонлама тушунтириш имконияти ва зарурлигини назарда тутати. Шу сабабли юқорида қайд этиб ўтилган барча назариялар яшаш ҳуқуқига эгадир.

Жиноятчилик сабаблари муаммосига ҳар хил ёндашувлар илгари сурилиши мумкин. Вазифа ҳар хил омиллар йиғиндисиди ҳар бирининг ўрни ва ролини аниқлаш, уларни изчил бир тизимга солишдан иборатдир. Аммо бунинг учун, албатта, жуда истеъдодли «меъмор» зарур.

Шу билан бирга, кўрсатилган омилларнинг замон ва маконда ўзаро таъсирга киришиш, нафақат барча жиноятларга (умумий) ва муайян жиноятларга (хусусий) нисбатан, балки жиноятларнинг муайян тоифаларига нисбатан (махсус) намоён бўлиш механизмини (шакллари) аниқлашга ҳаракат қилиш лозим.

3.3. Жиноятчилик сабабларини таснифлаш муаммоси

Ҳар қандай *таснифлаш* билим ёки инсон фаолияти соҳасидаги турдош тушунчалар тизимини (ўрганилаётган объектларнинг туркумларини) англатади. Ундан мазкур тушунчалар ёки

¹ Шнайдер Г.И. Криминология. – М., 1994. – 213-244-бетлар.

объектларнинг туркумлари ўртасидаги боғланишларни аниқлаш воситаси сифатида фойдаланилади.

Илмий тасниф унда ифодаланган борлиққа хос бўлган қонунлар тизимини акс эттиради. Муҳим белгилар ҳам, бошқа белгилар (мезонлар) ҳам таснифлаш учун асос бўлиши мумкин. *Мезон* – ҳодисалар, нарсаларни баҳолаш, таърифлаш ёки таснифлаш учун асос қилиб олинган белги, ўлчовдир.

Жиноятчилик муаммоларини ечиш, аниқроғи – ечишга уришиш илмий таснифга кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Илмий тасниф муайян даражада мустаҳкам методологик негизга асосланиши лозим.

Криминологияда умуман олганда жиноятчилик сабабларини таснифлашнинг мантиқан изчил тизими шаклланган.

Криминологияда **жиноятчилик сабабларининг биринчи ва асосий таснифи** сабабларнинг «амал қилиш даражаси»га асосланади ва умумий, махсус ва хусусий ўзаро нисбатининг диалектикаси билан белгиланади. Жиноятчилик сабабларининг умумийлик даражаси ушбу таснифнинг мезони сифатида амал қилади. Бунда барча омиллар мажмуини қуйидагича гуруҳлаш мумкин:

а) умуман жиноятчилик сабаблари (барча жиноятларнинг умумий сабаблари);

б) жиноятлар турли тоифаларининг сабаблари (махсус сабаблар);

в) муайян жиноятларнинг сабаблари.

Жиноятчилик сабабларининг **иккинчи таснифи** муайян сабаблар намоён бўладиган ижтимоий ҳодисаларнинг мазмуни ва хусусиятига асосланади. Бунда жиноятчилик сабабларини тўрт асосий гуруҳга ажратиш мумкин:

1) ижтимоий-иқтисодий сабаблар;

2) мафкуравий сабаблар (ушбу гуруҳга маданий-тарбиявий сабаблар ҳам киради);

3) ташкилий-бошқарув сабаблари;

4) ижтимоий-психологик сабаблар.

Жиноятчилик сабабларининг **учинчи таснифи** сабабларни тўлиқлик ва ўзига хослик белгиларига қараб гуруҳлашнинг мақсадга мувофиқлигига асосланади.

Бунда жиноятчиликнинг «тўлиқ сабаби»ни қуйидагилар тавсифлайди:

1) барча ижтимоий ҳодисалар ва фактлар мажмуи;
2) улар ҳар хил хусусиятга эгаллиги (яъни ижтимоий-иқтисодий, мафкуравий, ташкилий-бошқарув, ҳуқуқий, ижтимоий-психологик ҳодисалар ва омиллар);

3) ҳодисалар ва омиллар жиноятчиликда ҳар хил тарзда намоён бўлиши (яъни асосий, иккинчи даражали, бевосита ва билвосита ҳодисалар ва омиллар).

Ўзига хослик белгисига қараб аниқланадиган алоҳида сабаб жиноятчиликнинг тўлиқ сабаби таркибига киради ва жиноятчиликнинг алоҳида сабаби сифатида қаралади. Жиноятнинг ўзига хос сабабини тадқиқ қилиш муайян тарихий шароитда жиноятчиликка қарши курашнинг муҳим йўналишларини аниқлаш имконини беради.

Жиноятчилик сабабларининг **тўртинчи таснифи** жиноятчиликка ижтимоий омилларнинг «таъсир механизми»га асосланади. Бу ерда жиноятчилик сабаблари ва унга имконият яратувчи шарт-шароитлар фарқланади. Сабаблар асосан шахс соҳасида ётади.

Масалан, ғайриижтимоий қарашлар ва одатлар жиноятчилик сабабларига киради. Бунда сабаб ва оқибат боғланиши қуйидаги кетма-кетликда намоён бўлади: ҳаёт ва тарбия тафсилотлари – шахснинг ўзига хос хусусиятлари – муайян вазиятдаги ҳуқуқатвор хусусиятлари.

Жиноятчилик сабабларининг **бешинчи таснифи** сабабларни объектив, объектив-субъектив ва субъективга ажратишга асосланади. Мавжудлиги шахснинг хоҳиш-иродасига боғлиқ бўлмаган сабаблар объектив сабаблар ҳисобланади.

Субъектив сабаблар одамлар, уларнинг бирлашмалари хоҳиш-иродаси ва фаолияти билан белгиланади.

Жиноятчилик сабабларининг **олтинчи таснифи** ижтимоий-иқтисодий тузумнинг, жамиятнинг ўзига хос хусусиятларига асосланади.

Жиноятчилик сабабларини таснифлашнинг ушбу схемасини мукамал деб бўлмайди. Биз бу ерда фақат умумий эътироф этилган таснифларга тўхталиб ўтдик.

Шу билан бирга, жиноятчилик сабабларини бошқа бир қанча мезонларга кўра таснифлаш учун имконият ва зарурат мавжуд деб ўйлаймиз.

Биринчидан, жиноятчилик сабабларининг манбалари сонига кўра, бир омилли ва кўп омилли сабабларни фарқлаш мумкин.

Буни юқорида сўз юритилган жиноятчилик сабабларини ўрганиш тарихи (масалан, «омиллар» назарияси ёки «хромосома-лар» назарияси) кўрсатади.

Иккинчидан, сабабларни жиноий хулқ-атвор турлари ва хусусиятига кўра таснифлаш мумкин. Мулкка қарши, зўравонлик, давлатга қарши, транспортга оид, ҳарбий ва бошқа жиноятларнинг сабаблари шулар жумласидан.

Учинчидан, жиноятчилик сабабларини жиноятларнинг оқибатлари хусусиятига кўра таснифлаш мумкин (ўта оғир, оғир, унча оғир бўлмаган, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва ҳ.к.).

Тўртинчидан, жиноятчилик сабабларини улар намоён бўлган соҳаларга кўра таснифлаш мумкин (қишлоқ хўжалик, савдо, қурилиш соҳасидаги, жамоат жойларидаги жиноятлар ва ҳ.к.).

Бешинчидан, жиноятчилик сабабларини жиноят содир этган шахсларнинг белгиларига қараб таснифлаш мумкин (масалан, маҳкумлар орасидаги жиноятчилик, вояга етмаганлар жиноятчилиги, рецидив жиноятчилик, мансабдорлик жиноятлари ва ҳ.к.).

Ниҳоят, жиноятчилик сабабларини жиноят содир этган шахсларнинг айб шаклига кўра таснифлаш мумкин (масалан, муайян соҳада эҳтиётсизлик орқасида содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва шартлари, муайян соҳада маълум шахслар томонидан қасддан содир этилган жиноятларнинг сабаблари ва шартлари ва ҳ.к.). Мазкур тасниф нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эгадир, чунки у жиноятчиликка қарши курашиш профлиактик чора-тадбирлари тизимини янада аниқроқ ва муфассалроқ ишлаб чиқишга ёрдам беради.

4-мавзу. ЖИНОЯТЧИНИНГ ШАХСИ ТУШУНЧАСИ, УНИНГ ТАРКИБИ ВА КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Шахс умумий тушунчаси
2. Жиноят субъектининг шахси ва унинг таркиби
3. Жиноятчиларни таснифлаш

4.1. Шахс умумий тушунчаси

Ерда инсоннинг пайдо бўлиши ва унинг Қуёш системасига кирувчи бошқа сайёраларда мавжудлик имконияти ҳақида баҳс ҳозирга қадар давом этмоқда. Диний ёндашувларга кўра, палеонтологияга оид солномалар инсоннинг эволюцион келиб чиқишини тасдиқламайди.

Эволюционистлар асосан Чарльз Дарвин таълимоти вужудга келган пайтдан бошлаб тубан (бир хужайрали) организмлар аста-секин мураккаб ва ўта мураккаб организмларга, сўнггра маймунларнинг муайян турларига ва ниҳоят одамга айланганлигини исботлашга ҳаракат қиладилар. Ақлли *homo sapiens* компьютер оламини забт этган ҳозирги одамнинг илк аجدоди бўлса, ажаб эмас.

Одамда онг мавжудлигининг ўзи уни шахс сифатида тавсифламайди.

Боз устига, «шахс» категориясини ҳар қандай бир фан доирасида мукамал таърифлаш мумкин эмас. Шахсни инсон билимларининг муайян тармоқлари ўрганар экан, улар юқорида зикр этилган муаммонинг муайян бир жиҳатинигина ҳал қилади, деган фикрга қўшилиш лозим.

Одамни жуда кўп фанлар – педагогика, тиббиёт, биология, физиология, психология, ахлоқ, социология, эстетика, ҳуқуқ, фалсафа ва бошқалар ўрганади, лекин ҳар бир фан унга ўзига хос тарзда қизиқади.

Масалан, ахлоқ шахсни моддий бойликлар эгаси ва яратувчиси сифатида ўрганади.

Психология шахсга унинг руҳий фаолияти нуқтаи назаридан тавсиф беради.

Социологияда шахс ижтимоий муносабатларнинг муайян шакли, юриспруденцияда эса – муайян ҳуқуқлар ва юридик мажбуриятлар ташувчисидир.

Шахсга энг умумий таърифни фалсафа – табиат, жамият ва билишнинг умумий қонуниятлари ҳақидани фан беради. Лекин бу ерда ҳам биз жуда кўп ҳар хил талқинларга дуч келишимиз мумкин.

Неотомизм (томизм – лот., thomas – Фома) – Фома Аквинский (1225-1274) таълимотига асосланган католик черковининг расмий фалсафий доктринаси. 1889 йилдан у ўз Фалсафа олий институти (Лувен, Бельгия)га эгадир. Ҳозирда бу институт Неотомизм халқаро марказига айлантирилган (Франция, Испания, Германия, АҚШда ва Лотин Америкасининг бир қанча мамлакатларида бўлимлари бор). Неотомизм намояндалари инсонни мутлақо эркин иродага эга бўлган олий мавжудот деб ҳисоблайдилар.

Неотомизм фалсафасига кўра, шахс ҳаётининг мазмуни фақат худо билан алоқа қилишдадир. Ҳар қандай тарихий жараён, кишилик жамияти ғайритабиий трансцедент кучларга боғлиқ бўлиб, улар инсонни ва унинг хулқ-атворини белгилаб беради.¹

Шахсни таърифлашга нисбатан ёндашувга кўра «персоналистлар» (лот. persona – шахс) неотомизмга яқин туради.

Персонализм – ҳозирги замон христиан фалсафасидаги инсон концепцияси. Персонализм шахсни бирламчи, ижодий реаллик ва олий маънавий қадрият деб, оламни эса, олий яратувчи куч – Худо ижодий фаоллигининг намоён бўлиши, деб ҳисоблайди.

Персонализм XIX аср охирларида Россия ва АҚШда шаклланди, кейинчалик XX асрнинг 30-йилларида Франция ва бошқа мамлакатларга ёйилди. Россияда персонализм ғояларини Н.А.Бердяев, А.Шестов, қисман Н.О.Лосский ривожлантирдилар. Америка персонализмининг асосчилари Б.Боун, Ж.Гайс ва уларнинг издошлари У.Хайинг, Э.Брайтмен, Ж.Хаунсон эдилар. Ҳозирги вақтда персонализм сезиларли даражада ўз таъсирини йўқотган, унинг муаммолари феноменология, экзистенциализм, фалсафий антропология томонидан ишлаб чиқилмоқда.

Инсонни тушунтиришдаги яна бир йўналиш – *фрейдизм* инсон борлигини вужудга келтирган асосларни аниқлашга ҳаракат қилди. Айниқса, инсон шахси таркибининг асосий компонентлари, элементларини аниқлаб беришга, киши хулқ-атвори, характерининг юзага келиши сабаблари, индивид турмуш тарзи

¹ Желнов М.В. Современная неотомистская концепция личности // Проблема человека в современной философии. – М., 1969. – 404-б.

принципларининг ҳосил бўлишини тушунтиришга интилни. Фрейдизм намояндалари фикрига кўра, инсон шахсида бўладиган ўзгаришлар борлиқнинг ўзига хос, муҳим хусусият ва хоссаларга эга бўлган шаклидир. Фрейднинг психоанализ услубига мувофиқ, инсон шахси учта асосий компонентдан ташкил топади. Ид, Эго ва Суперэго бирлашиб, бир бутун инсон шахсини вужудга келтиради.

«Шахс» тушунчасига нисбатан социологик ёндашувлар айниса кенг тарқалгандир. Социология одамга аввало ижтимоий мавжудот сифатида қарайди. Ҳақиқий илмий таҳлил одамнинг моҳиятини очишга ҳаракат қилиши лозим. Инсон – моддий оламнинг узвий қисмидир. Ўзи яшаётган табиий муҳитга мослашиб оладиган ҳайвонлардан фарқли ўлароқ, одам ижтимоий организм, уюшган ижтимоий куч сифатида табиатга муайян даражада қаршилиқ кўрсатади, ўзи яшаётган муҳитни ўзгартиради, уни ўз эҳтиёж ва манфаатларига мослаштиради. Инсон табиат билан яшайди. Табиат – инсон танасидир.

Инсоннинг табиий мавжудот сифатида ҳайвондан фарқи шундаки, у онгли, фаол мавжудотдир. Шу сабабли у, олдиндан қўйилган мақсадларга мувофиқ, табиатдан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланиш билан бир вақтда, уни ўзгартиради. **Шу маънода инсон нафақат атроф муҳит маҳсули, балки унинг бунёдкори ҳамдир.**

Инсонда онгнинг мавжудлиги унинг ижтимоий ва биологик жиҳатлари ўзаро нисбатини аниқлашда муҳим аҳамиятга эгадир. Зотан, онг – ижтимоий маҳсулотдир. Онг инсоннинг объектив борлиқни акс эттириш шакли, одамнинг бошқа одамлар билан объектив муносабатларини акс эттириш шакли сифатида амал қилади. Бинобарин, ушбу муносабатлар ўз манбаига кўра ижтимоий хусусиятга эгадир.

Шахс – алоҳида киши, ижтимоий-ахлоқий моҳиятни ўзида мужассамлаштирган индивиддир. Бу тушунча барча ижтимоий-гуманитар фанларда ўз предмети нуқтаи назаридан ишлатилади. Шахс ҳақида хилма-хил талқинлар бор. Шахс – биофизиологик, ижтимоий, маънавий, ахлоқий ва эстетик фазилат ва хислатларнинг яхлит бир бутунликка айланиши ҳамда муносабатлар тизими билан қамраб олинисидир.

Шахснинг шаклланишида қуйидаги омиллар қатнашади: 1) биологик (насл); 2) табиий муҳит; 3) маданий муҳит; 4) ижтимоий тажриба; 5) одамлар билан муносабат.

Шахснинг биофизиологик жиҳати овқатланиш, жойлашиш, жинсий алоқаларга киришиш, бола туғилиши каби индивидуал фаолияти билан боғлиқ ҳодисалардир. Шахснинг шаклланишига табиий алоқадор буюм ва алоқалар олами физик муҳит деб аталади. Шахс маданийлашган жонзот; ижтимоий-тарихий тажрибага эга бўлган муайян авлод вакили; одамлараро муносабатлар субъекти бўлиши ҳам мумкин. Бу уч омил ҳам шахс ҳаёти ва фаолиятида муҳим аҳамият касб этади.

Ижтимоий муносабатлар доирасидан ташқарида инсон шахс бўла олмаслиги шубҳасиз. Аммо шахснинг ижтимоийлашуви даражаси ҳар хил бўлишини ҳам инкор этиш мумкин эмас. Масалан, эмизикли ёшдаги болалар фақат потенциал шахслардир. Ҳайвонлар галасида яшаб катта бўлган ва сўнгра одамлар жамиятига қўшилган, лекин унга мослаша олмаган одамлар шахс саналиши мумкин эмас.

Ҳар қандай ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга бефарқ бўлган руҳий касалларни ҳам шахс деб ҳисоблаш мушкул. Ижтимоий ҳаёт тажрибасини ўзлаштирган, ўз ижтимоий позициясини ишлаб чиққан, ижтимоий муносабатлар ташувчиси ва бунёдкори сифатида амал қилувчи одамгина шахс ҳисобланади.

Нерв системаси тури, мижоз, ирсий хусусиятлар каби жиҳатлар шахсни тавсифлашда иккинчи даражали роль ўйнайди, чунки улар муайян ижтимоий функцияларни бажаради.

«Шахс» тушунчаси инсоннинг ижтимоий фойдали меҳнатга муносабатини, инсон ижтимоий ривожланиш учун зарур бўлган хоссаларни шакллантириш учун ўзи устида қандай ишлашини муқаррар тарзда қамраб олади.

Меҳнатга, ўз ҳуқуқларидан фойдаланишга, ўз бурчларини бажаришга муносабат шахснинг жамиятдаги аҳамияти даражасини белгилайди. Шу сабабли ўз фаолияти билан ижтимоий тараққиётни жадаллаштирувчи шахслар илғор, тараққийпарвар шахслар сифатида таърифланади. Ва аксинча, тараққиёт йўлида тўғаноқ бўлувчи, фақат ўзининг тубан эҳтиёжларини қондириш билангина қифояланувчи одамлар қолоқ ва ҳатто реакцион шахслар ҳисобланади.

Инсоннинг биологик табиатини инкор этиш мумкин эмас, аммо биологик омил шахс моҳиятини ёритиб бера олмайди. У инсон шахси ривожланишини ҳаракатлантирувчи куч эмас, балки унинг шартларидан биридир. Муайян биологик асосларда баъзан ижтимоий шарт-шароитлар таъсирида жиддий ўзгаришлар рўй беради.

Шундай қилиб, инсон шахси – табиий ва ижтимоий, моддий ва маънавий фазилатлар ва хислатларнинг мураккаб уйғунлигидир. Шахс – ўз шахсий (индивидуал) ва жамиятдан олинган ижтимоий тажрибага эга бўлган ҳаракатчан тизимдир. Мазкур тажриба шахснинг ўзини қуршаган муҳитга муносабатида, унинг ҳис-туйғулари ва хулқ-атворида ўз аксини топади. Шахс – одамнинг онги, сезгилари ва хоҳиш-иродасини шакллантирувчи ижтимоий муносабатларнинг муайян борлиғидир. Шу муносабатларнинг (энг аввало иқтисодий, ишлаб чиқариш муносабатларининг) етуклик даражаси одам шахсининг етуклик даражасини белгилаб беради.

Шахс таркиби тўғрисидаги масала муҳим методологик масалалардан биридир.

Социологияда шахснинг камида уч муҳим таркибий элементи фарқланади:

1) шахснинг жамиятдаги ижтимоий ҳолати, аввало унинг ишлаб чиқаришга муносабати – ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида шахснинг ўрни, қайси ижтимоий табақага мансублиги;

2) шахс қайси функция ва ролларни бажариши;

3) шахс ҳаёти ва фаолияти мотивларининг, манфаатлар (ижтимоий, шахсий), эҳтиёжлар (моддий, маънавий) тизимининг хусусияти, яъни шахснинг мойилликлари.

Жиноят субъекти шахсини ўрганиш замирида юқорида қайд этилган умумий асосий қоидалар ётиши лозим.

4.2. Жиноят субъектининг шахси ва унинг таркиби

Жиноятчи шахси – аввало жиноят субъектининг шахсидир. Жиноят қонунчилигига биноан жиноят субъекти уни айнан субъект деб топиш учун зарур кўрсаткичларга эга бўлиши лозим. Бундай кўрсаткичлар учта: жисмоний шахс (жаҳоннинг баъзи бир мамлакатларида юридик шахсларни ҳам жиноят

субъекти деб топиш имконияти назарда тутилганки, бунга қўшилиш қийин), шахснинг муайян ёшга тўлганлиги (МДХнинг бир қанча мамлакатлари қонунчилигига кўра 14, 16, 18 ёш, жаҳоннинг баъзи бир мамлакатлари жиноят кодексларига биноан эса – бундан ҳам кичикроқ ёш) ва ақли расолик.

Аммо жиноятчи шахсини тавсифлаш учун жиноят субъектининг фақат жиноят-ҳуқуқий белгилари етарли эмас. Муайян субъектнинг жиноят содир этиши фақат жиноят содир этган одам шахси мавжудлигини эътироф этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Жиноят субъектининг шахси одамнинг асосан жиноий хулқ-атвор хусусиятлари билан боғлиқ бўлган бошқа ҳар хил кўрсаткичларини ҳам қамраб олади. Жиноий хулқ-атвор энг аввало одамни қуршаган борлиқ, муҳит билан белгиланади. Лекин, аynи вақтда, у шахснинг муайян майллари, интилишлари, хулқ-атвор мотивлари ва мақсадларини ҳам акс эттиради. Табиийки, одамга қандай салбий хусусиятлар хос бўлмасин, агар у жиноят содир этмаган бўлса, уни жиноятчи деб ҳисоблаш мумкин эмас.

Жиноят содир этганлик ҳолати муайян одамни ғайриижтимоий шахс сифатида тавсифлайди, лекин унинг мазмун-моҳиятини тўлиқ тушунтириб бермайди.

Жиноятчи шахсини тўлақонли тавсифлаш ва баҳолаш учун унинг ҳам ижобий, ҳам салбий хулқ-атворини белгиловчи барча хислатлари ва хусусиятларини, унга хос бўлган барча хислатлар тизимида ижтимоий салбий хоссалар улушини ҳисобга олиш зарур.

Ижтимоий борлиқ ҳодисаси сифатида, жиноятчилик ижтимоий муносабатларга тажовуз қилган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари билан белгиланади. Ҳар бир муайян жиноий ҳаракат ана шу хусусиятларни акс эттиради. Пировардида жиноий қилмиш содир этган шахсда унинг ижтимоий муносабатлар – жиноий тажовуз объектига салбий муносабатини белгиловчи дунёқараши ҳам ўз аксини топади.

Жиноят субъектининг шахси уч даражада: жиноятчи шахси умумий тушунчаси нуктаи назаридан, ҳар хил тоифага мансуб жиноятчиларнинг белгиларини аниқлаш нуктаи назаридан ва муайян жиноят содир этган шахс (массалан, ўғрилик, одам ўлдириш, номусга тегиш, автомобилни

олиб қочиш ва ҳоказо жиноятлар содир этувчи шахслар) даражасида ўрганилиши лозим.

Мазкур даражаларда шахсни ўрганиш ва унинг белгиларини аниқлаш даражаси ҳар хил бўлиши мумкин, чунки бу ерда умумлаштириш (абстракция) даражаси ҳар хилдир. Жиноят субъектининг шахси муайян жиноят содир этган шахс даражасида нисбатан тўлиқ тавсифланиши мумкин. Аммо муайян тоифага мансуб жиноятчиларни (масалан, рецидивистлар, вояга етмаганлар, мулкка қарши, давлатга қарши, зўравонлик ва ҳоказо жиноятлар содир этган шахсларни) ўрганиш жиноятчи шахсини бундай шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан ёритиш ва тегишинча жиноятларнинг тегишли тоифаларига қарши курашнинг муайян чора-тадбирларини ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Айни вақтда, «жиноятчи шахси» умумий тушунчаси ҳам одам фазилатлари ва хислатларининг жиноятчилик билан ўзаро боғланишини ўрганиш ва ҳисобга олиш учун фойдалидир. Махсус адабиётларда айрим олимлар, хусусан, профессор Ю.Д.Блужштейн томонидан илгари сурилган «жиноятчи шахси» умумий тушунчасидан воз кечиш мақсадга мувофиқлиги ҳақидаги фикрига қўшилиб бўлмайди.

Криминология фанида жиноят субъекти шахсининг асосий таркибий элементлари анча мукамал тавсифланган. Мазкур таркиб умуман олганда **жиноятчининг муайян хислатлари ва хоссаларини белгиловчи ижтимоий-демографик, ижтимоий-ахлоқий, ижтимоий-психологик, ижтимоий-ҳуқуқий белгиларни** қамраб олади.

Криминолог олимларнинг жиноятчи шахси схемаси тўғрисидаги баъзи бир муҳим таклифларини келтириб ўтамиз.

Б.В.Волженкин жиноятчи шахси таркибидаги белгиларни уч гуруҳга ажратишни таклиф қилади:

1. Шахсининг жамият аъзоси сифатидаги умумий белгилари.
2. Жиноятчи шахсининг уни бошқа фуқаролардан фарқлаш имконини берувчи, лекин барча жиноятчилар учун умумий бўлган (унинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини тавсифлайдиган) алоҳида белгилари.

3. Жиноятчи шахсининг мазкур одамни тавсифлайдиган ўзига хос белгилари.¹

Н.Т.Ведерников шахс белгиларини икки гуруҳга ажратишни таклиф қилади:

а) индивидуаллаштирувчи белгилар (шахснинг таржимаи ҳоли, моддий аҳволи, жисмоний ва руҳий соғлиғи ҳақидаги маълумотлар);

б) шахснинг ижтимоий (ишлаб чиқаришга оид, сиёсий ва оилавий) тавсифи.²

Ю.Д.Блувштейн жиноятчи шахснинг демографик, ижтимоий, ҳуқуқий, психологик ва биологик (тиббий) белгиларини фарқлайди.³

Профессор А.Б.Сахаров дастлаб жиноятчи шахснинг белгиларини ижтимоий-демографик, ижтимоий-психологик ва ижтимоий-биологик тоифаларга ажратишни таклиф қилган эди.⁴ Бироқ, кейинчалик у ўз фикрини муайян даражада ўзгартирди ва шахснинг биологик белгилари туркумини рўйхатдан чиқариб ташлади.⁵

Ҳар қандай одам, ижтимоий мавжудот сифатида, ҳар хил алоқа ва ижтимоий муносабатларга эгадир. Жиноятчи шахсини белгилайдиган алоқалар, хоссалар ва белгиларнинг ранг-баранглиги энг аввало жиноят содир этган шахснинг ижтимоий аҳамиятга молик хислатлари ва хусусиятларини ўрганишни, жиноятчи шахснинг типологик хусусиятларини аниқлашни ва уни алоҳида ижтимоий тип сифатида тавсифлашни назарда тутди.

Ҳар қандай жиноий ҳаракат аввало одамнинг интеллектуал, эмоционал ва ахлоқий фазилатлари ва хислатларини акс эттиradi. Шу боис мазкур фазилат ва хислатларнинг объектив кўрсаткичларини аниқлаш, уларнинг деформациялашуви босқичларини тадқиқ қилиш криминология учун муҳимдир. Шунга асосланган ҳолда у ижтимоий соҳада жиноятчи шахсини ва

¹ Волженкин Б.В. Общественная опасность преступника и ее значение для уголовной ответственности и наказания // Автореферат канд. дисс. – Л., 1964.

² Ведерников Н.Т. Изучение личности преступника в процессе расследования // Автореферат канд. дисс. – М., 1965. – 8-б.

³ Блувштейн Ю.Д. Теоретические вопросы статистического познания личности преступника по материалам уголовных дел о грабежах и разбойных нападениях // Автореферат канд. дисс. – М., 1968. 8-б.

⁴ Сахаров А.Б. Учение о личности преступника. – Сов. гос и право, 1968, №9. – 69-б.

⁵ Сахаров А.Б. Криминология и профилактика преступления. Учебник для ВУЗов МВД, 1989. – 100-б.

унинг жиноий хулқ-атворини белгилайдиган криминоген омилларнинг яхлит таснифини тузиши мумкин.

Бунда ижтимоий-демографик белгилар – жинс, ёш, оилавий ва ижтимоий ҳолат, маълумот, касб ва ҳоказолар аҳоли турли ижтимоий табақаларининг жиноий фаоллигини аниқлаш, жиноят содир этган шахсларнинг ёш ва жинс хусусиятларини кузатишга ёрдам беради. Шахснинг оилавий ва ижтимоий ҳолатини тадқиқ қилиш муайян жиноятчининг шахси шаклланишига таъсир кўрсатган криминоген омиллар ва ҳолатларни аниқлашга кўмаклашади.

Ижтимоий-психологик тавсиф «шахс – муҳит» ўзаро таъсир механизмларини ўрганишга, жиноятчининг шахси шаклланишига таъсир кўрсатувчи ножўя шарт-шароитларни аниқлашга имконият яратади. Эмоциялар, интеллект ва ирода соҳаларини таҳлил қилиш индивидуал жиноий хулқ-атвор мотивация жараёнлари ҳақида хулосалар чиқариш, жиноятнинг муайян мотивлари ва сабабларини аниқлаш имконини беради.

Хусусан, интеллект шахснинг ақлий ривожланиш даражасини, ўзини қуршаган муҳит ҳақидаги билимлари ҳажми ва уларнинг чуқурлик даражасини, маърифий қизиқишлари мазмуни, доираси ва ҳажмини, ижтимоий муносабатлари ҳажмини белгилайди.

Одамнинг эмоциялар соҳаси унинг нерв жараёнларининг кучи, мувозанати ва ҳаракатчанлигини (мижозини), эмоционал таъсирчанлик даражасини ва ҳоказоларни кўрсатади.

Шахснинг иродасига хос хусусиятлар унинг ўз фаолиятини онгли тарзда тартибга солиш кўникмасини, қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга ошириш, ўз мақсадига эришиш қобилиятини тавсифлайди. Улар тиришқоқлик, изчиллик, ташаббускорлик, топқирлик, қатъийлик, ўзини тута билиш, серғайратлик каби фазилатларда намоён бўлади.

Ижтимоий-психологик таҳлил пировардида шахснинг жиноий хулқ-атворига таъсир этувчи бевосита сабаблар ва шароитларнинг амал қилиш механизмини тушуниб етиш имконини беради. У жиноятчи шахси ғайриижтимоий йўналишининг мазмунини, унинг салбий кўриниш касб этган қарашлари ва мойилликлари, эҳтиёжлари ва манфаатларини ёритишга кўмаклашади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жиноятга туртки берган омилларни аниқлашга ёрдам беради.

Ҳар қандай хулқ-атвор, шу жумладан жинойй хулқ-атвор ҳам ижтимоий-ахлоқий мазмун ва мезонга эга бўлади, шахснинг ахлоқий хусусиятлари ва хислатларини ўзида мужассамлаштиради. Ахлоқий билиш ва ахлоқий муносабатлар шахс хулқ-атворини бошқаришнинг асосий омиллари қаторига киради. Бу омиллардаги ҳар қандай нуқсонлар ва қусурлар шахснинг хулқ-атворига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу боисдан шахснинг ахлоқий тавсифи унинг маънавий ва ахлоқий қиёфасини шакллантирувчи барча ахлоқий фазилатлар ва хислатларни қамраб олади. Ушбу тавсиф замирида яхшилик ва ёмонлик, виждонийлик ва бурч, шаън ва қадр-қиммат ҳақидаги қарашлар ётади. Бу фазилатлар ва хислатлар шахснинг маънавий етуклик даражасини акс эттиради ва унинг ҳар қандай қилмиши ва хатти-ҳаракатларини белгилаб беради.

Одамнинг онгли фаолиятида маънавий сезгилар, кайфиятлар ва муносабатлар ҳам намоён бўлади. Шунинг учун уларни кримнологик ўрганиш жуда муҳимдир.

Шахснинг ижтимоий белгилари асосан унинг жамиятдаги, жамоадаги, микромуҳитдаги ўрни, яъни унинг ижтимоий ҳолати билан тавсифланади.

Шахснинг юқорида кўрсатиб ўтилган барча белгиларини ўз ҳолича кримноген белгилар сифатида баҳолаш мумкин эмас. Аммо уларнинг ижобий ёки салбий ижтимоий аҳамиятига қараб, улар ўртасида мавжуд ўзаро боғланишлар шахснинг муайян хулқ-атвори мақбул ёки номақбул йўналишда намоён бўлишига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин.

Ниҳоят, жинойятчи шахсининг жинойй-ҳуқуқий тавсифи жинойят-ҳуқуқий категорияларга (масалан, содир этилган жинойт тури ва унинг оғирлик даражаси, жинойт содир этишда иштирокчилик, умумий ва махсус рецидив, жинойтчи шахсининг ахлоқан тузалиш даражаси ва ҳоказо) асосланади ва жинойт содир этган шахснинг ўзига хос портретини яратиш имконини беради.

Шундай қилиб, жинойт субъектининг шахси – одамнинг ўзини ҳам, унинг ҳаёти ва фаолиятининг турли томонлари ва кўринишларини ҳам тавсифловчи ижтимоий аҳамиятга молик ва индивидуал белгилари, хоссалари, хислатлари ва бошқа кўрсаткичларининг муайян мажмуи (тизими)дир.

4.3. Жиноятчиларни таснифлаш

Жиноятчиларни таснифлаш муҳим аналитик ва профилактик аҳамиятга эгадир. У жиноятчилик сабабларини янада чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганиш, жиноятларнинг олдини олиш ва прогноз қилиш тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Шу сабабли жиноятчиларни таснифлаш криминологиянинг энг долзарб, лекин ҳали яхши ўрганилмаган муаммоларидан бири бўлиб қолаётир.

Жиноятчиларни ҳар хил асосларга кўра таснифлаш мумкин.

Жиноятчиларни **улар содир этган жиноятларнинг турлари ёки хусусиятига кўра** таснифлаш («ўғрилар», «фирибгарлар», «безорилар», «зўрлик ишлатувчилар», «порахўрлар» ва ҳ.к.) энг содда ва умумий эътироф этилган таснифдир.

Жиноят содир этиш мотивларининг хусусиятига кўра жиноятчиларнинг «ғаразгўй», «зўравон», «нуфузли», «сексуал» ва бошқа типлари фарқланади.

Рухий соғломлик даражасига кўра жиноятчилар руҳан соғлом, руҳий касаллик билан чегарадош ҳолатда, психопат ёки руҳий касал бўлади.

Жиноятчиларни **ижтимоий-демографик белгиларига кўра** ҳам таснифлаш мумкин: вояга етмаган жиноятчилар, шу жумладан ўғил болалар ва қиз болалар; жиноятчи аёллар; хизматчи-жиноятчилар; ўқувчи-жиноятчилар; жиноятчи ҳарбий хизматчилар; транспорт соҳасидаги жиноятчилар; тижорат соҳасидаги жиноятчилар ва ҳ.к.

Жиноятчиларни ғайриижтимоий мойилликлари, қадриятлари ва мўлжалларининг хусусиятига қараб таснифлаш жиноятчиларни таснифлашнинг энг кенг тарқалган усулидир. Ушбу мезонга кўра жиноятчиларнинг шахси уч гуруҳга ажратилади:

а) инсонга, унинг муҳим бойликлари – ҳаёти, соғлиғи, шаъни, кадр-қиммати ва ҳоказоларга салбий-беписанд муносабатда бўлган жиноятчилар;

б) ўзгалар мулкига, моддий неъматларни меҳнатга қараб тақсимлаш принципига нисбатан ғаразли-эгоистик муносабатда бўлган жиноятчилар;

в) жамият ва давлат томонидан ўрнатилган қонун-қоидаларга, ўз умумфуқаролик, хизматга доир ва бошқа махсус вазифа-

ларига (масалан, ҳарбий хизматга) анархистик-эгоистик муносабатда бўлган жиноятчилар.

Баъзи бир муаллифлар (масалан, Ю.М.Антонян) умум эътироф этилган ижтимоий қадриятларга енгилтаклик ва масъулиятсизлик билан муносабатда бўлувчи жиноятчиларни (масалан, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этувчи шахсларни) ҳам фарқлайди.

Жиноятчиларни криминоген зарарланиш даражасига қараб таснифлаш ҳолатлари ҳам учрайди:

а) шахсинг умумий йўналиши ижобий бўлган ҳолда нисбатан енгил жиноятларни биринчи марта содир этган шахслар тоифаси («тасодифий» жиноятчилар);

б) алоҳида ташқи ножўя ҳолатлар таъсирида оғир жиноятларни биринчи марта содир этган шахслар («ситуатив» жиноятчилар);

в) оғир жиноятларни биринчи марта содир этган, лекин илгари бошқа ҳуқуқбузарликларга йўл қўйган шахслар («беқарор» жиноятчилар);

г) бир неча марта жиноят содир этган, шу жумладан илгари судланган шахслар («ашаддий» жиноятчилар);

д) кўп марта қасддан оғир жиноят содир этган шахслар («ўта хавфли» жиноятчилар).

Ғарб ва Америкадаги бир қанча мамлакатлар криминологиясида жиноятчилар асосан уч гуруҳга ажратилади: 1) **тасодифий жиноятчилар**; 2) **профессионал жиноятчилар**; 3) **потенциал жиноятчилар**. Ушбу таснифлаш тизими замирида рецидивистларга қарши кураш бўйича махсус чора-тадбирлар ишлаб чиқилади, синаб кўриш, шартли жазо бериш институтлари амал қилади.

Умумий хулоса шуки, ҳар қандай тасниф муайян даражада шартлидир, деган фикрга деярли барча криминологлар қўшилади. Зотан, таснифлаш учун қандай мезон асос қилиб олинганлиги ёки таснифлашдан қандай мақсад кўзланганлигига қараб, жиноятчилар таснифи ҳар хил бўлиши мумкин. Шу сабабли амалда юқорида кўрсатилган типлардан биронтасига ҳам мос келмайдиган, айтилиши вақтда «аралаш» белгиларга эга бўлган жиноятчилар учраши мумкин.

5-мавзу. ШАХС ҒАЙРИИЖТИМОИЙ МОЙИЛЛИГИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА МУАЙЯН ЖИНОЯТ СОДИР ЭТИШ МЕХАНИЗМИ

1. Умумий асосий қоидалар
2. Шахсининг салбий хулқ-атвори шаклланишига таъсир
этувчи асосий омиллар
3. Муайян ҳаётӣ вазият
4. Психологик механизм

5.1. Умумий асосий қоидалар

Муайян жиной хулқ-атвор механизмини ўрганиш ва тавсифлаш учун диалектиканинг асосий методологик принципларига мурожаат этишимиз лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан «хусусий», «умумий» ва «махсус» категориялари объектив борлиқ ҳодисаларини, унинг муайян жиҳатларини акс эттиради.

Олам муайян ҳодисалардан таркиб топади. Лекин улар мустақил эмас, балки ўзаро боғлангандир. Манбалари, айрим хусусиятлари бир бўлган ва ичдан боғланган баъзи бир ҳодисалар гуруҳларга бирлаштирилиши мумкин.

Ҳар бир фан ўз таянч нуқтасига эга бўлиши лозим. Кимёда муайян элемент, биологияда – индивид, криминологияда – жиноят (индивидуал хулқ-атвор) шундай таянч нуқтаси ҳисобланади. Кимёвий элементларнинг ҳар бири алоҳида хоссаларга эга, аммо уларнинг умумий хоссалари вақти-вақти билан такрорланиб турганлиги сабабли, улар ўртасида боғланиш мавжуд. Биологияда индивид (мавжудот) нафақат ўзига хос белгиларга, балки уни бошқа индивидларга яқинлаштирадиган умумий белгиларга ҳам эгадир. Шу такрорланувчи муҳим белгиларга асосланган ҳолда индивидлар муайян турларга гуруҳланади.

Ҳар қандай жиноят – мураккаб ҳодиса. У фақат ҳодиса сифатида мураккаб эмас. Жиноят – бир қанча омиллар боғланиши ва ўзаро таъсири натижаси (оқибати)дир. Бу омилларнинг ҳам ҳар хил турлари бўлиши мумкин. Аммо уларнинг орасида энг муҳимини ажратиш мумкинми? Бошқача айтганда, ушбу натижа – оқибатнинг вужудга келишида қайси муҳим омиллар ёки «иштирокчилар» қатнашади? Бу, энг аввало, индивид ёки муайян жиной қилмиш содир этган одамнинг шахсидир. Ушбу шахс-

сиз оқибат – жиноят рўй бермаган бўлур эди. Аммо шахс – онгли мавжудот, шу боис у жиноий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этишга нисбатан муайян хоҳиш-иродага эгадир. Бинобарин, бу ерда жиноятчи шахсининг хоҳиш-иродаси биринчи ўринга чиқади.

Боз устига, хоҳиш-ирода йўқ жойда вужудга келмайди. У, ўз навбатида, камида иккита бошқа омилнинг натижаси (оқибати)дир. Бу омиллар қуйидагилардир:

а) жиноятчининг шахси шаклланган шарт-шароит, ушбу шахс жиноий қилмиш содир этишига имконият яратган унинг эътиқодлари, одатлари, қарашлари, эҳтиёжлари;

б) жиноят содир этилган муайян ҳаётӣй вазият шарт-шароитлари.

Кўриб турганимиздек, қайд этиб ўтилган асосий омиллар алоҳида, бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда эмас, балки ўзаро боғланган ва ўзаро таъсирга киришган ҳолда таъсир кўрсатади. Бинобарин, ҳар қандай жиноят даражасида сабабиятнинг элементлар занжири қуйидаги уч бўғиндан таркиб топади:

а) жиноят содир этган шахснинг хоҳиш-иродаси (сабабият занжирининг энг яқин қисми)дан;

б) муайян салбий кўникмалар, одатлар, қарашлар, эътиқодлар, манфаатлар, эҳтиёжлар ва ҳоказолар муайян ҳаётӣй вазият билан ўзаро таъсирга киришиши (сабабият занжирининг бевожуба ёки марказий қисми)дан;

в) жиноят содир этган одамнинг шахси шаклланган ноқулай (салбий) шарт-шароит (сабабият занжирининг энг охириги, лекин энг чуқур қисми)дан.

Вакт кўрсаткичига (мезонига) асосланадиган бўлсак, сабабият комплексининг мазкур схемаси тескари тартибда тузилиши мумкин. Шундай қилиб, шахс шаклланишининг ноқулай (салбий) ҳаётӣй шарт-шароитлари одамни муайян жиноий хулқ-атворга (ҳаракатга) олиб келадиган энг муҳим, энг кучли ва чуқур асосий сабабдир.

Муайян шахснинг жиноий хулқ-атворидаги сабабият комплексини аниқлашдан мақсад кўрсатиб ўтилган бўғинларнинг ҳар бирини ўрганиб чиқиш ва тавсифлашдан иборатдир.

5.2. Шахснинг салбий хулқ-атвори шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар

Шахснинг ташқи муҳит билан ўзаро таъсирга киришиши жуда мураккаб ва қизғин жараёндир. Шу сабабли ҳар қандай одамнинг шаклланиш шарт-шароити ранг-барангдир. Ўз-ўзидан равшанки, ушбу шарт-шароит энг аввало вақт мезони – шахснинг ёш хусусиятлари билан боғлиқ. Шу боис мазкур жараёни вояга етмаганлар мисолида кузатиш мақсадга мувофиқ бўлади деб ўйлаймиз.

Б.Г.Ананьев фикрига кўра, ёшларни ривожланишнинг рухий-физиологик кўрсаткичларига асосан таснифлаш одам ҳаёт цикли ўзгариш босқичларининг қуйидаги занжирини ўз ичига олади: гўдаклик (туғилгандан 18 ойга тўлгунга қадар); илк болалик (19 ойдан 5 ёшга тўлгунга қадар); болалик (5-12 ёш); ўспиринлик (12-15 ёш); ўсмирлик (16-19 ёш); ёшлик (20-30 ёш); ўрта ёш (30-40 ёш); қарилик; мўйсафидлик.

Ҳар бир ёш ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, улар, табиийки, хулқ-атворда ҳам намоён бўлади.

Шахс нимани ва қандай билиши (гносеологик салоҳият), нимани ва қандай баҳолаши (аксиологик салоҳият), нимани ва қандай яратиши (ижодий салоҳият), ким билан ва қандай муомала қилиши (коммуникатив салоҳият), бадий эҳтиёжлари қандайлиги ва уларни қандай қондириши (бадий салоҳият) билан белгиланади.

Шундай қилиб, инсон фаолиятининг қуйидаги беш асосий тури фарқланади: 1) ўзгартирувчи фаолият; 2) билиш фаолияти; 3) кадриятларни белгилаш ва мўлжал олиш фаолияти; 4) коммуникатив фаолият; 5) бадий фаолият.

Шахс ривожланишининг ҳар бир босқичига ҳар хил фаолият турларининг муайян ўзаро нисбати ва уларнинг алоҳида мазмуни хосдир.

Психологларнинг таъкидлашича, инсон ҳаёти коммуникатив фаолиятнинг шаклланиши ва унинг механизмларини ўзлаштиришдан бошланади.

Боланинг ривожланишида янги босқич 3 ёшдан бошланади. Мазкур босқич ижодий фаолиятга ўтиш билан тавсифланади (деворга, мебелга расм чизиш ва ҳоказо). Бу, айниқса, болаларнинг ўйинларида ёрқин намоён бўлади. Шу даврда боланинг

катталарга нисбатан эмансипацияси бошланади. Бу боланинг муайян даражада эркинлашувига ва унда нафақат ўз тенгдошлари, балки катталар билан ҳам мулоқот қилиш эҳтиёжи туғилишига олиб келади.

Инсон ривожланишининг *учинчи босқичи* унинг мактабда ўқиши билан боғлиқ. Бу ерда билиш бола фаолиятининг етакчи турига айланади.

Инсон ривожланишининг *тўртинчи босқичи* (ўсмирлик)да кадриятларни белгилаш ва мўлжал олиш фаолияти биринчи ўринга чиқади.

Бешинчи босқич ўзгартириш фаолияти инсон фаолиятининг асосий турига айланиши билан боғлиқ.

Инсон ҳаётидаги *охирги босқич* бошқалар билан мулоқот яна етакчи фаолият турига айланиши билан тавсифланади.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар шахсининг ривожланиш босқичларини таҳлил қиладиган бўлсак, бу соҳада тўпланган тажриба вояга етмаганлар муҳитида ҳуқуқбузарликларга имконият яратувчи ҳолатлар шахс жиноий жавобгарликка тўлмасдан турибқ таъсир эта бошлашини кўрсатади.

Шунга асосланган ҳолда, вояга етмаган ҳуқуқбузарлар шахсининг деформациялашуви шарт-шароитларини ўрганишда қуйидаги ёш гуруҳларини тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқ бўлади: 11-13 ёш; 14-15 ёш, 16-17 ёш.

11-13 ёшлиларда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг шаклланиш механизмини қуйидагича тавсифлаш мумкин. Педагогикада «бешинчи синфлар муаммоси» мавжуд. Бошқа ўзига хос хусусиятларидан ташқари, ушбу ҳодиса бешинчи синфда ўсмирлар давомати пасайиб кетиши билан тавсифланади. Давоматнинг пасайиши уч хил конфликтга:

- ўсмир ва ўқитувчи ўртасидаги конфликтга;
- ўсмир ва синф ўртасидаги конфликтга;
- ўсмир билан ота-она ўртасидаги конфликтга сабаб бўлади.

Конфликтлар ўз вақтида ҳал қилинмаса, ўсмир асосий ижтимоий коллективлардан «сиқиб чиқарилади». Аммо бу ёшдаги ўсмирнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, у яққаланиб яшай олмайди. Ўсмир ўзига тенг деб қарайдиган тенгдошлари гуруҳини қидиради. Шу тариқа ўсмирларнинг салбий гуруҳлари шаклланади. Бу ерда ўзини намоён қилишнинг мактаб ёки оиладагидан анча фарқ қиладиган усуллари амал қиладди. Чекиш,

киссавурлик, майда ўғирликлар, психотроп моддалар ёки спирт-ли ичимликлар истеъмол қилиш, мактабда «аълочилар»ни дўппослаш шулар жумласидандир.

Шахс шаклланишининг мазкур босқичида ижтимоий профилактика замирида юқоридагига ўхшаш конфликтларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар комплекси ётиши мумкин. Энг самарали йўл – барча ижтимоий коллективларда ўсмирлар ўзини намоён этиши учун кенг имкониятлар яратиб бериш. Ҳар бир ўсмир ўзини нафақат ўқишда, балки спортда, техник ижодда, бадий ҳаваскорликда ва ҳоказоларда ўзини намоён этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

Ўсмир навбатдаги босқичга (14-15 ёш) ўтиши жараёнида бир қанча ўзгаришлар рўй беради. Ушбу босқичда ўзига нисбатан ҳурматга эҳтиёж ўсмирга хос бўлган асосий хусусиятдир. Бунга эришиш учун у эркинликка, мустақилликка, ўз тенгдошларига орасида довруқ таратишга ҳаракат қилади. Натижада у конфликтли ҳолатларга жуда кўп тўқнаш келади. Шу ёшда ўсмирнинг хулқ-атворида жиддий ўзгаришлар рўй беради. Гарчи мазкур ёш гуруҳининг жиноий фаоллиги 16-17 ёшлиларга қараганда камроқ (15-20%) бўлса-да, ушбу ёшда жиноят содир этиш жуда хавфлидир. Криминологик тадқиқотлар шахс жиноий фаолият йўлига қанча эрта кирса, бу фаолият шунча узок давом этиши ва хавфлироқ тус олишини кўрсатади. Бир неча марта жиноят содир этган шахсларнинг аксарияти биринчи жиноятни балоғат ёшига тўлмай туриб содир этган.

Ўсмир шаклланишининг ушбу босқичида умумижтимоий профилактика чора-тадбирлари замирида, энг аввало, ахлоқий, маънавий ва меҳнат билан боғлиқ тарбияни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар тизими ётади.

Маълумки, 16-17 ёшда ўсмирда фаол физиологик ўзгаришлар рўй беради. Шахс ривожланиши мазкур босқичининг ўзига хос хусусиятларини тушуниб етиш учун жинсий ривожланишнинг психологик ва социологик масалалари жуда муҳимдир. Эркинлик ва ижозат чегаралари кенгайган, ижтимоий ва жинсий ривожланиш ўртасидаги тафовут эса тобора катталашиб бораётган ҳозирги даврда бу ҳолат айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу контингентга (у вояга етмаганлар жиноятларининг 80-85% ни содир этади) деформациялашган хулқ-атворнинг мурак-

каб шакллари хосдир. Шахснинг шаклланиш шарт-шароити унинг ижтимоийлашуви даражаси, яъни одам ижтимоий зарур фазилатларни ўзлаштириш жараёни билан ҳам боғлиқ. Бу жараён ҳам жуда мураккаб бўлиб, бир қанча босқичлардан иборат:

- 1) муҳитга қўшилиш;
- 2) муайян ижтимоий роллар, функциялар, нормалар, ҳуқуқлар ва бурчларни ўзлаштириш;
- 3) муҳитга мослашиш ва унга фаол таъсир кўрсатиш;
- 4) ижтимоий мўлжаллар барқарор тизимининг шаклланиши.

Социология фанида **шахснинг ижтимоийлашуви механизми ва соҳалари** фарқланади.

Ижтимоийлашув механизми – инсон ижтимоий ахборотни идрок этиши ва ўзлаштиришига ёрдам берувчи воситалардир. Психологлар фикрига кўра, бундай воситалар каторига таъсир кўрсатиш, мослаштириш, ишонтириш, тақлид қилиш, бошқариш, йўл-йўриқ кўрсатиш ва ҳоказолар киради.

Ижтимоийлашув соҳалари – ижтимоий тажрибани ўзлаштиришга таъсир кўрсатувчи ижтимоий институтлардир. Бунда **макромуҳит** (ижтимоий муносабатлар тизими) ва **микромуҳит** (оила, мактаб, яқин маиший, ошна-оғайнилар муҳити ва бошқа муҳитдаги муносабатлар) фарқланади.

Ижтимоий муҳит одамлар ҳаёти ва фаолиятида муҳим ўрин тутди. Аммо шахснинг шаклланиши нафақат жамиятдаги моддий, сиёсий ва мафкуравий муносабатларга, балки ўзи яшаётган муҳитга, унда амал қилувчи қадриятлар, анъаналар ва қоидалар тизимига ҳам боғлиқдир.

Ижтимоийлашув жараёни турли ижтимоий институтлар томонидан амалга оширилади. Ижтимоийлашув институтлари – бу махсус тузилган ёки табиий тарзда вужудга келган муассасалар ва органлар тизимидир. Уларнинг вазифаси ва фаолияти аввало таълим-тарбия бериш йўли билан шахсларни ривожлантиришга қаратилгандир.

Ижтимоийлашув жараёнини амалга ошириш икки ўзига хос хусусиятга эгадир.

Биринчидан, шахс ривожланишининг ҳар бир ёш босқичи ўзининг асосий ижтимоийлашув институтига эга бўлади.

Иккинчидан, турли ёш босқичларидаги кўпгина ижтимоий институтлар ҳар хил даражада таъсир кўрсатади.

Ижтимоийлашув институтлари орасида асосий вазифаси инсоннинг табиий хоссаларини ривожлантиришдан иборат бўлган институтлар гуруҳини қайд этиш лозим:

1) оила ҳамда болалар мактабгача тарбия муассасалари (асосий фаолият тури – ўйин);

2) асосий вазифаси таълим беришдан иборат бўлган институтлар. Булар: мактаб, лицей, гимназия, коллеж, ўрта махсус ўқув юрти, олий ўқув юрти (асосий фаолият тури – ўқитиш);

3) асосий вазифаси амалий фаолиятдан иборат бўлган бошқа барча институтлар (асосий фаолият тури – меҳнат қилиш).

Шундай қилиб, хулоса чиқариш мумкинки:

1) ижтимоийлашувнинг муайян соҳалари шахс ривожланишининг турли соҳаларида ҳар хил аҳамиятга эга бўлади;

2) шахс ривожланишининг турли босқичларида институтлар, уларнинг уйғунлиги, таъсири ўзгариб боради;

3) соҳалар сонининг кўпайиши шахс ижтимоий роллари доирасининг кенгайишига сабаб бўлади.

Энди шахс ижтимоийлашувининг салбий омиллар таъсир кўрсатиши мумкин бўлган энг муҳим институтларини кўриб чиқамиз.

Шахс ижтимоийлашувининг биринчи ва энг муҳим институти оиладир. Шахснинг ахлоқий ва маънавий шаклланишига оила жуда катта таъсир кўрсатади. Эмоционал таъсирчанлик, сезгирлик, ҳушёрлик, меҳрибонлик каби фазилатлар энг аввало оилада, болаларнинг ўз ота-онаси, яқинлари билан ўзаро муносабатларида шаклланади.

Оила ижтимоийлашув институти сифатида бир қанча ўзига хос хусусиятларга эгадир:

1) У биринчи ва шахс шаклланишининг муайян босқичида бирдан-бир ижтимоийлашув институти ҳисобланади.

2) Оиладаги тарбия бошқа ҳар қандай тарбияга қараганда эмоционал жиҳатдан кучли бўлиб, боланинг оила таъсирига бўйсунлигини белгилаб беради.

3) Оила болани ижтимоий ҳаётга аста-секин ва ҳар томонлама жалб қилиш учун энг яхши имкониятларга эгадир. Шу сабабли ҳатто энг яхши болалар уйларининг тарбияланувчилари ҳам ривожланишда оилада тарбия кўрган болалардан ортда қолади.

Шахсда салбий хусусиятлар шаклланишига олиб келувчи оилада нотўғри маънавий ва ахлокий тарбия бериш бир қанча объектив ва субъектив ҳолатлар билан белгиланиши мумкин.

Энг кўп тарқалган объектив омиллар қаторига қуйидагилар киради:

- оиладаги моддий қийинчиликлар;
- ота-онанинг иш ёки рўзғор юмушлари билан қаттиқ бандлиги. Бу болаларни назорат қилишни объектив тарзда қийинлаштиради;
- оила тўлиқ эмаслиги (ота ёки онанинг йўқлиги);
- ота-она маълумот даражасининг пастлиги, педагогик билимларнинг йўқлиги;
- оилада конфликтли вазиятнинг мавжудлиги.

Моддий таъминланганлик даражаси оиланинг тарбиялаш имкониятларига жуда катта таъсир кўрсатади. Бу ҳолат асосий ижтимоий муносабатлар тубдан қайта қурилаётган, жуда кўп одамлар ишсиз ва болаларга нормал тарбия бериш учун етарли маблағсиз қолган ҳозирги даврда алоҳида аҳамиятга эгадир. Айни вақтда, бу ерда нафақат моддий маблағлар тақчиллиги, балки уларнинг тўкин-сочинлиги тўғрисида ҳам сўз юритилиши лозим. Криминологик тадқиқотлар ҳуқуқбузарлар оиласида моддий бойликка интилиш маънавий эҳтиёжларни қондиришга интилишга қараганда устунроқ туришини кўрсатганлиги бежиз эмас.

Сўнгги йилларда бозор муносабатларига ўтилиши муносабати билан кўпчиликда молпарастлик, обрў кетидан қувиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай мойиллик ва интилишлар ўсмирларга ҳам таъсир этмай қолмайди, албатта. Югурдаклик қилиб бўлса ҳам яхши пул топиш, харидорларни алдаш ва ҳар хил фирибгарликлар йўли билан яшашдан тортинмаслик, ҳатто буни очиқ-ойдин орзу қилиш юқоридаги фикримизнинг ёрқин далилидир.

Ота-онанинг маълумот ва педагогик билимлар даражаси ўсмир шахсининг тўғри шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатадиган омиллардан биридир.

Вояга етмаган ҳуқуқбузарлар ота-онасининг маълумот даражаси қонунга бўйсунувчи ўсмирлар ота-онасининг маълумот даражасидан статистик жиҳатдан анча пастдир.

Боз устига, кўпгина ҳуқуқбузарлар ота-онасининг маълумот даражаси ҳатто вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг маълумот даражасидан ҳам пастдир.

Агар биринчи ҳолат мазкур омилнинг криминогенлигини кўрсатса, иккинчи омил – ушбу криминогенлик асосий сабабларидан бирини кўрсатади. Ота-она умумий маълумот даражасининг пастлиги ўсмир ривожланишининг муайян босқичида оиланинг тарбиявий имкониятларини нафақат объектив тарзда торайтиради, балки унинг таъсири ва нуфузини ҳам камайтиради.

Криминологик тадқиқотлар кўпгина вояга етмаган ҳуқуқбузарларнинг ота-оналари болаларга тўғри ҳуқуқий тарбия беришни билмаганлари ёки бу ҳақда ўйламаганларини, натижада баъзи бир оилаларда болаларга ҳаддан ташқари ғамхўрлик ва меҳр-муҳаббат кўрсатишгани, уларнинг хулқ-атворини назорат қилишмагани, уларнинг ошна-оғайнилари, ташқи алоқалари ва ҳоказолар билан қизиқишмаганини кўрсатади. Ҳолбуки, ҳаддан ташқари ғамхўрлик ўсмирларда манманлик, боқимандалик, бошқаларга нисбатан ҳурматсизлик, жисмоний меҳнатга салбий муносабатни шакллантиришини амалиёт тасдиқлайди. М.М.Бобоев ва Г.М.Миньковский маълумотларига кўра, вояга етмаган жиноятчилар тарбияланган оилаларнинг тўртдан уч қисмида ана шундай тарбия берилган.

Ота-онанинг, бошқа оила аъзоларининг судланганлиги вояга етмаганлар ахлоқининг шаклланишига салбий таъсир кўрсатувчи энг кучли омиллардан биридир.

Шахс ижтимоийлашувининг навбатдаги асосий соҳаси мактабдир. Билимлар ҳажми ҳар 10 йилда икки баравар кўпаяётган, энг замонавий техника бир неча йил ичида эскириб қолаётган ҳозирги шароитда мактаб, гимназия, лицей ва ҳоказоларга ижтимоийлашув институти сифатида алоҳида эътибор бериш лозим.

Агар оиланинг салбий таъсири ўсмирлар жиноят содир этишининг бевосита сабабларидан бири бўлса, бошланғич ва ўрта таълим соҳаларида таълим-тарбия ишларидаги камчиликлар ушбу сабаблар таъсир кўрсатишига имконият яратувчи шарт-шароит сифатида амал қилаётир. Бундай камчиликлар қаторига умумий ўрта таълимнинг йўналиши билан ҳозирги эҳтиёжлар ўртасидаги тафовут, таълим ва тарбиянинг индивидуаллашувидаги камчиликлар киради.

Касб-ҳунар таълими ва тарбияси шароитида шахснинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи салбий, объектив ва субъектив омиллар ҳам бисёрдир.

Шахснинг ижтимоийлашуви тизимида меҳнат жамоаси алоҳида ўрин эгаллайди. Ушбу институт ҳам оила, ҳам мактаб функцияларини ўзида мужассамлаштиради. Меҳнат жамоасида шахс асосий ижтимоий ва фуқаролик мажбуриятларининг эгаси мақомига эга бўлади.

Бу соҳада шахс салбий шаклланишига имконият яратувчи омиллар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) касб танлашда хатога йўл қўйиш. Бунинг натижасида ёш ишчи ва хизматчиларнинг ишга рағбати йўқолади;

2) меҳнат жамоасига умумий, шу жумладан психологик мослашишдаги қийинчиликлар. Натижада ёш ишчи ёки хизматчи жамоага фақат расман боғланади. Унинг учун олдинги ижтимоий алоқалар ва муносабатлар муҳимроқ бўлиб қолаверади;

3) меҳнат фаолиятининг вақтинчалиги (вояга етмаган ишчи ва хизматчиларнинг бешдан тўрт қисми ҳар йили иш жойини ўзгатиради);

4) янги ижтимоий-иқтисодий шароитларда бундай ишчи ва хизматчиларга нисбатан тарбия ишлари яхши йўлга қўйилмаганлиги ёки умуман мавжуд эмаслиги;

5) ниҳоят, жамиятда янги – «бозор» муносабатларига ўтиш шароитида жамоада тарбия ишлари «пул топишнинг йўлини бил» принципида йўлга қўйилиши.

Шахсга у мансуб бўлган гуруҳнинг салбий таъсирини таҳлил қилиш индивидуал даражада жиноят содир этишга туртки берган омилларни аниқлаш учун мустақил аҳамиятга эгадир. Сўнгги йилларда ўтказилган тадқиқотларнинг аксарияти вояга етмаган ҳуқуқбузарлар бўш вақтини криминоген гуруҳларда ўтказишини кўрсатади. Айнан криминоген гуруҳ ўсмирлар учун ғайриижтимоий хулқ-атворни шакллантирувчи ва унга рағбатлантирувчи муҳит ҳисобланади. Бундай гуруҳларнинг аъзолари якка-якка бўлиб ҳам, биргаликда ҳам, ҳатто бундай гуруҳларга аъзо бўлмаган шахслар билан ҳам жиноятлар содир этадилар. Бунда барча гуруҳлар ҳам жиноий хулқ-атвор билан тавсифланмаслиги мумкин. Уларнинг айримлари ғайриижтимоий кўринишга эга бўлган, лекин жиноят-ҳуқуқий нормаларни бузмайдиган қилмишлар билан кифояланади. Баъзи

бир гуруҳлар эса маълум вақтгача ахлоқ нормаларини қўпол равишда бузишга йўл қўймайди.

Ўсмирлар криминоген гуруҳларга тушиб қолишига асосан оиладаги нономрал ҳолат, ўқишдаги ёки ишдаги муваффақиятсизликлар туртки беради. Криминоген гуруҳлар одатда ўсмирларнинг яшаш жойларида шаклланади.

Криминоген гуруҳ ташкил топиши учун бир неча ҳолатлар муҳим аҳамиятга эгадир:

1) жамиятдан ажратилмаган ва янги шахслар билан алоқалар ўрнатиш имкониятига эга бўлган гуруҳ аъзоларининг ғайриижтимоий хулқ-атвор нормаларини қувватлаши ёки ҳатто уларни тарқатиши;

2) гуруҳда жиноий хулқ-атвор кўринишларини тарғиб қилувчи ёки бевосита намоиш этувчи нуфузли аъзоларнинг пайдо бўлиши;

3) гуруҳнинг бошқа аъзолари қаттиқ қоралашидан кўрқиш. Бу ҳолат гуруҳда коллективизм туйғусининг кучайишига сабаб бўлади.

Илгари судланган шахслар билан муомала қилиш шахсининг ахлоқий бузилишини белгиловчи муҳим омиллардан биридир.

Тадқиқотлар ёш ҳуқуқбузарларнинг оиладан ташқаридаги алоқалари асосан кўчада мақсадсиз тентираш ва жамоат жойларида вақт ўтказиш, бу ерда спиртли ичимликлар ёки гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш шаклида рўй берганлигини кўрсатади. Ҳозирги шароитда кўпгина ўсмирлар кўп вақтини кимор ўйнаш, майда буюмлар, маҳсулотлар билан олибсотарлик қилиш, нафақат гиёҳвандлик воситалари, балки психотроп моддаларни ҳам истеъмол қилиш билан ўтказмоқда.

Шундай қилиб, ҳуқуқбузарнинг оиласида вазият қанчалик нохуш бўлса, унинг жиноятчилар ва бошқа шахслар билан алоқаси шунчалик яқин бўлади. Жиноятчининг шахси – нохуш таъсирлар мажмуининг ўзига хос натижасидир. Шу сабабли шахс шаклланишининг ҳар хил ножўя манбаларига **комплекс таъсир кўрсатиш** зарур.

5.3. Муайян ҳаётӣ вазият

Жиноят содир этишдан олдин шахс тушиб қолган муайян ҳаётӣ вазиятга таъсир кўрсатиш шахснинг ижтимоӣ муҳит билан ўзаро таъсирининг жиноятга яқин бўғинидир.

Бундай вазият шахснинг муайян жиноят содир этиш қобилятини узил-кесил рўёбга чиқаради.

Вазият – муайян муносабатларни, ҳолатни юзага келтирувчи шарт-шароитлар мажмуи ёки уйғунлигидир. Криминологияга татбиқан муайян ҳаётӣ вазиятни жиноӣ қилмиш содир этиш вақтида шахснинг хулқ-атвориға бевосита таъсир кўрсатувчи объектив ҳолатлар мажмуи деб таърифлаш мумкин. Бошқача айтганда, бу ижтимоӣ хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) содир этишга аҳдни узил-кесил вужудга келтирган вазият ёки ҳолатдир.

Бунда вазиятнинг таъсири ҳар хил бўлиши мумкинлигини эътиборга олиш лозим. Масалан, вазиятнинг таъсири кучли бўлиши ҳам (зарурий мудофаа доирасидан четга чиқиб, қасддан одам ўлдириш), унча кучли бўлмаслиги ҳам (бировнинг яхши сақланмаётган бойлигини ўғирлаш), умуман сезилмаслиги ҳам (олдиндан тайёрланган тамагирлик ниятида одам ўлдириш) мумкин. Бундан ташқари, энг мушкул вазиятда кўпгина фуқаролар қонунни бузишдан ўзини тийиши мумкинлигини ҳам эътиборга олиш лозим.

Одамнинг ҳар қандай қилмиши бу ташқи муҳитга оддий муносабат билдириш эмас. Муайян ҳаётӣ вазият ҳаракатга ўз ҳолича эмас, балки шахс билан ўзаро таъсирга киришиш орқали туртки беради, унинг ўзига хос хислатлари ва ижтимоӣ хусусиятлари орқали амалда намоён бўлади.

Муайян ҳаётӣ вазият тушунчасини «жиноят содир этиш вазияти» тушунчасидан фарқлаш лозим. Улар ўртасидаги фарқ шунда кўринадики, муайян ҳаётӣ вазият, жиноят содир этишга аҳдни белгиловчи ҳолатлар мажмуи сифатида, жиноят содир этишдан олдин юзага келади, жиноят содир этиш вазияти эса шахснинг хулқ-атвориға жиноӣ ниятни амалга оширишга Киришилган пайтдан то у тугаллангунга қадар таъсир кўрсатувчи ҳолатлар мажмуини ўз ичига олади.

Ҳаётда жиноят содир этиш пайтида (эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этишда) бу икки вазият мос келиши мумкин. Ле-

кин аксарият ҳолларда кўрсатиб ўтилган вазиятлар мазмунини белгиловчи ҳолатларнинг мазмуни ўзига хос кўриниш ва хусусиятларга эга эканлиги билан тавсифланади.

Муайян ҳаётий вазиятнинг мазмуни ва чегаралари ҳар хил бўлиши мумкин. Вазият жуда катта мезонларни қамраб олиши (геноцид) ёки автобус бекати доираси билан чегараланиши (безорилик), бир неча секунд ичида рўй бериши (транспорт воситасида одам уриб кетиш) ёки бир неча йил давом этиши (ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш, қийнаш) мумкин.

Муайян ҳаётий вазият амалда рўй берган воқеалар билан белгиланадиган объектив мазмунга ҳамда субъектив мазмунга (ушбу воқеаларнинг одам онгидаги инъикоси) эгадир.

Баъзи бир муаллифлар жиноий ҳуққ-атвори вазиятга нотўғри муносабат натижаси сифатида тавсифлайдилар. Ҳуқуқ ва ахлоқ нормалари нуқтаи назаридан, жиноятчининг ҳуққ-атвори чиндан ҳам нотўғридир. Лекин аксарият ҳолларда бундай ҳуққ-атвор ҳуқуқбузарнинг объектив ҳолатларга бўлган субъектив муносабатига мос келади. Юзага келган вазиятга нисбатан ўз муносабатини билдирар экан, шахс ўз феъл-атвори ва қарашларига мувофиқ тарзда ҳаракат қилади.

Муаммоли вазият - ҳаётда кенг тарқалган ва умумий эътироф этилган вазиятдир. Субъект ўз олдига қўйган мақсадга эришиш йўлида мавжуд бўлган тўсиқ муаммоли вазият сифатида таърифланади. Эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этишда муаммоли вазият катта роль ўйнайди. Бундай вазиятлар фавқулодда ҳолларда юзага келади ва субъект ўз ҳаракатлари ва қарорларининг моҳиятини англаб етиши учун унда вақт етишмаслиги билан тавсифланади. Муаммоли вазиятга кўпинча зарарли оқибатларга сабаб бўлиш имконияти нуқтаи назаридан хавфли вазият сифатида қаралади. Табиий кучлар (довул, ер қимирлаши, қор ёки тоғ кўчкиси ва ҳ.к.) вазиятнинг хавфлилиқ манбалари бўлиши мумкин. Ўз-ўзидан равшанки, бундай воқеалар рўй берганлиги учун ҳеч ким жавобгар бўлмайди, лекин одамлар мазкур воқеалар шароитида нотўғри ҳаракат қилганлиги, муайян эҳтиёт чораларини кўрмаганликлари учун жавобгар бўлишлари мумкин. Вазиятнинг хавф туғдиришига учинчи шахсларнинг ҳаракатлари (масалан, йўловчилар ва ҳайдовчиларни огоҳлантириш чораларини кўрмасдан йўлни таъмирлаш) сабаб бўлиши мумкин. Хавф субъектнинг ўз ҳаракатлари (масалан, йўлда ҳа-

ракатланиш тезлигини ошириш) натижасида туғилиши ҳам мумкин.

П.С.Дегель кўпгина хавфли вазиятларга хос бўлган омилларни санаб ўтади:

а) кутилмаганда зарарли таъсир кўрсатиши мумкин бўлган йўналтирилган табиий кучлар;

б) субъектнинг изчил фаолиятига физик жиҳатдан монелик қилаётган омиллар (транспорт ҳаракатига халақит бериш);

в) субъектнинг эътиборини чалғитувчи омиллар;

г) зарар объектларининг ҳимоясизлигига имконият яратувчи омиллар;

д) транспорт ҳаракат йўналишида жабрланувчиларнинг бўлиши.¹

Н.А.Игнатов маълумотларига кўра, ҳатто тажрибали ва интизомли ҳайдовчилар ҳам танг ҳолатларга тушиб қолади (кунига 3-15 марта). Тўғри, улар одатда бу вазиятлардан муваффақиятли чиқади.

Муаммоли (объектив тарзда хавфли) вазиятлар баъзан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий фаолиятида ҳам (масалан, жиноятчини ушлаш тўғрисида сўз юритилган ҳолларда) юзага келади.

Жиноят содир этишга (айниқса, эҳтиётсизлик орқасида жиноят содир этиш ҳолатларига) об-ҳаво, кун вақти (эрталаб, чошгоҳ, кечқурун, тун ва ҳ.к.) каби вазият омиллари таъсир кўрсатиши мумкин.

Масалан, куннинг қоронғи вақтида ҳаракат кундузгидан бир неча баравар кам бўлишига қарамай, барча йўл-транспорт ҳодисаларининг 60% га яқини рўй беради.

Муайян ҳаётий вазиятлар конфликтли бўлиши мумкин. Конфликтли вазият деганда қарама-қарши манфаатлар, қарашлар ва интилишлар тўқнашуви рўй берадиган, тарафлар ўртасида зиддият юзага келадиган вазият тушунилади. Конфликтли вазиятда бўлажак жиноятчи ва бўлажак жабрланувчи ёки бўлажак жиноятчи ва ҳокимият органларининг вакили ва ҳоказолар тарафлар сифатида иштирок этади. «Қатъий рақобатли» ва «ноқатъий рақобатли» конфликтли вазиятлар варқланади. «Қатъий рақобатли» конфликтли вазиятларда иштирокчиларнинг манфаатлари бир-бирига мутлақо тескари бўлади ва бир тарафнинг ютиб

¹ Дегель П.С. Неосторожность. – М., 1977.

чиқиши иккинчи тарафнинг ютқизишини англатади. «Ноқатъий рақобатли» конфликтли вазиятларда шундай қарама-қарши манфаатлар бирлашуви рўй беради.

Конфликтларнинг ички ва ташқи томони фарқланади.

Ташқи томондан конфликт – икки кучнинг қарама-қаршилигидир. Ички томондан эса, конфликт ҳар хил ахборот тизимларининг ўзаро нисбати, «рақиблар» хулқ-атвори замирида ётган ўзаро боғланган ва бир-бирини тақозо этувчи фикрлаш масалаларининг икки томонлама ечимидир.

Конфликтли вазиятда қарама-қарши томонлар уни ҳал қилишнинг оқилона усулини топишга ҳаракат қиладилар. Бу усул рефлексия деб аталади. Рефлексия «рақиб»нинг фикрлари ва ҳаракатларини имитация қилишни ва ўз фикрлари ва хулосаларини таҳлил қилишни назарда тутди. Шу сабабли конфликтнинг ҳар бир иштирокчиси (бўлажак жиноятчи ва милиция ходими) вазиятни нафақат ўз нуқтаи назаридан, балки «рақиб» нуқтаи назаридан ҳам баҳолайди. Бу «кураш»да кимнинг «рефлексия даражаси» юқори бўлса, ким юзага келган вазиятни тўғри англаб етган, ўз рақибини яхши ўрганган бўлса, ўша ғолиб чиқади. Рефлексия жараёнларини ўрганиш ва ҳисобга олиш жуда кўп жиноятларни содир этиш механизмнинг ичига киришга ёрдам беради. Уларни билиш тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда жиноятларни олдини олиш учун ҳам зарурдир. Жиноятчини (айниқса, қуролланган жиноятчини) ушлашда рақибнинг «рефлексия даражаси»ни ҳисобга олиш айтиқса муҳимдир.

Муайян ҳаётӣ вазиятлар ҳатто криминоген бўлиши, яъни ўз мазмунига кўра жиноӣ ният ва жиноят мақсадининг шаклланишига ижобӣ таъсир кўрсатиши мумкин. Бундай вазиятлар одатда «туртки берувчи» ҳолатларни (жабрланувчининг агрессив хулқ-атвори), айрим шахсларнинг нотўғри хулқ-атворини (эрнинг сурункали ичкиликбозлиги) ўз ичига олади ва шу боис уларни жиноятга туртки берувчи вазиятлар деб номлаш мумкин.

Махсус адабиётларда жиноятга имконият яратувчи криминоген вазиятлар фарқланади. Улар жиноят содир этишни енгиллаштирувчи ҳолатларни (ҳисоб юритишдаги номукаммаллик, қўриқлашнинг яхши йўлга қўйилмаганлиги ва ҳ.к.) ўз ичига олади.

Муайян ҳаётӣ вазият таркибӣ жиҳатдан жиноят содир этиш жойи, вақти, иқлим шароити каби омиллардан ташкил топади. Масалан, баъзи бир маълумотларга қараганда, жиноятларнинг 65% га яқини шаҳарларда, 30-35% - қишлоқда, 27% - жамоат жойларида содир этилади. Фасл омили нуқтаи назаридан, энг кўп жиноят август ойида содир этилади, ушбу кўрсаткич бўйича энг қуйи нуқта эса декабрь ойига тўғри келади. Баҳор-ёз ойларида (IV-IX) жиноятларнинг 60% га яқини содир этилади. Кундузи барча қиссавурликларнинг 60% га яқини, квартира ўғриликларининг эса – 40% содир этилади.

5.4. Психологик механизм

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, шахс даражасидаги сабабий занжирда жиноят субъектининг ўзи асосий бўғин бўлиб қолади. У билан жиноий оқибатнинг келиб чиқишига кўра боғлиқ бўлган бошқа барча ҳолатлардан ташқари, шахс эҳтиёжлари (манфаатлари) ва хулқ-атвор мотивлари каби психологик омиллар муҳим аҳамият касб этади. Бу омиллар айниқса қасддан содир этилган жиноий қилмишлар сабабиятининг таркибини аниқлашда жуда муҳимдир.

Эҳтиёжлар (манфаатлар) жиноий хулқ-атвор психологик механизмининг муҳим элементларидир. Шу муносабат билан баъзан криминлогияга оид адабиётларда **эҳтиёж муайян жиноятнинг сабаби** деб ҳисобланади. Аммо бу тўғри эмас.

Биринчидан, эҳтиёжлар ўз ҳолича, жамулжамликда жиноят содир этишга таъсир кўрсатган бошқа омиллар билан боғланмасдан, жиноят сабаби сифатида амал қилиши мумкин эмас.

Иккинчидан, ҳар қандай жиноятнинг сабаби муайян жиноятни муайян тарзда таҳлил қилиш жараёнида аниқланади.

Инсон эҳтиёжлари кўп сонли ва ранг-барангдир. Оддий биологик ва физиологик эҳтиёжлар (озик-овқат, кийим-кечак, уйқу, муҳаббат, оналик ва ҳ.к.), моддий ва маънавий йўсиндаги ижтимоий эҳтиёжлар (билим, меҳнат, муомала, ўз қобилятини намоён этиш, ўзини ўзи тартибга солиш ва ҳ.к.) шулар жумласидандир.

Эҳтиёжлар ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-психологик ва бошқа ижтимоий муносабатлар (энг аввало ишлаб чиқариш, синфий ва ижтимоий гуруҳлар ўртасидаги муносабатлар) билан

белгиланади. Улар ҳаракатчандир. Ҳатто эҳтиёжни қондириш усули ҳам алоҳида эҳтиёжга айланиши мумкин. Масалан, китоб йиғиш шахсинг маърифий, ҳаётда мўлжал олиш билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш усули сифатида, китобсеварликка (библиофилияга) айланиши мумкин.

Ҳаётий зарур, нормал, яъни умуман олганда мақбул эҳтиёжлар ҳамда деформацияланган, бузук, яъни ижтимоий номақбул эҳтиёжлар фарқланади.

Деформацияланган, бузук эҳтиёжлар ёмон одатлар ва дидга асосланади. Баъзан эҳтиёжнинг ўзи эмас, балки уни қондириш усуллари сохта бўлиб чиқади. Аксарият ҳолларда жиноий хулқ-атвор замирида эҳтиёжлар ётади.

Аммо эҳтиёжнинг аҳамиятини ошириб кўрсатиш ҳам ярамайди. Чунки у жиноятни бевосита эмас, балки шахсинг сезгилар, манфаатлар, қарашлар, мўлжаллар, эътиқодлар механизми орқали вужудга келтиради.

Қасддан жиноят содир этиш механизми (яъни муайян ҳаётий вазият юзага келгунга қадар) уч бўғиндан иборат: **а) мотивация; б) режалаштириш; в) жиноятни ижро этиш.**

Мотивация – хулқ-атвор мотивининг шаклланиш ва юзага келиш жараёнидир.

Мақсад – мотивни амалга оширишнинг ўзига хос шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, бу – олдиндан кўрилган ва эришиш исталган натижадир. Натижа мақсадга боғлиқ бўлади.

Мотив – инсон фаолиятини ҳаракатлантирувчи кучдир. Айрим олимлар даъват этувчи кучларни (А.Н.Леонтьев), айримлар – онгли эҳтиёжларни (В.Г.Асеев), айримлар эса – эҳтиёжлар билан боғлиқ бўлган кескинлик ҳолатини (К.Обуховский) мотивлар деб ҳисоблайди.

Мотив – шахс жиноят содир этишга аҳд қилишига туртки берувчи ички хулқ-атвордир. Лекин мотивнинг ўзи ҳам субъектнинг мотив ҳосил қилувчи ҳар хил эҳтиёжлари (манфаатлари), қадриятларга муносабати ва ҳоказоларнинг маҳсулидир.

Сезгилар – энг кенг тарқалган хулқ-атвор мотиви. Рудин маълумотларига кўра, сезгиларнинг 100 дан ортиқ тури маълум. Шуларнинг 30 дан ортиғи жиноят мотиви бўлиши мумкин (ғазаб, хусумат, нафрат, ҳақоратланганлик, манманлик, нотўғри тушунилган бурч, сохта ўртоқлик, романтика, кўрқоқлик, кўрқув, муҳаббат, қасос ва б.). Жиноятнинг ўзи, умуман олганда,

ижтимоий ва шахсий манфаат ўртасидаги тўқнашув натижасидир.

Шахснинг қадриятларга муносабати – борлиқ ҳодисалари ва воқеаларига шахс муносабатларининг ижтимоий белгиланган тизимидир. «Бу дунёда яшаб қол», «Энг муҳими – пул», «Ахмоқ одам меҳнат қилади» ва ҳоказолар кўпгина жинойтчилар «дунёқараши»га хос мўлжаллардир. Муайян ҳаракатга туртки берувчи омиллар мотивни англаш билан тугалланмайди. Мотив англаб етилганидан кейин кўпинча мотивлар тўқнашуви, кураши рўй беради. Конфликтда оқилона, эмоционал омиллар, ўчириш ҳисси ва ишга доир манфаатлар, табиий эҳтиёж ва фуқаролик бурчи, ғаразли манфаат ва мансаб вазифаси ва ҳоказоларга муносабатлар тўқнашади.

Аммо мотивлар кураши билан боғлиқ барча ҳолатлар узил-кесил қарор қабул қилиш билан якунланади.

Жинойт содир этиш ҳақида қарор қабул қилиш иккинчи бўғин – жинойтни (унинг вақти, жойи, усуллари ва ҳоказоларни) режалаштириш бўғинининг шаклланишини англатади.

Шу нарса диққатга сазоворки, жиноий ҳуқ-атвор соҳасида баъзи ҳолларда жинойтни режалаштиришнинг муайян стереотиплари кузатилади: масалан, жинойтчилар жиноий режани бажаришнинг бошқа вариантларини ўйлаб ўтирмасдан, муайян бир усулни танлайдилар.

Сабабиятнинг психологик механизмидаги ўзига хос ҳолатлардан бири шундан иборатки, жинойт содир этиш тўғрисида қарор баъзан эмоционал беқарорлик ва асабийлашиш ҳолатида қабул қилинади. Шунинг учун ҳам жинойтни баҳолашда эҳтиётсизлик орқасида содир этилган қилмишларда кўп учрайдиган **импульсив жиноий ҳуқ-атвор механизмига** алоҳида эътибор бериш лозим.

Импульсив ҳаракатлар – шахснинг ўйланмаган, мотивациясиз ҳаракатларидир. Ҳуқ-атворнинг импульсивлиги кўққисдан туғилган вазият, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилиш билан белгиланиши мумкин. Импульсив ҳуқ-атворга эмоциялар айниқса кучли таъсир кўрсатади. Шу сабабли мазкур ҳодисани ўрганиш муайян жиноий ҳуқ-атворда сабабиятнинг психологик механизмининг аниқлаш учун муҳим аҳамиятга эгадир. Жамиятда (шунингдек оилада) эмоционал муносабатларнинг ёзилмаган, лекин кенг амал қилувчи

қоидалари ёки усуллари жуда ҳам кўп. Ўз сезгиларини тийиб туришда инглизларга ҳеч ким етолмайди, деб ҳисоблайдилар. Италиянлар эса эмоцияларининг кучлилиги билан ажралиб туради. Солмо қабиласига мансуб ҳиндулар ўта тинчликсевар одамлардир. Одам ўлдириш, зўрлик ишлатиш, ўзини ўзи ўлдириш, ҳатто муштлашиш ҳам уларга бегонадир.

Умуман олганда, кўпгина жиноятчиларга эмоциялар маданият даражасининг пастлиги, ўз ҳис-туйғуларини жиловлай олмаслик хосдир. Шунинг учун ҳам мотивлари ё ташқи сабабларга мос келмайдиган, ё ўриндош хусусиятга эга бўлган жиноятлар кўп содир этилади.

Шундай қилиб, шахснинг жиной хулқ-атворини белгиловчи ҳолатлар анча мураккаб сабабият комплексини ташкил этади. Бу комплекс мазмуни ва хусусиятига кўра ҳар хил бўлган объектив ва субъектив омилларни ўз ичига олади. Уларни муфассал ўрганиш ва аниқлаш – криминология фани учун мушкул, лекин муҳим амалий вазифадир.

6-мавзу. КРИМИНОЛОГИК ВИКТИМОЛОГИЯ АСОСЛАРИ

1. Виктимология тушунчаси ва унинг аҳамияти
2. Виктимликни таснифлаш
3. Криминологияда виктимликнинг олдини олиш вазифалари

6.1. Виктимология тушунчаси ва унинг аҳамияти

Криминология назариясида жиноятларнинг жабрланувчилари ҳақидаги таълимот «виктимология» деб аталади. «Виктимология» атамаси икки сўздан: латинча *victima* – «жабрланувчи» ва юнонча *logos* – «билим, таълимот» сўзидан ташкил топган бўлиб, жабрланувчи ҳақидаги таълимот деган маънони англатади.

Виктимология мазмуни жабрланувчилар ҳақидаги умумий таълимотни, яъни нафақат жиноятчиликнинг, балки ҳар хил ҳолатлар, бахтсиз ҳодисалар, табиий офатлар, урушлар, давлат сиёсатининг геноциди ва ҳоказоларнинг жабрланувчиларини камраб олади. Кўриб турганимиздек, криминологияда «виктимология» атамаси тор маънода, яъни фақат жиноий хулқ-атвордан жабрланган шахсларга нисбатан қўлланган. Шу сабабли мазкур фан янада аниқроқ, яъни криминологиядаги виктимология деб номланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Криминология доирасида жабрланувчини турли томонлардан тадқиқ қилиш вазифаси қўйилади. Жабрланувчисиз жиноий қилмиш бўлиши мумкин эмас. Ҳар қандай жиноий қилмиш жабрланувчига муайян (моддий, ижтимоий, жисмоний, психологик, маънавий, бевосита, билвосита ва ҳ.к.) зарар етказди. Жиноятлардан ҳар хил объектлар ёки жиноят қонунчилиги билан қўриқланадиган ижтимоий аҳамиятга молик манфаатларнинг эгалари жабрланиши мумкин.

Муайян фуқаро ёки жисмоний шахс, шахслар жамоаси, жамият, давлат ва ҳатто халқаро ҳуқуқий тартибот жабрланувчи бўлиши мумкин.

Жиноятлардан одам ўлдирган жиноятчининг оила аъзолари жабрланиши, масалан, жиноий қилмишни тўхтатишда иштирок этиш вақтида ёки жиноят жараёнида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш чоғида уларга муайян зарар етказилиши мумкин.

Боз устига, баъзан жиноятчининг ўзи жабрланиши мумкин (масалан, оммавий тартибсизликларда, бир гуруҳ шахс бўлиб безорилик қилишда, муштлашувларда). Шу сабабли кимни амалда ва муайян тарзда жиноятдан жабрланувчи деб ҳисоблаш мумкин, деган савол криминализация ва декриминализация жараёни, жиноий тажовуз объектининг чегараларини белгилаш билан боғлиқ.

Жиноят содир этишнинг сабаблар занжирида жабрланувчи жиддий роль ўйнайди, деган ғоя янги эмас, у кўп сонли адабий манбаларда ва ҳуқуқ ижодкорлиги ёдгорликларида ўз аксини топган. Лекин унинг муайян даражада ифодали талқинига XVIII аср мутафаккирларининг асарларида дуч келиш мумкин.

Ҳуқуқ фанининг мумтоз даври намояндаларидан бири Иеремия Бентам (1748-1832) жиноят қонунчилигига жабрланувчига етказилган зарарни қоплашни назарда тутувчи нормаларни кiritишни таклиф қилган. Бу жиноятчини янада оғирроқ жазолаш ва қўрқитиш имконини беради, деб ҳисоблаган у. Ижобий ҳуқуқ йўналишининг вакили Раффаэль Гарофало (1852-1934) ҳам жабрланувчиларга етказилган зарарни қоплашга аҳолини жиноятчилардан ҳимоя қилишни янада кучайтириш воситаси сифатида қараган (туринлик бу судья «криминология» атамасини биринчи бўлиб илмий муомалага киритган).

Немис криминологи Сара Маржора Фрай (1894-1958) тадқиқотларининг диққат марказида жиноятчини ундан жабрланган шахс билан яраштириш, яъни жамиятда тартиб ва тотувликни барқарор этиш муаммолари турган.

Жиноятдан жабрланувчилар муаммоси, зарарни қоплаш (хун тўлаш) ва жиноятларнинг олдини олишда унинг аҳамияти масалалари Шарқ, Ўрта Осиё ва айниқса, Ўзбекистон халқларининг тарихий ҳуқуқий ёдгорликларида ва феодал тузуми суд органларининг қарорларида муҳим ўрин эгаллайди.

Лекин жиноятчиликнинг муҳим омили ва криминологиянинг таркибий қисми сифатида жабрланувчи фақат XX асрнинг биринчи ярмида тизимли равишда тадқиқ қилина бошланди. Одатда бу адабиётларда 1948 йил «Жиноятчи ва жабрланувчи» деб номланган катта ва махсус илмий тадқиқотни эълон қилган немис олими Ганс фон Гентинг номи билан боғланади. Ўз тадқиқотида у ўқувчилар эътиборини жиноятнинг юзага келиш омили сифатидаги жабрланувчига қаратади. Гентинг шунингдек

жиноятчиликни зарар етказувчи ва ундан жабрланувчи ўртасидаги муайян ўзаро муносабатлар сифатида тушуниш ғоясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, жабрланувчилар тўғрисида тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда жиноятчи ва жабрланувчи ўртасидаги муносабатларнинг муайян типларини ажратиш мумкин, бу муносабатлар эса жиноят билан узвий боғлиқдир. Бу эса содир этилган жиноятни нафақат таҳлил қилишни, балки унинг бўлажак жабрланувчилари ҳақида муайян прогнозлар тузишни ва ҳатто латент (яширин) жиноятчиликнинг ҳолатини аниқлашни тақозо этади.

Шуни таъкидлаш лозимки, криминал виктимология криминология дарсликлари ва қўлланмаларида ҳалигача ўзининг муносиб ўрнини эгаллагани йўқ. Муаммонинг мазкур жиҳати ҳатто энг сўнгги «Криминология» дарсликларида ҳам фақат мухтасар тарзда ёритиб ўтилади, кўпгина нашрларда эса умуман кўриб чиқилмайди. Ҳолбуки, жиноятчилик сабабларини ўрганиш ва унинг олдини олиш чора-тадбирларини ишлаб чиқишда жабрланувчи муҳим роль ўйнайди.

Ўз-ўзидан равшанки, криминологияда жиноятдан жабрланган шахсни ўрганишнинг предметга оид тор мақсади жиноий хулқ-атворнинг индивидуал механизмида жабрланувчининг роли ва аҳамиятини, жиноий вазиятнинг юзага келиши ва ривожланишига жабрланувчи қўшган «ҳисса»ни аниқлашни назарда тутаяди, бунинг учун эса жабрланувчининг шахси ҳақида, шунингдек унинг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори тўғрисида тегишли умумий ахборот олиш зарур.

Жабрланувчининг шахси ва хулқ-атвори жиноятчи ўз жиноий ниятини амалга оширишида нафақат жиноят содир этилишидан олдин, балки жиноий тажовуз вақтида, шунингдек жиноят содир этилганидан кейин ҳам (рецидив учун) маълум роль ўйнаши мумкин.

Жабрланувчининг хулқ-атвори, бундан ташқари, латент (яширин) жабрланувчилар қилмишларининг мотивлари ва сабабларини аниқлаш, содир этилган жиноят ҳақида ҳокимият органлари ёки мансабдор шахсларга хабар бериш ёки ариза билан мурожаат этишдан ўзини тийиш сабабларини аниқлаш ва уларга баҳо бериш учун ҳам муҳимдир.

Шундай қилиб, криминология жиноятдан жабрланувчининг шахси ва хулқ-атворини ўрганиш жараёнида жабрланувчи муаммосини асосан қуйидаги нуқтаи назардан кўриб чиқади:

а) жиноятчи ва жабрланувчи муносабатларининг умумий тавсифи, уларнинг ўзаро алоқаси;

б) жиноят содир этишнинг умумий сабаблари ва шартлари умумий таркибида жабрланувчининг шахси ва хулқ-атвори;

в) жиноят содир этилган муайян ҳаётӣ вазиятда жабрланувчининг шахси ва хулқ-атвори;

г) жиноят содир этилганидан кейин жабрланувчининг шахси ва хулқ-атвори (айниқса, рецидив жиноятчилиқни ўрганишда);

д) жабрланувчи шахси ва хулқ-атворининг латент жиноятчилиқ билан ўзаро алоқаси.

6.2. Виктимлиқни таснифлаш

Л.В.Франк фикрига кўра, виктимлиқ – бу муайян шахснинг ўз ижтимоӣ роли, жисмоний ва маънавий фазилатлари ва хислатларига кўра муайян ҳолатларда «жабрланувчига айланиш», яъни жиноятдан жабр кўриш қобилятидир.

В.П.Полубинский Л.В.Франк фикрини ривожлантириб, бундай «қобилят»ни тўрт турга: «индивидуал», «турдош», «группавий» ва «оммавий» турларга ажратишни таклиф қилади. Бунда «**индивидуал**» виктимлиқ деганда муайян шахснинг маълум ҳаётӣ вазиятда жиноят содир этилиши ва унга зарар етказилишига имконият яратадиган ижтимоӣ, биофизик ёки психологик хоссалари тушунилади.

«**Турдош**» виктимлиқ, В.П.Полубинский фикрига кўра, айрим шахсларнинг бир қанча ҳолатлар таъсирида маълум жиноят турларидан (масалан, талончилик, номусга тегиш ва ҳоказолардан) жабрланишга «мойиллиги»да ифодаланади.

«**Группавий**» виктимлиқ ўхшаш ижтимоӣ, демографик, психологик, биофизик ва бошқа хислатларга эга бўлган одамларнинг муайян тоифаларига (инкассаторлар, қоровуллар, таксичилар ва бошқаларга) хос бўлган жиноятлардан жабрланиш қобилятида ифодаланади.

«**Оммавий**» виктимлиқ – одамларнинг муайян қисми учун уларнинг субъектив хислатлари туфайли объектив тарзда мавжуд бўлган жиноятлардан жисмоний, маънавий ёки моддий зарар кўриш имкониятидир.

Юқорида келтирилган манбалардан кўриниб турибдики, «виктимлик» тушунчасига таъриф беришда жабрланувчининг ўзига хос хусусиятлари ҳал қилувчи ва бирдан-бир мезон бўлиб хизмат қилган. Аммо киши ўз шахсий хусусиятларига кўра эмас, балки уларнинг бошқа омиллар билан уйғунлашуви ёки боғланиши натижасида жиноятдан жабрланиши мумкин. Бундан ташқари, одамнинг ҳолати «қобилият» сифатида нотўғри тавсифланган. Бу ерда шахс муайян объектив ҳолатларда жабрланувчи бўлиб қолиш имконияти тўғрисида сўз юритиш тўғрироқ бўлади.

Адабиётларда виктимликнинг икки асосий тури: **умумий** (жабрланувчининг ёши, жинси, касби, ижтимоий ҳолати ва ҳоказоларга боғлиқ бўлган) ва **махсус** (руҳий беқарорликка, эмоционал беқарорликка, эксцентрикликка, ичкиликбозликка ва ҳоказоларга боғлиқ бўлган) виктимлик фарқланади. Ўтказилган тадқиқотлар виктимликнинг бу икки тури уйғун кўринишда келган ҳолларда виктимлик даражаси анча ошишини кўрсатади.

Жиноятларнинг муайян турларини (гуруҳларини) ўрганиш криминологик виктимиологиянинг энг истикболли йўналишларидан биридир. Бундай ўрганиш виктим хулқ-атвор ҳақида жуда кўп ахборот олиш, ошиқча виктимликни белгиловчи омилларни аниқлаш, виктим хулқ-атворни жиноий хулқ-атворга боғлаш имконини беради ва шу тариқа жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар ишлаб чиқишга кўмаклашади.

Шу сабабли айрим жиноят турларини, гуруҳларини ўрганиш ҳозирги вақтда анча кенг ва фаол ўтказилмоқда. Шу нуқтаи назардан **икки асосий масала** кўндаланг бўлади.

Биринчи масала ким жиноятлардан жабрланади? Деган саволга жавоб топиш ҳисобланади. Бу масалани нафақат билимга бўлган эҳтиёжни қондириш учун, балки асосан энг «**викти-моген**» **ижтимоий гуруҳларни** аниқлаш мақсадида ўрганиш лозим.

Тегишли тадқиқотлар аёллар фирибгарлик, қийнаш каби жиноятларни содир этиш билан боғлиқ ҳолларда, эркаклар – одам ўлдириш ва баданга оғир шикаст етказиш каби жиноятларни содир этишда ошиқча виктимлик билан тавсифланишини кўрсатади. Ушбу ҳолат формал ва ноформал соҳаларда эркаклар ва

аёллар бажарадиган ижтимоий вазифаларнинг хусусияти, уларнинг кундалик турмуш тарзи билан боғлиқ бўлса керак.

Зўравонлик жиноятларининг қарийб ярмида жиноятчининг қариндошлари ёки танишлари жабрланади. Бу, айниқса, безорилик, одам ўлдириш, баданга оғир шикаст етказиш каби жиноятларга хосдир. Номусга тегиш масаласига келсак, аксарият ҳолларда у яхши таниш бўлмаган одамларга (тасодифий танишлагга) нисбатан содир этилади.

Иккинчи муҳим масала Шахснинг жабрланувчи сифатида шаклланишига нималар имконият яратилишини аниқлаш лозим бўлади? Бу ҳар қандай виктимологик тадқиқотнинг бош масаласидир, чунки унга жавоб топмасдан жиноятларнинг виктимологик олдини олиш чора-тадбирларини амалга ошириш мумкин эмас. Қўйилган саволга жавоблардан бири шундай бўлиши мумкин: жабрланувчилар шунинг учун ҳам жабрланадики, уларни жиноятчиларнинг ўзи танлайди. Жиноий тажовуздан жабрланувчини танлаш босқичи барча жиноятларни содир этиш ҳолатларида кузатилмаса-да, қайд этилган ҳолат кўпгина жиноятларга хосдир. Амалий нуқтаи назардан, жиноятчи жабрланувчини танлашда мўлжал оладиган белгиларни ўрганиш жиноий қилмишларнинг олдини олиш ва уларни фош этиш (масалан, жиноятчини жиноят устида ушлаш)га ёрдам берувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқишга имконият яратади.

Шахслар муайян тоифасининг вакиллари жиноятдан жабрланиш эҳтимоли содир этилаётган жиноят турига қараб ҳар хил бўлади. Масалан, безориликдан жабрланувчи шахс номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда кўпроқ даражада тасодифий бўлади. Айни вақтда, фирибгарликдан жабрланувчилар номусга тегишдан жабрланувчиларга қараганда камроқ даражада тасодифийдир. Тасодифийлик омили жиноят содир этиш усулига, жиноятчининг «профессионал» тайёргарлигига ва бошқа ҳолатларга қараб намоён бўлади.

Жиноятчилар жабрланувчини танлашда ҳар хил белгиларга, чунончи: кўп миқдорда моддий бойликларнинг мавжудлигига; бўлажак жабрланувчининг ташқи кўринишига (номусга тегишда аёлнинг «чиройлилиги», жиноятга туртки берувчи хулқ-атвори; фирибгарликда шахснинг «соддалиги» ва ҳ.к.); ёшига; ҳаёт тажрибасига; қизиқишларига; феъл-атворининг ўзига хос хусусиятларига (ичкиликка ружу қўйганлик, ишонувчанлик ва ҳ.к.) қараб мўлжал олади.

Жиноятчининг жабрланувчини танлаши – виктимликни белгиловчи муҳим омилдир. Лекин бу мазкур ҳодисанинг бирдан-бир омили эмас. Бошқа бир ҳолат – жабрланувчининг хулқ-атвори ҳам виктимликни аниқлашда муҳим аҳамиятга эга. Юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, жабрланувчининг жиноят содир этилишидан олдинги, жиноят содир этиш вақтидаги ва жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атворини фарқлаш лозим.

Жабрланувчининг жиноят содир этилишидан олдинги хулқ-атвори:

- жиноят содир этишга туртки берувчи (шахс ўз ҳаракатлари билан криминоген вазиятни юзага келтиради);

- фаол (шахс бевосита криминоген вазиятни юзага келтирмайди, лекин ўз ҳаракатлари билан унинг юзага келишига жиддий таъсир кўрсатади);

- пассив (криминоген вазиятнинг юзага келишида шахс жиддий ёки умуман ҳеч қандай роль ўйнамайди) бўлиши мумкин.

Жиноят содир этиш вақтида жабрланувчининг ҳаракатларидан келиб чиқиб:

- шахснинг ҳуқуқбузар кўзлаган жиноий ниятини рўёбга чиқаришига имконият яратадиган хулқ-атворини;

- жабрланувчининг жиноятчига жиноий натижага эришиш имкониятини енгиллаштирувчи унсурларсиз хулқ-атворини («нейтрал» хулқ-атвори);

- ғайриҳуқуқий хулқ-атвор амалга ошишига муайян даражада тўсқинлик қилувчи хулқ-атвори фарқлаш мумкин.

Жабрланувчининг хулқ-атворига тааллуқли бўлган қандай ҳолатларни жиноят содир этишга туртки берувчи ёки имконият яратувчи ҳолатларга киритиш мумкин?

Одам ўлдиришда – бу асосан ахлоққа зид хулқ-атвор ёки айбдорда агрессия, ғазаб ва бошқа салбий эмоциялар ва ҳолатларни кучайтирувчи ғайриқонуний хулқ-атвор. Одам ўлдиришга қасд баъзан кўрқитиш, жисмоний зўрлик ишлатиш, дўппослаш, таҳқирлаш, ҳақорат қилиш, қўпол ёки шафқатсиз муомалада бўлиш, моддий зарар етказиш ва ҳоказолар таъсири остида туғилади.

Номусга тегишда жиноят содир этишга жабрланувчининг айбланувчида жинсий ҳирсни кўзғатувчи ахлоққа зид ёки енгилтак хулқ-атвори туртки беради.

Бундан ташқари, жабрланувчининг кучсиз ёки ожиз ҳолатини, унинг зўрликка қаршилик кўрсатиш қобилияти чекланганлигини ифодаловчи ҳолатларга ҳам эътибор бериш лозим.

Ғаразгўйлик жиноятларига кўпинча жабрланувчининг енгил-так ёки ахлоққа зид ҳаракатлари, ўз мулкани асрашга совуққонлик билан муносабатда бўлиши, танишлар орттиришда эътиборсизлиги, шубҳали «дўстлар» ва бегона шахсларга нисбатан ҳаддан ташқари ишонувчанлик, жабрланувчи мол-мулкнинг бўлажак ўғрилари билан биргаликда ароқхўрлик қилиш, қимор ўйнаш, жинсий майлга берилиш имконият яратади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, жиноятдан жабрланувчилар рўй берган ҳодиса ҳақида тегишли органларга хабар бермаслиги: а) ғайриҳуқуқий (жиноят ҳақида қонунга зид равишда онгли тарзда хабар бермаслик); б) ахлоққа зид; в) нейтрал (шахс жиноятдан жабрланганини англамайди) бўлади. Бу жабрланувчиларнинг жиноят содир этилганидан кейинги хулқ-атвориға нисбатан ёндашувни табақалаштириш зарурлигини кўрсатади. Мазкур ёндашув жабрланувчиларнинг хулқ-атвор мотивларини ўрганишга асосланиши лозим. Зотан, жабрланувчилар хулқ-атвор мотивларининг ранг-баранглиги уларнинг жиноят содир этилганидан кейинги ҳаракатларини бир хилда баҳолаш имконини бермайди.

6.3. Криминологияда виктимликнинг олдини олиш вазифалари

Виктимологик тадқиқотлар жиноятчилик сабаблари ва шартларини, унинг таркибини ўрганиш, жиноятчиликнинг умумий салбий оқибатларини баҳолаш имкониятларини сезиларли даражада кенгайтиришга қодирдир. Ҳолбуки, виктимологиянинг роли ҳозирча муносиб баҳолангани йўқ. Расмий статистик ҳисоботларда жабрланувчилар ҳақида тегишли кўрсаткичлар ҳам мавжуд эмас. Жабрланувчилар, уларнинг ҳуқуқлари ва бурчлари, уларга етказилган зарарни қоплаш усуллари ва шакллари тўғрисида қонунлар қабул қилинмаган. Жиноят-процессуал кодексида жабрланувчилар тўғрисида, жабрланувчилар шахси ва хулқ-атворини терговда ва судда лозим даражада баҳолаш тўғрисида махсус бўлим (боблар) мавжуд эмас.

Жабрланувчилар шахсини виктимологик ўрганишнинг бош мақсади огоҳлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқишдан иборатдир. Бу чора-тадбирлар мажбурий ва тавсиявий хусусиятга эга бўлиши мумкин. Мазкур чора-тадбирлар гуруҳларининг ҳар бири умумий, группавий (махсус) ва индивидуал (хусусий) даражаларда намоён бўлиши мумкин.

Индивидуал ва группавий даражалардаги мажбурий чора-тадбирлар жиноят содир этишга туртки берувчи хулқ-атворли шахсларга нисбатан зарур ҳолларда қонун ҳужжатларида назарда тутилган шаклларда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг назорат фаолиятини таъминлаш учун қўлланилиши мумкин.

Тавсия кўринишидаги чора-тадбирлар зарур ҳолларда:

1) шахсларнинг муайян гуруҳларига касбий фаолиятда ва кундалик ҳаёт фаолиятида шахсий хавфсизликни таъминлашга объектив тарзда қодир бўлган баъзи бир ахлоқ қоидаларини тушунтириш;

2) шахсий мол-мулкни ўғрилар, талончилар ёки фирибгарлардан асраш қоидаларини тушунтириш;

3) жиноятчи билан тўқнашган ҳолларда оқилона ҳаракатларни, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига мурожаат қилиш тартибини тушунтириш учун қўлланилиши мумкин.

Виктимликнинг олдини олиш муаммоларини муваффақиятли ҳал қилиш учун қонунчилик базаси, чунончи: жиноятчиликнинг, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тўғрисида, жиноятдан жабрланганларни ҳимоя қилиш тўғрисида, етказилган зарарни қоплаш тартиби ва шартлари тўғрисида қонунлар қабул қилиш, жиноят, фуқаролик, процессуал ва маъмурий кодексларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

Шу нуқтаи назардан жаҳон амалиёти диққатга сазовордир. 1963 йилда Янги Зеландияда жаҳонда биринчи Жиноятлардан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида қонун қабул қилинди. Тез орада ушбу мамлакат ташаббусига Англия, Нидерландия, Швеция, Франция, АҚШнинг баъзи бир (12) штатлари, Канаданинг саккиз вилояти, Австралиянинг беш штати қўшилди.

1972 йил АҚШда Жиноятдан жабрланганларга ёрдам кўрсаатиш тўғрисида федерал қонун қабул қилинди. 1976 йил ГФРда Зўравонлик жиноятларидан жабрланганларга етказилган зарар-

ни қоплаш тўғрисидаги қонун кучга кирди. 1982 йил АҚШда Жиноятдан жабрланганларни ва гувоҳларни жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисидаги федерал қонун қабул қилинди. Мазкур қонунга биноан жиноятчининг моддий зарарни қоплаши мустақил жазо тури сифатида мустаҳкамлаб қўйилди.

1983 йил Европа Кенгашининг Вазирлар Кенгаши Зўравонлик жиноятларидан жабрланганларга етказилган зарарни қоплаш тўғрисида Европа конвенциясини қабул қилди. Ушбу конвенцияда жиноятлардан жабрланганларга етказилган зарарни давлат томонидан қоплаш ва мазкур соҳада Европа Кенгашига аъзо мамлакатларнинг халқаро ҳамкорлиги шартлари ва принциплари белгилаб қўйилди.

1980 йил майда Япония парламенти Жиноятлардан жабрланганларга пул тўлаш тўғрисида қонун қабул қилди. Бу қонун 1982 йил 1 январдан кучга кирди.

Ҳатто Жанубий Африка Республикасида ҳам жиноятлардан жабрланганларни ўрганиш ва жиноятчиликнинг олдини олиш махсус институти мавжуд.

1979 йил Мюнстерда Жаҳон виктимология жамияти таъсис этилди, 1980 йил Вашингтонда Жаҳон Конгресси бўлиб ўтди.

7-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1. Жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси
2. Жиноятларнинг олдини олиш таркиби
3. Жиноятларни профилактика қилиш турлари

7.1. Жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси

Жиноят учун жазо бергандан кўра, унинг олдини олган маъқуллиги умумэътироф этилган. Бу - ҳар қандай ижобий қонунчиликнинг бош вазифасидир. Ҳозирги вақтда ҳуқуқбузарликлар ва бошқа ғайриижтимоий, салбий ҳодисаларга нисбатан қўлланилган «жиноятчиликнинг олдини олиш», «профилактика қилиш», «огоҳлантириш», «тўхтатиш», «барҳам бериш» каби атамалар нафақат махсус адабиётларда, балки ҳар хил норматив ҳужжатларда, шунингдек вақтли матбуотда ҳам кўп учрайди.

Бу атамалар ИИБ, МХХ, адлия, прокуратура, суд, хўжалик суди, солиқ, божхона, ўт ўчириш, чегара хизматлари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалий ходимлари, шунингдек жамоат ташкилотларининг жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича муайян вазифаларни бажарувчи вакиллари томонидан кенг қўлланилади. Баъзи бир идораларнинг (хусусан, ИИБнинг) ўқув юртлари тизимида «Жиноятлар профилактикаси» фани ўқитилади.

Криминологияга оид адабиётларда жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси ҳақида кўп фикр юритилади, лекин мазкур тушунчанинг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас.¹

Жиноятлар профилактикасига оид йирик тадқиқот муаллифи Г.А.Аванесов ўз китобининг биринчи нашрини «Криминология ва ижтимоий профилактика» деб номлаган.²

Жиноятларнинг олдини олиш муаммосига бағишланган дастлабки илмий тадқиқотлардан бири киевлик И.А.Гельфанд ва П.П. Михайленконинг «Жиноятларнинг олдини олиш – жиноятчиликка барҳам бериш учун кураш негизи» монографиясидир.³ Унда муаллифлар жиноятларнинг олдини олиш соҳасида

¹ Филимонов О.В. Индивидуальная профилактика преступлений. – Томск, 1985. 5-7-бетлар.; Аванесов Г.А. Криминология. – М., 1984. – 334-б.

² Аванесов Г.А. Криминология и социальная профилактика. – М., 1980.

³ Гельфанд И.А., Михайленко П.П. Предупреждение преступлений – основа борьбы за искоренение преступности. – М., Юридическая литература, 1964.

қўлланиладиган атамалар тўғрисида сўз юритиб, «олдини олиш», «барҳам бериш», «профилактика қилиш», «тўхтатиш» атамаларининг мазмунида фарқ қидириш ўринли эмаслигини, бу атамаларнинг мазмуни бирлигини – шу маънода улар муайян шахслар томонидан жамиятга зарар етказувчи қилмишлар содир этилишининг олдини олиш ва кейинчалик бундай ҳолатларга мутлақо барҳам бериш чора-тадбирларини кўриш зарурлиги ҳақидаги фикрни ифодаловчи синонимлар эканлигини таъкидлайдилар.

Мазкур муаммога оид тадқиқотларни XX асрнинг 70-йилларида эълон қилган бошқа муаллифлар эса, аксинча, кўрсатиб ўтилган атамалар маъноси ўртасида фарқ мавжудлигини қайд этадилар. Хусусан, А.Г.Лекарь ва А.Ф.Зелинский «жиноятларнинг олдини олиш» ва «жиноятлар профилактикаси» атамаларини бир-биридан фарқлайдилар. Улар «жиноятларнинг олдини олиш» деганда муайян жиноят содир этилишига қаршилик кўрсатишни, «жиноятлар профилактикаси» деганда эса – жиноят содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этишни тушунадилар. Уларнинг фикрича, «профилактика»га жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш ва бартараф этиш жараёнини, «жиноятларнинг олдини олиш»га эса – режалаштирилаётган ва тайёрланаётган жиноятларга йўл қўймасликни киритиш лозим.¹

Т.А.Аванесов кўрсатиб ўтилган атамалар бир-бирини истисно этмаслигини, улар ўртасида фарқдан кўра ўхшашлик кўпроқ эканлигини, моҳият эътибори билан улар турдош тушунчалар ҳисобланишини таъкидлаган ҳолда, жиноятлар профилактикасига икки хил маънода таъриф беради. Кенг маънода жиноятлар профилактикаси – муайян жиноятларга йўл қўймаслик, жамиятнинг муайян аъзоларини ҳуқуқбузарликлар содир этишдан тийиб туриш демакдир. Бошқача айтганда, бу – ҳуқуқ, шу жумладан жиноят ҳуқуқи (жиноят қонунчилиги) нормалари бузилишига йўл қўймасликдан иборат фаолият. Шу маънода жиноятлар профилактикаси мазмунига ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолияти ҳам киради. Тор маънода эса, жиноятлар профилактикаси деганда, биринчидан, жиноятларнинг сабабларини, уларни

¹ Лекарь А.Г. Профилактика преступлений. –М., 1972. –45-б.; Зелинский А.Ф. Значение нормы уголовного права для предупреждения преступлений. Авторе-т дисс. канд. юрид. наук. – М., 1966. – 4-б.

содир этишга имконият яратувчи ҳолатлар ва шарт-шароитни аниқлаш бўйича фаолиятни; иккинчидан, жиноят содир этиши мумкин бўлган шахсларни аниқлаш ва улар билан зарур огоҳлантириш тадбирлари ўтказиш бўйича фаолиятни тушуниш лозим. Бу икки тушунча жамулжам ҳолда «хуқуқбузарликлар профилактикаси» умумий тушунчасини вужудга келтиради.¹

Шунга ўхшаш фикрни бошқа муаллифларнинг асарларида ҳам учратиш мумкин. Бизнинг назаримизда, «жиноятларнинг олдини олиш», «жиноятлар профилактикаси» атамаларига ҳар хил маъно юклаш мумкин эмас, чунки умумсиёсий, юридик ва фиолологик адабиётларда улар бир хил маънода қўлланилади. Қонунчиликда ҳам биз кўрсатиб ўтилган атамалар ўртасида фарққа дуч келмаймиз.

Кўрсатиб ўтилган атамалар ўртасида «жиноятларнинг олдини олиш» айниқса кенг тарқалгандир. Бу фикрни жуда кўп муаллифлар таъкидлайди.²

Жиноятларнинг олдини олиш ёки жиноятлар профилактикаси тушунчаси ҳақида махсус адабиётларда кўп фикрлар билдирилган. Лекин мазкур тушунчага нисбатан «давлат ва жамоатчилик органлари ва ташкилотларининг жиноятларнинг сабаблари ва шарт-шароитини бартараф этиш ёки уларни нейтраллаштиришга қаратилган чора-тадбирлари ёки чора-тадбирлар мажмуи», деган таъриф кенг тарқалган.

Бизнинг фикримизча, «жиноятларнинг олдини олиш» ва «жиноятлар профилактикаси» тушунчалари ўртасида узвий боғланиш мавжудлигини инкор этиш мумкин эмас. «Жиноятларнинг олдини олиш» нисбатан умумий тушунча бўлса, «жиноятлар профилактикаси»да жиноятларнинг олдини олишда муайян чора-тадбирларнинг роли таъкидланади.

Шу билан бирга, бу икки тушунча ўртасида мутлақ тенглик белгисини қўйиш ҳам ўринли бўлмайди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун «жиноятларнинг олдини олиш» тушунчасининг «ички» тузилишини янада муфассалроқ кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

¹ Аванесов Г.А. Криминология. – М., 1984. – 339-б.

² Антонян Ю.М. О понятии профилактики преступлений // Вопросы борьбы с преступностью. – М., 1977. Вып. 26. – 27-29-б.; Филимонов О.В. Индивидуальная профилактика преступлений. – Томск, 1985. – 8-б.

7.2. Жиноятларнинг олдини олиш таркиби

«Жиноятлар профилактикаси» тушунчасининг таърифи унинг асосий (ўзига хос) таркибий элементлари ёки таркибий қисмларини ажратишни назарда тутди. Бундай чуқур таҳлилсиз умумий тушунчани тавсифлаш мумкин эмас. Шу нуқтаи назардан, жиноятлар профилактикаси, энг аввало, ҳаракатни (ҳаракатлар мажмуини) ёки мувофиқлаштирилган ҳаракатлар тизимини, яъни муайян ижтимоий субъектларнинг жиноятни вужудга келтирувчи шарт-шароит ва сабабларга барҳам бериш ёки уларни нейтраллаштириш мақсадида муайян нарсалар ва ҳодисаларга (омилларга) таъсир кўрсатиш бўйича фаолиятини англатади. Жуда кўп муаллифлар жиноятлар профилактикаси деганда айнан ҳаракат (фаолият)ни тушунади. К.Е.Игошев ва В.С.Устинов жуда тўғри таъкидлаб ўтганидек, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тушунчаси ҳуқуқий тартибга солишнинг ижтимоий механизми бузилишининг олдини олиш ва бунга йўл қўймасликка қаратилган давлат ва жамоатчилик фаолиятини белгилаш учун қўлланилиши лозим.¹

Лекин жиноятлар профилактикаси тушунчасига таъриф беришда мазкур асосий элемент (ҳаракат ёки фаолият)ни кўрсатиш билан кифояланмаслик керак. Муайяноқ кўринишда жиноятчиликка қарши кураш билан боғлиқ ҳар қандай фаолият, шу жумладан жиноятлар профилактикаси ҳам криминоген омилларга барҳам беришга, жиноятчи шахсининг шаклланишига йўл қўймайдиган шарт-шароит яратишга қаратилган ижтимоий субъектлар ўртасидаги тегишли ижтимоий муносабатларни англатади. Шу сабабли жиноятларнинг олдини олиш бўйича фаолиятнинг элементлари жамулжам ҳолда ижтимоий муносабатларни тартибга солишнинг ўзига хос тизимини ташкил этади.²

Ижтимоий муносабатлар ўз ҳолича мураккаб ижтимоий ҳодисадир. Ҳуқуқ соҳасида улар томонларнинг муайян ҳуқуқлари ва юридик мажбуриятлари кўринишида намоён бўлади. Бинобарин, профилактика фаолияти нафақат юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйилган муайян ҳуқуқларни рўёбга чиқаришни,

¹ Қаранг: Игошев К.Е., Устинов В.С. Введение в курс профилактики правонарушений. – Горький, 1977. – 15-б.

² Қаранг: Предупреждение преступности. – М., 1986. – 8-б.

балки бундай фаолият иштирокчиларининг тегишли мажбуриятлари бажарилишини ҳам англатади.

Ижтимоий фаолият ёки ҳаракатлар мажмуи фаолият субъектларини назарда тутати, зеро, ҳар қандай фаолият бу фаолиятни амалга оширувчининг мавжудлигини назарда тутати ва бундай субъектларнинг асосий доирасини белгилаш муҳим назарий ва амалий аҳамият касб этади. Адабиётларда профилактика субъектлари доирасини белгилашга нисбатан ҳар хил ёндашилади. Масалан, А.А.Герцензон, Н.Р.Миронов ва бошқалар жиноятларнинг олдини олиш субъектлари сифатида фақат давлат ва жамоат ташкилотларини кўрсатадилар.¹ Жиноятларнинг олдини олиш тушунчасига берилган баъзи бир таърифларда нафақат жамоат ташкилотлари, балки фуқаролар ҳам кўрсатилмаган.

А.Э.Жалинский жиноятлар профилактикаси субъектлари деганда фақат жисмоний шахсларни тушунади ва уларни жиноий фаолиятга жалб этилганлик даражасига қараб таснифлайди.² Ҳолбуки, жиноятларнинг олдини олиш нафақат сўзнинг кенг маъносига ижтимоий жараёни давлат томонидан бошқаришнинг ўзига хос усули, балки кўп субъектли комплекс, жиноятчиликка таъсир кўрсатишнинг ҳар хил методлари ва чоратадбирларни қамраб олувчи ҳаракатлар тизими ҳамдир.

Ю.Д.Блувштейн профилактика фаолияти субъектининг асосий белгиларини қайд этишни таклиф қилади. Унинг фикрича, бундай белгилар қаторига қуйидагилар киради:

- жиноятлар профилактикасини тизим тажрибасини ўзлаштириш ва ундан фойдаланишга қодир бўлган функция сифатида изчил амалга ошириш;

- тизимнинг бошқа элементлари билан горизонтал йўналишда (координация) ва вертикал йўналишда (субординация) боғланганлик;

- ўз хулқ-атворини тизим «бошқарув механизми»нинг командаларига мувофиқ йўлга солиш;

- хулқ-атворни таъсир кўрсатувчи объектнинг муайян ҳолатлари ва тизим белгиланган чегараларга қараб танлаш имкониятининг мавжудлиги.

¹ Герцензон А.А., Миронов Н.Р. О некоторых вопросах предупреждения преступности и других антиобщественных явлений и борьбы с ними в современных условиях. – М., 1961. – 9-б.

² Жалинский А.Э. Специальное предупреждение преступлений. – Львов, 1976. – 152-б.

Кўрсатиб ўтилган белгилардан биттасига эга бўлмаган органлар, ташкилотлар ёки шахслар ҳам жиноятлар профилактикаси субъекти сифатида қаралиши мумкин эмас. Масалан, фаолияти бевосита профилактика мақсадларини кўзламаган орган ёки ташкилот профилактика субъекти бўла олмайди.¹

Бинобарин, фаолиятининг асосий йўналиши жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олишдан иборат бўлган субъект-гина профилактика субъекти сифатида тан олинishi мумкин.

Шунга мувофиқ, жиноятлар профилактикасининг ижтимоий субъектлари доирасига фақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари киради. Бу, энг аввало, ички ишлар органларидир. Улар мазмуни ва йўналиши ҳар хил бўлган профилактика ишларини амалга оширади, ўз жиноятлар профилактикаси субъектларининг муайян кичик тизимига эга бўлади. Ички ишлар органлари ўзининг жиноятларни профилактика қилиш функциясини бажара бориб:

- спиртли ичимликлар билан қонунга ҳилоф равишда савдо қилувчиларни ва майда безорилик ёки майда ўғрилик содир этган пиёнисталарни, врач кўрсатмасисиз гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилувчиларни, бангхоналар ва фоҳишахоналарни сақлаб турувчиларни, жиноят содир этишда шубҳа қилинганларни аниқлайди ва уларнинг ҳисобини юритади;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисида баённомалар тузади;

- ҳуқуқбузарларни ушлаш ва уларни ички ишлар органларига етказишни таъминлайди;

- шахслар, буюмлар, транспорт воситаларини кўздан кечиради, буюмлар ва ҳужжатларни олиб қўяди;

- маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни юри-тишнинг қонунда назарда тутилган бошқа чора-тадбирларини қўллайди;

- ҳуқуқбузарлик содир этган ҳарбий хизматчиларни ушлайди;

- маъмурий назорат остига олинган шахслар ҳисобини юритади, уларни назорат қилади, уларга нисбатан қонунда назарда тутилган чеклашларни қўллайди;

- жамоат жойларида инсоннинг шаъни ва кадр-қимматини таҳқирловчи ва ижтимоий ахлоққа зид маст ҳолда бўлган шахс-

¹ Блувштейн Ю.Д. Предупреждение преступлений в обществе. – Минск, 1980. – 34-б.

ларни махсус тиббий муассасаларга ёки ички ишлар органларининг навбатчилик қисмларига етказадилар ва ҳ.к.

Бундан ташқари, тергов аппарати ходимлари ҳам муайян профилактика ишларини амалга оширади.

Тергов бўлинмаларининг профилактика ишини мақсадига қараб икки турга ажратиш мумкин: а) жиноятларни тўхтатиш чора-тадбирлари; б) жиноятчилик сабаблари ва шарт-шароитини бартараф этиш чора-тадбирлари.

Тергов аппаратининг профилактика фаолиятига қуйидагилар кирази:

1) жиноят содир этилишига имконият яратадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш;

2) айбдорни жиноий жавобгарликка тортиш орқали унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига барҳам бериш;

3) жиноят содир этилишига йўл қўйган шахсларни жавобгарликка тортиш;

4) иш материалларидан профилактика фаолиятида фойдаланиш;

5) жиноят содир этилган корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан учрашиш ва суҳбатлашиш.

Тиббий ҳушёрхоналар ҳам катта профилактика ишини олиб боради.

Ички ишлар органларининг тиббий ҳушёрхоналари статистика маълумотларини таҳлил қилиб, қуйидаги группавий ва шахсий профилактика ишларини амалга оширади:

1) спритли ичимликларни суиистеъмол қилувчи шахслар билан суҳбатлар ўтказиш;

2) аниқланган ва махсус ҳисобга олинган шахслар (сурункали пиёнисталар, руҳий касаллар, даволаш-меҳнат профилакторийсидан қайтган шахслар) тўғрисида соғлиқни сақлаш идораларига хабар бериш.

Ички ишлар органлари ёшлар ва вояга етмаганлар ўртасида жуда муҳим профилактика ишларини олиб боради.

Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг ходимлари профилактика фаолиятининг асосий мақсадига эришиш учун қуйидаги вазифаларни бажариши лозим:

1) ҳуқуқбузар ўсмирларни, ўсмирларнинг ғайриҳуқуқий йўналишдаги гуруҳларини аниқлаш, вояга етмаганлар жиноятларининг олдини олиш ва уларни тўхтатиш, бунда ижтимоий адаптация ва реабилитация ишининг шакл ва усулларини, шунингдек фуқаровий-ҳуқуқий ва маъмурий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини қўллаш;

2) болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигига имконият яратувчи ташкилотчилар ва далолатчиларни, ота-оналар ёки бошқа шахсларни аниқлаш, уларнинг салбий таъсирини жиноят, оила, фуқаролик қонунчилиги талабларига мувофиқ тўхтатиш;

3) вояга етмаганларнинг жиноятлари, ҳуқуқбузарликлари ва назоратсизлиги масалаларида оммавий ахборот воситалари орқали аҳолига ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш.

Ўз навбатида, кўрсатиб ўтилган вазифаларни бажариш учун вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг ходимлари:

а) ҳуқуқбузарларни аниқлаш ва уларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворида қонун ҳужжатларига мувофиқ чек қўйиш мақсадида болалар ва ўсмирлар оммавий тарзда бўлиб турадиган жойларда профилактика ишлари ва операциялар ташкил этадилар ва ўтказадилар;

б) жиноий қилмиш содир этган ўсмирларни ушлайдилар ва вояга етмаганларни жамиятдан ажратиш, адаптация ва реабилитация муассасаларига етказадилар;

в) жиноят содир этишга мойил ўсмирлар, болалар ва ўсмирлар жиноятчилиги, ҳуқуқбузарлиги ва назоратсизлигига имконият яратувчи ташкилотчилар ва далолатчилар, ота-оналар ёки бошқа шахслар ҳақида маълумотларни тегишли органлар ва муассасалардан сўраб оладилар ва уларга нисбатан тегишли чора кўрадилар;

г) ижтимоий хавфли қилмиш содир этган ўсмирларни жиноий жавобгарлик ёшига тўлгунга қадар махсус ёпиқ ўқув муассасаларига юборадилар;

д) вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларни фош этиш ва тергов қилишда қатнашадилар;

е) озодликдан маҳрум қилиш жойларида жазони ўтаб қайтган вояга етмаганлар такроран жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида жиноят-ижроия тизими муассасалари билан ҳамкорликда, тегишли идоралар ва муассасалар орқали бундай

шахсларга ишга жойлашиш ва жамиятга мослашишда ёрдам берадилар ва ҳоказо.

Профилактик таъсир кўрсатиш объектларининг доирасига кўра, вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари фаолиятининг уч асосий йўналишини фарқлаш мумкин:

а) барча вояга етмаганларга нисбатан ўтказиладиган умумий профилактика;

б) вояга етмаганларнинг муайян гуруҳлари ёки тоифаларига нисбатан ўтказиладиган махсус (группавий) профилактика;

в) муайян вояга етмаган шахсларга нисбатан ўтказиладиган индивидуал профилактика.

Умумий профилактика чора-тадбирларини амалга оширишда вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари энг аввало ижтимоий муносабатларнинг турли соҳаларида рўй бериши мумкин бўлган криминоген ҳолатларни аниқлаш ва бартараф этиш билан шуғулланади.

Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларига тушадиган криминоген ҳолатлар ҳақидаги ахборот манбалари қуйидагилардан иборат:

а) бўлинма хизмат кўрсатадиган ҳудудда содир этилган ҳуқуқбузарликлар ҳолати, таркиби ва динамикаси тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириш материаллари;

б) фуқаролар, жамоат ёки давлат ташкилотларининг хабарлари;

в) ички ишлар бўлимлари тергов қилаётган муайян жиноят ишларининг материаллари;

г) судлардаги фуқаролик ишларига оид материаллар;

д) махсус тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар;

е) оммавий ахборот воситалари: телевидение, матбуот, радио хабарлари ва ҳ.к.

Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ўз фаолиятини умумий профилактика тадбирлари режаларига асосан амалга оширади. Мазкур режалар барча мавжуд материалларни пухта ва ҳар томонлама ўрганиш асосида ҳар чоракда ёки ҳар ойда тузилади. Режаларда доим қуйидаги асосий тадбирлар акс эттирилиши лозим:

а) вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ходимларининг ўзи бевосита ўтказувчи тадбирлар;

б) ички ишлар бўлимларининг ходимлари бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда ўтказувчи тадбирлар;

в) вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмалари ички ишлар органларининг бошқа бўлинмалари ёки хизматлари билан ҳамкорликда ўтказувчи тадбирлар.

Махсус (группавий) профилактика вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан вояга етмаганларнинг муайян гуруҳлари ёки тоифаларига нисбатан амалга оширилади. Бунда вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг мансабдор шахслари:

а) ўсмирлар маст ҳолатга келишига сабаб бўлган ёки уларни ичкиликбозлик, жиноий фаолият, тиланчилик қилиш, қимор ўйнаш, проституция билан шуғулланишга мажбур қилган, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга жалб этган шахсларни;

б) ҳуқуқбузар ўсмирлар ғайриижтимоий гуруҳларга мансублигини, ушбу гуруҳларнинг сардорлари ва фаол иштирокчиларини, улар йиғиладиган жойларни ва улар жиноят содир этувчи объектларни;

в) ғайриижтимоий хулқ-атвори бошқа шахсларни уларга нисбатан жиноят содир этишига туртки бериши мумкин бўлган ўсмирларни;

г) болалар билан шафқатсиз муомалада бўладиган, уларни калтаклайдиган ёки вояга етмаганларга нисбатан бошқа ғайриҳуқуқий ҳаракатлар содир этадиган ота-оналарни ёки бошқа шахсларни;

д) ўсмирлар томонидан ўғирланган мол-мулкка ўхшаш буюмларни эгаллаш ҳолатларини, шунингдек вояга етмаганлар спиртли ичимликлар, бошқа буюм ва ашёлар харид қилишга сарфлаган пул маблағларининг манбалари тўғрисидаги маълумотларни аниқлайдилар.

Вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятлар, ҳуқуқбузарликлар ва назоратсизликнинг индивидуал профилактикаси вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларининг мансабдор шахслари томонидан барча вояга етмаганларга, шунингдек умумий таълим мактабларининг ўқувчиларига нисбатан амалга оширилади.

Индивидуал профилактика қуйидаги босқичлардан ташкил топади:

а) профилактика қилиниши лозим бўлган шахсларни аниқлаш;

б) шахсни ва унинг турмуш тарзини ҳар томонлама ва объектив тарзда ўрганиш;

в) вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларида кузатув ишини юритиш орқали ҳисобга олиш;

г) бевосита профилактика ишини амалга ошириш.

Индивидуал-профилактик таъсир кўрсатиш шаклларида бири ўқувчиларни вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларига олиб келишдир. Вояга етмаганлар билан ишлаш бўлинмаларига:

а) жиноий жавобгарлик ёшига тўлгунга қадар ижтимоий хавфли қилмиш содир этган;

б) жамоат тартибига дахл этувчи маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этган;

в) вояга етмаганларни жамиятдан вақтинчалик ажратиш, адаптация ва реабилитация қилиш марказларини ўзбошимчалик билан тарк этган;

г) ўн олти ёшга тўлмасдан, шунингдек 16-18 ёшда оилани ўзбошимчалик билан тарк этган, шахси аниқланмаган, назорат ва ёрдамга муҳтож бўлган;

д) адашиб қолган ёки ташлаб кетилган болалар ва ўсмирлар олиб келиниши мумкин.

Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларини профилактика қилишда участка назоратчилари муҳим роль ўйнайди. Участка назоратчиларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

- ўзи хизмат кўрсатаётган ҳудудда тартибнинг сақланишини таъминлаш;

- жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларни тўхтатиш;

- қонун ҳужжатлари билан белгиланган ваколатлар доирасида суриштирув ва маъмурий иш юритувни амалга ошириш;

- ўзига берилган ваколатлар доирасида жиноятларни фош этишда ва жиноятчиларни қидиришда қатнашиш;

- ўзига бириктирилган маъмурий участкаларда жамоат тартибини сақлашни таъминлашда патрулларга ёрдам бериш;

- юридик ва жисмоний шахсларга уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда ёрдам кўрсатиш.

Шундай қилиб, жиноятлар профилактикасининг маълум таркибий қисмлари ҳақида тасаввур ҳосил қилгач, биз унинг умумий тушунчасини таърифлашимиз мумкин.

Жиноятлар профилактикаси ёки жиноятларнинг олдини олиш – давлат органлари (шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари), жамоат бирлашмалари, ташкилотлар, муассасалар ва фуқароларнинг жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам беришга қаратилган, ўз мазмунига кўра ҳар хил чора-тадбирларни (таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини) қамраб олувчи, объектив ташқи омилларга ва муайян жисмоний шахсларга йўналтирилган фаолиятдир.

Профилактика тушунчасига берилган умумий таъриф ҳар бир муайян ҳолатда уни жиноятларнинг ҳар хил тоифалари ва турларига (давлатга қарши жиноятлар, ўзгалар мулкига қарши жиноятлар, шахсга қарши жиноятлар, жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар, ҳарбий жиноятлар ва ҳ.к.) нисбатан, профилактик таъсир кўрсатиш субъектининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари ва воситаларидан ёки профилактика объектининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб муайянлаштириш имконини беради.

7.3. Жиноятларни профилактика қилиш турлари

Жиноятлар профилактикаси умумий тушунчасининг таърифи ва таркиби уни таснифлаш муаммоси билан узвий боғланган. Ҳуқуқий, шу жумладан криминологияга оид адабиётларда бундай таснифлашнинг ҳар хил вариантлари таклиф қилинган, лекин бу масалага нисбатан бир хил ёндашув ҳали ишлаб чиқилмаган.

В.Ф.Зудин профилактика муаммоларига глобал даражада ёндашиш ва унинг алоҳида доктринасини ишлаб чиқишни таклиф қилади. Унинг фикрича, ғайриижтимоий ҳодисаларни ижтимоий профилактика қилиш назарияси ва амалиёти қуйидаги уч йўналишда ривожланиши лозим:

- урушлар, экологик мувозанатнинг бузилишига қарши қаратилган ғайриижтимоий ҳодисаларни глобал даражада профилактика қилиш тўғрисидаги таълимотнинг шаклланиши;

- ижтимоий профилактика умумий назариясининг шаклланиши;

- ғайриижтимоий ҳодисаларни ижтимоий профилактика қилиш муаммоларини илмий билимларнинг турли тармоқлари ва профилактика фаолиятининг шарт-шароитларига кўра тоифалаштириш (давлат-ҳуқуқий, ахлоқий, культурологик ва бошқа йўналишлар).¹

Г.А.Аванесов ўзининг «Криминология ва ижтимоий профилактика» китобида ижтимоий профилактика концепциясини илгари суради. Унинг фикрига кўра, фан сифатидаги ижтимоий профилактика салбий ҳодисалар тўғрисидаги умумий таълимотни муайянлаштириш билан шуғулланиши ва уларни барта- раф этиш йўлларини назарий жиҳатдан асослаб бериши лозим. Муаллиф ижтимоий профилактиканинг кенг доирасини, чунон- чи: **ахлоқий, ҳуқуқий, криминологик, махсус профилак- тани** белгилайди.

Профилактикани таснифлаш муаммоси ҳуқуқбузарликлар- нинг энг хавфли қисми – жиноятчилик ва жиноятларга нисбатан анча чуқур ва муфассал ишлаб чиқилган. Бу ерда жиноятлар профилактикаси энг аввало уни содир этиш вақтига (муддатига) кўра таснифланади. Жиноятлар профилактикасининг уч тури: **илк профилактика, бевосита профилактика** (ёки сўзнинг ўз маъносидаги профилактика) ва **рецидив жиноятлар профи- лактикаси** умумий эътироф этилган.

Илк профилактика тарбиявий аҳамиятга эгадир. У ғайри- ижтимоий, ғайриҳуқуқий хулқ-атворни дастлабки босқичдаёқ огоҳлантиришни назарда тутди. Бунда профилактика тадбир- ларини амалга оширишни бошлашга муайян ғайриижтимоий қилмиш ёки хулқ-атвор, чунончи: манманлик, қўполлик, ёлғон- чилик ва бошқа салбий ҳаракатлар ёхуд шахсга бошқа одамлар салбий таъсир кўрсатаётганлигининг аниқланганлиги сигнал бўлиши мумкин.

Бевосита профилактика жиноятни келтириб чиқариши мумкин бўлган сабаблар ва шарт-шароитни аниқлаш ва барта- раф этишдан иборат. **Рецидивни профилактика қилиш** такро- ран жиноят содир этишга имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни аниқлаш ва бартараф этишни назарда тутди. Жи- ноятларни вақт белгисига кўра профилактика қилишнинг учала

¹ Зудин В.Ф. Социальная профилактика преступлений. – М., 1983.

тури ҳам жиноятларнинг муайян гуруҳлари ва турларини профилактика қилишга нисбатан қўлланилиши мумкин.

Криминологияга оид адабиётларда жиноятлар профилактикасини даражаси, мақсадлари, мазмуни ва бошқа кўрсаткичларига кўра таснифлаш таклиф қилинади. **Жиноятлар профилактикасини даражасига кўра таснифлаш** нисбатан кенг тарқалган. Бунда профилактика фаолиятининг уч даражаси: **жамият** (олий даража), **ижтимоий гуруҳлар ва жамоалар** (ўрта даража) ва **индивидуал** (қуйи даража) фарқланади.

А.Б.Сахаров жиноятлар профилактикасининг икки даражасини – умумижтимоий ва махсус криминологик даражаларини фарқлайди. В.Д.Филимонов жиноятлар профилактикаси индивидуал даражада ва туман, шаҳар, вилоят, республика ёки бутун мамлакат даражасида амалга оширилишини таъкидлайди.¹

А.И.Алексеев жиноятлар профилактикасининг тўрт даражадан иборат кенг системасини таклиф қилади:

1) биринчи даража умумий ва махсус профилактика чоратадбирларини (жиноятлар профилактикасини) қамраб олади;

2) жиноятларнинг олдини олиш ва уларни тўхтатиш профилактика фаолиятининг иккинчи даражани ташкил этади;

3) учинчи даражада умумий ва индивидуал профилактика тадбирлари амалга оширилади;

4) илгари судланган ва судланмаган шахсларга нисбатан индивидуал профилактика чора-тадбирлари профилактика фаолиятининг тўртинчи даражани ташкил этади.²

Профилактика фаолиятининг мазмунига кўра, унинг икки тури: **умумижтимоий** ва **махсус криминологик** профилактика фарқланади.

Умумижтимоий профилактика ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини аниқлаш, уларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга, бошқа ғайриижтимоий қилмишларга қарши курашишга, фуқаролар ва мансабдор шахсларни қонунга ҳурмат руҳида тарбиялашга, ижтимоий ахлоқ қоидаларини бузувчиларни қайта тарбиялашга қаратилган ижтимоий-сиёсий, ташкилий, ҳуқуқий ва тарбиявий тадбирларни қамраб олади.

¹ Филимонов В.Д. Проблемы криминологической классификации преступников // Проблемы повышения эффективности борьбы с преступностью. – Томск, 1981. – 3-б.

² Алексеев А.И. Индивидуальная профилактика рецидива преступлений. – М., 1973. – 54-б.

Махсус криминологик профилактика, кўпгина олимларнинг фикрича, жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш ёки нейтраллаштиришга бевосита қаратилган тадбирларни ўз ичига олади.

Профилактиканинг бу икки туридан адабиётларда охиргиси – махсус криминологик профилактикага муфассалроқ тавсиф берилган. Махсус криминологик профилактикани таснифлаш замирида ҳар хил мезонлар ётади. Г.М.Миньковский унинг икки асосий белгисини: жиноятларнинг олдини олишга қаратилган тадбирлар хусусиятини (техник, процессуал, ташкилий) ва таъсир кўрсатиш объектларини кўрсатади.¹

В.Г.Танасевич профилактика фаолиятини таснифлашда қуйидаги икки белгидан фойдаланишни таклиф қилади: **фаолиятнинг жиноят-процессуал қонун билан тартибга солинганлик даражаси** (процессуал ва непроцессуал тадбирлар) ва **фаолият хусусияти** (муайян шахсга таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари, муайян жиноятнинг олдини олиш чора-тадбирлари ва жиноят содир этилишига имконият яратувчи шарт-шароит ва сабабларни бартараф этиш чора-тадбирлари)².

А.Э.Жалинский махсус криминологик профилактика таркибини кўриб чиқаркан, унинг қуйидаги белгиларини фарқлашни таклиф қилади: профилактика чора-тадбирларини амалга ошириш мақсади, усуллари, таомили ва кўникмалар; чора-тадбирларнинг ташкилий шакллари; шарт-шароитлари; огоҳлантирувчи самараси.³

М.М.Бабаев профилактика чора-тадбирларини уларнинг таъсир даражасига кўра таснифлашни таклиф қилади:

- криминоген ҳодисалар ва ҳолатлар юзага келишининг олдини олувчи чора-тадбирлар;
- криминоген ҳодисалар ва ҳолатларни бартараф этувчи чора-тадбирлар;
- криминоген ҳодисалар ва ҳолатларни нейтраллаштирувчи чора-тадбирлар;

¹ Миньковский Г.М. Понятие и система мер предупреждения преступности среди молодежи. – М., 1971. – 45-б.

² Танасевич В.Г. К теоретическим основам разработки мер предупреждения преступлений // Сов. государство и право, 1964, №6. – 18-б.

³ Специальное предупреждение преступлений. Вопросы теории. – Львов, 1976. – 358-360-б.

- криминоген ҳодисалар ва ҳолатлар юзага келишини қийинлаштирувчи чора-тадбирлар.¹

Шундай қилиб, жиноятлар профилактикасини таснифлашда турли муаллифлар ҳар хил мезонларга, кимдир – субъектнинг ўзига хос хусусиятларига, кимдир – профилактикани амалга ошириш усуллариининг ўзига хос хусусиятларига, кимдир – профилактика чора-тадбирларини ҳуқуқ нормалари билан тартибга солишга, яна кимдир (улар кўпчиликни ташкил этади) – профилактика чора-тадбирларининг хусусиятига асосланади.

Профилактика чора-тадбирларини таснифлаш доим изчил ва муайян мезонга кўра амалга оширилади. Шу боис энг аввало таснифлаш мезонларини таҳлил қилиш лозим.

Танланган мезонга кўра таснифлаш барча ўхшаш ҳолатлар ёки ҳодисаларни қамраб олиши, мезон эса таснифлашни умумийдан хусусийга томон ҳаракат қилиш принципига асосан амалга ошириш имконини бериши керак. Бунинг учун индивидуаллаштирувчи белгиларни аниқлаш ва уларнинг ёрдамида таснифлашни амалга ошириш зарур.

Ҳозирги вақтда адабиётларда ҳам, ижтимоий субъектларнинг амалий фаолиятида ҳам профилактиканинг икки тури: **умумий** ва **индивидуал** профилактика кенг тарқалган.

Умумий профилактика фаолияти давлат ва жамоат ташкилотларининг жиноятчилик сабабларини, жиноятларга имконият яратувчи шарт-шароитларни, шунингдек жиноий натижага эришишни енгиллаштирувчи ҳолатларни аниқлаш, ўрганиш ва бартараф этиш фаолиятини ўз ичига олади.

Умумий профилактика чора-тадбирлар тизими қуйидагиларни ўз ичига олади:

- ҳодиса сифатидаги жиноятчилик сабабларини аниқлаш ва ўрганиш чора-тадбирлари;

- жиноятчилик муайян турларининг (масалан, вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчилик, рецидив жиноятчилик, ичкилик-бозлик билан боғлиқ жиноятчилик ва ҳоказоларнинг) олдини олиш чора-тадбирлари;

- жиноятларнинг муайян гуруҳлари ёки турларининг содир этилиши сабабларини ва уларга имконият яратувчи шарт-шароитни аниқлаш ва бартараф этиш чора-тадбирлари;

¹ Бабаев М.М. Значение профилактики в борьбе с преступностью // Сов. юстиция, 1973, №19. – 24-26-бетлар.

- жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи ёки жиноий натижага эришишни енгиллаштирувчи объектив ҳолатларга барҳам бериш чора-тадбирлари.

Шундай қилиб, умумий профилактика чора-тадбирларига ижтимоий-иқтисодий, ижтимоий-маданий, мафкуравий, ташкилий, ҳуқуқий, техникавий ва бошқа чора-тадбирлар киради.

Жиноятлар индивидуал профилактикасининг мақсади – жиноятларнинг муайян сабабларини бартараф этиш, одамларда жиноятлар содир этилишига олиб келиши мумкин бўлган ғайриижтимоий боқимандалик кайфиятлари ва қарашларига барҳам беришдан иборат.

Индивидуал профилактика фаолияти ўзаро боғланган бир неча босқичдан ташкил топади:

- хулқ-атвори, кайфияти ва қарашлари улар жиноят содир этиши мумкинлигидан далолат берувчи шахсларни аниқлаш;
- ушбу шахсларни ва уларга салбий таъсир кўрсатувчи манбаларни ўрганиш;
- бундай шахслар жиноят содир эта олмаслиги учун мумкин қадар ижобий муҳитни вужудга келтириш;
- салбий таъсир манбаларини бартараф этиш;
- жиноят содир этишга мойил шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш (зарур ҳолда – мажбурий тарзда);
- мазкур шахсларнинг хулқ-атвори ва турмуш тарзини назорат қилиш;
- олиб борилаётган иш натижаларини вақти-вақти билан текшириб туриш.

Жиноятлар профилактикаси – нафақат қонунчилик тизими, балки ҳамма жойда барча одамлар томонидан ҳуқуқий қоидаларга амал қилиш, қонунийликка қатъий риоя этиш демакдир. Шунинг учун ҳам профилактика фаолиятини яхши йўлга қўйиш жиноятчиликка қарши курашнинг энг муҳим, энг самарали ва истиқболли йўналишидир.

Шундай қилиб, жиноятлар профилактикаси ҳақида юқорида айтилганларни умумлаштириб, айтиш мумкинки, жиноятларнинг олдини олиш қуйидаги асосий таркибий қисмлар, томонлар (элементлар)дан ташкил топади:

1. Жиноятларнинг олдини олиш субъекти.
2. Субъектнинг жиноятларнинг олдини олиш фаолияти.
3. Жиноятларнинг олдини олиш объекти.

4. Жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари.

Жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари тизими анча мураккаб тизимдир. У қуйидаги асосий йўналишларни қамраб олиши мумкин:

1. Умумий чора-тадбирлар.
2. Махсус чора-тадбирлар.
3. Индивидуал профилактика чора-тадбирлари.

Жиноятларнинг олдини олиш чора-тадбирлари орасида жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чора-тадбирлари алоҳида ўрин эгаллайди.

Жиноят-ҳуқуқий таъсир кўрсатиш чора-тадбирларининг қуйидаги турлари фарқланади:

- а) жиноятларнинг умумий олдини олиш чора-тадбирлари;
- б) муайян жиноят содир этганлик учун индивидуал, шахсий жавобгарлик ва жазо чоралари.

Бинобарин, ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш чора-тадбирлари тизимини кўриб чиқишда тадқиқ қилиш ва тавсифлашнинг қуйидаги схемасидан келиб чиқиш лозим:

- 1) умумий профилактика чора-тадбирлари;
- 2) махсус профилактика чора-тадбирлари;
- 3) индивидуал профилактика чора-тадбирлари, шу жумладан жиноий жавобгарлик ва жазо чоралари.

8-мавзу. ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ СОҲАСИДАГИ ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК

1. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида БМТ йўналишидаги халқаро ҳамкорлик
2. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ноҳукумат ташкилотлари йўналишидаги халқаро ҳамкорлик
3. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Интерпол йўналишидаги халқаро ҳамкорлик

8.1. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида БМТ йўналишидаги халқаро ҳамкорлик

Россиялик криминолог В.В.Лунеев *қиёсий криминологияни* криминология фанининг жиноятчиликнинг умумжаҳон, минтақавий ва миллий хусусиятларни ва бошқа ўзига хос хусусиятларини, унинг сабабий негизини ва унга қарши кураш чораларини, шунингдек жиноятчиликнинг келиб чиқиши, шарт-шароитлари ва уни олдини олиш йўллари ҳақидаги асосий назарияларни қиёсий ўрганувчи соҳаси сифатида таърифлаган.

Қиёсий криминологиянинг *предмети* таркибига:

- қиёсий жиноятчилик;
- жиноятчилик сабаблари ҳақидаги қиёсий назариялар;
- жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорлик киради.

Жиноятчиликка доир дастлабки қиёсий тадқиқотлар 1901 йилда Италия, Франция, Испания, Австрия, Германия, Англия, Шотландия ва Ирландияда ўтказилган, 1911 йилда эса халқаро қиёсий тадқиқотлар учун ягона кўрсаткичлар тизими таклиф қилинди. Бу тизим кейинчалик таҳлил қилинувчи маълумотларнинг қиёсийлигини ошириш нуқтаи назаридан такомиллаштирилди.

Қиёсий усуллар ишлаб чиқилганидан сўнг бир қанча қиёсий таҳлиллар ўтказилди, шунингдек, Халқаро статистика институти ва Халқаро жиноят ҳуқуқий ва пенитенсиар комиссия ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилди. Утган асрнинг 30-йилларида улар томонидан турли мамлакатлардаги жиноят статистикасини қиёсий ўрганиш учун Аралаш комиссия ташкил қилинди. 1937 йили бу комиссия турли мамлакатларнинг ҳукуматларига халқаро жиноят-статистика тадқиқотлари дастурини юборди. Иккинчи жаҳон уруши даврида бу фаолият вақтинча тўxtатилди.

Уруш тамом бўлганидан сўнг мазкур вазифа билан БМТ шуғуллана бошлади. 1950 йили БМТ Бош Ассамблеяси ҳар беш йилда БМТнинг жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича халқаро конгрессларини чақиришнинг зарурлиги ҳақида резолюсияни қабул қилди. Собиқ СССР БМТ конгрессларида 1960 йилдан иштирок эта бошлади.

БМТ Бош Ассамблеяси 1972 йил 18 декабрда ўзининг 3021-сонли резолюциясини қабул қилди. Унда БМТга аъзо бўлган давлатларга ўз мамлакатларидаги жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашнинг аҳволи ҳақида Бош котибга ахборот бериб бориш таклиф қилинди.

1976 йилда БМТ аъзо-давлатларга сўровнома юборди ва унга мувофиқ 1970-1975 йилларда рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий сонини акс эттириш ҳамда уларни *жиноятларнинг ўн тури* (қасддан одам ўлдириш, шахснинг соғлиғи ёки шаънига қарши тажовуз, жинсий жиноятлар, одам ўғирлаш, талончилик, ўғрилик, фирибгарлик, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда савдо қилиш ва ҳ.к.) бўйича маълумотлар беришни сўради. 64 давлатнинг ҳукуматидан жавоблар олинди. Жавобларни таҳлил қилиш натижалари Жиноятчиликнинг биринчи обзори деб номланди ва унинг натижалари Бош котибнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 32-чи сессиясидаги маърузасида баён этилди.

Кейинчалик БМТ 1975-1980 йиллардаги жиноятчиликнинг тенденциялари ҳақида ахборотлар олишга мўлжалланган ишларни амалга оширди. 70 мамлакатнинг ҳукумати ўз давлатларидаги жиноятчиликнинг аҳволи ҳақида ахборот берди. Таҳлил натижалари БМТнинг Еттинчи конгрессида (1985 йил, Милан) эълон қилинган Жиноятчиликнинг иккинчи обзорида баён этилди. Конгресс ўзининг «Жиноятчилик ва жиноят адлияси соҳасидаги ахборот ва статистика тизимларини ривожлантириш» деб номланган резолюциясида жиноятчиликнинг обзорлари натижаларини мустақил ўрганиш, мавжуд қийинчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф қилиш йўллари бўйича тавсиялар тақдим этди.

Кейинги обзорни тайёрлаш учун 95 мамлакатдан жавоблар олинди. Собиқ СССР ҳам биринчи марта маълумотлар тақдим этди. Таҳлил 1980-1986 йилларни қамраб олди. Унинг натижалари Учинчи обзорда баён этилиб, БМТнинг Саккизинчи кон-

грессиди (1990 йил, Гавана) баён этилди. Конгресс ўзининг «Жиноят адлияси соҳасидаги БМТ статистик обзорларини ривожлантириш» резолюциясида обзорларнинг ривожланишини фаоллаштириш ва уларнинг услубий негизини такомиллаштиришни таклиф қилди.

Рўйхатга олинган жиноятчилик, жиноий жавобгарликка тортилган шахслар, маҳкумлар ҳақида маълумотлар олиш учун янги сўровнома ишлаб чиқилди. Бу сўровнома тўрт бўлимдан ташкил топган эди. Унга полиция, прокуратура, суд, турмалар, жиноятчилик фаолиятига оид саволлар киритилган эди. 1986-1990 йилларда содир этилган қасддан ва эҳтиётсизлик орқасида одам ўлдириш, зўравонлик номусга тегиш, талончилик, ўғрилик, ўзганинг турар жойига қонунга хилоф равишда кириш, фирибгарлик, порахўрлик ва бошқа жиноятлар бўйича статистик маълумотлар бериш лозимлиги киритилди, 100 мамлакатдан жавоблар олинди. Собиқ СССР ҳудудидан Арманистон, Беларусь, Латвия, Литва, Молдова, Россия, Тожикистон ва Эстония жавоб юборди. Тўртинчи обзорнинг натижалари БМТнинг Тўққизинчи конгрессиди (1995 йил, Қоҳира) баён қилинди. 1999 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси ҳам жиноятчилик ҳолати ҳақида БМТга маълумот бериб бормоқда.

Обзорлар ўтказилиши жараёнида жавоблар сони ортди, обзорлар негизи, уларни объективлаштириш ва аппроксимасия қилиш усуллари кенгайиб ва такомиллашиб борди, БМТ ҳамда алоҳида давлатлар ташаббуси билан ўтказилаётган қиёсий таҳлилларнинг зарурлиги чуқур англаб этилди.

БМТда жаҳондаги жиноятчиликнинг тенденцияларини вақти-вақти билан кузатиб бориш, алоҳида давлатларда эса-ўз мамлакатларидаги криминологик воқеликни бошқа мамлакатларнинг маълумотларига ва бутун жаҳон бўйича маълумотларга қиёслаб таҳлил қилиш, шунингдек маҳаллий жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари самарадорлигини ошириш учун бошқа давлатларнинг тажрибасидан фойдаланиш имконияти пайдо бўлди.

Маълумки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти 1945 йилнинг октябрида ташкил топган. БМТ Уставига биноан у барча долзарб муаммолар бўйича давлатлар ўртасидаги халқаро ҳамкорлик учун масъулдир. ***Мамлакатларнинг жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлиги масалалари*** билан БМТ ор-

ганларидан бири—*Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаш (ЭКОСОС)* бевосита шуғулланади. 1950 йили бу кенгаш таркибида Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат билдириши бўйича экспертлар қўмитаси таъсис етилди. 1971 йилда у Жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши кураш қўмитасига, 1993 йилда эса—*Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлияси бўйича комиссия* деб қайта номланди.

Комиссия (қўмита) ЭКОСОСга жиноятчиликка қарши янада самарали кураш олиб бориш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан инсонпарварлик муносабатида бўлишга қаратилган тавсия ва таклифлар тақдим этади.

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан мазкур орган зиммасига ҳар 5 йилда бир марта *Жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан муносабат бўйича БМТ конгрессларини* тайёрлаш вазифасини юклатилган. Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноят адлиясига доир халқаро қоидалар, стандартлар ва тавсиялар ишлаб чиқишда БМТ конгресслари асосий роль ўйнайди. Ҳозирги вақтгача 9 конгресс ўтказилган.

8.2. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ноҳукумат ташкилотлар йўналишидаги халқаро ҳамкорлик

Жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик субъектлари орасида ***ноҳукумат ташкилотлардан***: Жиноят ҳуқуқи халқаро уюшмаси, Халқаро криминологик жамият, Ижтимоий ҳимоя халқаро жамияти ва Халқаро жиноят ва пенитенсиар фонди фаолиятини қайд етиб ўтиш зарур, деб уйлаймиз.

Жиноят ҳуқуқи халқаро уюшмаси 1924 йили ташкил топган. У жиноятчиликни, унинг сабабларини ва унга қарши кураш воситаларини ўрганади, жиноят ҳуқуқий қиёсий тадқиқотлар билан шуғулланади, жиноят ҳуқуқи муаммолари бўйича халқаро конгресслар ўтказилишини ташкил қилади, БМТ, ЮНЕСКО ва бошқа халқаро ташкилотларга маслаҳатлар беради.

Халқаро криминологик жамият 1934 йилда ташкил етилган бўлиб, жиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни таъминлаш билан бевосита шуғулланади. У криминология соҳасидаги миллий институтлар ва мутахассисларни бирлаштиради. Халқаро криминологик жамият ЭКОСОС, БМТ ва ЮНЕСКО

маслаҳатчиси мақомига эга. Мазкур жамият халқаро миқёсда жиноятчиликнинг сабабларини ўрганади, криминологик конгресслар, семинарлар, коллоквиумлар ташкил қилади, уларнинг материалларини эълон қилади, миллий криминологик институтларга ёрдам кўрсатади, криминология фанини рағбатлантириш учун стипендия ва мукофотлар таъсис этади ва тайинлайди.

Ижтимоий ҳимоя халқаро жамияти ва Халқаро жиноят ва пенитенсиар фонди ҳам ўз соҳасида шунга ўхшаш ишларни амалга оширади.

8.3. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Интерпол йўналишидаги халқаро ҳамкорлик

Халқаро ҳамкорликда *Халқаро жиноят полицияси ташкилоти (Интерпол)* алоҳида ўрин тутади. У 1923 йили Венада дастлаб халқаро жиноят полицияси комиссияси тарзида ташкил этилган. Интерпол ноҳукумат ташкилотдан ҳукуматлараро ташкилотга айланди. Бугунги кунда у 170 дан ортиқ давлатни бирлаштиради. Интерполнинг олий органи Бош ассамблея ҳисобланади. Унинг сессиялари йилда бир марта ўтказилади. Ижро этувчи қўмита минтақаларнинг вакилларида ташкил топади. Мунтазам ишловчи аппарати котибият ҳисобланади. Ҳужжатларни илмий ишлаб чиқиш учун маслаҳатчилар институти фаолият кўрсатади.

Бошқа халқаро ташкилотлардан фарқли ўлароқ, Интерпол ҳар бир мамлакатда, жумладан Ўзбекистонда ҳам ўз *миллий марказий бюросига (ММБ)* эгадир.

Интерпол ўз Уставига биноан мамлакатларда амал қилувчи қонунлар доирасида жиноят полицияси органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди ва ривожлантиради, жиноятчиликнинг олдини олишга ёрдам берадиган муассасаларни ташкил этади ва ривожлантиради. Унинг асосий иши – ММБдан ва улар учун ахборотлар қабул қилиш, таҳлил қилиш ва бериш йўли билан муайян жиноят ишлари бўйича ҳамкорликни ташкил этишдан иборат.

Ҳар бир ММБ ўз ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан, халқаро миқёсда эса–бошқа мамлакатларнинг ММБ ва Интерпол Бош котибияти билан мунтазам алоқа қилади.

9-мавзу. РЕЦИДИВ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАМДА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1. Рецидив жиноятчилик тушунчаси. Рецидив турлари. Тавсифи
2. Рецидив жиноятчилик ижтимоий типи сифатидаги рецидивист шахсининг ўзига хос хусусиятлари
3. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш

9.1. Рецидив жиноятчилик тушунчаси. Рецидив турлари. Тавсифи

Жиноятчиликка таъсир ўтказишнинг жиноят-ҳуқуқий чораларини такомиллаштириш жиноят содир этган шахслар, шу жумладан такроран жиноят содир этганларнинг жиноий жавобгарлигини янада табақалаштиришни тақозо этади.

Амалдаги жиноят қонунчилигида такрорий жиноятчиликнинг ҳар хил турларига турлича баҳо берилади. Айрим ҳолларда илгари жиноят содир этган шахс томонидан жиноят содир этилиши қилмишни баҳолашга таъсир кўрсатади, айрим ҳолларда эса жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолат ҳисобланади (агар суд уни шундай деб топишдан бош тортмаса). Қонунда белгиланган ҳолларда жиноятни такроран содир этганлик суднинг озодликдан маҳрум қилиш муассасаси режимининг турини танлашини белгилайди.

Такроран жиноят содир этиш маҳкумнинг шахсини тавсифлаш учун ҳам муҳим, шунингдек тарбия ишини ташкил этишда ҳисобга олинади.

Рецидив ва такрорийлик – бир-бири билан узвий боғланган, бироқ мустақил тушунчалар. Айбдорнинг илгари содир этилган жиноят учун судланганлик белгисининг мавжудлиги такрорийликка сифат жиҳатидан бошқача мазмун бахш этади ва янги тушунча – жиноят рецидивини юзага келтиради.

Бу ерда гап фақат кўп сонли жиноятлар содир этишнинг бошқа турларига таққослаганда рецидивнинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқ эканлигида эмас. Бу ерда рецидивнинг ўзига хос белгиси – шахс илгари судланганлиги ва ўз қилмишига суд, бинобарин, давлат баҳо берганлиги фактига бепишандлиги биринчи ўринга чиқади.

Рецидив тушунчаси, унинг турлари масаласи ҳуқуқий назарияда кўп йиллардан бери ўрганилиб келинади. Шунга қарамай, такрорий жиноят содир этган шахсни рецидивистлар қаторига, кўриб чиқиладиган ҳодисани эса – рецидивга киритиш имконини берувчи белгиларни танлаш юзасидан киритилган муайян таклифлар ўртасида жиддий тафовутлар мавжуд.

Бу тафовутлар муайян даражада объектив хусусиятга эга, чунки «рецидив» тушунчаси турли фанлар: жиноят ҳуқуқи, криминология, ахлоқ тузатиш-меҳнат (жиноят-ижроия) ҳуқуқий вакиллари томонидан қўлланилади. Тегишли равишда ҳуқуқий (легал), криминологик, пенитенциар рецидив фарқланади¹.

Айни вақтда, фаннинг бир тармоғи доирасида рецидив ва унинг белгиларини аниқлаш борасидаги тафовутлар анча каттадир. Рецидивни тавсифлаш учун турли муаллифлар томонидан таклиф қилинган белгиларни атрофлича кўриб чиқиш ўринли бўлади. Ҳуқуқий (легал) рецидив тушунчасидан бошлаймиз.

Масалан, П.Ф.Гришанин рецидив ва рецидивистни тавсифловчи ҳуқуқий белгилар қаторига қуйидагиларни киритади: 1)айбдорнинг икки ёки ундан ортиқ жиноят содир этганлиги; 2)айбдор такрорий жиноят содир этишдан олдин илгари содир этилган жиноят учун судланганлик ҳолатининг мавжудлиги; 3)айбдор судланишдан олдин ва кейин содир этган жиноятлар қасддан содир этилганлиги².

Дастлабки икки белги ҳуқуқий рецидивни баҳолашда деярли барча олимлар томонидан қайд этилади³.

Учинчи белги хусусида ҳар хил фикрлар илгари сурилган. Масалан, В.Н.Васильченко фикрига кўра, айб шакли рецидив белгиси сифатида фақат судлангандан кейин содир этилган жиноятни баҳолашда ҳисобга олиниши лозим.

Айрим тадқиқотчилар жиноятчи илгари содир этилган жиноят учун жазони (тўлиқ ёки қисман) ўтаганлигини ҳам рецидивнинг муқаррар белгиси деб ҳисоблайдилар¹.

¹ Карпец И.И. Проблема преступности. – М., 1969. – 113-115-б.; Кузнецова Н.Ф. Преступление и преступность. – М., 1969. – 179-б.; Рецидивная преступность: понятие и криминологическая характеристика / Ниедре А.М. и др. – Рига, 1983. – 10-11-бетлар.

² Гришанин П.Ф. Социально-правовые проблемы борьбы с рецидивной преступностью. – М., 1981. – 5-б.; Бузынова С.П. Уголовно-правовое понятие рецидива и его виды // Проблемы уголовно-правовой борьбы с преступностью. – М., 1989. – 35-б.; Ивашенко А.В. Многократные рецидивисты, не признанные особо опасными; криминологический и уголовно-правовой аспект: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – Томск, 1986. – 9-б.

³ Кудрявцев В.Н. Общая теория квалификации преступлений. – М., 1972. – 312-б.; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. – М., 1964. – 8-б.

Баён этилган ёндашувга кўра, маҳкум суд ҳукми қонуний кучга киргани заҳоти такрорий жиноят содир этган бўлса, у рецидивист деб топилмайди; бироқ маҳкум орадан ўн кун ўтгач озодликдан маҳрум қилиш жойида содир этган жиноят уни рецидивистга айлантиради. Бу фикрга қўшилиш қийин. Бизнинг назаримизда, В.И.Поповнинг қуйидаги фикри тўғрироқ: «...муддатли жазонинг самарасизлиги суд томонидан тайинланган муддат тўлиқ ўтмагунича қайд этилиши мумкин эмас. Такрорий жиноятни рецидив деб топишнинг шарти сифатида жазони тўлиқ ўташ талаби эса қонунга ва рецидив жиноятчиликка қарши кураш амалиётига зиддир»².

Демак, жазони ўтаганлик (яъни маҳкумга тарбиявий таъсир кўрсатилганлик) факти эмас, балки шахс жазога ҳукм этилганлиги ва давлат органи сифатидаги суд томонидан унинг қилмишига салбий баҳо берилганлиги муҳимроқдир. Бу ёндашувнинг тасдиғи сифатида жиноят қонунчилигида ўта хавфли рецидивист тушунчасига берилган таърифга мурожаат этамиз. Шу нарса диққатга сазоворки, бу ерда шахс жазони тўлиқ ёки қисман ўтаганлиги эмас, балки шахс содир этган жиноятларнинг хусусияти, судланганлик ҳолатларининг сони, шунингдек тайинланган жазо эътиборга олинган (ЎЗР ЖКнинг 34, 56-моддаларига қаранг). Бинобарин, жазони ўтаганлик фактидан рецидивни аниқлашда эмас, балки унинг турларини таснифлашда фойдаланиш мумкин.

Айрим муаллифлар шахсни рецидивист деб топишни фақат оғир жиноятлар содир этиш³ ёки оғирлик даражаси бир хил бўлган жиноятлар содир этиш⁴ ёхуд турдош ва ҳатто бир хил жиноятлар содир этиш⁵ билан боғлайдилар. Бошқа таклифлар ҳам мавжуд бўлиб, уларнинг мазмуни айбдор рецидивист деб

¹ Трайнин А.Н. Уголовное право. Часть общая. – М., 1929. – 288-б.; Галиагбаров Р., Ефимов Е. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного права // Советская юстиция. 1967. – 5-б.; Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. – Тарту, 1975. – 63-б.; Панько К.А. Рецидив преступлений и механизм правового регулирования ответственности рецидивистов: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – Киев, 1989. – 21-б.

² Попов В.И. Особо опасный рецидив и его предупреждение органами внутренних дел. – Киев, 1975. – 11-б.

³ Ткачевский Ю.М. Досрочное освобождение от наказания. – М., 1962. – 49-б.

⁴ Паше-Озерский Н.Н. Общественность в борьбе за предупреждение рецидива // Роль общественности в борьбе с преступностью. – Воронеж, 1960. – 185-б.;

⁵ Шляпочников А. Некоторые вопросы борьбы с преступностью // Советская юстиция. 1957. – 41-б.

топилиши учун у олдинги ва кейинги жиноятлари учун албатта озодликдан маҳрум қилинган бўлиши керак¹.

Юқорида санаб ўтилган белгилардан фойдаланиш лозим, бироқ рецидивни аниқлаш учун эмас, балки унинг айрим турларини таснифлаш учун. Тадқиқотлар ўхшаш ва ҳатто бир хил (маҳсус) рецидив рецидивистларга хос эмаслигини кўрсатади. Улар кўпинча ҳар хил жиноятлар содир этади². Албатта, маҳсус рецидив шахс ғайриижтимоий мойиллигининг барқарорлигидан далолат беради, бироқ ҳар хил жиноятлар содир этганлик учун уч ёки тўрт марта озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаган шахслар ҳам ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Яъни жиноят субъекти ғайриижтимоий мойилликлари ва одатларининг барқарорлиги нафақат турдош, балки ҳар хил жиноятлар содир этишда ҳам намоён бўлади.

Рецидив тушунчасини фақат оғир жиноятлар содир этиш ёки айбдор жиноят содир этганлиги учун озодликдан маҳрум қилинганлиги шартлари билан чегаралашга уринишларни ҳам ўринли деб бўлмайди. Криминологик тадқиқотлар кўпгина ашаддий жиноятчилар ўз жиноий фаолиятини ижтимоий хавфлилик даражаси унча катта бўлмаган жиноятлардан бошлаганлигини³ ва аксинча, рецидивистларнинг асосий таркибига кейинги жиноятларнинг хавфлилик даражасини пасайтириш хослигини⁴ кўрсатади. Шу боис кўпгина унча оғир бўлмаган такрорий жиноятларни «рецидив» тушунчаси доирасидан чиқариш ва фақат оғир ёки турдош жиноятларни ҳисобга олиш рецидивга тўғри баҳо бериш имкониятларини сезиларли даражада камайтиради.

Айрим мутахассислар рецидивни фақат бир белги – такрорийлик билан боғлайдилар. Бошқача айтганда, рецидив ва такрорийлик тушунчалари тенглаштирилади. Бу ёндашув биринчи марта жазога ҳукм қилинадиган шахслар орасида бунгача икки

¹ Агафонов К.Л. Рецидив преступлений: Автореф. дис... канд. юрид. наук. – М., 1974. – 9-б.

² Михлин А., Рамазин С. Пути совершенствования законодательства о борьбе с рецидивом // Социалистическая законность. 1984. № 3. – 73-б.

³ Кривошеин П.К. Повторность в советском уголовном праве: Автореф. дис... докт. юрид. наук. – М., 1990. – 23-б.

⁴ Блувштейн Ю.Д. О некоторых закономерностях рецидивного поведения (модель "эволюции" рецидивной преступности) // Сб. научных работ ЛитНИИСЭ. – Вильнюс, 1980. Вып. 6. – 198-б.; Зелинский А.Ф. Рецидив преступлений (структура, связи, прогнозирование): Автореф. дис.... докт. юрид. наук. – М., 1978.

ва ундан ортиқ жиноят содир этган шахслар ҳам борлиги ва улар рецидивист деб топилиши лозимлиги билан асосланади¹.

Бизнинг назаримизда, мазкур ёндашув рецидив ва такрорийлик тушунчалари ўртасида фарқ йўқолишига олиб келиши ва пировардида рецидив умумий тушунчасига таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан Х.Кингс келтирган далилларга қўшилиш мумкин. Унинг фикрича, юқорида зикр этилган ёндашувнинг янглишлиги шундаки, айтиш ҳолда фақат икки жиноят содир этган рецидивист тарозининг бир палласига, кўп сонли жиноятлар содир этган жиноятчи эса — иккинчи палласига қўйилади². Ваҳоланки, бу икки шахс тенг миқдорда ўхшаш жиноятлар содир этган ҳолдагина таққослаш ўринли бўлади.

Шундай қилиб, жиноятлар рецидивини икки асосий белги: такрорийлик ҳамда судланганликнинг мавжудлигига эга бўлган кўп сонли жиноятлар содир этиш турларидан бири сифатида таърифлаш мумкин³.

Аммо жиноятлар рецидивининг мазкур умумий тавсифи атрофлича ёритилиши лозим. Акс ҳолда муайян шахсни рецидивист деб топишга юзаки ёндашиш, рецидивистларнинг ҳар хил тоифаларини тенглаштириш ҳоллари юз бериши мумкин. Илмий адабиётларда рецидивистларнинг қуйидаги уч хил таснифини жорий этиш таклиф қилинганлиги бежиз эмас: рецидивист, хавфли рецидивист, ўта хавфли рецидивист. Таклиф этилган тасниф билан боғлиқ рўйхатга қуйидаги белгилар асос қилиб олишини мумкин: 1) жиноят зўрлик ишлатиб содир этилганлиги; 2) содир этилган жиноятлар сони; 3) айб шакли; 4) қилмишнинг оғирлик даражаси; 5) рўйхатга киритилган жиноятларнинг такрорланиш хавфи⁴.

Рецидивда жиноятларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра рецидивистларни бундай таснифлаш умуман рецидив жиноятчилиқнинг таркиби ва хусусиятини янада теранроқ тушуниш имконини беради.

¹ Утевский Б.С. Основные вопросы советской науки исправительно-трудового права // Советское государство и право. 1987. № 3. — 38-39-бетлар.

² Кингс Х. Кўрсатилган асар. — 50-б.

³ Малков В.П. Множественность преступлений и ее формы по советскому уголовному праву. — Казань, 1982. — 91-б.; Кафаров Т.М. Кўрсатилган асар. — 25-б.; Караев Т.Э. Повторность преступлений. — М., 1983. — 29-б.; Попов В.И. Кўрсатилган асар. — 20-б.; Алиев Н.Б. Повторность и рецидив преступлений по советскому уголовному праву. — Махачкала, 1978. — 68-69-бетлар.

⁴ Михлин А., Рамазин С. Кўрсатилган асар. — 73-б.

Унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган шахслар ҳам рецидивистлар деб топилиши мумкин. Мазкур рецидив турининг фарқланиши шу билан боғлиқки, унча оғир бўлмаган жиноятлар учун кўп карра судланиш ҳоллари жиноят қонунига риоя этиш заруратига беписандликдан далолат беради ва илгари судланмаган шахс томонидан содир этилган айни шу қилмишларга нисбатан бошқача баҳолашни тақозо этади.

Хавфли ва ўта хавфли рецидив шахс хавфлилиқ даражаси юқори бўлган жиноятлар содир этишга мойил эканлигидан далолат берадики, бу жиддий ҳуқуқий оқибатларга сабаб бўлиши лозим. Ушбу таклифлар¹ Ўзбекистон Республикасининг янги ЖКда ўз аксини топди. ЎзР ЖК 34-моддасининг иккинчи қисмида илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилиши қайд этилган. ЎзР ЖК 34-моддасининг учинчи қисмига биноан, беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиши мумкин бўлган қасддан янги жиноят содир этиш, яъни:

а) илгари ўта оғир жинояти учун ёки икки марта оғир жинояти учун ҳукм қилиниб, уларнинг ҳар бири учун беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахс томонидан ўта оғир жиноят содир этилиши;

б) илгари оғир жинояти учун икки марта ҳукм қилинган ёки олдин-кейинлигидан қатъи назар, оғир ёки ўта оғир жиноятлар учун уларнинг ҳар бирига беш йилдан кам бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахснинг оғир жиноят содир этиши ўта хавфли рецидив жиноят деб топилади.

Ҳуқуқий рецидивнинг у ёки бу жиҳатларини аниқлаш учун криминология аппаратиға мурожаат этиш лозим. У ҳодисаларнинг ижтимоий-психологик моҳиятини ёритиб, кўриб чиқилаётган тушунчанинг жиноят ва жиноят-ижроия ҳуқуқидаги мазмунини янада бойитиши мумкин. Бунда асосий эътиборни қуйидаги жиҳатларға қаратиш лозим. Рецидив жиноятчилик муаммосини ўрганган муаллифларнинг деярли барчаси унинг хавфлилиқ даражаси юқори эканлигини кўрсатади ва бунини ил-

¹ Чукмаитов Д.С. Влияние первого преступления на последующую противоправную деятельность рецидивистов. – М., 1994.

гари тарбиявий таъсир чоралари кўрилган шахс томонидан жиноят содир этилганлиги субъектнинг ғайриижтимоий мойиллигидан далолат бериши билан тушунтиради.

Бу ерда давлат томонидан илгари жазоланган ва бу фактдан сабоқ олиши керак бўлган шахс тўғрисида сўз юритилмоқда. Илгари судланган шахс янги жиноят содир этганлиги, одатда, шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далолат беради ва у янги жиноятлар содир этишининг олдини олиш борасида янги муаммолар кўяди.

Шу боис рецидив мустақил тушунча ва уни кўп карра жиноят содир этиш ёки жиноий фаолиятнинг бошқа турлари билан аралаштирмаслик керак. Бизнингча, жиноят қонуни такроран бузилган ҳолларга нисбатан рецидив атамаси қўлланилмаслиги лозим.

Криминологияда судланганлик фактини рецидивнинг муқаррар белгиси сифатида тан олишдан воз кечиш амалда рецидивнинг хусусиятини баҳолашда шахснинг судланганлик фактини эътиборга олмасликни англатади.

Шундай қилиб, рецидив жиноий фаолиятнинг шунчаки давоми эмас, балки *айбдорнинг ҳаракатларига давлат салбий баҳо берганига қарамай, бу фаолиятга қайтишидир*. Зотан, бир неча жиноят содир этган шахс бирон марта ҳам жазога ҳукм қилинмалан бўлса, унга нисбатан жиноий жазо қўлланилиши қандай натижа беришини ҳеч ким олдиндан айта олмайди¹. Албатта, агар биринчи шундай таъсир натижасида шахс бошқа ҳеч қачон жиноят содир этмаса, бир неча жиноятни кетма-кет содир этганлиги учун унга олдиндан ишончсизлик билдириш ўринли бўлмайди.

Шундай қилиб, рецидивнинг асосий белгиси – қилмишга давлат органи сифатидаги суд салбий баҳо берганлигига қарамай, қайта жиноят содир этиш. Ҳуқуқий рецидив ҳақида айтилганлар пенитенциар рецидивга ҳам тегишли. Фарқ шундаки, пенитенциаррецидив жазони ўташ чоғида юз беради. Унинг хавфлилик даражаси шу билан белгиланадики, шахс олдинги жинояти учун жазони ўтаб бўлмасидан янги жиноят содир этади. Бундан ташқари, озодликдан маҳрум қилиш ёки озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташ пайтида шахс давлатнинг

¹ Ефимов М.А., Шкурко В.А. Рецидивная преступность и ее предупреждение. – Минск, 1977. – 7-6.

махсус органлари назорати остида бўлади, бироқ бу уни тўхтатмайди.

Айни вақтда пенитенциар рецидивнинг бошқача талқини ҳам бор. Масалан, А.Х.Кунашев пенитенциар рецидив деганда «шахс озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони такроран ўташи»ни тушунади¹. Бу фикрга қўшилиш қийин, чунки бу ерда урғу жиноят содир этиш соҳасидан жазони ўташ соҳасига кўчирилган. Агар муаллиф илгари озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаган шахс бу жазо унга қайта тайинланишига сабаб бўлган янги жиноят содир этганлигини назарда тутган бўлса, бу атама ўринли бўлмаса керак.

Биринчидан, латинча "poena" сўзи нафақат озодликдан маҳрум қилишни, балки умуман жазони англатади. Бундан ташқари, рецидив тури шахсга тайинланган жазога боғлиқ бўлиши мумкин эмас. Шу боис «пенитенциар» атамаси жазо тайинлаш пайтига эмас, балки жиноят содир этиш пайтига тегишли бўлиши лозим. Рецидив турини белгилаш билан боғлиқ бошқа атама – «постпенитенциар» атамаси шундан далолат беради. А.Х.Кунашев нуқтаи назаридан у умуман тушунтирилиши мумкин эмас. Бизнинг фикримизча эса, бу ерда жазо ўталганидан кейин содир этилган рецидив жиноят тўғрисида сўз юритилмокда.

Адабиётларда рецидив турларининг ҳар хил мезонларга асосланган кўп сонли таснифлари таклиф қилинган. Масалан, умумий ва махсус рецидив, қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилган рецидив, оддий ва кўп карра содир этилган рецидив фарқланади.

Умумий рецидив – бу олдинги жинояти учун судланган шахснинг ҳар қандай янги жиноят содир этиши. Махсус рецидив деганда шахснинг янги ўхшаш ёки турдош жиноят содир этиши тушунилади. Шу боис ўхшаш ва турдош рецидив фарқланади².

Содир этилган жиноятлар сони ҳам шахснинг ижтимоий хавфлилик даражаси юқори эканлигидан далолат бериши мумкин. Бу ерда оддий (бир карра) ва мураккаб (кўп карра) рецидив – илгари содир этилган жиноятлар учун таъсир чоралари қўлла-

¹ Кунашев АХ Уголовная ответственность за рецидив преступления по советскому уголовному праву: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. – М., 1970. – 4-б.

² Михлин А.С., Иванова А.Т. Об однородном рецидиве и сочетании различных преступлений у судимых лиц // Труды ВНИИ МВД СССР. М., 1978. – 47-56-бетлар.

нилганидан кейин янги жиноят содир этиш ҳолати қайд этилади.

Қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида янги жиноят содир этиш ҳоллари ҳам ўзига нисбатан ҳар хил ёндашувларни тақозо этади.

Рецидивнинг санаб ўтилган турларидан ташқари адабиётларда бошқа рецидивлар ҳам учрайди. Масалан, Х.Кинге жазони ўтагандан сўнг орадан узоқ вақт ўтгач янги жиноят содир этишга нисбатан «тасодифий» рецидив атамасини қўллайди¹.

Олдинги жиноятнинг кейинги жиноятларга таъсири жиноят-ҳуқуқий адабиётларда махсус кўрилмаган. Масалан, А.С.Никифоров шахснинг барқарор турдош салбий хусусиятлари намоён бўлувчи қилмишларгина ўзаро боғлиқ, деб ҳисоблайди. Агар жиноятлар айбдор шахсининг уларда ўз аксини топган салбий хусусиятларига кўра ҳар хил бўлса, бу ҳатто жиноятлар мажмуи ҳам эмас, балки жиноятлар йиғиндиси ҳисобланади². Х.Кингс фикрига кўра, агар шахс жазони ўташ пайтида ахлоқан тузалмай, ўз ғайриижтимоий мойилликларини бироз ўзгартирган ва янги бошқа хил жиноят содир этган бўлса, бу умумий рецидив сифатида қаралади. Агар шахс ахлоқан тузалиб, кейинчалик унда ғайриижтимоий мойилликлар қайта шаклланган ва у янги жиноят содир этган бўлса, айтиш мумкин, ҳолда тасодифий рецидив тўғрисида сўз юритиш мумкин. У ёки бу жиноятни умумий ёки тасодифий рецидив сифатида баҳолашда янги жиноят содир этилган вақт мезон бўлиб хизмат қилади. Агар янги жиноят судланганлик ҳолати тугатилиши ёки олиб ташланишидан олдин содир этилган бўлса, бу умумий рецидив бўлади, борди-ю жиноят судланганлик ҳолати тугатилганидан ёки олиб ташланганидан сўнг содир этилган бўлса, бу тасодифий рецидив бўлади.

Х.Кингснинг бу ёндашуви шубҳасиз диққатга сазовор. Бироқ у таклиф қилган терминология эътироз уйғотади. Тасодифий рецидив деганда у криминологик рецидивни назарда тутаяди. «Криминологик рецидив» тушунчаси шахс ҳукм қилинганидан кейин янги жиноят содир этиши билан боғлиқ барча ҳолатларни қамраб олади. Бизнинг назаримизда, уни ўрганишда асосий

¹ Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. Тарту, 1975. – 60-61-бетлар.

² Никифоров А.С. Совокупность преступлений. – М., 1965. – 16-б.

эътибор рецидивдаги жиноятлар ўртасидаги ўзаро алоқага қаратилиши лозим. Бу маҳкумларнинг таркиби ва криминологик белгиларига кўра турдош тоифаларини фарқлашга ёрдам бериши, такрорий жиноят ҳамда айбдор шахснинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини баҳолашни енгиллаштириши мумкин.

Рецидив жиноятчилик тавсифи. Ҳозирги вақтда рецидив жиноятчилик умумий жиноятчиликнинг 10% ни ташкил этади. Таркибий жиҳатдан рецидив жиноятчилик қуйидаги кўринишга эга.

Илгари судланганлар кўп ва жуда кўп миқдордаги ҳар уч ўғрилиқнинг бирида, ҳар уч босқинчиликнинг бирида, ҳар тўрт қасддан одам ўлдириш, ўлимга олиб келган баданга оғир шикаст етказиш, товламачилик, квартира ва автотототранспорт ўғрилигининг бирида, ҳар беш талончилик ва номусга тегишнинг бирида, ҳар олти автотранспортни ўғирлаш ва ички ишлар органлари ходимиға қаршилиқ кўрсатишнинг бирида иштирок этган.

Статистик таҳлил шуни кўрсатадики, рецидив жиноятчилик таркиби амалда дастлабки жиноятчилик таркиби билан мос келади. У зўрлик ишлатиб-тамагирлик йўли билан содир этиладиган жиноятлар таркиби (1980 йилгача) тамагирлик йўли билан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларға (охирги ўн йилликда) ўзгариши билан тавсифланади.

Масалан, 2004 йилги жиноятчилик таркибида (ЎзР ИИВ жиноят қидирув йўналиши бўйича):

шахсий мол-мулкни ўғирлаш – 43,1%; давлат мулкни ўғирлаш – 16,8%; талончилик – 7,1%; безорилик – 4,7%; баданға оғир шикаст етказиш – 2,6%; автотранспортни олиб қочиш ҳамда фирибгарлик – 1,6% дан; одам ўлдириш – 1,5%; босқинчилик – 1,3%; номусға тегиш – 1,1%; товламачилик – 0,8%, бошқа барча жиноят турлари – 17,8% ни ташкил этган. Бошқача айтганда, жами жиноятларнинг 70% га яқини тамагирлик ниятида ҳамда тамагирлик йўли билан зўрлик ишлатиб содир этилган қилмишлардир.

Икки марта ва кўп қарра жиноят содир этиш кўрсаткичи бўйича рецидив таркиби қуйидаги барқарор боғланиш билан тавсифланади: иккинчи марта ҳукм қилинган рецидивистлар улуши учинчи марта ҳукм қилинганлар улушидан тахминан 2,5 кўпроқ, учинчи марта ҳукм қилинганлар улуши эса, тўртинчи

марта ҳукм қилинганлар улушидан тахминан шунча баравар кўпроқ.

Умумий ва махсус рецидив нисбати содир этилган жиноятларга қараб ҳар хиллиги билан тавсифланади. Масалан, фирибгарлар ва ўғриларда махсус рецидив улуши зўрлик ишлатиб жиноят содир этганлар ва одам ўлдирганлардаги махсус рецидивга қараганда кўпроқ.

Сўнгги йилларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган ҳамда тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг айрим оғир турларида махсус рецидив даражаси ва улуши ошиб бормокда. Қуйидаги кўрсаткичлар шундан далолат беради: шахсга қарши оғир жиноятлар содир этгунга қадар турли маъмурий ҳуқуқбузарликлар учун безориларнинг 60% дан кўпроғи, одам ўлдирганларнинг 40% дан кўпроғи, талончилик ва босқинчилик содир этган шахсларнинг тегишли равишда 37% ва 29%, номусга тегиш жинояти содир этганларнинг 20%, баданга оғир шикаст етказганларнинг 15% жавобгарликка тортилган.

Зўрлик ишлатиб жиноят содир этганлар орасида умумий рецидив 30% ни; талончилар орасида – 70% ни; одам ўлдирганлар орасида – 80% ни; безорилар орасида – 90% ни; босқинчилар орасида – 33% ни; баданга оғир шикаст етказганлар орасида – 27% ни ташкил этган.

Махсус рецидивнинг энг катта улуши – 88% безорилик содир этганлар орасида, энг кам улуши – 12,1% қасддан одам ўлдирганлар орасида қайд этилган, бу кўрсаткич номусга текканлар орасида 15% ни, талончилар орасида – 16%, босқинчилар орасида – 17%, баданга оғир шикаст етказувчилар орасида – 19% ни ташкил қилган.

Бошқа томондан, бу маълумотлар хавфлилик даражаси пастроқ бўлган ҳуқуқбузарликни содир этиш шахсга қарши оғирроқ жиноятларга қўл уриш учун ўзига хос тайёргарлик босқичи бўлиб хизмат қилишидан далолат беради. Бинобарин, жиноятларнинг олдини олиш учун барча ҳуқуқбузарликларни, шу жумладан аҳамиятсиз ғайриҳуқуқий қилмишларни ҳам профилактика қилиш талаб этилади¹.

¹ Таҳлил натижалари тўлиқ кўрсатилган асардан келтирилган.

9.2. Рецидив жиноятчилик ижтимоий типи сифатидаги рецидивист шахсининг ўзига хос хусусиятлари

Жиноятлар ҳар бири ўзининг бетакрор ички дунёсига эга бўлган одамлар томонидан содир этилади. Шу боис ҳар бир жиноятда шахсий (руҳий, ижтимоий ва ҳ.к.) хусусиятлар ўз ифодасини топади, яъни ҳар бир жиноятда шахснинг ўзига хос хусусиятлари акс этади. Бироқ жиноятларнинг ранг-баранглигини, бу жиноятлар субъектларининг индивидуаллиги каби, таҳлил қилиш мумкин, чунки ҳар қандай индивидуал хусусият бошқа кўпгина шахсларда такрорланади. Яъни шахснинг ҳар бир хусусияти бир одамнинг ҳам, кўплаб одамларнинг ҳам белгиси ҳисобланади. Биз А.С.Михлиннинг хусусият ҳамда хусусиятлар мажмуининг намоён бўлиш даражасигина деярли бетакрордир, деган фикрига қўшиламиз¹.

Шахс содир этган жиноят субъектда ғайриижтимоий мойилликнинг мавжудлигини тахмин қилиш имконини беради. Рецидив юз берган ҳолда бу ишонч мустаҳкамланади ва аксарият муаллифлар субъект ғайриижтимоий мойилликлари, кўникмалари ва одатларининг барқарорлиги тўғрисида сўз юритади.

Бундай умумлаштиришлар қай даражада ўринли? Шахс хоссалари ва хусусиятлари кўп ва ранг-баранг эканлигига қарамай, биз қуйидаги умумлаштиришларни изчил қўллашимиз: тамагирлик жинояти ёки зўрлик ишлатиб жиноят содир этган шахс; рецидивист ва биринчи марта судланаётган шахс ва ҳоказоларни фарқлашимиз ва улар тўғрисида сўз юритишимиз мумкин. Шахс хусусиятлари сони қанча кўп бўлса, бундай сони ҳам шунчалик кўп. Бинобарин, рецидивистлар орасида ҳам шахсларнинг ҳар хил тоифалари мавжуд.

Бундай гуруҳларни фарқлаш жиноятларнинг ранг-баранглигини ҳам, жиноят субъектларининг индивидуаллигини ҳам таҳлил қилиш имконини беради. Шу маънода К.Е.Игошевнинг типларга ажратиш масаласи жиноятчи шахси муаммосидаги энг муҳим масала, деган фикрига қўшилиш мумкин. «Типларга ажратиш – нафақат жиноятчининг ижтимоий моҳиятини билиш

¹ Михлин А.С. Личность осужденных к лишению свободы и проблемы их исправления и перевоспитания. Фрунзе, 1980. – 33-б.

методи, балки жиноятларнинг олдини олиш фаолиятини амалга оширишнинг муҳим назарий принципи ҳамдир», деб ёзади у¹.

Шундай қилиб, жиноятчи, хусусан рецидивист шахсига хос хусусиятни билиш рецидивистларнинг муайян гуруҳларини ажратиш ва ўрганиш, улар содир этадиган жиноятларнинг ўзаро алоқаларини таҳлил қилиш, уларнинг хулқ-атворини прогноз қилиш имконини беради.

Рецидивист шахси тушунчасининг умумий таърифи ҳам муҳим аҳамиятга эга. У ҳар бир гуруҳнинг умумий тизимдаги ўрнини аниқлаш учун зарур. Шу сабабли рецидив ва унинг турлари тушунчасининг кўпгина қоидалари рецидивист шахси ва унинг типлари тушунчасига ҳам тааллуқли.

Жиноятчи шахси муаммосини ўрганиш кўп йиллик тарихга эга. 1897 йил Халқаро криминалистлар уюшмасининг Гейдельбергда бўлиб ўтган анжуманида жиноятчиларнинг қуйидаги таснифи қабул қилинди:

тасодифий жиноятчилар;

хулқ-атвори беқарор бўлган ёки бир неча марта жиноят содир этган жиноятчилар;

ашаддий ёки профессионал жиноятчилар².

Кўриб турганимиздек, жиноят содир этувчи шахслар тоифаси бир хил эмас. Нафақат тасодифий жиноятчилар кўп карра жиноят содир этган шахслардан, балки кўп карра жиноят содир этганлар бир-биридан ҳам фарқ қилади.

Шу муносабат билан К.Е.Игошев таклиф қилган жиноятчи шахсининг таснифи диққатга сазовор. У икки асосий типологик гуруҳни ажратади. Бир гуруҳга жиноят шахс хусусиятлари шаклланиши салбий жараёнларининг қонуний натижаси саналган шахслар киради. Бундай индивидлар учун ғайриижтимоий ролни ҳамда хулқ-атворнинг ижтимоий хавфли вариантини танлаш барқарор ғайриижтимоий мойилларни рўёбга чиқаришни англади. Бу тоифага муаллиф рецидивистларни, шунингдек узок вақт ҳар хил ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этувчи шахсларни ҳамда турмуш ва хулқ-атвор тарзи қонуний равишда жиноий фаолиятга олиб келган кишиларни киритади. Бошқа типологик гуруҳга жиноят содир этиш факти муайян даражада тасодифий

¹ Игошев К.Е. Основные аспекты и виды типизации личности преступника // Советское государство и право. – 1975. № 6. – 66-б.

² Игошев К.Е. Кўрсатилган асар. – 71-б.

ҳол саналган шахслар киради. Бу типологик гуруҳга К.Е.Игошев эҳтиётсизлик орқасида ва кучли руҳий ҳаяжонланиш таъсирида жиноят содир этган шахсларни киритган.

Бироқ барча ҳолларда жиноятчи қиёфасида жиноят факти билан сабаб ва оқибат боғланишлари мавжуд бўлган хусусиятлар тўғрисида сўз юритилади¹. Умумий ҳолларда К.Е.Игошев фикрига қўшилган ҳолда, икки муҳим жиҳатни қайд этиб ўтмоқчимиз. Биринчидан, келтирилган тасниф ҳаддан ташқари умумий хусусиятга эга ва дастлабки тасниф сифатида қаралиши мумкин. Иккинчидан, таърифланган рецидив тушунчасидан келиб чиқилса, хулқ-атвори беқарор муваққат ҳолатда бўлган рецидивистларнинг айрим тоифаларини ҳам оралик типологик гуруҳларга ажратиш лозим.

А.Б.Сахаров жиноятчи шахсини атрофлича ўрганиб, қуйидаги таснифни таклиф қилди:

ўз шахсининг умумий ижобий-ижтимоий мўлжалларига зид унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган шахслар («тасодифий» жиноятчилар)²;

ташқи шароит таъсирида унча оғир бўлмаган жиноятларни биринчи марта содир этган ва ижобий тавсифланувчи шахслар («ситуатив» жиноятчилар);

биринчи марта жиноят содир этган, бироқ илгари ҳуқуқбузарликлар ва ғайриҳуқуқий қилмишларга қўл урган шахслар («беқарор» жиноятчилар);

кўп қарра жиноят содир этган, шу жумладан илгари судланган шахслар («ашаддий» жиноятчилар);

ўта хавфли рецидивистлар тоифасига кирувчи шахслар («ўта хавфли» жиноятчилар)³.

Келтирилган тасниф амалда биринчи марта жиноят содир этган шахсларни ҳам, рецидивистларни ҳам ўз ичига олади. Такроран бирон-бир жиноят содир этган шахслар орасида А.Б.Сахаров ашаддий ҳамда ўта хавфли жиноятчиларни ажратганки, бу жуда ўринли бўлган. Айни вақтда, у кўп марта жиноят содир этган, шу жумладан судланган шахсларни ашаддий жи-

¹ Гулов А.И. Профессиональная преступность. Прошлое и современность. – М., 1990. – 9-б.

² Голик Ю.В. Личность случайного преступника: криминологические и уголовно-правовые проблемы: Автореф. дисс. канд. юрид. наук. – Томск, 1982. – 9-б.

³ Сахаров А.Б. Личность преступников и типология преступников // Социалистическая законность. 1973. №3. – 22-24-б. Яна қаранг: Сахаров А.Б. Личность преступника. – М., 1975. – 53-б.

ноятчилар деб номлар экан, шахс ғайриижтимоий мойиллигининг барқарорлиги ҳамда ашаддийлик кўрсаткичларидан келиб чиққан. Аммо биринчи ва иккинчи жиноятни ноқулай шарт-шароит таъсирида содир этган ёки аввал безорилик содир этиб, сўнгра эҳтиётсизлик орқасида жиноятга қўл урган шахсни ашаддий жиноятчи деб бўладими?

Бизнинг фикримизча, ҳар қандай рецидивистни ҳам ашаддий жиноятчи деб бўлмайди. Шахснинг криминоген зарарланганлик даражасига қараб ўз ҳаётини жиноятсиз тасаввур қилолмайди-ган глобал типни ажратган А.Г.Ковалев фикрига ҳам қўшила олмаймиз¹. Бу борада биз жиноят содир этувчининг шахси қарама-қаршиликларга тўла бўлиб, унга фақат салбий хусусиятлар мажмуи нуқтаи назаридан ёндашиш мумкин эмас, деган фикрга² қўшиламиз.

Жиноятчиларни ҳар хил мезонлар асосида гуруҳлаш мумкинлигини кўпгина криминологлар қайд этадилар. Масалан, П.С.Дагель гуруҳлашнинг қуйидаги мезонларини таклиф қилади: 1) жиноятчи шахсининг жисмоний белгиларига кўра; 2) содир этилган жиноят хусусиятига кўра; 3) олдинги жиноий фаолиятнинг мавжудлиги ва унинг хусусиятига кўра; 4) жиноятчи шахсининг психологик хусусиятларига кўра; 5) ахлоқан тузалиш даражасига кўра. Муаллиф фикрига кўра, барча таснифлар жиноятчиларни улар шахсининг ижтимоий хавфлиликлари даражаси ва хусусиятларига кўра умумий тарзда гуруҳлашга олиб келиши лозим³.

А.И.Долгова, В.Д.Ермаков қуйидагиларни тавсифловчи белгиларни таснифга асос қилиб олишни таклиф этади:

- шахснинг қадриятлар ва мўлжаллари, маънавий ва ҳуқуқий қарашлари ҳамда мойилликлари тизимини;
- хулқ-атвор нуқтаи назаридан ижтимоий аҳамиятга молик қилмишлар тизимини;
- шахснинг олдинги хулқ-атвори билан содир этилган жиноятнинг ўзаро нисбатини;

¹ Ковалев А.Г. Психологические основы исправления правонарушителя. – М., 1968. – 48-51-бклар.

² Зубков А.И. Психологические проблемы организации перевоспитания осужденных // Юридическая психология. – М. 1983. – 190-б.

³ Дагель П.С. Учение о личности преступника в советском уголовном праве. – Владивосток, 1972. – 122-131-бетлар.

- ҳуқуқбузар яшаган микромуҳитни¹.

Бу шахсининг типологик хусусиятлари ўз аксини топган ижтимоий ҳодиса сифатидаги рецидивга нафақат тўла тавсиф бериш, балки унинг учун аҳамиятли бўлган сифат кўрсаткичларини ҳам қайд этишга имконият яратади.

Биз шахсни типларга ажратиш учун бош мезон сифатида жинойтчининг жинойй фаоллик даражасини ёки унинг фаолиятини танлаган муаллифлар фикрига кўшиламиз. Аксарият олимлар жинойтчилар шахсининг «жинойй» қирраларини эмас, балки уларнинг ҳаракатларини биринчи ўринга қўйишлари бежиз эмас.

Бизнинг назаримизда, қасддан жинойтлар содир этувчи рецидивистлар шахсининг типологияси уларнинг ижтимоий хавфлилик даражасини акс эттириши ва олдинги жинойй фаолият хусусиятига ҳамда унинг содир этилган охирги жинойт билан ўзаро нисбатига асосланиши лозим. Ижтимоий хавфлилик даражасида жинойтларнинг муайян турларида ва жинойй жавобгарликка тортилган субъектларнинг ижтимоий қиёфасида намоён бўлувчи барқарор хусусиятлар ўз ифодасини топади. Шу боис ижтимоий хавфлилик даражасини жинойтчи шахси тушунчасига типни белгилувчи муҳим ижтимоий белги сифатида асос қилиб олиш мумкин.

Рецидивистларнинг жинойй фаоллик даражасини ўрганиш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Муаллифлар жамоаси томонидан ўтказилган бундай тадқиқот уларга рецидивистларнинг уч типологик гуруҳини: фаол криминоген тип, беқарор тип ва ахлоқий бузуқ типни ажратиш имконини берди².

Ажратилган типларнинг ҳар бирига жинойй хулқ-атворнинг бошқа фаолият турлари билан алоҳида нисбати хос бўлиб чиқди. Рецидивистларнинг ҳар хил типларида турмуш ижтимоий шарт-шароитлари, уларга таъсир кўрсатувчи салбий омиллар хусусияти ҳар хил. Жинойй ҳаракатлар ўртасида изчил алоқа мавжудлиги, улар қасддан содир этилганлиги, ўзига хос кўникмалар ва усуллардан фойдаланилганлиги шахс жинойй фаоллик даражасининг юқорилидан далолат беради.

¹ Долгова А.И., Ермаков В.Д. Вопросы методика разработан классификации несовершеннолетних преступников и ее основания // Типология личности преступника и индивидуальное предупреждение преступлений. – М., 1979. – 64-б.

² Горбатовская Е.Г., Кононов А.И., Юпкина Е.М. Личность рецидивистам использование данных о ней в деятельности прокуратуры. – М., 1987. – 12-21-б.

Бизнинг фикримизча, К.Е.Игошев таклиф қилган типологик гуруҳларнинг биринчисини жиноят содир этувчи шахслар орасида учрайдиган жиноятчи шахсининг уч типига ажратиш мумкин: 1) изчил-криминоген тип; 2) ситуатив-хавфли тип; 3) ситуатив тип.

Изчил-криминоген тип. Мазкур типга мансуб рецидивистларга изчил жиноий хулқ-атвор: фаол кўп карра рецидив; изчил махсус рецидив (айниқса тамагирлик жиноятлари) хос. Бу типда ўта хавфли рецидивистлар ва профессионал жиноятчилар етакчилик қилади. Рецидивда жиноятлар субъект ғайриижтимоий мойилликлари ва мўлжалларининг мустаҳкамлиги билан белгиланади.

Ситуатив-хавфли тип. Бу типга мансуб рецидивистлар стихияли равишда, ноизчил ҳаракат қиладилар. Жиноят содир этишга қасд баъзан қўққисдан юзага келади, жиноят хусусияти юзага келган вазиятга боғлиқ бўлади, бироқ, одатда оғир оқибатларга олиб келади. Ушбу типда спиртли ичимликларни суистеъмол қилувчи шахслар етакчилик қилади, улар шунинг замирида безорилик ҳаракатлари ҳамда бошқа жиноятларни кўп содир этадилар. Ўз шахсий хусусиятларига кўра бу типга мансуб рецидивистлар бир хил эмас.

Ситуатив тип. Айти ҳолда, одатда, умумий, баъзан кўп мартали рецидив қайд этилади. Бу типга мансуб рецидивистлар хулқ-атвори оғир оқибатларга сабаб бўлмайди. Кўпинча содир этилган жиноятлар ўртасида ички боғланиш кузатилмайди.

9.3. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш

Қўйилган муаммолардан келиб чиқиб, рецидив жиноятчилик оқибатларини енгиллаштиришнинг икки асосий йўналишини белгилаш мумкин.

Биринчи йўналиш рецидив жиноятчилик натижасида етказиладиган зарарни камайтириш чора-тадбирлари мажмуини ўз ичига олади. Иккинчи йўналиш рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг самарадорлигини оширишни назарда тутди. Бу йўналишларни муфассалроқ кўриб чиқамиз.

1. Рецидив жиноятчилик натижасида етказиладиган зарарни камайтириш чора-тадбирлари мажмуини умумижтимоий ва махсус чора-тадбирларга ажратиш мумкин.

Ижтимоий сиёсатнинг таркибий қисми бўлган умумижтимоий чора-тадбирларнинг моддий, ташкилий, ижтимоий назорат ва тарбиявий турлари фарқланади.

Масалан, моддий чора-тадбирларга жиноятлардан жабрланганларга ёрдам кўрсатишнинг ҳар хил турларини, ҳаёт ва соғлиқни ижтимоий суғурта қилишни, касаллик варақаси бўйича ҳақ тўлашни, ногиронлик бўйича пенсия тўлашни ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Ташкилий чора-тадбирларга озодликдан маҳрум қилинган шахсларни ишга жойлаштириш, уларни турар жой билан таъминлаш, жамиятга мослашиш марказлари ташкил этиш, жиноятлар учун судланганлар ҳамда жиноятлардан жабрланганлар ва уларнинг қариндошларини зарур ҳолда қариялар уйлари, меҳрибонлик уйлари ва бошқа тарбия муассасаларига жойлаштириш, гувоҳларни ҳимоя қилиш чора-тадбирлари мажмуи кирadi.

Ижтимоий назорат ва тарбия чора-тадбирлари жумласига илгари судланганларни ижтимоий ҳаётга тортиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва онгини янада юксалтириш, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига нисбатан ишонч муҳитини яратиш, илгари судланганларга (айниқса ёшларга) устоз ёки мураббийлар, жамоатчилик кузатувчилари бириктириш ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Бизнинг назаримизда, ижтимоий хусусиятга эга бўлган чора-тадбирлар қаторига аввало рецидив жиноятчилик натижасида етказиладиган зарарни камайтириш ёки уни қоплаш учун ҳуқуқий воситалардан фойдаланишни киритиш лозим. Айни ҳолда маъмурий назорат ўрнатиш ҳамда жиноий фаолият натижасида етказилган зарарни қоплашга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида сўз юритилмоқда.

Афсуски, сўнгги йилларда озодликдан маҳрум қилинган шахсларнинг аксарияти меҳнат билан таъминланмаган ва шу боисдан озодликдан маҳрум қилиш жойларида маош олмайди, бинобарин, улар даъво арзларини қоплашга қодир эмас. Шу боис баъзи бир жиноят-ҳуқуқий чоралар, чунончи: мол-мулкни мусодара қилиш, жарима, ахлоқ тузатиш ишларини қўллаш доираси кенгайтирилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Жиноят про-

цессада фуқаролик даъвоси ҳам шу мақсадларга маълум даражада хизмат қилиши мумкин.

Шу ўринда рецидив жиноятчилик вояга етмаганлар жиноятчилиги билан узвий боғлиқлигини ҳисобга олиб, жиноят содир этган ўсмирларни жамиятга қайтариш, уларнинг ижтимоий муҳитини соғломлаштириш махсус дастурларини амалга ошириш зарур. Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони аввало вояга етмаганларга нисбатан ижро этишнинг айрим жиҳатларини қайта кўриш, уларга шартли жазо бериш амалиёти доирасини кенгайтириш лозим.

Рецидивистларнинг жиноий фаолиятини аниқлаш ва тергов қилишнинг сифатини ошириш учун жиноий муҳитни ўрганиш ҳамда рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг илмий асосланган чора-тадбирларини ишлаб чиқиш керак. Ҳар бир рецидивистга ахборот файлини шакллантириш ва замонавий ахборот-қидирув тизимини ташкил этиш юқорида қайд этилган мақсадларга хизмат қилиши лозим.

Ниҳоят, қамоқхона маданиятига қарши кураш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари мутахассислари ва маданият ходимларининг куч-ғайратини бирлаштириш, рецидив жиноятчиликнинг олдини олишда аҳолининг фаол иштирокини таъминлаш керак.

2. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ харажатларнинг самарадорлигини ошириш жиноятчиликка қарши кураш харажатларини қайта тақсимлаш ҳисобига рецидивистлар устидан назорат доирасини кенгайтириш йўллари назарда тутиши лозим. Бизнингча, бу борада имкониятлар мавжуд ва улар жиноят, жиноят-ижроия сиёсатига ўзгартиришлар киритиш билан боғлиқ.

Биринчидан, биринчи марта судланаётганларга нисбатан кўп миқдорда жарима, шартли ҳукм қилиш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа жиноят-ҳуқуқий чораларни кенгроқ қўллаш лозим. Мол-мулкни мусодара қилиш, ахлоқ тузатиш ишлари, жамиятдан ажралмасдан жиноий жазони ўташ озодликдан маҳрум қилинган шахсларни сақлаш харажатларини кўпайтирмасдан жиноятларнинг оқибатларини моддий жиҳатдан қоплаш имконини беради.

Иккинчидан, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жиноий жазони ижро этиш пайтида рағбатлантириш нормалари:

муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, сақлаш шарт-шароитларини енгилроғига алмаштиришни кенгрок қўллаш керак.

Учинчидан, жинойтчиликнинг ижтимоий оқибатларини енгиллаштиришдан олинган маблағларни озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган шахсларни жамиятга қайтариш чора-тадбирларига йўналтириш лозим. Озодликдан маҳрум қилинган кўп сонли шахсларни сақлашдан кўра рецидивнинг олдини олишга пул сарфлаш маъқулроқлиги ҳеч кимга сир эмас. Бундан ташқари, рецидив жинойтчиликнинг олдини олиш вазифасини кўп миллионли капитал қўйилмалар ҳисобига эмас, балки маъмурий назоратни яхшироқ ташкил этиш ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш асосида ижтимоий назоратни такомиллаштириш йўли билан ҳал қилишга ҳаракат қилиш лозим.

Жинойт, жинойт-ижроия сиёсатининг асосий тамойилларини ҳаётга татбиқ этиш тўғрисида сўз юритганда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ишидаги камчиликларни бартараф этиш биринчи ўринга чиқади. Бу ерда жинойтчиликка қарши кураш борасидаги фаолиятда мавжуд камчиликларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш назарда тутилмоқда.

Жинойтларни очиш даражасини ошириш, жазонинг муқаррарлигини таъминлаш, суриштирув, тергов ҳамда ишни судда кўриш муддатларини камайтириш, гаров ҳамда яшаш жойини тарк этмаслик ҳақида тилхат олиш каби чораларни кенг қўллаш, сансалорликка ва асоссиз равишда жиноий жавобгарликка тортиш ҳолларига барҳам бериш – буларнинг барчаси харажатларни камайтириш чора-тадбирлари сифатида қаралиши ва шу жумладан жинойтчиликка қарши кураш харажатларини қисқартириш билан боғланиши лозим.

Жинойтчиликка қарши кураш соҳасида харажатларни тежаш тўғрисида сўз юритганда мазкур моддалар бўйича харажатларни асоссиз камайтириш ҳам ярамайди. Бу мақсадлар учун зарур харажатларни баҳолашда улар пировард натижада жамиятнинг ҳар хил (нафақат моддий, балки маънавий) бойликларини муҳофаза қилишга йўналтирилганлигини унутмаслик керак.

Бу борада «Жазодан озод қилинган шахсларнинг жамиятга мослашиш жараёнида махсус ёрдам кўрсатиш тўғрисида» қонун қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди деб ўйлаймиз.

Бу қонунда давлат органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ижтимоий мослашувни таъминлаш борасидаги ваколати ва фаолиятининг асосий йўналишлари; жазодан озод қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати, уларни иш ва турар жой билан таъминлаш тартиби; уларнинг жамиятга мослашишини ташкил этиш белгилаб қўйилиши лозим. Бунда маҳаллий бошқарув органларига жазодан озод қилинганларни маъмурий кўрсатмаси билан ишга жойлашиш учун муайян корхоналарга юбориш ваколати бериш, бу кўрсатмани бажармаган мансабдор шахсларни маъмурий жавобгарликка тортиш тартибини назарда тутиш керак.

Бундан ташқари, ижтимоий ёрдам кўрсатилиши лозим бўлган шахсларнинг тоифалари белгилаб қўйилиши керак. Фикризмизча, ижтимоий ёрдам тадбирлари ҳар хил асосларга кўра жазодан муддатидан илгари озод қилинганларга, шунингдек алкоголизм ва гиёҳвандликдан мажбурий даволанган шахслар, тарбиявий йўсиндаги мажбурлов чоралари ҳқлланилган вояга етмаганлар, ижтимоий фойдали алоқаларини йўқотган бошқа фуқароларга нисбатан амалга оширилиши лозим. Бунда пенсия ёшидаги шахслар ва ногиронларга ёрдам кўрсатиш масалаларига қонунда алоҳида эътибор берилиши керак.

Мазкур тоифага мансуб жазодан озод этилган шахсларга самарали ёрдам кўрсатиш мақсадида маҳаллий ҳокимиятлар қошида махсус ётоқхоналар, моддий ёрдам фондлари, кичик ишлаб чиқаришлар ташкил этилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида жазодан озод қилинган шахсларнинг ҳуқуқий ҳолати тўғрисида махсус бўлим назарда тутилиши керак. Шунингдек, мазкур шахсларнинг ҳаёт ва меҳнатдаги хулқ-атвори устидан ижтимоий назоратнинг ҳар хил шакллари, чунончи: маъмурий назорат, патронат, жамоатчилик кузатуви белгиланмоғи даркор. Бунда жазодан озод қилинганларнинг ижобий ёки салбий хулқ-атвorigа қараб бир шаклдан бошқа шаклга ўтиш имконияти назарда тутилиши лозим.

Шунга ўхшаш қонунлар айрим хорижий мамлакатларда мавжуд. Масалан, Японияда озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилганларни иш ва турар жой билан таъминлаш масалалари «Пенитенциар ҳомийлик тўғрисида»ги Қонун билан тартибга солинади. Бу Қонунга биноан реабилитацион ёрдам кўрсатиш учун ҳукумат, хусусан адлия вазирлиги жавоб беради.

Жазодан озод қилинганларни иш ва турар жой билан таъминлаш масалаларини тезкорлик билан ҳал қилиш, уларнинг ижтимоий фойдали алоқаларини тиклаш учун республикамизда махсус давлат ташкилотлари – ижтимоий мослашув марказлари ташкил этилиши, уларга маҳкумлар жазони ўташнинг якунловчи босқичида ёки озодликка чиққанидан кейин жалб қилиниши лозим. Бу масалалар ҳам юқорида зикр этилган қонун билан тартибга солиниши керак.

Бундай марказлар фаолияти чет мамлакатларда кенг тарқалган. Масалан, Англияда очик ахлоқ тузатиш муассасаларидан айниқса маҳкумларни муддатидан илгари шартли равишда озод қилишга тайёрлаш даврида кенг фойдаланилади. Уларда маҳкумларга пенитенциар муассаса чегарасидан четга чиқишга рухсат берилади. Шунга ўхшаш «очик» муассасалар ГФР, Чехия, Словакияда мавжуд.

АҚШда Юта штатида камоқ муддатининг бир қисмини (камида учдан бирини) ўтаган ва муддатидан илгари шартли равишда озодликка чиқиш ҳуқуқини қўлга киритган маҳкумлар озодликда яшашга тайёрланиш учун жамоатчилик ахлоқ тузатиш муассасаларига юборилади. Бу ерда маҳкумлар тўлиқ озод этилгунга қадар нормал ҳаётни йўлга қўйиш учун мустақил равишда ўзига иш танлайди, қариндошлари ва танишлари билан алоқа боғлайди.

Швецияда озодликдан маҳрум қилиш жойларидан чиқарилган шахсларни учун реабилитация марказлари ташкил этилган. Уларда собиқ маҳкумлар ўзларини иш ва турар жой билан таъминлаш масалалари ҳал қилингунга қадар оз миқдордаги ҳақ эвазига яшаб ва овқатланиб туришлари мумкин.

Швециядагига ўхшаш реабилитация марказлари ҳозирги вақтда Санкт-Петербург, Бухоро, Самара, Ярославл ва бошқа шаҳарларда ташкил қилинган.

Шуни таъкидлаш лозимки, жазодан озод қилинганларнинг ижтимоий мослашуви муаммосини ички ишлар органларининг куч-ғайрати билангина ечиб бўлмайди; бундан жамият ва умуман давлат манфаатдор бўлиши керак.

Жазодан озод қилинганларнинг жамиятга мослашув жараёнини таъминлашга нисбатан янгича ёндашув сифатида айрим тоифадаги шахсларга нисбатан ижтимоий мослашув марказлари орқали патронат, яъни ижтимоий назорат шаклини ташкил

этиш таклиф қилинади; у жамоатчилик кузатувидан қаттиқроқ, бироқ маъмурий назоратдан сезиларли даражада юмшоқроқдир. Мазкур назорат шакли шахс хулқ-атвори устидан қаттиқ назорат ўрнатиш зарурати бўлмаган ҳолларда қўлланилиши мумкин.

10-мавзу. УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1. Уюшган жиноятчилик мазмуни ва таърифи ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари. Уюшган жиноятчилик таркиби
2. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг муҳим масалалари

10.1. Уюшган жиноятчилик мазмуни ва таърифи ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари. Уюшган жиноятчилик таркиби

Собиқ Иттифоқнинг бошқа республикалари қатори мустақил Ўзбекистонга ҳам ундан нафақат вайрон бўлган иқтисодиёт, моддий ва маънавий қашшоқлик, балки ўсиб бораётган жиноятчилик ҳам мерос қолди. Жиноятчилик тобора профессионал ва уюшган тус олиб бормоқда, оғир жисмоний ва маънавий зарар кўрилишига сабаб бўлмоқда.

Криминал профессионализм групповавий, рецидив, профессионал жиноятчилик ҳамда унинг олий шакли – уюшган жиноятчиликнинг пайдо бўлишига олиб келаётир.

Криминал профессионализмга қуйидагилар хос: а) "ихтисослашганлик", яъни жиноий фаолиятнинг сурункалилиги; б) "малакалилик", яъни зарур билим ва кўникмаларга эгалик; в) жиноий фаолият тирикчилик манбаи ҳисобланади; г) шахс ғайриижтимоий муҳит билан бевосита алоқа қилади.

Уюшган жиноятчилик фаолияти, унинг юзага келиши ва мажбурдиги юриспруденциянинг тегишли соҳаларида, иқтисодиёт жабҳасида, социология ва психологияда жуда кўп назарий ва амалий масалаларни юзага келтирди. Криминологик жиҳатдан ўта салбий ҳодиса бўлган «уюшган жиноятчилик» тушунчасини таҳлил қилиш ва ўрганиш унга қарши курашиш назарияси ва амалиётининг муҳим масалаларидан биридир. Шунини таъкидлаш лозимки, айрим тадқиқотларнинг муаллифлари бу ҳодисанинг мазкур номига қўшилмайди, уни муваффақиятсиз деб ҳисоблайди¹. Собиқ Иттифоқ ҳудудида уюшган жиноятчилик қачон пайдо бўлган, деган масала юзасидан ҳам яқдиллик

¹ Қаранг: Советское государство и право, 1992, № 2, с. 93.

мавжуд эмас. Кимдир у нисбатан яқинда пайдо бўлган¹, кимдир – доим мавжуд бўлган² деб ҳисоблайди, яна кимдир унинг мавжудлигига шубҳа билдиради.

Юридик ва махсус адабиётларда уюшган жиноятчиликка ҳар хил таърифлар берилади. Олимлардан бу тушунчага энг тўлиқ таърифни А.Н.Волобуев берган. «Уюшган жиноятчилик деганда минтақа (мамлакат) доирасида криминал муҳитнинг (одатда муайян жиноят содир этиш билан боғлиқ бўлмаган) ташкилотчилик, раҳнамолик вазифаларини бажарувчи раҳбарлар атрофида жипслашуви, жиноий уюшма иштирокчиларининг хавфсизлигини таъминлаш учун давлат, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимларини жиноий фаолиятга жалб қилиш, мумкин қадар кўпроқ моддий наф кўриш мақсадида ғайриҳуқуқий фаолият доирасини кенгайтириш билан тавсифланувчи ижтимоий ҳодисани тушуниш лозим, - деб ёзади у. – Ижтимоий фаолияти уюшган жиноятчилик билан у ёки бу даражада боғлиқ бўлган барча шахслар жиноий уюшмани ташкил этади»³.

Бундан хулоса шуки, уюшган жиноятчилик, биринчидан, ижтимоий ҳодиса; иккинчидан, криминал жабҳанинг жипслашуви билан тавсифланади; учинчидан, унинг раҳбарлари ғайриҳуқуқий фаолиятни кенгайтириш ва хавфсизлик билан боғлиқ тегишли вазифаларни бажаради; тўртинчидан, уюшма мумкин қадар кўпроқ моддий наф кўришга ҳаракат қилади. Ниҳоят, бешинчидан, муаллифнинг фикрини давом эттирсак, уюшган жиноятчилик жиноий уюшмалардан таркиб топади. Бошқача айтганда, у ижтимоий хавфли ва ғайриқонуний уюшмалар (гурухлар) мажмуи; умуман олганда – таркибий қисмлари ўз уюшқоқлик даражасига кўра ҳар хил бўлган жиноий уюшмадир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг масъул ходимлари ҳам шундай хулосага келган. Уларнинг фикрича, уюшган жиноятчилик жиноий ташкилотлар ҳамда уюшган жиноий гурухлардан таркиб топади. Мазкур таркибий қисмлар ўз тузилиши ва ғайриижтимоий аҳамиятига кўра ҳар хил.

Уюшган жиноятчилик белгилари жумласига юқорида қайд этилган умумий белгилардан ташқари қуйидагилар ҳам кирити-

¹ Кузнецова Н.Ф. Проблема криминологической детерминации. – М., 1984. – 69-б.

² Қаранг: Советское государство и право. 1998, №5. – 129-б.

³ Ўша жойда.

лади: кланлар, мафиялар, жиной гуруҳларнинг яширин фаолияти; юқорида зикр этилган жиной уюшмаларнинг барча аъзолари ўзаро келишилган жиной хулқ-атвор кодексига қатъий риоя этиши; хуфёна иқтисодиёт корчалонлари, жиной уюшмаларнинг сардорлари асосан ташкилотчилик ва раҳнамолик вазифаларини бажаради ва одатда, муайян жиноятлар содир этиш билан боғлиқ бўлмайди, шу боис уларни жиной жавобгарликка тортиш анча мушкул иш ҳисобланади.

Коррупция масаласига келсак, криминологик нуқтаи назардан у уюшган жиноятчиликнинг бир туридир. Бу ерда нафақат қонунга хилоф равишда бойлик орттириш, балки ҳокимият чўққиларига интилиш ҳам биринчи ўринга қўйилади. Ривожланган мамлакатлардаги коррупцияга қарши кураш тажрибаси шундан далолат беради. Демак, уни фақат иқтисодиёт жабҳаси билан боғлаш тўғри бўлмайди.

Лотинча «корруптио» - коррупция сўзи пора эвазига оғдириш деган маънони англатади. Бироқ маърифатли дунёда, айниқса сиёсий-юридик соҳада у анча кенг тушунилади ва мансабдор шахслар, жамоат арбоблари ва сиёсатчиларни пора эвазига оғдириш, уларнинг ҳақ эвазига сотилиши деган маънони англатади.

Собиқ Иттифоқ жиноят қонунчилигига «коррупция» жинояти маълум эмасди, шу боис унинг ҳуқуқий таърифи ҳам йўқ эди. Ваҳоланки, барча республикаларнинг жиноят кодексларида турдош таркиблар: пора олиш, пора олишда воситачилик қилиш, хизмат мавқеи ёки ҳокимият ваколатини суиистеъмол қилиш, хизмат мавқеини суиистеъмол қилиб давлат мулкани талон-торож қилиш бўлган. Бу ҳолат айрим олимлар «коррупция»ни жиноят қонунига мустақил жиноят таркиби сифатида киритишга қарши чиқишларига юридик асос бўлган.

Ўзбекистонда олий ҳокимият ўз расмий ҳужжатларида «коррупция» атамасидан кўпдан бери фойдаланиб келади. Бунда у кўпинча уюшган жиноятчилик тушунчаси билан бирга келади, унинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда коррупцияга қарши кураш олиб борадиган махсус таркибий бўлинмалар ташкил этилган, бошқа чоралар ҳам кўрилмоқда (масалан, солиқ сиёсати, божхона хизмати йўналишларида).

«Юридик атамалар қомусий луғати» муаллифлари коррупцияга шундай таъриф берганлар: «Коррупция - давлат функцияларини бажариш ваколатига эга бўлган (ёки уларга тенглаштирилган) шахсларнинг ноқонуний тарзда моддий ва бошқа бойликлар, имтиёзларни олишда ўз мақоми ва у билан боғлиқ имкониятлардан фойдаланиши, шунингдек, бу бойлик ва имтиёзларни жисмоний ёки юридик шахслар қонунга хилоф равишда эгаллашига имкон бериши»¹.

Шундай қилиб, коррупция қандайдир имтиёзлар олиш мақсадида давлат хизматчилари, мансабдор шахслар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек ўз хизмат ваколатларидан фойдаланиб, бундай имтиёзларни бериш каби Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 205-210, 214-моддаларида жавобгарлик белгилаб қўйилган жиноятлар мажмуидир.

Коррупция жиноятларининг ўзига хос хусусияти шундаки, уларни фақат порахўрлик ёки давлат мулкани талон-торож қилиш ёхуд бошқа мансабдорлик жиноятларига боғлаб бўлмайди. Коррупция – бу жиноятларнинг ҳар хил вариантлардаги «бирикмаси», уларнинг бири иккинчисини тўлдиради ва коррупция таркибини вужудга келтиради. Бу объектив фаолиятнинг миқдор сифатга айланадиган ҳолатидир. Бу ерда нафақат давлат акциядорлик-тижорат аппаратини бошқариш ишига, балки мазкур бошқарув асосларига зарар етказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов жуда тўғри таъкидлаганидек², биринчидан, сиёсий жиҳатдан олганда, коррупция амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрса-тиш ифодасидир. Унда ўз умрини яшаб бўлган, янги иқтисодий муносабатларни ўзига қарши таҳдид деб билган ҳолда, уларнинг ривожланишини секинлаштириб қўйишга ҳаракат қиладиган маъмурий-буйруқбозлик тизими билан "хуфёна" иқтисодиётнинг манфаатлари объектив равишда бирлашиб кетади. Коррупция домига илинган амалдорлар шахсий бойлик орттириш мақсадларини ва уруғ-аймоқларининг манфаатларини давлат манфаатларидан устун қўяди. Бу эса, мамлакатнинг сиёсий ва иқтисодий йўлига ҳамда аҳолининг аксарият қисмига тузатиб бўлмайдиган зарар етказади. Бундан ташқари, янги иқтисодий

¹ Юридик атамалар қомусий луғати. – Т.: Шарқ, 2003. – 201-б.

² Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

муносабатларга эндигина асос солинаётган ва сифат жиҳатидан бошқа сиёсий тизим шакллантирилаётган ўтиш даврида коррупция ўз хатти-ҳаракати билан бу жараённинг йўлини тўсиб қўйиш имконига эга.

Иккинчидан, жиноятчилик ва коррупциянинг авж олиши давлатнинг конституциявий асосларини емиради, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари жиддий тарзда бузилишига олиб келади. "Қонунлар ва фармонларни қабул қилишдан мақсад уларни четлаб ўтишдир" деган мутлақо ярамас қоида жамиятнинг энг оддий ҳуқуқий тартибот ва жамоат тартибини сақлаб туриш қобилиятидан маҳрум бўлишига олиб боради.

Учинчидан, жиноятчилик ва коррупция жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емиради. Жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқаради. Амалга оширилаётган ўзгаришларга салбий муносабат вужудга келиши учун шароит яратади. Ислохотлар ғоясининг ўзини обрўсизлантиради ва эски замонларни, шу жумладан "қудратли марказнинг кучли қўли"ни қўмсаш ҳиссини туғдиради.

Ўтиш даврининг муайян қийинчиликлари шароитида фуқаролар онгида, айниқса, ёш авлоднинг бир қисмида, ҳаётда юксак турмуш даражасига эришишнинг асосий усули қонунга ҳилоф фаолият билан боғлиқ, деган мутлақо ахлоққа зид нуқтаи назар шаклланиши ва қарор топиши мумкин. Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради.

Тўртинчидан, "пул ҳокимиятга интилади", деган бир ибора бор. Лекин бу пул жинойий йўл билан топилган бўлса-ю, унинг эгалари жамиятнинг ҳокимият тузилмаларига чиқиб олсалар, улар қандай усуллар билан бошқаришларини тасаввур қилиш қийин эмас.

Жиноят оламининг нуфузли шахслари ҳокимиятга қандай йўллар билан кириб олиши яхши маълум ва кўп мамлакатларда синовдан ўтган. Аввалига бу иш нопок даромад манбаларини сақлаб қолиш, улардан кафолатли фойдаланиш мақсадида ҳокимият тузилмалари билан алоқа боғлаш ва бу алоқани мустаҳкамлашдан бошланади. Шундан сўнг ҳокимиятнинг ўзи ҳам қўлга киритилади.

Бешинчидан, нопок йўл билан бойлик орттирганлар жазодан қутулиб қолиш ва ўзларининг жиноий сармояларини ҳимоя қилиш учун ҳар қандай хатти-ҳаракатларга тайёр туришларини яхши билиб олиш лозим. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар. Бундай пайтда эҳтиросларни жунбушга келтириш, оломонни қўзғатиш ва унинг орқасига яшириниб олишдан қулайи йўқ. Бундай одамларнинг "Фақат бизга яхши бўлса, ишимиз битса - бўлгани" қабилидаги маслағи худбинликнинг, ҳамюртларига нисбатан сурбетларча лоқайдликнинг яққол кўринишидир.

Олтинчидан, жиноий усуллар билан бойлик ва мўмай пул орттирган кимсаларнинг янги ҳуқуқ ҳимоячилари ва ҳатто демократия учун жафо чеккан курашчилар сифатида сиёсатга кириб олишга ҳаракат қилаётганидан далолат берувчи мисоллар, жумладан, бизда ҳам оз эмас.

Еттинчидан, жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортиш соҳасидаги аниқ мақсадга қаратилган фаолият бугун Ўзбекистон учун устувор вазифалар ҳисобланади. Бу мақсадларни рўёбга чиқариш шароитида коррупциячиларнинг хатти-ҳаракатлари нафақат мамлакатимизнинг ҳалол фуқароларини тадбиркорликдан четлатади, балки чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотади ва уларни чўчитиб қўяди. Натижада мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибадан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, "соф" қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади. Бундай мамлакат халқаро хуфия ва жиноий тузилмалар тобора кўпроқ қизиқадиган ва фаол иш олиб борадиган макон бўлиб қолади.

Борган сари уюшиб ва профессионал тус олиб бораётган ҳозирги жиноятчиликнинг жипслашиши, жиноий гуруҳлар томонидан истеъмол бозорларининг буткул эгаллаб олиниши, қонунсиз равишда қўлга киритилган капиталларнинг хўжалик ва тижорат тузилмалари орқали қонунийлаштириб олиниши яққол кўзга ташланаётганлиги ҳам жуда хавфлидир.

Ўзбекистонда, шубҳасиз, жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда, фош этилган коррупциячилар

қаттиқ жазоланмоқда. Мамлакат ичидаги жиноятчилик доимо давлат томонидан қаттиқ назорат қилиб борилади. Жиноятчилик кенг авж олиб кетишига ва коррупциячилар домига илинган амалдорларнинг бебошлигига йўл қўймаслик мақсадида бир қатор узоқ муддатли чора-тадбирлар ишга солинган. Улар жиноятчиликка қарши кураш стратегиямизни белгилаб беради.

Уюшган жиноятчилик турлари тўғрисида сўз юритганда, у икки йўналишга эга эканлигини эътиборга олиш лозим. Биринчи йўналиш – тамагирлик ниятидаги хўжалик жиноятлари. Иккинчи йўналиш – умумий уюшган жиноятчилик. Сўнггиси – ғайриқонуний тижорат билан эмас, балки талончилик, босқинчилик ва ҳоказолар билан шуғулланувчи жиноятчилар орасидаги уюшган жиноятчилик. Амалда бу ҳақиқий мафиядир.

Уюшган жиноятчилик таркиби: сардор, раҳбарлар, шахсий соқчилар, жангарилар, ёрдамчи «ишчи кучи». Буларнинг барчасини жиноий фаолият соҳаси қамраб олади.

Уюшган жиноятчиликнинг шакли (жиноий уюшма, мафия, банда)га қараб уларнинг элитаси юзага келади. Айрим ҳолларда у ўзганинг мол-мулкини кўп миқдорда талон-торож қилувчилар, «ишбилармонлар», молиявий корчалонлардан ташкил топади. Уларнинг мақсади – кўп миқдорда моддий бойлик орттириш, ўз ҳокимияти доирасини кенгайтириш. Баъзи ҳолларда бу элита ўғрибошилар, жиноий муҳитдаги «авторитетлар»дан ташкил топади.

10.2. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг муҳим масалалари

Ушбу мавзунинг навбатдаги мавзуси – уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш ҳам давримизнинг муҳим масалаларидан биридир. Бунда жиноятларнинг олдини олиш – бу жиноятчилик сабаблари ва омилларини бартараф этиш ёки уларнинг олдини олишга қаратилган давлат ва жамоат чора-тадбирлари мажмуи эканлигини ёдда тутиш керак. Жиноятчиликнинг олдини олиш ҳуқуқий давлат, унинг иқтисодиёти, мафкураси, маданияти, одамлар ўртасидаги ранг-баранг ижтимоий муносабатларни ривожлантириш ва такомиллаштиришга қаратилган тадбирлар мажмуи, яъни жамият ҳаётини жиноятчиликка зид бўлган тарзда ташкил этиш йўли билан таъминланади.

Криминоген (жиноятларни юзага келтирувчи ёки уларга имконият яратувчи) омилларни бевосита бартараф этиш борасидаги изчил фаолият ҳам жиноятчиликнинг олдини олишнинг муҳим таркибий қисми ҳисобланади.

Уюшган жиноятчиликка қарши кураш амалиёти бу ерда унинг фош қилиниши ҳамда унинг олдини олиш нуқтаи назаридан, айниқса, жиноят процесси йўналишида оқилона ҳуқуқий нормалар яратиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатди.

Мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий тизимларида туб ўзгаришлар юз бераётган, давлатимизда ҳуқуқий ислохот амалга оширилаётган ҳозирги шароитда коррупция ҳолларига йўл қўйиб бўлмайди. Давлат ҳокимияти аппарати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти аҳолининг кенг оммасига кафтдек кўриниб туриши, амалдорлар коррупция домига илинганлиги ҳақида фуқароларда асоссиз тасаввур туғилмаслиги, Президент, ҳукумат, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар коррупциянинг ҳар қандай кўринишларига қарши қатъий кураш олиб боришга аҳд қилганлигига бўлган ишонч мустаҳкамланиши лозим.

Ушбу ҳодиса мураккаб ва серқирра бўлгани туфайли коррупцион ҳуқуқбузарликларнинг баъзи бир турлари алоҳида жиноят сифатида ажратилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бизнингча, бу коррупциянинг жамоатчиликни жунбушга келтириши ва ҳокимият обрўсига сезиларли даражада путур етказиши мумкин бўлган фактларига қарши курашга алоҳида эътибор қаратилишига имконият яратади.

Биринчи навбатда қуйидаги йўналишлар ажратилиши лозим:

- раҳбар органлар фаолиятидаги коррупция иллатларига барҳам бериш;
- ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари сафларини коррупция домига илинган ходимлардан тозалаш;
- аввало, уюшган жиноятчиликнинг ҳокимият ва бошқарув тузилмасига суқилиб киришга ҳаракат қилаётган шакллариغا қарши кураш олиб бориш.

Уюшган жиноятчиликнинг олдини олиш борасида қандай йўналишлар устувор ҳамда жамиятимизнинг мададига муҳтож?

Энг аввало, иқтисодий чоралар кўрилиши лозим. Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашнинг мантиқи иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш йўлидан янада изчил

боришни, ҳалол тадбиркорлик учун чинакам эркинликни таъминлаш баъзан унинг йўлида сақланиб қолаётган кўплаб бюрократик сансалорликлар ва тўсиқларни бартараф этишни талаб қилади.

Ўзбекистонда бутун ҳуқуқ ва суд тизимини такомиллаштириш дастурини мамлакат ичидаги жиноятчилик ва коррупцияга қарши кучли чора деб ҳисобламоқ даркор. Бир томондан, Қонуннинг мутлақ устунлиги ва фуқароларнинг ҳуқуқлари кафолатли ҳимоя қилиниши ушбу дастурнинг мақсади бўлиши лозим. Иккинчи томондан, мамлакат аҳолисини ва айниқса ёшларни ҳуқуқий тарбиялашни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ниҳоятда зарур.

11-мавзу. ВОЯГА ЕТМАГАНЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати
2. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омиллар
3. Вояга етмаган жиноятчининг шахси
4. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш

11.1. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати

Ҳозирги вақтда вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳақида салмоқли статистик материал тўпланган, уни таҳлил қилиш методикаси асосан ишлаб чиқилган. Буларнинг барчаси вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолатини, унинг миқдор ва сифат (таркибий ва бошқа) ўзгаришларини анча аниқ баҳолаш имконини беради.

Ўзбекистонда жиноят статистикаси 1990 йилгача жиноят содир этгани аниқланган шахслар сонига кўра вояга етмаганлар жиноятчилиги ҳар беш йилда ўрта ҳисобда 4-8% га изчил ўсиб борганини қайд этиб келган. 1991 йилдан бу тенденция сезиларли даражада ўзгарди. 1995-1996 йилларда рўйхатга олинган жиноят содир ўсмирлар сонининг ўсиши 8% ни ташкил этди. Таққослаш учун: бу кўрсаткич Россия Федерациясида 20%, Украинада – 16,8%, Озарбайжонда – 18,1, Қозоғистонда – 14,9%, Туркманистонда – 9%, Белоруссияда – 9,8% ни ташкил этган.

1998 йилда 50 мингдан ортиқ жиноятчи, шу жумладан икки мингдан ортиқ вояга етмаганлар ҳукм қилинган бўлиб, бу жазога тортилган жиноятчилар умумий сонининг 4% га яқинини ташкил этади. 1996 йилда бу кўрсаткичлар тегишли равишда 51602 жиноятчи, 2023 ўсмир ва 3,9% ни ташкил этган, 50 дан ортиқ ўсмир Олий суд томонидан жазога ҳукм қилинган эди.

Маҳкумлар таркибини кўздан кечирадиган бўлсак, 1998 йилда жиноят содир этган 2000 дан кўпроқ жиноятчи орасида 37 киши ҳаётга қарши жиноятлар учун (ЖКнинг 97-103-моддалари бўйича) ҳукм қилинган (1996 йилда – 10 киши). Соғлиққа қарши жиноят содир этганлар (ЖКнинг 104-111-моддалари) 50 дан ортиқ кишини ташкил этган. Талончилик учун 150 дан ортиқ киши, босқинчилик учун – 40 дан ортиқ киши ҳукм қилинган.

160 дан ортиқ кишига (бу жами вояга етмаган маҳкумларнинг 8% ни ташкил этади) шартли жазо тайинланган.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг ярмидан кўпроғига озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо белгиланган.

Вояга етмаганлар ўртасидаги аёллар жиноятчилигига оид маълумотлар ҳам диққатга сазовор. 2142 ўсмирдан 113 киши (5,35%) аёл жинсига мансуб бўлган.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳудудий тақсимланишини ўрганиш криминологик аҳамиятга молик бир қанча тенденцияларни намоён этади.

Статистик кузатиш билан қамраб олинган республика ва унинг вилоятлари чегараларида айрим минтақалар ўртасида жиноятчилик даражасида жиддий миқдорий тафовутлар қайд этилади.

Вояга етмаганлар жиноий фаоллигининг энг катта даражаси сўнгги йилларда Тошкент шаҳри, Навоий, Тошкент, Сирдарё, Наманган, Фарғона, Қашқадарё, Андижон ва Хоразм вилоятларида, энг паст кўрсаткичлар – Жиззах, Сурхондарё, Самарқанд, Бухоро вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида кузатишмоқда.

Жиноятчилик даражасидаги ҳудудий фарқларни таҳлил қилишда доим йирик саноат марказларида вояга етмаганлар жиноятчилигининг энг юқори кўрсаткичлари қайд этилади. Қишлоқ ҳудудларида тадқиқотчилар кўпроқ унинг миқдор ва сифат хусусиятлари ўхшашлигини қайд этадилар.

Криминологлар вояга етмаганлар жиноятчилиги даражаси билан минтақани тавсифловчи болалар ва ўсмирлар умумий сони ва улуши; ишламайдиган ва ўқимайдиган меҳнатга лаёқатли вояга етмаганлар улуши; судланганлар, маиший ҳуқуқбузарлик содир этувчи шахслар (пиёнисталар, безорилар ва ҳ.к.) улуши; ҳар хил тиббий рўйхатларда турувчи шахслар (алкоголизм, гиёҳвандлик касалликларига чалинганлар, руҳий касаллар ва б.) улуши каби кўрсаткичлар ўртасида изчил боғланиш мавжудлигини аниқлаганлар.

Вояга етмаганлар жиноятчилигидаги минтақавий фарқлар билан бузилган оилалар ўртасида узвий алоқа мавжудлиги аниқланган. Айни шу кўрсаткичга кўра ўсмирлар жиноятчилигининг энг кам ва энг катта даражаси қайд этилган минтақалар билан ажрашган эр-хотинлар сонига кўра ўхшаш минтақалар-

нинг деярли тўлиқ мос келиши кузатилади¹. Бу вояга етмаганлар билан тарбия-профилактика ишларининг устувор йўналишларини танлашда оиладаги беқарорлик кўрсаткичларидан бош мезонлардан бири сифатида фойдаланиш имконини беради.

Криминологияда вояга етмаганлар жиноятчилигини таркибий таҳлил қилиш айниқса кенг тарқалган. У қасддан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, номусга тегиш, босқинчилик, талончилик, ўғрилик, безорилик каби жиноятлар бўйича ўтказилади.

Ўқотар қуролни эгаллаш ва қўллаш, милиция ходимларига қаршилик кўрсатиш ҳамда уларнинг қонуний талабларига бўйсунмаслик ҳоллари кўпайиб бораётир.

Вояга етмаганлар ўртасида илгари асосан катталарга хос бўлган жиноятлар, чунончи: қурол ва гиёҳвандлик воситалари билан савдо қилиш; фоҳишахона сақлаш ёки қўшмачилик қилиш; босқинчилик; фирибгарлик; ўғрилик мол билан савдо қилиш тобора кенг тарқалмоқда.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги доимо асосан группавий хусусиятга эга бўлган. Вояга етмаганлар томонидан содир этилган группавий жиноятлар улуши катталар жиноятчилигининг шундай кўрсаткичидан тахминан 1,5-5 барабар ортиқ ва вояга етмаганларнинг умумий жиноятчилиги таркибида 20-80% ни ташкил этади.

Ёш, руҳият ва бошқа шахсий хусусиятларга кўра ижобий ва салбий тусдаги группавий хулқ-атвор вояга етмаганлар учун табиий ҳол ҳисобланади.

Сўнгги йилларда ғайриҳуқуқий хулқ-атворли ўсмирлар гуруҳларининг йириклашуви кузатилмоқда. Жами гуруҳлар бешдан уч қисми иштирокчилари ёшининг ҳар хиллиги уларнинг мазкур фаолиятга мойиллигини янада кучайтиради, унинг янада фаоллашувига туртки беради.

Ўсмирлар гуруҳларининг уюшган жиноятчиликка бўйсунтириш жараёни ҳам фаол кечаётир. Бу гуруҳлар ишсиз, майда тижорат билан шуғулланувчи, шунингдек озодликдан маҳрум қилиш жойларидан қайтган ва ҳаётда ўз ўрнини топа олмаган ўсмирлар ҳисобига тўлиши учун ижтимоий негиз кенгайиб бормоқда.

¹ Опыт длящегося крим. Изучения личности во взаимодействии с социальной средой. – М., 1992; Жигарев Е.С. Административная ответственность несовершеннолетних: понятие, виды и её профилактика. – М., 1992 ва б.

Кам таъминланган оилалардан бўлган ўсмирлар хуфёна иқтисодиёт ва уюшган жиноятчилик тузилмаларига тобора фаолроқ жалб қилинмоқда. Уюшган жиноятчилик сардорлари ўсмирларни ўз таъсири доирасига бажонидил киритиб, уларнинг профессионал жиноий шаклланиши ва ўсишини назорат қилмоқдалар.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг шахсий хусусиятлари ҳам диққатга сазовор. Мазкур тоифага мансуб жиноятчилар орасида доимий даромад манбаига эга бўлмаган (ишламайдиган ва ўқи-майдиган) ўсмирлар кўпчиликти ташкил этишини деярли барча тадқиқотчилар қайд этадилар.

Турли маълумотларга кўра вояга етмаган жиноятчилар орасида мактаб ўқувчилари 38,3% ни, ишлайдиганлар - 11,4% ни, доимий даромад манбаига эга бўлмаганлар – тахминан 30% ни ташкил этади.

11.2. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омиллар

Ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омиллар муаммоси ҳар қандай криминологик тадқиқотда у ёки бу тарзда кўриб чиқилади, чунки у криминологиянинг муҳим муаммоларидан биридир. Уни илмий ўрганиш нафақат назарий, балки амалий аҳамиятга ҳам эга.

Жиноят сабаблари нима-ю, унинг омиллари деганда нимани тушуниш лозим, деган масала бизнинг криминологик адабиётларимизда, афсуски, ҳанузгача аниқ ҳал қилинмаган. Аксарият ҳолларда бу тушунчалар адаштирилади ёки бир-бирига тенглаштирилади. Айтилган ҳолатлар вояга етмаганлар ҳуқуқбузарликларининг сабаблари ва омиллари муаммосига ҳам тааллуқли. Ушбу масалага нисбатан ҳар хил ёндашувлар мавжуд.

Айрим олимлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари жумласига қуйидагиларни киритади: яшаш, ўқиш ёки иш жойидаги муҳитнинг салбий таъсири; ўқишни ташлаб кетган ўсмирлар узоқ вақт муайян иш билан шуғулланмаслиги; ўсмирнинг нотўғри тарбияланишини белгиловчи шарт-шароит омиллари; ёши катта жиноятчиларнинг далолатчилиги; зўравонлик ва қонунсизликни ифодаловчи китоблар ва фильмлар таъсири. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг омиллари сифатида қуйидагилар қайд этилади: назоратсизлик; умумий таълим мактаб-

лари ва коллежларда таълим-тарбия ишларида мавжуд камчиликлар; ишга жойлаштиришда ҳамда ишлаб чиқаришда тарбия ишларини ташкил этишда мавжуд камчиликлар; маданий ҳордиқ чиқаришни ташкил этишдаги камчиликлар; вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш ҳамда унга қарши бевосита кураш олиб бориш вазифалари зиммасига юкланган органлар фаолиятидаги камчиликлар.

Айримлар вояга етмаганлар жиноятчилигининг сабаблари қаторига қуйидагиларни киритади: ўсмирнинг кайфияти ва руҳиятига таъсир кўрсатувчи ҳаётдаги муваффақиятсизликлар; маънавий ва ахлоқий мўлжалларнинг беқарорлиги; шахслар жинсий гуруҳи билан яқин алоқада бўлиш ёки муайян шароитда улар ўсмирга салбий таъсир кўрсатиши; руҳиятининг айрим хусусиятлари; оила ёки жамоадаги ноқулай шарт-шароитлар.

С.С.Остроумов ва Н.Ф.Кузнецова фикрига кўра, оиладаги тарбияда йўл қўйилган хатолар ҳуқуқбузарликлар содир этишнинг сабаблари эмас, балки омилларидир. И.И.Карпец назоратсизликка ичкиликбозлик билан бир қаторда жиноятга шарт-шароит яратувчи омил сифатида қарайди.

Ҳуқуқбузарликларнинг сабаблари ва омиллари тушунчалари материалистик диалектика категорияларининг муайянлаштирилган кўринишлари ҳисобланади. Демак, «сабаб» ва «омил» фалсафий категорияларини тушуниб етмасдан криминологияда уларни илмий талқин қилиш ва қўллаш мумкин эмас.

Сабабий алоқалар – детерминация муносабатлари турларидан бири. Детерминация – бу ҳодисалар ўзаро алоқасининг шундан бир усулики, бунда бир ҳодисанинг юзага келиши бошқа ҳодисалар билан белгиланади. Детерминация муносабати бир томондан белгиловчи омиллар (детерминантлар)ни назарда тутса, бошқа томондан – белгиланган натижа (ҳосила)ни назарда тутди. Детерминизм умумий принципига кўра, воқеалар муайян тарзда юз беради ва улар юзага келиши мобайнида кечадиган жараёнлар белгиловчи омиллар мажмуидан таркиб топади¹.

Фалсафий адабиётларда детерминация жараёнининг қуйидаги таркибий қисмлари фарқланади: 1) шарт-шароит; 2) фаолият; 3) ҳаракат (оқибат, натижа).

¹ Парнюк М.А. Принцип детерминизма в системе материалистической диалектики. –Киев, 1972. 93-б.

Шарт-шароит деганда мазкур ҳодиса ёки унинг хоссалари юзага келиши, мавжуд бўлиши, ўзгариши ёки йўқолишини белгилловчи муҳим омиллар мажмуи тушунилади. У ёки бу ҳодиса маълум жойда тегишли шарт-шароит юзага келган ҳолдагина юз бериши мумкин ва муайян шарт-шароит мавжудлиги туфайли мавжуд бўлиши мумкин.

«Шарт-шароит» тушунчасидан «муҳит» тушунчасини фарқлаш лозим. Сўнгги зикр этилган тушунча нафақат шарт-шароит сифатида амал қиладиган омилларни, балки мазкур ҳодисада иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган билвосита омилларни ҳам ўз ичига олади. Бу қоида криминологик тадқиқотлар учун айниқса муҳим, чунки ижтимоий муҳитда жиноят содир этилишига имконият криминоген омилларни ҳам, билвосита омилларни ёки криминоген омилларга қарши омилларни ҳам эътиборга олиш лозим.

Шарт-шароитга айланувчи омиллар белгиланган ҳодиса юз бергунга қадар тасодифий ҳолатлар мажмуи сифатида мавжуд бўлади.

Шундай қилиб, ўз ҳолича мавжуд бўлган муайян омиллар детерминация жараёнида ўзалари белгилаётган ҳодисага нисбатан шарт-шароитга айланади. Шарт-шароитнинг мавжудлиги ҳодиса юз бериши мумкинлигини англатади.

Қандай қилиб имконият борлиққа айланади, ниманинг таъсирида ҳаракат (оқибат) пайдо бўлади? Детерминация жараёнининг мазкур унсурига хос бўлган фаолият – сабаб таъсирида.

Демак, сабаб шарт-шароитни ҳаракатга айлантирувчи фаол асосдир. Сабабни фақат унинг оқибати орқали тушуниш мумкин ва аксинча, оқибатнинг табиатини фақат унинг сабаби орқали аниқлаш мумкин, чунки улар бир-бирини тақозо этади¹.

Сабаб-оқибат боғланишларини аниқлашга нисбатан тўрт хил ёндашувни фарқлаш мумкин:

1) «Кандиционалистик» (шартли) ёндашув сабаб деганда мазкур оқибат учун зарур ва етарли бўлган ҳолатлар мажмуини тушуади².

2) Анъанавий ёндашув. Бунда ташқи таъсир мазкур оқибатнинг сабаби ҳисобланади. Криминологияда жиноятлар улар

¹ Гегель Г.Ф. Работы разных лет: В 2-х т. – М., 1973. Т. 2. – 107-б.

² Иванов В.Г. Причинность и детерминизм. – Л., 1974. – 14-15-б.

содир этилган шароит ҳамда бошқа шахслар, шу жумладан жабрланувчилар хулқ-атвори билан бевосита боғланади.

Шуни таъкидлаш лозимки, криминологияда сабабиятнинг «анъанавий» талқини тор хусусиятга эга бўлиб, деярли ҳеч қачон якка ҳолда қўлланилмайди, балки доим бошқача ёндашувлар билан тўлдирилади.

3) Анъанавий-диалектик ёндашув кенг тарқалган ва криминологик адабиётларда анча пухта ишлаб чиқилган ёндашув ҳисобланади. Унга кўра, мазкур оқибатни юзага келтирувчи ҳамма нарса сабабдир. Муайян ташқи ҳолатлар таъсирида объектда ўзгаришлар юз бериши мумкин. Айрим муаллифлар салбий ижтимоий-руҳий ҳодисалар ва жараёнларни жиноятчилик ва жиноятнинг «бевосита» сабаби деб ҳисоблайди. Бундан «Жиноятчилик сабаблари доим ижтимоий-психологик табиатга эга бўлади», деган хулоса келиб чиқади.

Бу ижтимоий-психологик муаммолар криминологияда икки йўналишда, биринчидан, жиноий хулқ-атвор ва жиноятчиликнинг генезисини аниқлаш нуқтаи назаридан, иккинчидан, кўриб чиқиладиган ҳодисага қарши кураш, шу жумладан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш нуқтаи назаридан ўрганилиши лозим.

Шахсни криминологик жиҳатдан ўрганишда уни ижтимоий муҳитга боғлаб таҳлил қилиш муҳимдир, чунки жиноий хулқ-атворни муҳит ёки шахснинг ўзи эмас, балки уларнинг ўзаро таъсири юзага келтиради.

Бинобарин, ижтимоий шарт-шароитнинг жиноий хулқ-атвор билан алоқаси мураккаб хусусият касб этади, бунда ижтимоий шарт-шароит доим жиноятда шахс орқали намоён бўлади.

Жиноятчиликнинг ижтимоий-психологических жиҳатлари тўғрисида сўз юритганда, жиноятчилик жиноятларнинг оддий йиғиндиси ёки мажмуи эмаслигини, у ўз қонуниятлари, миқдор ва сифат кўрсаткичларига эга эканлигини қайд этиб ўтиш лозим. Жиноятчиликнинг асосий сабабларини аниқлаш учун жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилишини, уни белгиловчи алоқалар ва муносабатларни ўрганиш ва уларни жиноятчиликка боғлаб таҳлил қилиш керак.

Жиноятчилик минтақавий хусусиятларга ҳам боғлиқ бўлади. Бинобарин, уни ҳам алоҳида ўрганиш лозим.

Микромуҳитни ҳисобга олиш ҳам муҳим аҳамиятга эга, чунки шахс хулқ-атвори, унинг шаклланиши оилага, унинг дўстла-

ри, танишлари, кўшнилари ва ҳоказолар муҳитига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади.

Вояга етмаганлар жиноятчилиги катталар жиноятчилиги билан бир хил сабабларга эга, бироқ уларнинг вояга етмаганлар жиноятчилигига таъсир кўрсатиш механизми анча фарқ қилади. Бу сабаблар шахснинг шаклланишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Мазкур тарбия ташкилий ва стихияли жиҳатларни, тарбия ҳамда тегишли ижтимоий амалиёт таъсирини ўз ичига олади.¹

11.3. Вояга етмаган жиноятчининг шахси

Шахснинг алоҳида ижтимоий типини ажратиш учун асос бўладиган шахсий хусусиятлар мавжудлиги тўғрисидаги масала кизгин баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Айрим муаллифлар фикрига кўра, жиноятчи шахс сифатида бошқа одамлардан ажралиб туради², айрим муаллифлар эса, асосан жиноят содир этиш пайтида шахснинг шарт-шароит билан ўзаро таъсирига ишора қилади³.

Умуман олганда, шахснинг ижтимоий хусусиятлари у мансуб бўлган ижтимоий гуруҳ билан боғланади, бу – типларга ажратишга нисбатан методологик ёндашувнинг негизи.

Жиноят содир этувчи вояга етмаган шахсининг типини аниқлашда айрим методологик ва методик қоидаларни эътиборга олиш лозим.

Биринчи. Бу ерда типнинг ижтимоий табиати тўғрисида сўз юритилади, шу боис айнан инсоннинг «шахси, ижтимоий қиёфаси» унинг октогенози жараёнида ўрганилади.

Иккинчи. Кўриб чиқиладиган шахс типи у ўзига хос бўлган одамларнинг барқарор ижтимоий белгиланган хусусиятларининг мавжудлигини ифодалаган тақдирдагина аҳамият касб этади. Бу хусусиятлар жиноий хулқ-атвор факти билан эмас, балки унинг имконияти билан белгиланади. Мазкур имконият фақат муҳит билан ўзаро алоқада юзага чиқади. Шу боис мазкур шахс типининг тарқалганлик даражаси жиноят содир этувчи шахсларнинг тарқалганлик даражасига мос келмаслиги мум-

¹ Долгова А.И. Социально-психологические аспекты преступности несовершеннолетних. – М., 1981. – 35-б.

² Лейкина Н.С. Личность преступника и уголовная ответственность. – Л., 1968. – 9-б.

³ Сахаров А.Б. Кўрсатилган асар. – 111-б.

кин. У қонунда белгиланган тартибда жиноят содир этишда айбдор деб топилган барча шахсларни қамраб олмайди. Шу сабабли деярли барча тадқиқотчилар асосан шарт-шароит таъсирида жиноят содир этувчи «тасодифий жиноятчи» типини фарқлайди.

Бинобарин, криминоген шахс тушунчаси бошқа шахс типлари билан таққослаганда тегишли шарт-шароитда жиноий хулқ-атвор юз бериш эҳтимоли катта бўлган муайян ижтимоий типни ифодалаши мумкин. Бундай эҳтимол фақат ижтимоий муҳит билан ўзаро таъсирга киришиш натижасида рўёбга чиқади ва шундан кейин, яъни жиноят содир этилганидан сўнггина криминоген шахснинг ижтимоий типини ифодаловчи шахс жиноятчига айланади. Шахс криминоген хусусиятга эга эканлигини аниқлаш унинг ижтимоий муҳитини соғломлаштириш, шахсга зарур ижтимоий ёрдам кўрсатиш, унга нисбатан тарбиявий-профилактик таъсирни кучайтириш учун асос бўлади. Тайинланадиган жазо содир этилган қилмишнинг хусусиятига мос келиши лозим.

Учинчи. Бу ерда айнан тип назарда тутилади, шу боис жиноят содир этувчи шахсларда криминоген шахс типининг жиҳатлари ҳар хил даражада мужассамлашиши мумкин.

Тўртинчи. Бу ерда жиноий хулқ-атвор билан бевосита боғлиқ бўлган хусусиятлар тўғрисида сўз юритилиши лозим. Криминоген шахснинг жиноятчи бўлмаган шахсдан фарқи айнан жиноий хулқ-атвор билан боғлиқ.

Бешинчи. Вояга етмаган криминоген шахс ўзига хос криминологик аҳамиятга эга бўлган хусусиятлар мажмуини ўзида мужассамлаштирган алоҳида ҳодиса. Одамлар хулқ-атвори, фаолияти пировард натижада шахснинг барча ўзига хос хусусиятлари «иши»нинг якуни ҳисобланади. Жиноятчи шахси фақат бир ўзига хос хусусиятга эга бўлади, деб ўйлаш тўғри бўлмайди.

Умуман олганда, ўтказилган тадқиқотлар жиноятчиларнинг турли тоифалари орасида учрайдиган криминоген шахс типи қуйидаги ўзига хос жиҳатлар мажмуи билан ажралиб туришини кўрсатди:

фаол ғайриҳуқуқий ва ахлоқий таъсир шароитида шахснинг шаклланиши, оилада ғайриҳуқуқий хулқ-атвор ва хатти-ҳаракатларнинг кузатилиши ва ш.к.;

хатто жамият ва давлат муҳити ҳамда унинг кадрият ва меъёрлар тизими томонидан таъсир ўтказиш чоралари кўрилганидан кейин ҳам ҳар хил ахлоққа зид ва ғайриҳуқуқий қилмишлар тизимининг мавжудлиги;

жиноят содир этиш шароитида шахснинг фаоллиги ва одатда жиддий сабаблар бўлмаган шароитда жиноят содир этиш.

Юқорида келтирилган тавсиф умумий хусусиятга эга бўлиб, криминоген шахс типларининг ранг-баранглигини акс эттирмайди.

Ваҳоланки, жиноятларнинг олдини олиш, жазолаш ва ҳуқуқбузарларни ахлоқан тузатиш ижтимоий тизими шахсларнинг у ёки бу гуруҳларига хос бўлган хусусиятларни эътиборга олиши лозим. Одатда, бундай хусусиятлар икки асосий белги: шахснинг криминоген бузилиш даражаси ва бу бузилишнинг хусусиятидан келиб чиқиб ҳисобга олинади. Вояга етмаган шахс микромуҳитининг тавсифини, унинг жиноят содир этишдан олдинги хулқ-атвори ҳақидаги маълумотларни, онгнинг мазмун томони хусусиятларини ҳисобга олувчи комплекс мезонга асосланиб, қасддан жиноят содир этувчи ўсмирларнинг уч типи: изчил криминоген, ситуатив криминоген ва ситуатив типлари қайд этилган.

Изчил криминоген тип. Ушбу тип вакилларининг жиноий хулқ-атвори одатдаги хулқ-атвор тарзидан келиб чиқади ва субъектнинг қарашлари, ижтимоий мўлжаллари ва мойилликлари билан белгиланади. Одатда, мазкур шахс жиноят содир этиш вазиятидан нафақат фойдаланади, балки уни фаол яратади. Ушбу тип вакиллари зарур ҳолда муайян муҳитни ўзларига «мослаштириш»га қодирлар. Уларнинг жиноий хулқ-атвори изчил криминогенлик шаклланган босқичдан бошлаб нисбатан эркин хусусият касб этади.

Вазиятга боғлиқ криминоген тип. Зиддиятли микромуҳитда шаклланади ва фаолият олиб боради; жиноят кўп жиҳатдан уни содир этишнинг маънавий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан салбий ҳолати билан белгиланади. Айни ҳолда шахс ва ижтимоий муҳитнинг ўзаро алоқаси муҳим аҳамият касб этади. Бу шахсни жиноятга у қўшилган микромуҳит, унинг олдинги турмуш тарзи олиб келади.

Вазиятга боғлиқ тип. Мазкур шахс онги ва хулқ-атворининг, шунингдек у қўшилган микромуҳитнинг ахлоққа зид унсурлари аҳамиятсиздир. Жиноят мазкур шахс айби билан юзага

келмаган, унинг учун маълум даражада ғайриоддий ва бошқа субъектлар билан биргаликда ахлоқ ва ҳуқуқ нормаларини бузиш билан боғлиқ бўлган вазиятнинг ҳал қилувчи таъсири натижасида содир этилади.

Ижтимоий шахс ва муҳит мураккаб шароитда – муаммоли ва можароли вазиятларда ўзаро таъсирга киришиш механизмининг нуқсонлари айниқса муҳимдир. Жиноят бошқа шахсларнинг айбига кўра юзага келувчи вазият таъсирида содир этилади. Бунда ахлоқ ва ҳуқуқ нормалари бошқа субъектлар томонидан бузилади. Айни вақтда, тегишли шароитда шахс ўзининг ва бировнинг ғайриҳуқуқий хулқ-атворини, ҳатто жиноятини оқлаши ёки можароларни ҳал қилишнинг бошқа, қонуний ва ахлоқий усуллари билмаслиги мумкин. Бу ерда жиноят содир этилган шарт-шароит ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи вояга етмаган жиноятчининг шахси ўзини кўрсатишга, ўз бевосита муҳитидаги шахслар юксак баҳосини олишга интилишнинг кучлилиги билан ажралиб туради.

Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи вояга етмаган жиноятчининг шахси, умуман жиноятчининг шахси каби, эгоистик хусусиятга эга. Бироқ унинг эгоизми одатда группавий хусусият касб этади. Зўрлик ишлатиб жиноят содир этувчи ўсмирларнинг ўзини кўрсатиш усуллари шу билан боғлиқки, улар норасмий гуруҳга қаттиқ боғланган ҳолда, ўз фаоллиги, ўзининг қобилиятларини расмий даражада маъқулланувчи шаклларда намоиш этишга ҳаракат қилмайди. Тамагир жиноятчининг шахсига келсак, унга группавий эмас, балки индивидуал эгоизм хос.

Вояга етмаган жиноятчиларнинг аксарияти аралаш типга мансуб, айниқса, агар улар криминоген микромуҳитда узоқ вақт яшаган ва ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этувчи шахслар билан яқин алоқа қилган бўлса.

11.4. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш

Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишнинг криминологик муаммоларини ўрганиш вояга етмаганлар ижтимоий категориясининг мазмуни, унинг шаклланиши, ривожланиши ва жамиятдаги ўрни, вояга етмаганларнинг идеаллари, қадриятлари, мўлжаллари ва фаол ҳаётий позициясининг шаклланишига таъсир кўрсатувчи ижтимоий омиллар,

ёш хусусиятлари ва ҳоказоларни таҳлил қилиш билан боғлиқ айрим умумий методологик қоидаларни кўриб чиқишни тақозо этади.

Криминологияда жиноятларнинг олдини олиш деганда жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этилишига имконият яратувчи сабаблар ва омилларни бартараф этиш ёки уларни нейтраллаштиришга қаратилган давлат ва жамият чора-тадбирлари мажмуини тушуниш одат тусини олган¹.

Кўпгина криминологлар жиноят ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг умумий ва махсус профилактикасини фарқлайдилар, шунингдек криминологик профилактиканинг турли вазифалари ва даражаларини қайд этадилар².

Ўтказилган тадқиқотлар аксарият вояга етмаган жиноятчилар шахсининг шаклланиши йўлидаги биринчи босқич шахс тарбиясининг оғирлиги ҳисобланишини кўрсатади. Криминологик жиҳатдан бу тушунча ғайриижтимоий шахснинг ахлоқсиз шахс ҳамда қисман ҳуқуқбузар шахси каби типларига мос келади.

Тарбияси оғир ўсмир – бу ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялашга муҳтож бўлган вояга етмаган шахс. Уни ахлоқан тузатиш ва тарбиялаш мазкур шахс жиноятчига айланишининг олдини олиш, шунингдек унинг жамият билан нормал алоқаларини тиклаш, унда фаол ҳаётий позицияни шакллантириш мақсадида амалга оширилади.

Ҳар бир вояга етмаган тарбияси оғир шахснинг хулқ-атвори ўзига хосдир; у ўсмир шахси шаклланишининг объектив ва субъектив омиллари билан белгиланади. Бу тарбия ва профилактика ишларида индивидуал ёндашув етакчилик қилиши лозимлигини англатади.

Афсуски, амалда тарбияси оғир ўсмирларга нисбатан асосан оғзаки таъсир кўрсатиш воситалари (танбех, ҳайфсан ва ш.к.) қўлланилади.

Тарбияси оғир ўсмирга жуда тўғри, хайрихоҳ муносабатда бўлиш, унинг потенциал имкониятларига ишонч билдириш муҳимдир.

Мактаб болалар ва ўсмирлар ҳаёти ва хулқ-атвори учун масъул педагогик марказга айланиши лозим.

¹ Криминология. – М., 1996. – 203-204-б.

² Игошев К.Е. Социальный контроль и профилактика преступлений. – Горький, 1976. 39-40-б.

Агар жиноятларни профилактика қилишнинг ихтисослашмаган субъектлари зарарли таъсир манбаларини бартараф этишга қаратилган тарбия ва профилактика чораларини ўз вақтида кўрмасалар, тарбияси оғир ўсмир педагогик ва ижтимоий беқарорликнинг навбатдаги босқичига ўтишига сабабчи бўладилар. Бу босқич ўсмирнинг оиладаги, мактабдаги, ишдаги муносабатлари янада ёмонлашуви, у ижтимоий жиҳатдан ижобий муҳитдан узоқлашиши билан тавсифланади.

Оиладаги назоратсизлик, ўқув ёки меҳнат жамоаси таъсиридан четда қолиш ўсмирда масъулиятсизлик ва бошбошдоқлик туйғусини мустаҳкамлайди.

Дастлабки ҳуқуқбузарликларнинг жазосизлиги қонун талабларига беписандлик, атрофдагилар фикри билан ҳисоблашмаслик одатини ривожлантиради.

Агар жиноий хулқ-атвор генезисининг биринчи босқичида жиноятларни профилактика қилишнинг ихтисослашган субъектлари (вояга етмаганлар билан ишловчи комиссиялар ва инспекциялар, махсус мактаблар ва ҳ.к.) тегишли чораларни кўрмасалар, бу ўсмирнинг ғайриижтимоий мойилликларини янада чуқурлаштиради.

Вояга етмаганлар жиноий хулқ-атворининг этнологиясини ўрганиш ҳозирги шароитда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашда жиноятлар профилактикаси асосий ўринни эгаллаши лозимлигини кўрсатади.

Вояга етмаганлар жиноятчилигини профилактика қилиш — бу хулқ-атвори ахлоқий ва ҳуқуқий нормалар чегарасидан четга чиқаётган, лекин ҳали жиноий тус олмаган вояга етмаганлар шахсини ахлоқан тузатиш ва қайта тарбиялаш борасидаги махсус фаолият. Бу ерда ғайриижтимоий хулқ-атворнинг уч тури (ахлоққа зид, ғайриҳуқуқий ва жиноий хулқ-атвор)дан дастлабки иккитаси профилактика объекти сифатида амал қилади. Шундай қилиб, профилактика ўз мазмунига кўра барча вояга етмаганларга қаратилган умумий тарбиявий чоралар билан жиноят содир этган шахсларга нисбатан қўлланиладиган жиноят-ҳуқуқий чоралар ўртасида оралиқ бўғин ҳисобланади.

Умумий профилактика чоралари асосан беқарор оилаларнинг салбий таъсирини нейтраллаштириш, муҳтож ўсмирларга давлат ва жамоат ёрдамини кўрсатиш (васийлик ва ҳомийлик ўрнатиш, меҳрибонлик уйи, мактаб-интернатга юбориш, ўқиш-

га ёки ишга жойлаштириш), вояга етмаганларга таълим-тарбия бериш билан шуғулланувчи муассасалар фаолиятидаги камчиликларни бартараф этиш, ўсмирларнинг дам олишини оқилона ташкил этиш, вояга етмаганлар қонун ҳужжатларига риоя этиши устидан назорат олиб бориш ва ҳоказоларни назарда тутати.

Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш билан боғлиқ барча чоралар унинг бош вазифасини амалга ошириш – бошланган шахс бузилишини тўхтатишга, унинг айрим салбий хусусиятларига барҳам беришга, шунингдек микромуҳит криминоген омилларининг таъсирига чек қўйишга қаратилиши лозим. Профилактика чора-тадбирлари тарбияси оғир ўсмирлар ғайриижтимоий хулқ-атворнинг янада хавфлироқ шаклларига ўтишини тўхтатишлари, улар келажакда тўғри йўлга кириб, фаол ҳаётий позицияни эгаллашларини таъминлаши лозим.

Жиддий камчилик шундан иборатки, вояга етмаганлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва жамоат ташкилотларининг профилактик таъсири доирасига асосан ҳуқуқбузарликлар содир этганларидан кейин тушадилар.

Ўсмирларнинг ғайриижтимоий мойилликларини дастлабки босқичда профилактика қилиш чораларини қўллашга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари мавжудлигини ҳам қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, вояга етмаганлар билан ишлаш инспекциялари ва комиссиялар асосан тарбияси оғир ўсмирларнинг ўзига таъсир ўтказди. Уларнинг беқарор ота-оналарига нисбатан эса, нари борса маъмурий чоралар кўриш билан кифояланади. Ваҳоланки, бу чоралар ўз ҳолича ўсмирнинг микромуҳитини соғломлаштира олмайди. Кўпинча бу ўсмир билан ўтказилган тарбия ишларининг барча натижаларини чиппакка чиқаради.

Бу соҳада қонунийликка риоя этилиши устидан прокурор назорати чоралари ҳам муҳим аҳамиятга эга. Назоратни ташкил этишга нисбатан юзаки ёндашув шунга олиб келмоқдаки, айрим қарорлар бажарилмаяпти ёки ўз вақтида ва тўлиқ бажарилмаяпти. Ўзбекистон Республикасининг Прокуратура тўғрисидаги қонуни прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга, шу жумладан вояга етмаганлар жиноятчилиги ва ҳуқуқбузарлигига қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш вазифасини юклайди. Бу профилактика ишининг барча иштирокчилари куч-ғайратини бирлаштиришни назарда тутати ва айти

вақтда прокурорларнинг назорат функцияларини бажариш мажбуриятини соқит этади. Прокуратуранинг вазифаси – жиноятларнинг олдини олиш, вояга етмаганларни тарбиялаш учун масъул ходимлар ўзларига юкланган қонуний ваколатларни қандай амалга ошираётгани устидан назоратни кучайтириш.

Вояга етмаганлар билан ишловчи комиссиялар шуғулланадиган муҳим масала – вояга етмаганларни ишга жойлаштириш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаслиги керак.

Маъруза доирасида биз вояга етмаганлар жиноятчилигининг энг муҳим масалаларинигина ёритишга ҳаракат қилдик. Бироқ юқорида айтилганларнинг ўзидан кўриниб турибдики, профилактика фаолиятини янада такомиллаштириш – ҳуқуқий жамият ривожланаётган шароитда вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашнинг самарадорлигини оширишнинг муҳим воситасидир.

12-мавзу. АЁЛЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1.Аёллар жиноятчилигининг ҳолати, таркиби ва динамикаси

Умуман олганда жиноятчилик ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлган айрим турларга бўлинади. Бу хусусиятлар айрим турдаги жиноятларнинг криминалогик тавсифи, сабабий боғланишларида ҳам, уларнинг олдини олиш ҳамда уларга қарши кураш усулларида ҳам ифодаланади. Аёллар жиноятчилиги жиноятчиликнинг ана шундай алоҳида турларидан биридир.

Жиноятчиликни жинсий белгига кўра фарқлаш, ҳеч шубҳасиз, ўринлидир, чунки аёллар жиноятчилигининг миқдор кўрсаткичлари ҳам, сифат кўрсаткичлари ҳам эркаклар жиноятчилигидан фарқ қилади. Миқдорий хусусиятлар масаласига келсак, аёллар жиноятчилиги асрлар мобайнида эркаклар жиноятчилигидан орқада қолиб келган. Аёллар содир этадиган жиноятларнинг эркаклар томонидан содир этиладиган жиноятлар билан ўзаро нисбати 1:8 ни (жиноятлар умумий сонининг 12,5% ни) ташкил этади. Ваҳоланки, мамлакатимизда аёллар сони эркаклар сонига қараганда кўпроқ.

Сифат хусусиятлари масаласига келсак, статистика маълумотлари аёллар томонидан тамагирлик ниятида ва зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар, шунингдек бошқа жиноятларнинг ўзаро нисбати эркаклар ўртасида юзага келган вазиятдан анча фарқ қилишини кўрсатади. Аёлларга хос бўлган микромуҳит ёки шароит таъсирида муайян даврда юзага келган хулқатвор тарзи ўз аксини топган жиноятлар фарқланади.

Шунингдек, аёллар жиноятчилигининг ўзгариш хусусияти ҳам ўзига хос бўлиб, эркаклар жиноятчилигининг ўзгариш хусусияти билан доим ҳам мос келавермайди. Масалан, аёллар томонидан зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ўсиши доим нисбатан суст кечади.

Аёл жиноятчи шахсининг криминалогик тавсифи ҳам ўзига хосдир. Одатда, уларнинг ўртасида катта ёшдаги шахслар аниқланган эркак жиноятчилар ўртасидаги шундай шахсларга қараганда кўпроқ бўлади. Сўнгги йилларда жиноятчиларнинг ёшариши кузатилаётганига қарамай, юқорида зикр этилган тенденция ҳозиргача сақланиб қолаётир. Аёл жиноятчиларнинг маъ-

лумот даражаси эркак жиноятчиларга караганда доимо юқори бўлган, бироқ илгари аёл жиноятчилар орасида олий маълумотли шахсларнинг бундай юқори ўсиши ҳеч қачон қайд этилмаган эди.

Бу аёллар жиноятчилигининг баъзи бир хусусиятлари ва фарқлари, холос. Сўнгги йилларда умумий жиноятчилик қатори аёллар жиноятчилиги ҳам сезиларли даражада ўсди. Ўзига хос хусусиятларга эга эканлигига қарамай, аёллар жиноятчилиги ҳам жиноятчиликнинг умумий қонуниятларини ҳамда унда юз берган ўзгаришларни акс эттиради. У умумий жиноятчиликнинг кичик тизими сифатида амал қилади ва у билан узвий боғланган.

Аёллар жиноятчилиги эркакларникидан орқада қолиб келаётганлигини асословчи бир нечта назария мавжуд. А.Кетле бу ҳодисани нафақат аёлларнинг жисмонан заифлиги, балки жамоатдан узоқдалиги, оилавий мажбуриятлар доирасидан кам четга чиқиши билан тушунтирган. Бироқ аёллар жамоат ҳаёти ва профессионал фаолиятга тобора фаолроқ қўшилишига қараб, шунингдек жиноятчиликда ўсиш юз берган даврларда умумий жиноятчилик таркибида аёллар жиноятчилигининг улуши доимо оз бўлиб қолган. У эркаклар жиноятчилиги улушидан бир неча барабар кам бўлган.

Бу ҳодисанинг бошқа бир изоҳи антроплогик мактаб намояндалари – Ч.Ломброзо ва унинг Россиядаги издоши П.Н. Тарновская томонидан илгари сурилган. Улар аёллар жиноятчилигининг фаоллик даражаси эркакларникига нисбатан пастлигини аёл организмининг ўзига хосликлари, аёл табиати ва унинг маълум даражада «биологик норасолиги» билан изоҳлаган.

Бироқ фаннинг кейинги ривожланиши жиноятчиликнинг сабабий омиллари мажмуида ижтимоий ҳаёт шарт-шароитлари таъсирида шаклланувчи ҳолатлар устунлик қилишини кўрсатди. Аёллар жиноий ва, умуман олганда, қонуний хулқ-атворининг шаклланишига айнан шу ҳолатлар айниқса жиддий таъсир кўрсатади. Бизнинг назаримизда, аёллар жиноятчилигининг биологик сабабларини ҳам, ижтимоий сабабларини ҳам фарқлаш мумкин. Айни вақтда, бу сабаблар бир-бири билан узвий боғлиқ.

Аёлларга қадим замонлардаёқ оилани тебратиш ва рўзгор юритиш вазифалари юкланган, эркаклар эса овчилик ёки балиқ-

чилик билан шуғулланган. Ижтимоий вазифаларнинг бундай тақсимланишига жисмоний тенгсизлик сабаб бўлган деб фараз қилиш мумкин, бироқ, маълумки, жисмоний куч жиҳатидан эркаклардан қолишмаган амазонкалар ҳам мавжуд бўлган. Шу боис, эҳтимол тутилган жисмоний тенгсизликдан ташқари, жинсларнинг маънавий-руҳий фарқлари ҳам эркаклар ва аёллар вазифаларининг ажратилишига сабаб бўлган бўлса керак. Аёл она бўлиш учун яратилади, тегишли равишда унда бунёдкорлик хусусиятлари устунлик қилади, эркак эса, овчи ёки балиқчи сифатида, кўпроқ агрессив хусусиятлари билан ажралиб туради. Бу аёллар агрессиядан бутунлай холи, эркаклар эса бунёдкорликка қодир эмас, деган маънони англатмайди. Амалиётда ўзининг янги туғилган чақалоқларини тап тортмасдан ўлдирадиган оналар ҳам, нафақат ўз зурёдини, балки асраб олинган болаларни ҳам тарбиялаб вояга етказадиган оталар ҳам учрайди.

Гап шундаки, аксарият аёлларда жиноят содир этишга монелик қилувчи хусусиятлар устунлик қилади, чунки аёллар хулқ-атворини шакллантирувчи омиллар одатда оила билан боғлиқ. Оилани муҳофаза қилиш, унинг моддий фаровонлигини таъминлаш, қулай психологик муҳит яратиш кўпинча ота зиммасига тушади. Бунда оила учун масъулият юки аввало аёл зиммасига тушади. Айни шу сабабли аёл ҳаёти жиноий фаолият билан кам боғланади, чунки у фарзандлари, оиланинг фаровонлиги ва бутунлиги учун ўз масъулиятини ҳис этади. Агар аёл жиноят йўлига кирса, у ўз оиласини хавф остида қолдиради, чунки аёл бу қилмиши унинг жазога тортилиши, озодликдан маҳрум қилинишига сабаб бўлишини, жазони ўташ пайтида эса оиланинг бузилиш эҳтимоли катта эканлигини, фарзандларини тарбиялаш ва вояга етказиш билан ким шуғулланиши номаълумлигини яхши тушунади. Шунингдек, оилали одам жазодан бўйин товлаши анча қийин кечади, чунки жиноят қочиб яшириниш, яшаш жойини ўзгартиришга аҳд қилса, оиланинг мавжудлиги бу ниятни амалга оширишни қийинлаштиради. Бундан ташқари, оилали одам жиноятни режалаштириш ва содир этиш учун вақт топиши ҳам қийин кечади, чунки оила юмушлари анча кўп вақтни олади. Санаб ўтилган сабаблардан ташқари, аёл жиноят содир этишига тўсқинлик қиладиган бошқа омиллар ҳам мавжуд. Аёллар зўрлик ишлатиб содир этадиган жиноятлардан асосан эрлари, жазманлари, фарзандлари, яқин қариндошлари

жабрланиши ҳам аёл оилага эркакларга қараганда қаттиқроқ боғланганлиги билан изоҳланади.

Шундай қилиб, аёлнинг табиати унинг жамиятдаги ижтимоий ролини белгилайди, бу роль, ўз навбатида, аёллар ўртасидаги жиноятчилик даражасига таъсир кўрсатади. Шу боис жиноят содир этилишига имконият яратувчи ҳолатларни белгилашда аёлнинг жамиятдаги фаолиятининг хусусиятини, яъни аёл ишда ва уйда банд бўлганлиги муносабати билан юзага келувчи барча вазиятларни ҳисобга олиш лозим. Шу ёндашув эркаклар жиноятчилигини кўриб чиқишда ҳам ўринлидир. Табиатан забт этувчи, агрессор хусусиятларига эга бўлган эркак жамиятда ҳам шунга мос вазифаларни бажарадики, эркаклар жиноятчилигининг улуши аёллар жиноятчилигидан анча катта эканлиги айтишу ҳолат билан белгиланади.

Сўнгги йилларда жиноятчилик, шу жумладан унинг таркибий қисми саналган аёллар жиноятчилигининг эгри чизиғи ҳам жадал суръатларда ўсиб бораётир. Бу ҳолатни аввало мамлакатимизнинг сиёсий ва иқтисодий ҳаётида юз берган ўзгаришлар ижтимоий кескинлик, ижтимоий можаролар ва қарама-қаршиликларнинг ўсишига сабаб бўлганлиги билан тушунтириш мумкин.

Аёл ижтимоий мақомини тушунишда ҳам муайян ўзгаришлар юз бердики, бу, шубҳасиз, аёллар жиноятчилигида, хусусан, унинг миқдори ва сифатида ўз аксини топди.

Ишсизлик, реал даромадларнинг камайиши, оила аҳамиятининг пасайиши, ажрашишлар сонининг кўпайиши жиноятчилик даражасининг ўсишига бевосита таъсир кўрсатаётган омиллар сифатида қайд этилмоқда. Натижада аёллар ўртасидаги жиноятларда айниқса катта ўсиш кузатилаётган бир неча жиноят турлари мавжуд. Улар жумласига оила-рўзғор муносабатлари замирида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар, тамагирлик жиноятлари, иқтисодий жиноятлар киради.

Сиёсий ва иқтисодий ҳаётдаги тангликлардан ташқари, маънавий инқироз ҳам кузатилмоқдаки, у одамлар, айтиш ҳолда — аёллар мамлакатдаги вазиятнинг ўзгариши натижасида юзага келган қийинчиликларни енгишга қодир эмаслиги билан боғлиқ. Бу ичкиликбозлик даражасининг ўсишига олиб келган омиллардан бирига айланди ва ўз навбатида оилада зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар сонининг кўпайишига сабаб

бўлди. Мастлик ҳолатида қариндошлар, кўпинча эр-хотин ўртасида чиққан жанжаллар аксарият ҳолларда ё одам ўлдириш, баданга ҳар хил оғирликда шикаст етказиш билан якунланади.

Ўз қобилиятини намоён этиш имкониятининг йўқлиги, ишсизлик, турмуш даражасининг пасайиши, шунингдек оилавий қадриятларга қизиқишнинг сусайиши шунга олиб келмоқдаки, аёллар баъзан тирикчилик учун маблағлар топишга уриниб, жиноят йўлига кирмоқдалар. Тўғри, жиноятчи аёллар кўпинча товламачилик, фирибгарлик, ўғрилик, харидорларни алдаш каби жиноят турларини танлайдилар. Талончилик ва босқинчилик жиноятларида улар кам иштирок этадилар. Бироқ йилдан йилга вазият ўзгармоқда ва аёллар эркакларни «қувиб етмоқдалар».

Сўнгги йилларда умумий жиноятчилик таркибида аёллар жиноятчилиги улушининг кўпайганлиги бошқа сабаблар билан бир қаторда жинсларнинг ҳуқуқий, ижтимоий ва бошқа жиҳатлардан тенглашуви билан ҳам боғлиқ. Агар аёл жамиятда эркак билан тенглашса, у беихтиёр эркакларга хос бўлган агрессив хулқ-атвор типини қабул қилади. Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг ўсиши айтиш билан белгиланади, чунки аёл уйда ҳам ўзини агрессив тута бошлайди. Аёллар тамагирлик жиноятларида ҳам фаолроқ ҳаракат қила бошламоқдалар, чунки унга табиатан хос бўлган оилани тебратувчи хусусиятлари иккинчи даражали аҳамият касб этмоқда. Эндиликда аёл оила учун жавобгарликни тўлиқ ўз зиммасига олишга ҳаракат қилмайди, у мазкур жавобгарликни эркак билан тенг бўлишади. Жиноий фаолиятдан тийиб турувчи асосий омил бўлган оила учун жавобгарлик улуши камаймоқда, бу эса жиноятчиликнинг ўсишига сабаб бўлмоқда.

Айниқса, иқтисодий жабҳада жинсларнинг тенглашуви аёллар жиноятчилиги фоизининг кўпайишига таъсир кўрсатди, чунки аёлларда мазкур жиноят турини содир этиш учун имконият пайдо бўлди. Илгари тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган аёллар сони анча кам эди, раҳбарлик лавозимларини ҳам улар кам эгалларди, аёллар асосан иқтисодий жиноятлар содир этишга «мослашмаган» лавозимлар (иш жойлари)да банд эди.

Шундай қилиб, эркак ва аёл ижтимоий ролларининг аралашуви шунга олиб келдики, аёл ҳам, эркак ҳам уларнинг ишда ва уйда бандлиги муносабати билан юзага келувчи ҳар хил вазиятларга тушиб қолмоқдалар. Яъни, жиноят билан якунланиши

мумкин бўлган жанжаллар, иқтисодий ёки тамагирлик жиноятлари содир этиш учун имкониятларнинг юзага келиш эҳтимоли эркаклар учун ҳам, аёллар учун ҳам бир хил.

Табиийки, жинсидан қатъи назар, ҳар қандай одам ҳам жиноятга қўл уравермайди. Бироқ, илгари аёл жиноят содир этиш учун зарур маънавий-руҳий хусусиятлар мажмуига эга бўлса, унинг имкониятлари шундай хусусиятлар мажмуига эга бўлган эркак билан бир хил бўларди. Эндиликда эркаклар ҳам, аёллар ҳам ўз жинсий ниятларини амалга оширишда тенг имкониятларга эга. Жинсларнинг бу тенглашувига умумий жиноятчилик таркибида аёллар жиноятчилиги улуши кўпайганлигининг сабабларидан бири сифатида қараш мумкин.

13-мавзу. ОИЛАДАГИ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Оиладаги жиноятлар
2. Онанинг ўз чақолоғини қасддан ўлдиришнинг криминалогик тавсифи
3. Оилага қарши жиноятлар
4. Оиладаги жиноятларнинг олдини олиш

13.1. Оиладаги жиноятлар

Оиладаги жиноятлар муаммоси оилавий криминалогиянинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади.

Оиладаги жиноятлар деганда оилада унинг бир аъзоси бошқа аъзоларга қарши содир этувчи жиноятлар тушунилади¹. Бунда эр-хотин ўртасидаги муносабатлар юридик жиҳатдан қонунийлаштирилган ёки қонунийлаштирилмаганлиги аҳамиятга эга эмас.

Оилада ҳар хил (ғаразгўйлик, жинсий ва бошқа) жиноятлар содир этилади. Бироқ уларнинг орасида бир оила аъзоси бошқа оила аъзосига нисбатан зўрлик ишлатиб содир этадиган жиноятлар, шу жумладан фарзандкушлик ҳамда болаларга қарши бошқа жиноятлар кўпчиликни ташкил этади.

Оиладаги жиноятлар замирида одатда оила аъзолари ўртасидаги ички жанжал ёки оила аъзолари ва у яшайдиган муҳит ўртасидаги жанжал ётади. Бугунги кунда оиладаги жиноятлар орасида хотинга (эрга) қарши зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар ва фарзандкушлик айниқса муфассал ўрганилган².

Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар – оламшумул ижтимоий муаммо. Чет элда оилавий муносабатлар криминалогиясининг бу йўналиши кўпинча «уйдаги зўравонлик» («оиладаги зўравонлик») деб аталади.³ Бу муаммонинг оламшумуллиги шу билан белгиланадики, турли мамлакатларда зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг аксарият қисми айнан оилада содир этилади. Оила доирасида жиноятлар кўпинча эр (хотин) томонидан хотинга (эрга) нисбатан содир этилади.

¹ Криминалогия. Учебник для юридических вузов. – М., 1998. – 502-б.

² Ўша ерда. – 199-б.

³ Криминалогия. Словарь-справочник. Составитель Х.Ю.Кериер. Перевод с немецкого. –М.: Изд-во Норма, 1998. – 162-б.

Умуман олганда, оиладаги зўравонлик муаммоси умуман зўрлик ишлатиш муаммосига қараганда камроқ муҳокама қилинади. Мазкур муаммо баҳс-мунозара предметига айланишида сиёсатчилар ва олимларнинг эмас, балки хотин-қизлар ҳаракатлари ҳамда бола манфаатларини ҳимоя қилувчи ҳаракатларнинг хизмати катта.¹

Зўрлик ишлатиш тушунчасига таъриф бериш нафақат мушкул иш, балки бунинг иложи ҳам йўқ, чунки биз кундалик турмушда тўқнаш келадиган ҳолатларнинг кўпчилиги зўрлик ишлатиш билан боғлиқ, аммо биз уларни нормал ҳодиса сифатида қабул қиламиз (масалан, болаларни жисмоний жазолаш). Бутун дунёда кўпгина оилаларда болаларга нисбатан шахсга қарши ҳар хил жиноятлар жумласига киритилган зўрлик ишлатилади. Оилада бириктирилган вазифаларни бажариш (масалан, ота-она вазифасини бажариш, тарбия билан боғлиқ ҳуқуқларни амалга ошириш ва ш.к.) йўли билан ҳокимиятни амалга ошириш учун ишлатиладиган зўрлик қонуний хусусиятга эга. Бу ҳуқуқлар чегарасидан четга чиқиш ва мазкур ҳаракатларнинг ошкор бўлишигина айбдорларга нисбатан жазо чоралари кўрилишига сабаб бўлади. Бунда айбли хулқ-атвор жабрланувчининг баданига етказилган (кўзга ташланадиган) шикаст билан белгиланади. Ваҳоланки, зўрлик ишлатиш оғзаки ибораларда, руҳий таъсир ўтказишда, ўз вазифаларини бажармасликда (масалан, эрни ёки хотинни молиявий мададдан маҳрум этиш) ифодаланиши ҳам мумкин. Катталар оилада болаларга нисбатан зўрлик ишлатар экан, асрлар мобайнида шаклланган хулқ-атвор андозларига кўра, бу ҳаракатлари билан жиноят қонунини бузаётганларини доим ҳам англайвермайдилар. Бу жиноятларнинг аксарияти, айниқса, улар одам ўлимига ёки жабрланувчининг соғлиғига жиддий зиён етишига сабаб бўлмаса, атрофдагилар учун номаълум бўлиб қолади ва тегишли чоралар кўрилишига олиб келмайди.

Жаҳонда ўтказилган тадқиқотлар болаларга нисбатан зўрлик ишлатиш аксарият одамлар томонидан маъқулланишидан далолат беради. Масалан, Германияда ўтказилган Хори сўрови (1968) аҳолининг 85% болаларни дўппослашни тарбия воситаси деб ҳисоблашини кўрсатади. Орадан икки йил ўтгач, бу кўрсаткич бироз камайди (75%). АҚШда ҳар йили 18 ёшга тўлмаган

¹ Криминология. Словарь-справочник. Составитель Х.Ю.Кериер. Перевод с немецкого. –М.: Изд-во Норма, 1998. – 162-б.

ҳар минг кишига нисбатан жисмоний, жинсий зўрлик ишлатиш ва шафқатсизлик билан муносабатда бўлиш билан боғлиқ 5,7 ҳолат тўғри келиши аниқланган (1979–1980 йиллар). Мутахассислар берган баҳога кўра, АҚШда ҳар йили 0,5-2,5 млн. қария зўрликдан жабр кўради.

Оилада қарияларга зўрлик ишлатилишига сабаб бўладиган омиллар орасида қарияларга қаровчи шахслар зўрлик ишлатиш табиий ҳол саналган муҳитда ўсиб улғайганлиги; авлодлар ўртасидаги зиддият; геронтологик муаммолар (касаллик, қариллик) қайд этилади.

Оилада жиноятлар кўпинча эр (хотин) томонидан хотинга (эрга) нисбатан содир этилади. Баданга оғир шикаст етказишга Горбачева Н.Ю.ни ЎзР ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айблаш бўйича иш мисол бўлиши мумкин.

Горбачева Н.Ю. 1998 йил 4 июль куни маст ҳолатда ўз уйида пул тақчиллиги баҳонасида эри билан жанжаллашиб қолган. Горбачева Н.Ю. баданга шикаст етказиш мақсадида стол устида турган ошпичокни олиб, эрининг қорин соҳасига тикқан. Эри Сатторов И.А. касалхонага олиб келинган. Суд-тиббиёт экспертизаси хулосасига кўра, Сатторов И.А.нинг қорин соҳасида ҳаёт учун хавфли бўлган ва ушбу белгига кўра баданга оғир шикастлар қаторига кирувчи санчилган-кесилган яра ва ошқозоннинг жароҳатланиши аниқланган. Иш Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман судида 1998 йил 8 сентябрда кўриб чиқилди. Горбачева Н.Ю. ЎзР ЖКнинг 104-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилди ва 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Хусусияти ва оғирлик даражаси ҳар хил бўлган жиноятлар зўрлик ишлатиб содир этилади. Уларнинг орасида ҳаёт ва соғлиққа қарши жиноятлар (айниқса, одам ўлдириш ва қасддан баданга оғир шикаст етказиш), шахснинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар етакчилик қилади.

Масалан, Россияда ҳар йили тахминан 12000 оилада одам ўлдириш жиноятлари содир этилади, шулардан 60% га яқинини эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши ташкил этади, бу мамлакатда содир этиладиган барча одам ўлдиришларнинг 25% дан кўпроқдир.¹

¹ Криминология. Учебник под ред. В.Н.Бурлакова, И.П.Сальникова. – Санкт-Петербург, 1995. –503-б.

Аксарият мамлакатларда оиладаги жиноятлардан жабрланганлар орасида эркакларга қараганда аёллар кўпчиликини ташкил этади. Бироқ айрим мамлакатларда бунинг тескараси кузатилади (масалан, Угандада).

Агар XX аср 70-йилларининг иккинчи ярмида жабрланган аёллар билан жабрланган эркакларнинг ўзаро нисбати тахминан 7,1 ни ташкил этган бўлса, 90-йилларда бу нисбат 3,1 ни ташкил этди, яъни аёлларнинг оиладаги криминал фаоллиги ошди¹.

Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлардан бири – эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши жиноятининг уч тури фарқланади.²

1) Тамагирлик ниятида эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши.

Одам ўлдиришнинг мазкур тури эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши билан боғлиқ жиноятларнинг атиши 5% ни ташкил этади. Тамагирлик ниятида одам ўлдиришга алимент тўлашдан халос бўлиш, турар жой майдонини эгаллаш, мерос олишни тезлаштириш нияти сабаб бўлиши мумкин. Эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши «никоҳ фирибгарлиги» билан боғлиқ бўлиши ҳам мумкин. Бунда фирибгар қотил хотиннинг (эрнинг) мол-мулкни эгаллаш мақсадида никоҳга киради, сўнгра уни ўлдириб, меросга эга бўлади.

2) Ҳар хил юмушлардан халос бўлиш ниятида эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши (тахминан 5%).

Бундай юмушлар жумласига бемор ёки кекса хотинга (эрга) сурункали қараш зарурати ёхуд унга бошқача тарзда боғлиқликни киритиш мумкин.

Бундай одам ўлдиришлар эр (хотин) янги никоҳ тузмоқчи бўлган ҳолларда (агар хотин (эр) никоҳни бекор қилишга рози бўлмаса) ҳам содир этилиши мумкин. Бундай одам ўлдиришлар доим қасддан содир этилади, улар жуда пухта режалаштирилади. Шу боис уларнинг яширинлик даражаси жуда юқори.

3) Рашк замирида эрнинг (хотиннинг) хотинни (эрни) ўлдириши (50% дан ортиқ).

Бундай одам ўлдиришлар одатда хотин (эр) эрига (хотинига) хиёнат қилгани аниқланган ҳолларда содир этилади. Баъзан бундай одам ўлдириш шубҳа таъсирида содир этилиши ҳам мумкин.

¹ Криминология. Учебник под ред. В.Н.Бурлакова, И.П.Сальникова. – СПб, 1995. –503-б.

² Ўша ерда. –503-б.

Тошкент вилоят суди судьяси О.Р. 1996 йил 7 ноябрда хотини –М.Р. «буюртмаси»га кўра ўлдирилиши рашк замирида одам ўлдиришга мисол бўлиши мумкин.

Р.лар оиласида сурункали жанжаллар 1993 йилдан бошланди, эр-хотин ўртасидаги жарлик йилдан-йилга чуқурлашиб борди. 1995 йилда О.Р. Хотинидан бутунлай кўнгли совиб, у билан ажрашмоқчи бўлди. О.Р. бошқа аёл билан яшай бошлади.

Бироқ М.Р. бунга рози бўлмади. 17 йил мобайнида турли жиноятчиларга ҳукм чиқариб келган бу аёл энг оғир «ҳукм»ни эрига чиқарди:

Иш Ўзбекистон Республикаси Олий судида кўриб чиқилди. Айбдорлар ўз жазосини олди.¹

Рашк замирида одам ўлдириш аёлларга қараганда эркаклар томонидан кўпроқ содир этилади.

Хотиннинг эридан қасос олиш мақсадида уни ўлдириш ҳоллари ҳам диққатга сазовор. Эридан сурункали калтак еб, хўрланиб келган хотинлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга доим ҳам мурожаат этавермайди. Вақти келиб улар ўз золим эридан ўч олиш, ундан халос бўлиш йўллариини излай бошлайди. Баъзан улар эрини ўлдиришга қарор қилади.

Бу мезонлардан фойдаланиб, ҳаёт ва соғлиққа қарши оиладаги жиноятларнинг бошқа турларини, масалан, қасддан баданга шикаст етказишни ҳам таснифлаш мумкин.

Тошкент шаҳар Акмал Икромов туман судида кўрилган Р.А.ни ЎзР ЖКнинг 105-моддасида назарда тутилган жиноят содир этишда айблаш бўйича иш қасддан баданга ўртача оғир шикаст етказишга мисол бўлиши мумкин.

Р.А. 1998 йил 5 май куни соат 21.30 да уйига маст ҳолатда қайтиб келаётганида орқасидан уч номаълум эркак кетаётган хотинини кўриб қолган. Уйга келгач, у Р.А. хотинидан бу эркаклар кимлигини сўраган хотини уларни танимаслигини айтган. Натижада рашк замирида жанжал чиқиб, у муштлашишга айланган. Ҳ. қасддан хотинига бир неча зарба берган. Олинган жароҳатлар натижасида Ҳ. Касалхонага ётқизилган. Суд-тиббиёт экспертизасининг хулосасига кўра, Ҳ.нинг пастки жағи ичдан сингани аниқланган.

¹ Ахмедова З., Қурбонниёзова М. Қорининг қотиллик қиссаси // Қонун ҳимоясида. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг журнали. 1998 йил. 5-сон. 26-36-б.

Оилада шахснинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар содир этилиши ҳам мумкин. Бу ерда асосан аёллар жабрланади.

Бундан ташқари, оилада вояга етмаган болалар (кўпинча ўғай қизлар ва ўғиллар)нинг жинсий дахлсизлиги, уларнинг нормал жисмоний ва ахлоқий ривожланишига қарши жиноятлар, вояга етмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш ва бошқа шунга ўхшаш жиноий қилмишлар ҳам содир этилади. АҚШ олимларининг баҳолашларига кўра, 2 млн.га яқин америкалик аёллар болалигида шунга ўхшаш жиноятлардан жабрланган.¹

Бундай жиноятларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси жуда юқори, чунки улар ўсмирнинг нормал ва хавфсиз ривожланишига тажовуз қилади.

Оилада зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар орасида фарзандкушлик ҳам учрайди. Аммо бу жиноятнинг криминологик тавсифи анча кенг масала бўлгани учун уни алоҳида кўриб чиқамиз.

13.2. Онанинг ўз чақолоғини қасддан ўлдиришнинг криминологик тавсифи

Онанинг ўз чақолоғини қасддан ўлдириши – оиладаги жиноятларнинг турларидан бири. Бироқ у одам ўлдиришнинг бошқа турларидан ўзига хослиги ва жиноят таркибининг хусусиятлари билан ажралиб туради.

Криминофамилистикада сўзнинг кенг маъносидаги ўз чақолоғини ўлдириш деганда ота ёки она ёхуд уларнинг иккаласи биргаликда ўз фарзандини ёки улардан бири иккинчисининг фарзандини ўлдириши тушунилади.² Хусусан, жиноят қонунида ва суд тиббиётида қўлланиладиган тор маънодаги фарзандкушлик онанинг янги туғилган чақолоғини туғруқ пайтида ёки бевосита туғруқдан кейин ўлдиришини англатади.

Ўз чақолоғини ўлдириш нафақат турли тарихий даврларда, балки бир даврнинг ўзида ҳар хил баҳоланган жиноятлардан биридир. Бу жамият ривожланишининг турли босқичларида ушбу қилмишнинг аҳамияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига муносабат ҳар хил бўлганлиги билан изоҳланади.

¹ Криминология. Словарь-справочник. – М.:Норма, 1998. – 165-б.

² Криминология. Учебник по ред. В.Н.Бурлакова, И.П.Сальникова. – СПб, 1998. 511-б.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят қонунчилигига биноан туғруқ пайтида ёки бевосита туғруқдан кейин ўз боласини ўлдириш имтиёзли жиноят таркиби ҳисобланади, чунки физиологик туғруқ чоғида аёл алоҳида руҳий-жисмоний ҳолатда бўлади¹. Мазкур ҳолат туғруқ пайтидаги оғриқлар, қийналиш билан боғлиқ бўлиши, бу аёлда болага нисбатан салбий туйғулар уйғотиши ёки бу номақбул туғруқ (номусга тегиш натижасида ҳомиладорлик ёки туғаётган аёлни унга уйланишни ваъда қилиб алдашган бўлса) бўлиши мумкин. Шундай қилиб, фарзандқушлик одатда ноқулай оилавий ёки шахсий вазият оқиба-ти бўлади.

Ю.М.Антонян ўз боласини ўлдирган аёлга анча тўлиқ тавсиф берган. Ўзининг янги туғилган чақалоғини ўлдирган аёллар орасида турмуш қурганлар жуда оз. Уларнинг аксарияти одатда малака ва маълумот даражаси паст бўлган сўққабош аёллардир. Ўлдирилган бола кўпинча биринчи муваффақиятсиз сексуал тажриба билан боғлиқ бўлади. Уларнинг кўпчилиги ота-онали бўлиб, айнан ота-онасининг салбий муносабатидан қўрқиш улар ўз чақалоқларини ўлдиришига туртки беради².

В.Н.Кудрявцев, В.Е.Эминов ўз боласини ўлдирган оналарни тавсифлаб, шундай деб ёзади: «Одатда, бундай қилмишларни жамиятга яхши мослашмаган, оиласиз, уйсиз, моддий жиҳатдан таъминланмаган ёш аёллар содир этади. Айрим ҳолларда бундай жиноятлар ортида эркак туради, яъни бу хавфли жиноятлар эркак, аксарият ҳолларда аёлнинг жазмани ёки ўйнашининг розилиги ёки турткиси билан содир этилади»³.

Ўз чақалоғини қасддан ўлдириш аёлларга хос бўлган жиноятдир. Фақат янги туққан аёл мазкур жиноят субъекти бўлиши мумкин. Бунда она ўзининг янги туғилган чақалоғини унинг бирон-бир қисми ёки ўзи тўлиқ она қорнидан чиққан пайтда ўлдирган ҳоллардагина жиноят ЎзР ЖКнинг 99-моддаси бўйича тавсифланиши лозим. Агар она ўзининг янги туғилган чақалоғини туғруқдан сўнг орадан маълум вақт ўтгач, яъни унинг туғруқ чоғидаги алоҳида руҳий-жисмоний ҳолати ўтиб кетганидан кейин ўлдирган бўлса, бу қилмиш ЎзР ЖКнинг 97-моддаси билан тавсифланиши лозим.

¹ Рустамбаев М.Х. Преступления против личности. – Т., 1998. – 51-б.

² Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Право, 1992. – 70-б.

³ Криминология. Учебник под ред. Кудрявцева В.Н., Эминова Е.М. –М.: Юрист, 1997. –301-б.

Айрим аёллар туғруқ пайтида ёки ундан кейин маълум вақт мобайнида ўз ҳаракатларининг аҳамиятини тушунмайдиган ва уларни бошқара олмайдиган ҳолатда бўлади. Аёлнинг мазкур руҳий ҳолати бошқа омиллар билан жамулжам ҳолда жиноятга сабаб бўлиши мумкин. Бироқ бу ҳолат замирида руҳий касаллик ётмайди, акс ҳолда аёл жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин бўлмас эди.

Умуман олганда, фарзандкушлик замирида ҳодисалар бир неча гуруҳининг ўзаро таъсири ётади.

Биринчи – аёл ҳаётида жиноят содир этишдан олдинги вазият. У ҳар хил бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда у аёл ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлади, айрим ҳолларда эса бундай ҳолат юз бермайди. Ю.М.Антонян айрим бўлажак жиноятчи аёллар бир қарашда яхши оилада тарбиялангани, ота-онаси уларга яхши муносабатда бўлганлигини қайд этади.¹

Иккинчи – шахснинг ижтимоий хусусиятлари, манфаатдор шахсларнинг гапига кирмаслик қобилияти.

Учинчи – аёлнинг биологик, психологик хусусиятлари, хулқ-атвори. Одатда, аёллар ўта таъсирчан, ҳис-туйғуларга бой бўлади. Бу беқарор руҳий жараёнлар туғруқ жараёнида сезиларли даражада кучаяди. Бундан ташқари, аёлларда неврозлар ва психопатиялар даражаси ҳам анча юқори бўлади. Буларнинг барча биргаликда онанинг ўз чақалоғини ўлдиришига сабаб бўлиши мумкин.

Аёлнинг боладан қутулиш нияти уни қасддан ўлдириш жиноятига айланишига имконият яратувчи бир қанча субъектив ва объектив омиллар мавжуд. Булар:

- никоҳсиз бола туққани учун атрофдагиларнинг қоралашидан кўрқиш ҳамда уялиш;
- боланинг отаси, ўз қариндошлари ёки бошқа шахслар онани ўз чақалоғини ўлдиришга оғдириши;
- ота-онасининг салбий муносабатидан кўрқиш;
- жиноий ҳомила тушириш билан шуғулланувчи шахсларнинг оғдириши;
- ҳомиладорликнинг олдини олиш, ҳомилани даволаш муассасаларида тушириш имкониятига доир махсус тиббий билимларнинг йўқлиги;

¹ Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М., Право, 1992. – 70-б.

- сўққабош она болани тарбиялашда моддий ва маънавий қийинчиликларга дуч келишини тушуниш, ҳомиладор аёллар ва сўққабош оналарга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатилиши ҳақида зарур ҳуқуқий билимларнинг йўқлиги ва ҳ.к.

Янги туққан аёлларнинг руҳий-жисмоний хусусиятларини аниқлаш онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдиришига имконият яратувчи омилларни аниқлаш, объектив жазо чорасини танлаш, бу салбий ҳодисаларнинг олдини олиш ёки уларнинг оқибатларини енгиллаштириш чораларини кўришга ёрдам беради. Мамлакатда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш чора-тадбирларини амалга ошириш ҳам фарзандкушликнинг олдини олишда асосий йўналишлардан бирига айланиши лозим. Зотан, инсон туғиладиган ва тарбияланадиган оила муаммоси жамиятда ҳал қилинадиган муҳим муаммолардан биридир.

Маълумотларга кўра, ўтган асрнинг йигирманчи йилларига таққослаганда фарзандкушлик ҳолатлари сони уч барабар кўпайган¹. Россия статистикаси маълумотларига кўра, 1995 йилда 143 онанинг ўз чақалоғини қасддан ўлдириш ҳолати аниқланган, одам ўлдириш содир этган ҳар йигирма аёлнинг бири ўзининг янги туғилган чақалоғини ўлдиришда айбланган².

Гарчи онанинг ўз чақалоғини ўлдириши имтиёзли жиноят таркиби ҳисобланса-да, у хавфлилик жиҳатидан бошқа одам ўлдириш жиноятларидан қолишмайди. Ю.М.Антонян жуда тўғри таъкидлаганидек, «онанинг ўз чақалоғини ўлдиришидан кўполроқ табиат «қонунлари»ни бузишни тасаввур қилиш мумкин эмас»³; барча одамлар қатори яшаш ҳуқуқига эга бўлган янги туғилган чақалоқдан ожизроқ ва ҳимоясизроқ жабрланувчи ҳам йўқ.

13.3. Оилага қарши жиноятлар

Кўпгина халқаро ҳужжатларда⁴ мустаҳкамланган қоидаларга кўра, оила, оналик, болалик жамият ва давлат томонидан ҳимояланиш ҳуқуқига эга. Ўзбекистон Республикаси ҳам бу Кон-

¹ Криминология. Учебник под ред. Кудрявцева В.Н., Эминова Е.М. – М.: Юрист, 1997. – 301-б.

² Криминология. Учебник юрид. вузов. Под ред. А.И.Долговой. – М.: Инфра-Норма, 1997. – 670-б.

³ Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Право, 1992. – 35-б.

⁴ Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси (16-модда); Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битим (10, 11-моддалар); Фукаролик ҳуқуқлари ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро битим (23, 24-моддалар).

венцияларга қўшилиб, мазкур қоидаларни ўз қонунчилигига киритган.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 63-моддасига биноан: «Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга». Асосий қонунимизнинг 65-моддасида оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилиниши қайд этилган. Хуллас, оилани муҳофаза қилиш, болалар ва ўсмирлар ҳаётини сақлаш, уларнинг жисмоний ривожланиши ва шаклланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш давлат ва бутун жамият ишидир.

Оила ва болаликни давлат томонидан муҳофаза қилиш:

1) оила аъзоларининг ҳуқуқлари ва бурчларини норматив йўл билан тартибга солишни (ЎзР Оила кодексининг 2, 4, 5-бўлимлари);

2) давлат бу ҳуқуқлар ва бурчларни амалга ошириш учун шарт-шароит яратишини;

3) инсон ижтимоийлашувининг муҳим соҳаси бўлган оилага тажовуз қилганлик учун жавобгарликни таъминлашни¹ назарда тутати

Ота-она ва болалар ўртасидаги муносабатлар асосан давлат Конституцияси ва қонунларида мустаҳкамланган ахлоқий нормалар билан тартибга солинади. «Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар», дейилган Ўзбекистон Республикасининг Асосий қонунида (64-модда). Бу уларнинг ҳуқуқи ва бурчидир (ЎзР Оила кодексининг 73-моддаси). Айни вақтда, «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар» (ЎзР Конституциясининг 66-моддаси).

Аммо бу бурчлар доим ҳам бажарилавермайди. Қонунчи мазкур соҳанинг муҳимлигини ҳисобга олиб, оилага, ёшларга ва ахлоққа қарши жиноятларни ЎзР ЖК Махсус қисмининг алоҳида 5-бобида жамлаган.

Криминологик маънода оилага қарши жиноятлар деганда оиланинг ҳар қандай аъзоси шахси, ҳуқуқлари ва манфаатларига тажовуз қилувчи ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмишлар тушунилади. Хуллас, криминологик таъриф анча кенг бўлиб, оила аъзоларига қарши содир этиладиган ҳар қандай жиноят-

¹ Криминология. Учебник под ред. Бурлакова В.Н., Сальникова В.П. – СПб, 1998. – 506-б.

ларни камраб олади. Қуйида ЎзР ЖК Махсус қисмининг 5-бобида назарда тутилган жиноятларнигина кўриб чиқамиз.

Кўриб чиқиладиган жиноятларнинг объектив томонини таҳлил қилишда аниқланадиган фарқларга кўра уларни бир неча кичик гуруҳларга ажратиш мумкин:

1) оилавий ва тарбиявий мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш;

2) вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл этувчи ҳаракатлар;

3) ахлоққа ҳамда оилавий муносабатларнинг нормал тартибига тажовуз қилувчи жиноятлар;

4) вояга етмаганларни ғайриижтимоий фаолиятга жалб қилиш;

5) 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қилувчи ҳаракатлар.

Оилавий ва тарбиявий мажбуриятларни бажаришдан бўйин товлаш шахсни унга ўз қарамоғидагилар ҳақида ғамхўрлик қилиш вазифаларини юкловчи ҳуқуқий қоидаларга нисбатан бефарқ ҳамда масъулиятсиз киши одам сифатида тавсифлайди. Бундай қилмишлар жумласига вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЎзР ЖКнинг 122-моддаси); ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлаш (ЎзР ЖКнинг 123-моддаси) киради.

ЎзР Оила кодексининг 96-100-моддаларида ота-онанинг вояга етмаган болаларига таъминот бериш мажбурияти мустаҳкамланган. Бунда қонун ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдорини белгилайди. М.Г.Масевич бу хусусда шундай деб ёзади: «Ота-онанинг вояга етмаган болаларига тўлайдиган алимент миқдорини белгилашдан мақсад нафақат боланинг муҳим эҳтиёжларини қондириш, балки имкониятга қараб у ота-онасининг нормал ўзаро муносабатлари шароитида эга бўлиши мумкин бўлган турмуш даражасини сақлашдан иборат».¹

Вояга етган, меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида ғамхўрлик қилишлари шарт (ЎзР Оила кодексининг 109-моддаси).

¹ Масевич М.Г. Появление права в укреплении семьи в социалистич. обществе. —Алма-ата, 1997. 29-б.

Моддий ёрдамга мухтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик, худди шунингдек вояга етган шахсларнинг меҳнатга лаёқатсиз ва моддий ёрдамга мухтож бўлган ота-онани ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларни моддий таъминлашдан бўйин товлаши, яъни уларни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб уч ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслиги қонунда белгиланган жавобгарликка сабаб бўлади (ЎЗР ЖКнинг 122 ва 123-моддалари). Бўйин товлаш усули (тўғридан-тўғри бош тортиш, яшаш ёки иш жойини ўзгартириш, олган маошининг ҳақиқий миқдорини яшириш ва ҳ.к.) аҳамиятга эга эмас.

Болалар ёки ота-онани моддий таъминлашдан бўйин товлашда ҳар хил шарт-шароитлар ҳисобга олинади. Масалан, меҳнатга лаёқатсиз ота-она нафақат вояга етмаган болаларига, балки вояга етган меҳнатга лаёқатсиз мухтож болаларига ҳам алимент тўлаши шарт (масалан, пенсиясидан).

Меҳнатга лаёқатсиз вояга етмаган бола меҳнатга лаёқатсиз ота-онасига алимент тўлашга мажбур эмас. Бундан ташқари, суд ота-оналик бурчини бажаришдан бўйин товлаганлигини аниқлаган бўлса, болалар ота-онасини моддий таъминлаш мажбуриятидан озод қилиниши мумкин.

вояга етмаган шахснинг ҳуқуқлари ва манфаатларига дахл этувчи ҳаракатлар жумласига қуйидагилар киради:

- тамагирлик ёки бошқа паст ниятларда қасддан болани алмаштириб қўйиш (ЎЗР ЖКнинг 124-моддаси);
- фарзандликка олиш сирини ошкор этиш (ЎЗР ЖКнинг 125-моддаси).

Объектив томони болани алмаштириб қўйиш, яъни бир янги туғилган ёки эмизикли чақалоқни (ўғил болани қиз болага, касал болани соғлом болага ва ҳ.к.) алмаштириб қўйиш боланинг, шунингдек унинг ота-онасининг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларига дахл этади. Агар мазкур жиноят тамагирлик ёки бошқа паст ниятлар (қасос, ҳасад, хусусат, душманлик ва ш.к.)да қасддан содир этилган бўлса, шахс ЎЗР ЖКнинг 124-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилиши мумкин.

Бундан ташқари, бундай қилмишлар содир этган шахслар шафкатсизлик, ахлоқий принципларга эга эмаслик, шахсга ва оилага ҳурматсизлик билан тавсифланади.

У ёки бу сабабларга кўра ота-онадан маҳрум бўлган вояга етмаганлар фарзандликка олиниши мумкин. Бунда фарзандликка олинган бола билан уни фарзандликка олган шахслар ўртасида ота-она ва бола муносабатлари юзага келади. Давлат ота-онасиз болаларни фарзандликка олган одамларга имтиёзлар беради.

Ота-она (болани фарзандликка олган шахслар)нинг манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, шунингдек бола ахлоқий жиҳатдан нормал ривожланиши учун ЎЗР Оила кодексида фарзандликка олишни сир сақлаш мажбурияти белгиланган (153-модда). Фарзандликка бола олувчиларнинг ёки васийлик ва ҳомийлик органининг эркига қарши, етим ёки ота-она ғамхўрлигидан маҳрум бўлган болаларни фарзандликка олишнинг қонун билан кўриқланадиган сирини ошкор қилган шахслар ЎЗР ЖКнинг 125-моддаси бўйича жиноий жавобгарликка тортилади.

ЎЗР ЖКнинг 126-моддасида ахлоққа ҳамда оилавий муносабатларнинг нормал тартибига тажовуз қилувчи жиноят – кўп хотинли бўлиш учун жавобгарлик назарда тутилган. ЎЗР оила қонунчилиги замирида бир киши билан никоҳда бўлиш принципи ётади. Икки ёки кўп хотинлилик учун қонунда жиноий жавобгарлик белгиланган. Бунда жиноятлар умумий хўжалик юритиш негизида икки ёки ундан ортиқ аёл билан эр-хотин бўлиб яшашда ифодаланади.

Вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш ҳам ижтимоий хавфли қилмиш ҳисобланади. ЎЗР ЖКнинг 127-моддасига биноан, вояга етмаган шахсни:

а) тиламчиликка, спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёҳвандлик ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни истеъмол қилишга;

б) гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар истеъмол қилишга;

в) жиноят қилишга жалб этиш вояга етмаган шахсни ғайриижтимоий хатти-ҳаракатларга жалб қилиш деб топилади.

Ниҳоят, оилага қарши жиноятларнинг охириги гуруҳига 16 ёшга тўлмаган шахсларнинг жинсий дахлсизлигига тажовуз қи-

лувчи ҳаракатлар киради. Булар: 16 ёшга тўлмаган шахс билан жинсий алоқа қилиш (ЎзР ЖКнинг 128-моддаси); 16 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар қилиш (ЎзР ЖКнинг 129-моддаси).

Бундан ташқари, оилага қарши жиноятлар қаторига ЎзР ЖК Махсус қисмининг 5-бобидан ўрин олмаган бошқа жиноятлар, масалан, вояга етмаганларнинг ҳаёти ва соғлиғига қарши жиноятлар ҳам киради.

Шундай қилиб, оилада, оилага қарши, унинг вояга етмаган аъзоларига қарши ҳар хил жиноятлар содир этилади. Қуйида мазкур салбий ҳодисаларга барҳам бериш ёки уларнинг оқибатларини енгиллаштириш учун қандай чоралар кўриш лозимлиги ҳақида сўз юритамиз.

13.4. Оиладаги жиноятларнинг олдини олиш

Оилада, оилага қарши содир этиладиган жиноятларнинг назарий негизини оила криминологияси ишлаб чиқадиган оилани криминологик тузатиш концепцияси ташкил этади. У жиноий хулқ-атвор сабабларига қарши оила имкониятларидан фойдаланиш чора-тадбирлари тизимини назарда тутди¹.

Оилавий муносабатларга криминологик тузатиш киритиш умумий (профилактик) чоралар тизимидан иборат, чунки оилага таъсир кўрсатиш йўли билан нафақат оиладаги жиноятларнинг, балки бошқа барча жиноий қилмишларнинг ҳам олдини олиш мумкин.

Шахснинг жиноий мойилликлариикўпинча оилада шаклланади. Шу боис оиладаги жиноятларнинг олдини олиш борасидаги махсус чоралар ҳақида гапиришдан олдин қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлигини қайд этиш лозим:

- оила аъзоларига оиланинг салбий таъсирига барҳам бериш учун шарт-шароит яратиш;
- муайян низоларни ҳал қилиш;
- оиланинг ижобий имкониятларидан фойдаланиш;
- оила институтидаги қарама-қаршиликларга чек қўйиш.

Бу чора-тадбирлар жиноятчиликнинг умумий даражаси пасайишига имконият яратади.

¹ Криминология. Учебник под ред. В.Н.Бурлакова, В.П.Сальникова. – СПб., 1998. –203-204-б.

Оиладаги жиноятларнинг олдини олиш чораларини бир неча гуруҳга ажратиш мумкин:

1) Оиладаги криминоген таъсир ўчоқларини аниқлаш чоралари.

Бу гуруҳга беқарор оилаларни, илгари судланганлар ҳамда ҳуқуқбузарлар яшайдиган оилаларни, оилалардаги салбий таъсир манбаларини, жанжал чиққан оилаларни, болаларнинг назоратсизлик ҳолатларини аниқлаш чоралари киради.

Бу чоралар оилавий барқарорлик, илгари судланганларнинг оилавий ҳолати, мактабда дарсларга қатнамаётган болалар ҳақидаги маълумотлар йиғиш ва умумлаштириш йўли билан амалга оширилиши мумкин.

2) Беқарор оилаларни ҳисобга олиш ва уларни сурункали назорат қилишни таъминловчи чоралар. Бундай оилалар ҳар бир туманда ягона органда тўпланиши, ушбу ахборот беқарор оилаларга ёрдам кўрсатишга қодир органларга юборилиши, зарур чоралар кўрилиши устидан назорат олиб бориш лозим.

3) Оилани қўллаб-қувватлаш чоралари. Оилавий ҳаётни рағбатлантириш, оилаларга моддий ва турар жой муаммоларини ечишда кўмаклашиш, оилали шахсларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал қилиш керак. Бу мақсадга эришиш учун соғлом оила турмуш тарзини тарғиб қилиш, болали муҳтож оилаларга нафақалар тайинлаш лозим.

Президент Ислом Каримов аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ва қўллаб-қувватлаш борасида кучли чора-тадбирлар ўтказишни ислоҳотларнинг илк босқичида фаол ижтимоий сиёсатни амалга оширишнинг муҳим йўналишларидан бири сифатида қайд этганлиги бежиз эмас¹. Бунда Ўзбекистон Республикасида ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини камраб оладиган бўлиши кераклиги таъкидланди². Ижтимоий мавжудликнинг янги тизимидан асосан болалар ва кам таъминланган оилалар фойдаланади. 1994 йилнинг октябридан давлат кам даромадли оилаларга фаол ёрдам бера бошлади – фармонга биноан айни мана шундай оилаларга моддий ёрдам жорий этилди³.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида. –Т., 1995. – 118-б.

² Ўша ерда. – 122-б.

³ Ўша ерда. – 124-б.

Бола боқувчи оналарга нафақа тўланади. Бунда тўланаётган нафақанинг миқдори кўпайтирилишидан ташқари, унинг муддати ҳам узайтирилди. Мазкур нафақа илгари бир ярим йилгача тўланган бўлса, энди бу муддат икки йилгача узайтирилди. Ишловчи оналар ҳам, ишламайдиган оналар ҳам бу нафақадан баҳраманд бўлмоқдалар. Оналарга нисбатан ижтимоий адолат тикланди ва бу нарса кўпгина оилалар учун муҳим мадад бўлди. Ўн олти ёшгача болалари бўлган оилаларга ягона нафақа жорий этилиб, болаларга илгари бериб келинган ҳамма нафақа ва имтиёзлар бекор қилинди. Болаларга бериладиган тўловлар тизими такомиллаштирилди¹.

Ёшларни ижтимоий ҳимоялашнинг бошқа шакллари – овқат нархининг бир қисмини қоплайдиган қўшимча тўловлар, мактаб ошхоналари ва тамадди хоналари қўшимча харажатларининг бир қисмини бюджет маблағлари ҳисобидан қоплаш, хусусий хонадонларда яшаётганлар учун қўшимча тўловлар, жамоат транспортида арзон ҳақ тўлаб юриш ва бошқа енгилликлар жорий этилди. Миллий анъаналарни назарда тутиб, биринчи бор никоҳдан ўтаётган келин-куёвлар учун мебель ва гилам маҳсулотлари сотиб олишнинг имтиёзли тартиби белгиланди.

Шундай қилиб, бундай чоралар оилани қўллаб-қувватлаш мақсадида кўрилиши лозим. Бу оилада зиддиятларни юмшатишга ёрдам беради ва натижада мазкур соҳада жинойтлар сони камайишига имконият яратилади.

4) Болалар назоратсизлигининг олдини олиш чора-тадбирлари. Оилада болалар тарбиясига кўпроқ эътибор бериш, улар нима билан шуғулланаётганлигини назорат қилиш, ота-она ва болалар ўртасида яқин алоқалар ўрнатиш лозим.

5) Оилавий дам олиш жабҳасини ривожлантириш чоралари. Оилавий дам олишни ташкил этишнинг ҳар хил шакллари ривожлантириш: дам олиш уйлари, маданият саройлари, спорт мактаблари, маданият ва истироҳат боғлари ишини тиклаш керак.

6) Оиладаги муносабатларга психологик тузатиш киритиш чоралари.

Оиладаги муносабатларни соғломлаштиришга, оила аъзолари ўртасидаги муаммоларни бартараф этишга кўмаклашувчи махсус хизматлар ташкил этиш лозим.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида.–Т., 1995.124-б.

7) Оилага криминологик таъсир кўрсатиш чораларини мутасил такомиллаштириш чоралари – республика ва маҳаллий даражаларда оилани муҳофаза қилиш ва барқарорлаштириш, унга ҳар хил мадад кўрсатишни таъминлаш юзасидан тавсиялар беришдан иборат. Бунинг учун оилага ижобий таъсир кўрсатиш юзасидан таклифларни умумлаштириш, таҳлил қилиш ва тизимга солиш, ҳар бир туманда оилага ва ёш авлодга таъсир кўрсатиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш учун мутахассисларнинг кенг доираси (психологлар, педагоглар ва ҳ.к.)дан ташкил топган махсус маслаҳат комиссиялари тузиш лозим.

Кўрсатиб ўтилган чора-тадбирларни амалга ошириш турли органлар: ички ишлар бошқарма ва бўлимлари, ижтимоий таъминот бўлимлари, аҳолини иш билан таъминлаш органлари, турар жой-коммунал хизмат муассасалари, Таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бўлимлари ва бошқармалари, вояга етмаганлар билан ишловчи комиссиялар ва ҳоказолар зиммасига юкланиши мумкин.

Негизини маҳаллаларнинг фуқаролар йиғинлари ташкил этувчи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳам оила жабҳасига ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Оиладаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида давлат миқёсида «Оилани режалаштириш», «Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш», «Тарбияси оғир ўсмир», «Оталар ва болалар» каби мақсадли дастурлар қабул қилиш мумкин. Бу дастурларга оила сиёсатининг устувор йўналишларини акс эттирувчи энг муҳим қоидалар, чунончи:

- оилани қадрият сифатида барқарор этиш;
- оила ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар яратиш;
- оилаларга махсус ёрдам кўрсатиш тизимларини ташкил этиш;
- оилани режалаштириш дастурларини амалга ошириш;
- оналик ва болаликни ижтимоий ва тиббий ҳимоя қилиш;
- оила аъзолари ўртасида яхши алоқалар ўрнатилишига кўмаклашиш;
- оилада зўрлик ишлатилишининг олдини олиш киритилиши лозим.

Турмуш шарт-шароитларини ҳисобга олиб, оила тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ривожлантириш керак.

Ниҳоят, оиладаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадида болаларга боғча ёшидан бошлаб оилада зўрлик ишлатишга қарши психологик иммунитетни сингдириш, каттаю кичикка ҳурмат руҳида тарбиялаш, стрессли вазиятларда ўз эмоцияларини назорат қилишни ўргатиш лозим.

14-мавзу. ТАМАГИРЛИК НИЯТИДА ЗЎРЛИК ИШЛАТИБ СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Криминология фани жиноятчилик шакллари ва унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан алоқаларини теран таҳлил қилиш, жиноятчилик сабаблари ва омилларини аниқлаш, одамларнинг ижтимоий борлиғи, иқтисодиёт ва мафкурадаги ўзгаришларга қараб жиноятларнинг хусусияти, ҳолати ва динамикасини тавсифлаш имконини беради. Шу маънода И.Карпец криминологияни «сигнал берувчи фан» деб номлаганида, тўла ҳақ эди¹.

Мустақил давлатимиз ривожланишининг ҳозирги босқичида криминологик тадқиқотларнинг натижаларига таянмасдан, криминологик вазият қонуниятлари ва тенденцияларини чуқур билмасдан жиноят-ҳуқуқий, процессуал, криминалистик ва пенитенциар муаммоларни самарали ечиш мумкин эмас.

Айни вақтда, баъзи бир олимлар онги яқин вақтгача андозалардан холи бўлмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Масалан, криминология курсининг биринчи жилдида: "...социалистик жамиятда ундан олдинги тузумларга хос жиноятчиликнинг энг хавфли шакллари, гангстеризм, рэкетга ўрин йўқ; жиноятчилар дунёси давлат аппарати билан бирикмайди; жиноятчилик орқасидан бойлик орттирувчи ва ундан манфаатдор бўлган аҳоли табақалари мавжуд эмас; ҳокимиятга жиноий йўллар билан келишга ҳаракат қилувчи сиёсатчилар йўқ"², деб айтилган. Жиноятчилик социалистик тузум табиатига ёт, деб ёзиш одат тусини олган.³

Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларни криминологик тавсифлашда унда бирлаштирилган маълумотлар бу жиноятларнинг муҳим белгилари ва хоссаларини, уларнинг олдини олиш нуктаи назаридан муҳим омилларни тўлиқ акс эттириши лозимлиги эътиборга олиш керак.⁴

¹ Карпец И.И. Пределы криминологических исследований // Социалистическая законность. 1968. №9. – 14-б.

² Курс советской криминологии. – М.: Юр. лит-ра, 1985. Т.1. – 145-б.

³ Номоконов В.А. Преступное поведение: детерминизм и ответственность. – Владивосток: Изд-во Дальневосточного университета, 1989. – 81-б.

⁴ Ястребов Б.В. К вопросу о понятии криминологической характеристики преступлений // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 37. – М., 1982. – 16-б.; Степичев С.С., Моисеенко Г.З. Что показало криминологическое изучение грабежей и разбоев // Вопросы криминалистики и криминологии. Изд-во Таджикского университета, 1968. – 25-б.

Жиноятчиликнинг умумий таркибида таҳлил қилинаётган жиноятлар улуши унча катта эмас (1995 йилда улар жамулжам ҳолда жиноятлар умумий сонининг 6% дан кўпроғини ташкил этди). Масалан, тамагирлик ниятида қасддан одам ўлдириш учун ҳукм қилинган шахслар сони 1992 йилга нисбатан 1993 йилда 34,5% га, босқинчилик учун ҳукм қилинганлар сони – 85,7% га, товламачилик учун ҳукм қилинганлар сони – 65% га, зўрлик ишлатиш йўли билан содир этилган талончилик учун – 84,8% га кўпайган. Айни вақтда, 1995 йилда судланганлик кўрсаткичларининг маълум даражада пасайиши бз берган.

Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар асосан катта шаҳарларда содир этилади.¹ Тошкентда мазкур жиноятлар учун 1991 йилда ҳукм қилинганлар сони 6,8% ни, 1992 йилда – 6,9% ни, 1993 йилда – 7,1% ни, 1994 йилда – 7,6% ни ташкил этган; мазкур жиноят учун ҳукм қилинганлар умумий сонининг етти фоиздан кўпроғи Самарқанд, Нукус, Навоий ва Фарғона шаҳарларида жавобгарликка тортилган.

Қуйидаги жадвалда жиноий қилмишлар содир этилган жойлар келтирилган:

Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб жиноят со- дир этилган жой	босқин- чилик	товламачилик	зўрлик ишлатиб содир этилган та- лончилик	тамагирлик ниятида одам ўлди- риш	бандитизм
Шаҳар	83,0	82,5	91,5	86,5	1000
Ишчилар шаҳарчаси	9,0	10,5	5,0	9,0	-
Қишлоқ	8,0	7,0	4,0	4,0	-
Аҳоли яшайдиган жойдан ташқарида	-	-	0,5	0,5	-
Жами	100%	100%	100%	100%	100%

Статистика маълумотларига кўра, 1996 йилда Ўзбекистон аҳолиси 23 млн. кишини ташкил этган. Жами аҳолининг 40%

¹ Габиани А.А., Гачечиладзе Р.Г. Некоторые вопросы географии преступности. -Тбилиси: Изд-во ТГУ, 1982. – 109-б.

дан кўпроғи шаҳарларда, 60% га яқини қишлоқда яшайди.¹ Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб жиноят содир этган ўсмирлар масаласига келсак, уларнинг 87% шаҳарларда яшаган. Бунда таҳлил қилинаётган жиноятлар учун ҳукм қилинган вояга етмаган шаҳарликларнинг аксариятини вилоят марказида яшовчи ўсмирлар ташкил этган. Ҳукм қилинган қишлоқлик ўсмирларнинг энг катта улушини шаҳарлар ва туман марказлари яқинида жойлашган қишлоқлар ва шаҳарчаларда яшовчилар ташкил қилган.

Қишлоқда тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг камлиги, бизнинг назаримизда, ўсмирлар ва ёшлар бу ерда ота-онаси, қариндошлари ва танишларининг доимий назорати остида бўлиши билан изоҳланади. Бу ерда мактаб билан ота-оналар ҳам яқинроқ алоқа қилади, кўрсатиб ўтилган омиллар жиноятларнинг олдини олиш, уларни илк аломатлари намоён бўлган заҳоти тўхтатиш имконини беради. Боз устига, қишлоқда бегона шахслар кам, ҳамма бир-бирини танийди, бу эса ўғирланган молни яшириш ва сотишда муайян қийинчиликлар туғдиради.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги статистик маълумотларининг таҳлили кўрсатиб ўтилган ижтимоий хавфли қилмишлар кўпроқ Бухоро, Жиззах, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида содир этилишини кўрсатди. Бу вилоятларда туман ва вилоят судларида ҳар йили 30-50 жиноят иши кўрилади.

Ўзганинг шахсий буюмларини эгаллаш мақсадида босқинчилик, ўзганинг мулкани талончилик йўли билан зўрлик ишлатиб эгаллаш каби, кўчада содир этилади: мазкур жиноятларнинг 83% шаҳарлар ва шаҳарчаларнинг кўчаларида содир этилган. Криминологик тадқиқотлар зўрлик ишлатиш йўли билан талончилик ҳамда босқинчилик жиноятлари асосан жамоат жойларида, чунончи: кўчаларда – 39,5%, корхоналар ҳудудида – 5%, давлат, жамоат, кооператив, ҳар хил тадбиркорлик ташкилотлари ва муассасаларида – 19%, автостанциялар, вокзаллар, аэропортда – 3,9%, хиёбонлар, боғларда – 8%, бозорларда – 2,5%, уйлар, оилавий, ёшлар ва ишчиларнинг умумий ётоқхоналарида – 18%, бошқа жойлар (кафе, ресторанлар, поезд вагонлари, барлар, гаражлар, ҳожатхоналар)да – 4,1% содир этилишини кўрсатади.

¹ Комилова Ф. Демографический потенциал Узбекистана. – Т., Узбекистан, 1991. – 16-б.

Йўлларда такси ҳайдовчилари ва автотранспорт эгаларини талаш ва уларга нисбатан босқинчилик ҳужумлари уюштириш, фуқароларга уларнинг турар жойига кириб ҳужум қилиш ҳам тарқалган.

Талончилик, босқинчилик ҳамда тамагирлик ниятида одам ўлдириш хусусий шахс томонидан осон пулланадиган ва истеъмол қилинадиган жойларда кўп содир этилади. Жами ҳолларнинг 49% да тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиш жиноятчи яшайдиган ерда, 51% - бошқа аҳоли яшайдиган жойда, шулардан 7% - қўшни давлатлар: Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркменистон, Россияда содир этилган. Бинобарин, жиноятчилар ўзларини таниб қолишларидан қўрқиб, бошқа давлатда жиноят содир этган. Босқинчилик ҳужумлари, талончилик кўпроқ қишда содир этилади – 29%; баҳорда, ёзда ва кузда бу жиноятлар улуши тегишли равишда 26%, 24% ва 21% ни ташкил этади. Мазкур жиноятлар кўпроқ қишда содир этилиши қулай шарт-шароит мавжудлиги билан изоҳланса керак: қишда қоровуллар совуқдан қочиб, постни ташлаб кетади ёки қоровулхонада электр иситгични ёқиб ўтиради ва ҳ.к. Қишда фуқаролар анча қиммат турадиган иссиқ кийимлар (мўйна телпак, пўстин, иссиқ пальто, этик ва ш.к.) кияди.

Бизнинг маълумотларимизга кўра, тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиш ҳолларининг 13% соат 00 дан 09 гача, 10% - соат 09 дан 15 гача, 21% - соат 15 дан 19 гача, 30% - соат 19 дан 22 гача, 27% - соат 22 дан 24 гача содир этилган. Хулоса қилиб айтганда, кўрсатиб ўтилган жиноятларнинг аксарияти (69%) кечқурун ва тунда, кўпинча соат 18.00 дан 24.00 гача содир этилади.

Тадқиқотларимиз натижасига кўра, жами ҳолатларнинг 59% да рухий зўрлик, яъни зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, 38% да – жисмоний зўрлик ишлатилган ва фақат 3% да жиноятчи жабрланувчининг мулкани алдов йўли билан, жисмоний ёки рухий зўрлик ишлатмасдан эгаллаган. Бу жиноятларнинг ҳар иккитасидан бирида жиноятчилар оғзаки дўқ-пўписани ўқотар, совуқ қурол ёки қурол ўрнида ишлатилган бошқа нарсани кўрсатиш йўли билан мустаҳкамлаган.

Жиноятчилар ишлатган жисмоний зўрлик хусусияти ҳар хил: қўл билан уриш, тепкилаш, болта, пичоқ, темир занжир ва бошқа нарсалар билан зарба бериш, ўқотар қурол ишлатиш ва ҳ.к.

Аксарият ҳолларда жисмоний зўрлик қўрқитиш жиноятчиларга исталган натижани бермаганидан кейин ишлатилган.

Ҳукм қилинганларнинг 59% зўрлик ишлатиш ҳаракатларини бир усулда амалга оширган (бўғзига пичоқ тираган, жабрланувчига бошқа чораси йўқлигини англатишга ҳаракат қилган, агар тушунмаса, қурол ишлатган, бўйнига сиртмоқ солган, орқадан келиб бошига зарба берган, оёғидан осиб қўйган, ертўлага, музлатгичга қамаб қўйган), 33% ҳар хил (жабрланувчининг ўзини тутишига қараб) иш кўрган ва фақат 8% «ихтисослашган», яъни сантехник, теле-, радио-, аудио-, видео ёки телефон устаси, ЖЭК ходими ниқобида турар жойга кирган. Тадқиқотлар ҳар юз ҳолатдан етмиштасида жиноятчилар турар жойга почтальон, врач, суғурта идораси, маиший хизмат кўрсатиш, милиция ходими ниқобида, йигирма олтитасида – танишлар, қариндошлар ниқобида ёки уларнинг номидан, қолган ҳолларда – зўрлик ишлатиб, эшик ёки деразани бузиш йўли билан кирганлигидан далолат беради.¹

Зўрлик ишлатиб талончилик, босқинчилик ва товламачилик содир этишда жиноятчилар кўпинча ўз дўқ-пўписаларини амалга оширганлар. Масалан, ҳар бир ўн бир ҳолатнинг бирида жабрланувчига одатда ҳаёт учун хавфли оғир шикаст, деярли ҳар олти ҳолатдан бирида – ўртача оғир ва енгил шикаст етказилган. Аксарият ҳолларда (89%) жисмоний зўрлик мулк эгаси бўлган жабрланувчига ва ҳар юз ҳолатдан ўн биттасида мулк эгаси бўлмаган шахсларга, руҳий зўрлик эса – нафақат мулк эгасига, балки унинг яқинлари: ота-онаси, буваси, бувиси, хотини, эри, болаларига (29%) нисбатан ишлатилган.

Жиноий жазога лойиқ қилмишлар предметини чет эл валютаси, пуллар, қимматли қоғозлар, автомашина, аудио ва видео-аппаратура, магнитофонлар, шунингдек мўйна телпак, гилам, пўстин, чарм камзул, заргарлик буюмлари, спиртли ичимликлар, озиқ-овқат маҳсулотлари ташкил этган. Ҳар икки жиноятдан бирида жиноятчилар пулларни, ҳар ўн жиноятдан бирида – валютани, ҳар уч жиноятдан бирида – биллур идишлар ва кийим-кечакларни эгаллаганлар. Ўғирланган буюмлар орасида қумуш, тилла сирғалар, узуклар ва бошқа заргарлик буюмларининг улуши 31% ни, спиртли ичимликлар (коньяк, бренди, виски, ароқ, шампан виноси, мусаллас) улуши – 9% ни ташкил этган.

¹ Криминология. – М.: Юрист, 1995. – 370-371-бетлар.

Кўрсатилган жиноятларни содир этишда олиб қўйилган шахсий буюмлар қиймати анча катта бўлган. Кўп миқдорда содир этилган тамагирлик ниятидаги зўравонлик жиноятлари 51,5% ни, жуда кўп миқдорда содир этилган шундай жиноятлар – 15,5% ни ташкил қилган.

Тадқиқотлар жиноятчилар одатда жиноятга олдиндан тайёрланмаслигини кўрсатади – 74, 5%; барча жиноятларнинг 25,5% дагина қурол, автотранспорт олдиндан қидириб топилган, жиноят содир этиш учун объектлар танланган, режалар тузилган, вазифалар тақсимланган ва ҳ.к. Маҳкумларнинг 36% ўз ҳаракатларини яширин тарзда бошлаган, яъни улар ўғрилиқ йўли билан ўзганинг мулкини эгаллашга ҳаракат қилган, ҳаракатлари ошкор бўлганидан кейингина босқинчилик ҳужумига ёки зўрлик ишлатиб талончилик қилишга киришган. Жиноятчиларнинг 9% га яқини қурол ёки гиёҳвандлик воситаларини эгаллаш мақсадида жиноят содир этган. Ҳар юз жиноятдан етмиш тўққизтасида ўқотар қурол, йигирма биттасида – совуқ қурол ёки бошқа нарсалар қурол сифатида ишлатилган.

Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиш асосан одамлар кўз ўнгида содир этилади. Бироқ, тадқиқотларда «Жиноят содир этишингизга четдан бирор одам тўсқинлик қилиш ниятида аралашганми?», деган саволга сўралганларнинг фақат 5% “ҳа” деб, 95% - “йўқ” деб жавоб берган.

1993 йилда ўтказилган тадқиқотлар жиноятчи талончилик, босқинчилик ва товламачилик каби жиноятларни одамлар кўз ўнгида содир этишда уларнинг бир қисми “оч қорним – тинч қулоғим” маталига амал қилиб, хавфли тажовузни тўхтатиш бўйича фаол чоралар кўрмаслигига умид қилади. Кўпгина маҳкумлар агар фуқаролар уларнинг ҳаракатларини тўхтатишга ҳаракат қилганларида, жиноятни содир этишнинг иложи бўлмас эди, деб қайд этганлар. Ўз жисмоний ҳолатига кўра кўз ўнгида содир этилаётган жиноятларни тўхтатишга қодир бўлган фуқароларнинг аралашмаслиги ўзи жабрланишдан кўрқиш, жабрланувчининг тақдирига бефарқлик билан изоҳланади.

Тадқиқотларнинг натижалари тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятларнинг умумий таркибида сўнгги йилларда группавий жиноятлар улуши кўпайиб бораётганлигидан далолат беради. Масалан, 1977 йилда гуруҳга қўшилиб жиноят содир этган шахслар маҳкумлар умумий сонининг 60-

70% ни ташкил этган бўлса, 1994 йилда бу кўрсаткич 80% га етди. Вояга етмаганлар ҳар юз ҳолатдан етмиш олтитасида гуруҳга қўшилиб босқинчилик, талончилик, товламачилик содир этган.

Амалиётни ўрганиш муайян шахсларга нисбатан товламачилик чексиз давом этиши мумкин эмаслигини кўрсатади. Пировардида қарама-қарши тарафлар ўзаро келишиб, жиноий фаолиятни амалга ошириш вазифаларини ўртада тақсимлайди.¹

Бизнинг маълумотларимизга кўра, талончилик жиноятларининг 17% га яқини, босқинчилик ҳужумларининг 19% турар жойга кириб содир этилган. Ўтказилган тадқиқот натижалари мамлакатимизда жазони ўтаган шахслар томонидан зўрлик ишлатиб талончилик қилиш 24%ни, босқинчилик қилиш - 26%, тамагирлик ниятида одам ўлдириш – 26%, товламачилик – 27% ни ташкил этганлигидан далолат беради.

1970-1975 йилларда ахлоқ тузатиш-меҳнат муассасаларида озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони ўтаган маҳкумларни махсус рўйхатга олиш натижаларига кўра талончилар ва босқинчилар барча рецидивистларнинг 10% дан кўпроғини ташкил этган² бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич Ўзбекистонда 12,5% ни ташкил қилади.

Жиноятлар содир этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ходимлари ва фуқаролар биргаликда иштирок этганлиги аниқланди. Бундай ҳолатлар Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Фарғона вилоятлари ва бошқа вилоятларда аниқланди. Масалан, Қорақалпоғистонда Қўнғирот туман ИИБ ходимлари Избосаров ва Нисонбоев жиноятчилар билан тил бириктириб ҳаракат қилган. Қорақалпоғистон ИИВнинг иқтисодий жиноятлар бўйича ходими Аймонов ҳам жиноят содир этган. Қорақалпоғистон ИИВ жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Татлимуродов ўз укалари ва бир нечта танишлари билан бирга уюшган гуруҳ ташкил қилган ва унинг фаолиятида фаол иштирок этган. Улар одам ўлдирган, номусга тегиш, талончилик каби жиноятлар билан шуғулланган, жабрланувчиларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиб, изларни яширишга ҳаракат қилган. Бошқа бир ҳолатда Нукус шаҳар проку-

¹ Мингбоев У.К. Олий суд: кеча ва бугун. – Т.: Камалак, 1995. – 65-б.

² Характеристика осужденных к лишению свободы. По материалам контрольной переписи осужденных. – М., 1975. – 50-51-б.

ратурасининг прокурор ёрдамчиси Сеитназаров рэкетчилар билан бирга товламачилик жиноятлари содир этган.

Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлардан жабрланганлар асосан эркаklar бўлган – 87%, аёллар сони атиги 13% ни ташкил этган. 40 дан ортиқ шундай қилмишлар чет эл фуқаролари: қўшма корхоналарнинг ходимлари, тижоратчилар, туристлар ва бошқа шахсларга нисбатан содир этилган.¹

Судланувчига боғлиқлик ҳақида қуйидаги жадвал далолат беради:

судланувчига боғлиқлик	босқинчилик	товламачилик	зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик	тамагирлик ниятида одам ўлдириш	бандитизм
Эри ёки хотини (жазмани) ² ни) ²	17,0	-	2,0	10,4	-
Бошқа қариндошлари	18,1	27,7	3,0	9,5	-
танишлари, қўшнилари ва ҳ.к.	42,3	39,4	49,5	37,9	9,0
нотанишлар	22,6	32,9	45,5	12,2	91,0
Жами:	100	100	100	100	100

Айбланувчиларга таниш бўлмаган жабрланувчилардан 42,2% босқинчилик хужуми содир этиш пайтида ўлдирилган.

Жабрланувчилар ёши қуйидаги маълумотлар билан тавсифланади:

жабрланувчилар ёши	босқинчилик	товламачилик	зўрлик ишлатиб содир этилган талончилик	тамагирлик ниятида одам ўлдириш	бандитизм

¹ Асатов С.А., Федоров Ю.Д., Собиров К.А., Гулямов З.Х., Акрамходжаев Б.Т. Расследование преступлений с участием граждан иностранный государств. –Т.: Академия МВД, 1996. – 45-б.

² Шестаков Д.А. Супружеское убийство как общественная проблема. –СПб.: Изд-во С.-Петербургского университета, 1992. – 14-15-бетлар.

18 ёшгача	7,0	4,0	8,0	-	-
18-30 ёш	16,2	11,7	24,5	23,6	19,8
31-40 ёш	32,3	29,2	36,4	28,1	23,9
41-50 ёш	34,5	35,0	22,1	21,5	27,1
50 ёшдан катта	10,0	20,1	9,0	27,8	29,9

Таҳлил қилинаётган жиноятлар бўйича ҳар уч жабрланувчидан бири маст ҳолатда бўлган;¹ ҳар ўн бир жабрланувчидан бири нотаниш одамлар билан (кўчада, барда, уйда, дала ҳовлисида) спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, жиноятга муайян даражада туртки берган.

Вояга етмаганлар кўпинча кийим-кечак ва пойафзал (21,5%); мотоцикллар, велосипедлар ҳамда уларга эҳтиёт қисмлар (33,4%); магнитофонлар, магнитолалар ҳамда радиоаппаратура (13,1%); аудио ва видеоаппаратура (7%); автомобиллар (2%); озиқ-овқат маҳсулотлари (7%) ўғирлайдилар. Жиноий тажовуз нарсалари орасида спиртли ичимликлар 6% ни ташкил этади.

Сўнгги йилларда ҳуқуқни қўлловчи органларнинг ходимлари баъзан зўрлик ишлатиш йўли билан талончилик, босқинчилик, товламачилик қилувчи ва одам ўлдирувчи уюшган гуруҳлар ва жиноятчиларнинг уюшмаларига тўқнаш келмоқдалар².

Уюшган жиноятчилик – бу уч даражадаги жиноий тузилмалар (жиноий гуруҳлар, ташкилотлар ва уюшмалар) тузиш ҳамда уларнинг жиноий фаолият билан шуғулланиши.³

Биргаликда фаолият олиб боришнинг ижтимоий-психологик кўрсаткичлари, гуруҳ иштирокчиларининг миқдор ва сифат хусусиятлари, фаолият йўналиши ва доираси, таркибий тузилиши ва алоқаларининг мураккаблик даражасига қараб жиноий гуруҳларни қуйидаги турларга ажратиш мумкин: 1) умумжиноий; 2) тамагирлик-хўжалик; 3) аралаш. Иштирокчилари сонига кўра: 1) кичик (10 тагача одам); 2) ўртача (11 тадан 20 тагача одам);

¹ Сердаров Х. Влияние поведения потерпевшего на совершение преступления Авто-реф...дисс.канд юрид наук (на туркменском языке). – Ашгабат, 1993. – 15-б.; Викимнологические проблемы борьбы с преступностью. – Иркутск: Иркутского уни-та, 1988. – 134-б.; Каракетов Ю.М., Усманалиев М. Криминологические меры борьбы с преступностью. – Т.: Узбекистан, 1995. – 64-б.

² Организованная преступность. Проблемы, дискуссии, предложения. – М.: 1989; Каракетов Ю.М. Нетрудовые доходы и юридическая ответственность. – Т.: Узбекистан, 1989; "Теневая" экономика и организованная преступность // Вестник МГУ, серия "Право", 1990, №4.

³ Лунеев В.В. Организованная преступность в России: осознание, истоки, тенденции // Государство и право, 1996, №4. – 97-б.

3) катта (20 кишидан ортик). Фаолият доирасига кўра: 1) минтақалараро; 2) маҳаллий.

Таркибий тузилиши (иерархияси)нинг мураккаблик даражасига кўра: 1) оддий; 2) мураккаб; 3) кўп даражали.

Алоқаларининг тузилишига кўра: 1) тўлиқ; 2) аралаш; 3) мураккаб.¹

Уюшган жиноятчилик – бу тамагирлик ниятида биргаликда жиноий фаолият билан шуғулланиш ҳамда муайян ижтимоий соҳада ёки ҳудудда назорат ўрнатишга эришиш мақсадида уюшган шахсларнинг барқарор жиноий бирлашмаси.

Бу ерда яна бир жиҳатга эътибор бериш лозим:

Жиноий уюшмалар ўз муҳим эҳтиёжларини қондирганидан кейин олувчи жиноий даромад қонуний бизнесга, яхши даромад келтирадиган қахвахоналар, ресторанлар ва ҳоказоларга жойлаштирилади. Бу ерда қонунлаштирилган жиноий даромад давлат назоратидан четда қолади. Айбдорлар терговда ва судда мазкур фаолиятни рад этади ва яширади.²

Бизнинг маълумотларимизга кўра, босқинчилик билан шуғулланувчи жиноий гуруҳларнинг 9,0% ижтимоий хавфлилик ва барқарорлик даражасининг юқорилиги билан тавсифланади.

А.Гуров профессионал жиноятчиликнинг тўрт асосий белгисини қайд этади:

- 1) жиноий машғулотнинг барқарор тури (ихтисослашув);
- 2) муайян билим ва кўникмалар (малака)га эгалик;
- 3) жиноят тирикчилик манбаи эканлиги;
- 4) ижтимоий муҳит билан алоқа.³

Бизнинг назаримизда, А.А.Тайваков профессионал жиноятчиликни тўлароқ тавсифлаган:

1. Жиноятлар содир этиш тирикчилик учун маблағлар топишнинг асосий усули ёки асосий усулларида бири ҳисобланади (сўровдан ўтказилганларнинг 78,0% шу ҳолатни қайд этган).

¹ Кантемиров В.Т. Криминалистическая характеристика групп в сфере организованной преступности. Автореф. дисс... канд. юр. наук. – Волгоград, 1992. -16-б.; Быков В.М. Преступная группа: криминалистические проблемы. – Т., Узбекистан, 1991. – 24-б.; Гуров А. Организованная преступность не миф, а реальность. – М.: Знание, 1992. – 74-б.

² Козаченко И.Я. Признаки организованной преступности должны найти отражение в уголовном законодательстве // Совершенствование правоприменительной деятельности в условиях перестройки. – Омск, 1989. – 70-б.

³ Гуров А. Криминальный профессионализм // Человек и закон. 1990, №9. – 76-б.; яна қаранг: Гуров А.И. Профессиональная преступность. – М., Юридическая литература, 1990.

2. Профессионал жинойтчилар томонидан жинойт содир этиш жинойтга олдиндан тайёргарлик кўриш, ўрганиш, жиной касб сирларини ўзлаштиришни ўз ичига олади (бу омилнинг мавжудлигини респондентларнинг 80,0% га яқини қайд этган).

3. Профессионал жинойтчилар ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этишни енгиллаштирувчи махсус, олдиндан тайёрланган ва синовдан ўтган мосламаларга эга бўлади (сўровдан ўтказилган жинойтчиларнинг 75,0% бундай қуролларга эга бўлган).

4. Криминал профессионалларга жинойт содир этишнинг махсус усуллари ва методлари хос (респондентларнинг 91,0% уларни билади ва улардан ўз "амалиёти"да фойдаланади).

5. Профессионал жинойтчи жиной фаолиятни ўзининг ҳаётдаги мақсади сифатида танлайди.

6. Профессионал жинойтчилик вакиллари ўртасида аниқ иерархиявий табақаланиш мавжуд (сўралганларнинг 87,0% бу ҳолатни қайд этган).

7. Профессионал жинойтчилар ўз жиной жаргонига эга (сўровдан ўтказилганларнинг 95,0% улардан хабардор).

8. Профессионал криминалитет вакиллари профессионал, корпоратив белгиларга кўра бирлашади (респондентларнинг 82,0% бу ҳолатни қайд этган).

9. Профессионал жинойтчиликка анъаналар, одатлар, жиной "фольклор", жиной маданиятнинг бошқа унсурлари хос (сўровдан ўтказилганларнинг 71,0% мазкур ҳодисалар билан у ёки бу даражада таниш).

10. Профессионал жинойтчилар ўз билимлари ва кўникмаларини, ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этиш усулларини бошловчи жинойтчиларга ўргатиш, ўзларига ўринбосарлар тайёрлашга қодирлар (сўровдан ўтказилганларнинг 50,0% га яқини ўзига хос «ўғрилиқ мактаби»ни ўтаган).

11. Жинойтдан кейинги хулқ-атвор қатъий белгиланган андозаларининг мавжудлиги (сўралганларнинг 92,0% ўғирлик молни сотишнинг яхши йўлга қўйилган каналларига эга, жинойт содир этилган жойдан қочиб яширинишнинг синашта йўллари билади).

12. Ўз криминал касбидан фахрланиш туйғуси ҳамда профессионал жинойтчилар руҳиятининг бошқа шунга ўхшаш ун-

сурлари (респондентларнинг 45,0% ўз жиноий касбидан ғурурланишини айтган).¹

Сўнгги йилларда уюшган гуруҳлардан бўлган профессионал жиноятчилар йирик талончилар ва босқинчилар билан бирлашиши хавфли криминоген омилга айланмоқда. Йирик талончилар ва босқинчилар ўғирлик молни сотиш, уни кўриқлаш, рақиблардан ҳимояланиш, уларга тазйиқ ўтказиш учун уюшган жиноятчиларга муҳтож бўла бошладилар. Айтилишича, талончилар ва босқинчилар жиноий йўл билан топган бойликлар уюшган жиноий гуруҳлар, аввало уларнинг сардорлари эътиборини тортмоқда.²

Энди аёллар жиноятчилиги ҳақида. Сўнгги 15 йилда собиқ СССРда ҳар йили 180-200 минг аёл қонунбузарлик содир этган.³

Аёллар жиноятларининг таркиби ўзгармоқда. Улар азалдан аёлларга хос бўлган жиноятлар – фирибгарлик, майда ўғриликдан эркакларга хос бўлган жиноятларга ўтмоқдалар.

1992 йил МДХ мамлакатларида содир этилган жиноятлар таҳлили озодликдан маҳрум қилиш жойларида сақланаётган аёлларнинг 75 фоизи ёки учдан икки қисми у ерга мулкка ва ҳаётга қарши жиноятлар учун тушганлигини кўрсатди.⁴

Ўзбекистонда жиноят содир этган шахслар орасида аёллар 12,5%ни, тамағирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этилган жиноятлар бўйича – 4,3% ни ташкил этади.

Аёллар жиноятчилигига криминологик тавсиф беришда шунини таъкидлаш лозимки, бу ҳодиса кўпгина кўрсаткичлар бўйича эркаклар жиноятчилигига яқинлашмоқда.⁵

¹ Тайваков А.А. Профессиональный преступник (опыт социологического исследования). Социологические исследования, 1993, № 4. – 86-87-бетлар.

² Особо опасные лидеры в ИТУ и воспитательное воздействие на них. – М.: НИИ МВД СССР, 1989. 73-б.

³ Переступившая закон // Мир женщины. 1992, №1. – 18-б.

⁴ Қаранг: Краминова Н. Групповой портрет с дамой // Московские новости. 1993, №8. -11-б.

⁵ Қаранг: Антонян Ю.М. Преступность среди женщин. – М.: Российское право, 1992. –79-б.

15-мавзу. ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ ҲАМДА УЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1. Иқтисодий жиноятчилик тушунчаси ва унинг криминалогик тавсифи
2. Иқтисодий жиноятларнинг сабаблари ва уларни юзага келтирувчи омиллар
3. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш

15.1. Иқтисодий жиноятчилик тушунчаси ва унинг криминалогик тавсифи

«Иқтисодий жиноятчилик» (ёки иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар) тушунчаси «уюшган жиноятчилик» ва «жиноий фаолиятдан олинган даромадларни қонунлаштириш» тушунчалари билан бир қаторда, криминалоглар ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг тушунчалар аппаратида мустаҳкам ўрин олган.

Иқтисодий жиноятчилик тушунчасининг ҳар хил таърифлари мавжуд, бироқ у жамоатчиликка илк бор «оқ ёқалилар жиноятчилиги» номи билан танилган. Бу ибора муаллифи – америкалик криминалог Э.Садерленд. 1940 йилда у юксак мартабали шахслар ўз касбий вазифаси доирасида ўзларига кўрсатилган ишончни бузиб, содир этувчи ҳуқуқбузарликлар мажмуини «оқ ёқалилар жиноятчилиги» деб номлаган.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида М.Клайнард мазкур муаммони ўрганиб, кўрсатиб ўтилган жиноятлар натижасида истеъмолчилар ва солиқ тўловчилар жуда катта зарар кўрганлигини аниқлади (1952). Кейинчалик корхоналарнинг раҳбарлари ўз ишчиларининг ижтимоий ҳуқуқларига қарши содир этган жиной ҳаракатларни Скотт ўрганди (1974). М.Клайнард ва П.Йигер 582 йирик корхонада хўжалик соҳасида содир этилган жиноятларни таҳлил қилиб (1980), 1975-1976 йилларда корхоналарнинг эгалари содир этган жиной ҳаракатлардан айрим жиноятчилар ҳаётга қарши содир этган жиноятларнинг қурбонларидан кўпроқ одам ҳалок бўлганлигини аниқлади. Америкалик таниқли криминалоглар Р.Кларк ва Э.Шчур ҳам ўз тадқиқотларида иқтисодий жиноятчилик масалаларига тўхталган.

Криминологлар Г.Кайзер ва Г.Матцир-Брепшер корхоналар ва корпорациялардаги жиноятчиликни ўрганиб, уларда жиноий жазога лойиқ барча жиноятларнинг 84% ни мулкка қарши жиноятлар ташкил этишини аниқлади (1976). Швециялик таниқли криминолог Б.Свенссон иқтисодий жиноятларга хўжалик фаолияти доирасида содир этиладиган тамагирлик хусусиятига эга жиноий қилмиш деб таъриф берган (1986).

Собиқ Иттифокда социализм давридаги иқтисодий жиноятчилик асосларини В.Г.Танасевич, Б.Е.Богданов, Г.К.Синилов, А.Н.Ларьков каби ҳуқуқшунос олимлар ўрганган.

Сўнгги йилларда иқтисодий ислохотлар амалга оширилиши натижасида таҳлил қилинаётган жиноятчилик турида ҳам жиддий ўзгаришлар юз берди. Янги мулк шаклларининг яратилиши, иқтисодиёт бозор муносабатлари шароитида фаолият кўрсатиши, жаҳон иқтисодиётига қўшилиш унда криминал вазиятнинг оғирлашишига олиб келди. Иқтисодий жиноятчилик криминаллашган иқтисодий муносабатларнинг тадрижий давоми сифатида амал қилаётир.

Криминолог олимлар фикрига кўра, иқтисодий жиноятчилик бу хўжалик фаолиятини амалга оширишда фойдаланилаётган мулкка тамагирлик ниятида тажовуз қилиш, иқтисодий жараёнларни бошқаришнинг белгиланган тартибига ҳамда фуқароларнинг иқтисодий ҳуқуқларига иқтисодий муносабатлар тизимида муайян вазифаларни бажарувчи шахслар томонидан дахл этиш билан боғлиқ жиноий ҳаракатлар мажмуидир.

Амалда иқтисодий жиноятчилик — бу жиноят қонунида назарда тутилган бир неча ўн жиноят таркиблари (ўзганинг мулкни талон-торож қилиш, валюта бойликлари билан ғайриқонуний битимлар тузиш, қалбаки пул ёки қимматли қоғозлар яшаш ёки уларни ўтказиш, даромадларни солиқ органларидан яшириш, ғайриқонуний тадбиркорлик, контрабанда ва бошқалар)нинг мураккаб мажмуидир. Айрим муаллифлар иқтисодий жиноятлар жумласига тамагирлик ниятидаги мансабдорлик жиноятлари, айниқса порахўрликни киритади. Шундай қилиб, иқтисодий жиноятчилик ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги у жамият институтларига салбий таъсир кўрсатиши, давлатнинг моддий негизи — иқтисодиёт фаолиятининг белгиланган тартиби бузилишида ифодалана. У айрим ўзига хос хусусиятлар билан тавсифланади:

1. Иқтисодий жиноятларнинг латентлик даражаси анча юқори. Уларнинг аксарият қисми фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг аризаларига кўра аниқланмайди. Уларни мол-мулкни бошқариш ва уларнинг бутлигини таъминлаш ваколати берилган шахслар содир этади. Иқтисодий жиноятлар айрим янги турларининг латентлик даражаси нисбатан паст (масалан, банк кредитлари олишда фирибгарлик). Қалбаки пул ясашдек хавфли жиноятнинг латентлик даражаси ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин.

2. Иқтисодий жиноятлар натижасида жамиятга анча катта зарар етказилади.

3. Иқтисодий жиноятчилик аҳоли аксарият қисмининг турмуш тарзига айланиши, ярим жиноий менталитетни шакллантириши мумкин. Масалан, Россияда 10 млн.дан ортиқ фуқаро четдан мол олиб келиб сотиш билан шуғулланади. Тадқиқотлар уларнинг деярли барчаси белгиланган бож тўлаш қоидаларини бузиши, даромадларни солиқ органларидан яширишини кўрсатади.

4. Иқтисодий жиноятчилик ўз табиатига кўра деярли тўла уюшган хусусиятга эга. Аксарият чет мамлакатларда уюшган жиноятчилик асосан жиноий даромад манбалари – қиморхоналар, наркотижорат, рэкет, қурол савдосини назорат қилса, айрим мамлакатларда (масалан, Россияда) у бутун иқтисодиётни бошқаради.

Иқтисодиётнинг норматив негизини ҳар хил ҳуқуқий нормалар, чунончи: конституциявий, фуқаролик-ҳуқуқий нормалар, маъмурий ҳуқуқ ва хўжалик ҳуқуқи нормалари ташкил этади. Шу боис иқтисодий жиноятларни ўрганиш ва уларнинг олдини олиш муаммоси жиноят ҳуқуқи нормаларини иқтисодиётда юз бераётган ижтимоий жараёнларга ва иқтисодиётнинг норматив негизига боғлаб таҳлил қилишни назарда тутди.¹

15.2. Иқтисодий жиноятларнинг сабаблари ва уларни юзага келтирувчи омиллар

Иқтисодиёт соҳасида содир этиладиган тамагирлик жиноятларининг сабаблари ҳам объектив, ҳам субъектив хусусиятга эга. Иқтисодий муносабатлар, уларнинг зиддиятлилиги ва сал-

¹ Криминология. – М., 1997. – 482-б.

бий хусусияти жинойтчиликни юзага келтиради. Иқтисодий жинойтчилик макродаражада мавжуд бўлишини таъминлайдиган ва ташкилий-хўжалик фаолиятининг муайян жабҳасида жинойт содир этиш аҳдига бевосита таъсир кўрсатадиган омилларни аниқлаш мазкур жинойтчилик турини билиш учун муҳимдир.

Криминологик тадқиқотлар бозор иқтисодиётига ўтиш ишлаб чиқаришнинг шаклланаётган усуллари билан иқтисодий сиёсатнинг асосий йўналишларини амалга оширувчи ташкилий-хўжалик қарорлари ўртасидаги жиддий қарама-қаршиликни юзага келтирганлигини кўрсатади.

Иқтисодий жинойтларни юзага келтирувчи омилларни шартли равишда иккига: ташкилий-хўжалик омиллари ва ижтимоий-психологик омилларга ажратиш мумкин.

Биринчи гуруҳга иқтисодий сиёсатнинг камчиликлари, лозим даражадаги назорат тизимининг йўқлиги, ҳуқуқ ижодкорлиги фаолияти хўжалик амалиётининг талабларига жавоб бермаслиги ва ҳоказолар киради. Қўйидаги омиллар муайян қилмиш билан бевосита боғлиқ бўлади: ҳисоб юритиш ва ҳисобот тизимининг камчиликлари, раҳбар томонидан кундалик назорат олиб борилмаслиги, моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга шахсларни танлаш талабларига беписандлик ва ҳ.к.

Иккинчи гуруҳга ҳуқуқий тарбия ишларидаги камчиликлар, аҳоли, айниқса ўрта бошқарув бўғини хўжалик соҳасидаги мураккаб вазифаларни янги иқтисодий мафкура негизида ечишга тайёр эмаслиги киради.

Юқорида қайд этилган омиллар гуруҳлари иқтисодий жинойтчилик даражаси ва динамикасига ҳар хил таъсир кўрсатади. Бунда нарх бергилаш механизми ҳамда солиқ сиёсатидаги камчиликлар алоҳида аҳамият касб этади. Ўтиш даври иқтисодий сиёсатининг камчиликлари иқтисодий ислохотнинг айрим йўналишларида криминоген кескинлик ўчоқларини яратувчи асосий омиллардан бири ҳисобланади.

Иқтисодий жараёнларни тартибга солиш соҳасидан давлатнинг четлатилиши, ҳуқуқий тартибга солишнинг умумий рухсат берувчи усуллари кенг жорий этилиши иқтисодиётдаги вазиятни беқарорлаштиради. Нархларнинг эркинлаштирилиши, пул массаси, фоиз ставкалари ҳамда солиқ ставкалари билан мани-

пуляциялар қилиниши давлатнинг иқтисодий сиёсатини қайта кўришни тақозо этди.

Ноиқтисодий мажбурлов, тартибга солишнинг маъмурий усуллари бекор қилиниши натижасида хўжасизлик иқтисодий жиноятчиликка ўз таъсирини янада кучайтирди. Социалистик ишлаб чиқариш усули ҳодисаси бўлган хўжасизлик тартибга солишнинг бозор механизмлари ишга солиниши билан йўқолмади, балки фақат шакл-шамойилини ўзгартирди. Хўжасизликнинг криминоген фаоллик даражасини пасайтириш учун мулкни давлат тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ узок давом этадиган жараён, яъни иқтисодиётдаги ҳолатга давлат мулкининг амалдаги таъсирини ўзгартириш талаб этилади.

Иқтисодий жиноятчилик хусусияти ва даражасига хўжалик механизми фаолиятидаги бошқа камчиликлар, масалан, ишлаб чиқариш алоқаларининг узилиши ёки, таъбир жоиз бўлса, «хўжалик сепаратизми» ҳам билвосита таъсир кўрсатади.

Давлат назорати амалдаги тизимининг камчиликлари аниқланмаган, яширин иқтисодий жиноятлар тарқалишига имконият яратмоқда. Бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берувчи янги назорат тизими замирида назорат объектларини мулк шаклларига кўра нодавлат, жамоат, аудиторлик (пуллик мустақил), идоровий ва ички (ички хўжалик) турларига ажратиш ётади.

Иқтисодий жиноятлар содир этилишига корхонадаги вазият ҳам имконият яратади. Бундай омиллар қаторига қуйидагилар киради:

1) корхона мулки лозим даражада кўриқланмаслиги, объект ичидаги режимнинг бузилиши ва моддий бойликларни олиб чиқиб кетишга имконият яратилиши;

2) ҳисоб юритилмаслиги, тафтиш ва инвентаризация ўтказиш тартиби ва муддатларининг бузилиши;

3) моддий жавобгарлик билан боғлиқ лавозимларга илгари тамагирлик жиноятлари учун судланган, ғайриҳуқуқий қилмишлар содир этишга мойил шахсларнинг тайинланиши;

4) жамоада ҳуқуқий тарбиядаги камчиликлар;

5) айбдорни қуршаган шахслар ахлоқий даражасининг пастлиги.

Тадқиқотлар ички ишлар органларининг иқтисодий жиноятчиликка қарши кураш бўлинмаларида тезкор қидирув ишининг даражаси пасайиб бораётганлигидан далолат беради.

Иқтисодиётда юз берган ўзгаришлар тергов ва прокурорлик амалиётини қилмишнинг фактик томонини баҳолаш ва юридик тавсифлашда хатоларга олиб келди. Рухсат этилган ва жиной ҳаракатларнинг чегаралари ўзгарди, хўжалик таваккали каби тушунчаларнинг мазмуни ҳақидаги тасаввурлар эса ҳали шаклланмаган. Мулкӣ муносабатларнинг ўзгариши иқтисодиётдаги ғайриқонуний ҳаракатлар учун нодавлат ташкилотларга нисбатан жинойт ишлари қўзғатиш учун асосларни аниқлаш нисбатан ёндашувларни ўзгартиришни тақозо этди.

Муқобил иқтисодиётнинг пайдо бўлиши ижтимоӣ хавфли хулқ атворнинг илгари маълум бўлмаган шакллари жадал суръатларда ўсишига сабаб бўлди. Улар иқтисодиётнинг беқарорлашувига олиб келаётир. Айрим қилмишлар иқтисодий ривожланган мамлакатларда кўпдан бери маълум бўлса, айрим жиной хатти-ҳаракатлар ҳозирги ўтиш даврига хосдир. Бундай қилмишлар қаторига сохта банкротликни, рўйхатга олиш ҳужжатларидаги маълумотларни қасддан бузиб кўрсатишни, бозордаги яккаҳокимлик мавқеини суиистеъмол қилишни киритиш мумкин.

Ижтимоӣ онг юз бераётган иқтисодий ўзгаришларга ҳали яхши мослашмаган. Одамларга муносиб ҳаёт кечириш учун шарт-шароит яратишга қодир бўлган иқтисодиётни тиклашда тадбиркорликни ўрни ва аҳамияти ҳақидаги янглиш тасаввур ҳам жамиятнинг маънавий-психологик бирлигига салбий таъсир кўрсатади.

15.3.Иқтисодиёт соҳасидаги жинойтларнинг олдини олиш

Криминология фани нуқтаи назаридан жинойтларнинг олдини олиш иқтисодий фаолият жабҳасида жинойтчиликнинг пайдо бўлиши ва ривожланишини белгиловчи ёки муайян иқтисодий жинойтлар содир этилишига имконият яратувчи омилларга уларни нейтраллаштириш ёки уларга барҳам бериш йўли билан таъсир кўрсатишдан иборат. Бундай профилактика фаолияти турли миқёсда, хусусан маҳаллий ва минтақавий даражаларда, айрим корхоналар, муассасалар ва ташкилотларда амалга оширилиши мумкин. Умумий (умумижтимоӣ) ва махсус профилактика чоралари фарқланади.

Иқтисодий жиноятчиликнинг умумижтимоий профилактикаси иқтисодиётдаги, жамият ҳаёт фаолиятининг ижтимоий ва бошқа жабҳаларидаги зиддиятларга барҳам беришдан иборат. У жамият олдида турган муҳим вазифаларни ечиш йўли билан таъминланади. Ижтимоий ривожланишнинг мазкур босқичида бундай вазифалар жумласига саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг пасайишини тўхтатиш, сўнгра уни аста-секин кўтариш, инфляцияга барҳам бериш, бозор иқтисодиёти инфра-тузилмасини яратиш, ҳалол, инсофли рақобатни таъминлаш киради.

Иқтисодий фаолият соҳасида жиноятларнинг олдини олишга бевосита қаратилган махсус профилактика чораларини амалга ошириш субъектлари сифатида, аввало, тадбиркорлар, корхоналарнинг менежерлари, шунингдек иқтисодий муносабатларнинг бошқа субъектлари: меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, ички хўжалик, аудиторлик ва давлат назорати вакиллари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, вакиллик ва ижроия ҳокимияти ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг вакиллари амал қилади.

Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишда тадбиркорлик ташкилотларининг хўжалик фаолияти жабҳасида назорат вазифаларини бажарувчи давлат ва нодавлат тузилмалари муҳим роль ўйнайди. Бундай тузилмаларнинг айримлари Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда қабул қилинган қонун ҳужжатларига биноан ташкил этилган. Масалан, 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ, бу банк тижорат банклари ҳамда бошқа кредит муассасалари фаолияти устидан назорат олиб бориши шарт.

Бунда бош вазифаси солиқ қонунчилигига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисобланиши, давлат солиқлари ва бошқа тўловлар тегишли бюджетларга ўз вақтида тўлиқ киритилиши устидан назорат олиб боришдан иборат бўлган Давлат солиқ қўмитаси ҳам муҳим роль ўйнайди.

Иқтисодиёт соҳасида жиноятларнинг олдини олиш ижтимоий бошқарувнинг ажралмас қисми бўлиб, ҳуқуқбузар шахсини тузатиш ва жиноятлар содир этилишига имконият яратувчи ҳолатларга барҳам беришга қаратилган иқтисодий, ташкилий-

ишлаб чиқариш, техник, ҳуқуқий, тарбиявий чоралар тизимини амалга оширишни назарда тутди.

Шу муносабат билан умумижтимоий чоралар кўриб чиқиладиган жиноятлар турининг олдини олиш учун муҳим аҳамиятга эга. Улар омилкорликка йўл очиш, иқтисодий муносабатлар соҳасида шахс ижодий имкониятларини рўёбга чиқариши учун шарт-шароит яратиш, иқтисодиётнинг давлат ва муқобил секторларида тадбиркорлик тенг ҳуқуқий ҳимоя қилинишини таъминлаш, зарур бозор инфратузилмасини яратишни назарда тутди. Ўзини ўзи маблағ билан таъминлаш ва ўзини ўзи бошқариш асосида иқтисодий жараёнларни тартибга солишнинг демократик принципларини жорий этиш умумий огоҳлантирувчи аҳамиятга эгадир.

Бошқарув тизимини такомиллаштириш, мансабдор шахслар ва ходимларнинг ваколатлари соҳасини мувозанатга солиш, шу жумладан мансабдор шахсларнинг ғайриқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят бериш ҳуқуқини жорий этиш чоралари ҳам кучли профилактик таъсирга эга.

Саноатни техник жиҳатдан модернизация қилиш, замонавий техника ва технологиядан фойдаланиб, фаол ривожланиш йўлига ўтиш, маънавий ва жисмонан эскирган ускуналарни алмаштириш тадбирлари ҳам хўжалик жиноятларининг олдини олиш нуқтаи назаридан муҳим аҳамият касб этади.

Корхоналар, акциядорлик бирлашмалари, масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари, уларнинг меҳнат жамоалари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат, аудиторлик ва ички хўжалик назорати вакиллари иқтисодий жиноятларни профилактика қилиш субъектлари ҳисобланади. Хўжалик юретишнинг янги шароитларида корхоналарни комплекс ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш масалаларини ҳал қилувчи вакиллик органлари ҳамда маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг профилактика фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Огоҳлантириш чораларини изчил тавсифлашда қуйидагиларни алоҳида қайд этиш лозим:

1. Иқтисодий чоралар бозорга ўтишнинг умумий концепциясига ва иқтисодий сиёсатнинг айрим йўналишлари бўйича махсус давлат дастурларига киритилади. Булар: тадбиркорлик, шу

жумладан кичик тадбиркорликни ривожлантириш дастури, давлат корхоналарини хусусийлаштириш дастури, монополистик фаолиятни чеклаш ва инсофли рақобат учун шарт-шароит яратиш дастури, банк тизимини ислоҳ қилиш, ишлаб чиқариш воситалари билан улгуржи савдо қилиш (товар-хом ашё биржалари), қимматли қоғозлар бозори (фонд биржалари), ахборот, маслаҳат ва воситачилик тармоқларини шакллантириш дастурлари ва ҳ.к.

Иқтисодий чоралар гуруҳида давлат томонидан кафолатланган меҳнат жамоалари ва мулкдорларнинг оператив-хўжалик фаолиятига аралашмаслик, давлат олдидаги мажбуриятлар бажарилганидан сўнг олинган даромадлар (фойда)ни эркин тасарруф этишни таъминлаш алоҳида ўрин тутди. Қонунчилигимизда илк бор мулкдор томонидан давлат ўз ишларига ғайриқонуний аралашувидан кўрилган зарарни ундириш имконияти назарда тутилган. Хўжаликни фаол юритишдан шахсий манфаатдордик ҳам хўжасизликнинг ҳар хил кўринишлари криминоген таъсирини камайтиришга ёрдам бермоқда.

Ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солиш, шартнома мажбуриятлари ва давлат буюртмаларини бажариш учун ташқи иқтисодий операцияларни тартибга солиш механизминини яратиш, муайян фаолият соҳаларини лицензиялашнинг имтиёзли тартибини жорий этиш ҳам, ҳеч шубҳасиз, иқтисодий жиноятчилик даражасини пасайтиришга ёрдам беради.

2. Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишнинг ташкилий чоралари тадбиркорликни тартибга солиш тизимини яратиш, жамиятни бу соҳадаги қонунбузарликлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Ушбу тоифага хўжалик-молия назорат органлари кадрларини касбий жиҳатдан тайёрлаш, нархларга риоя этилиши, маҳсулот сифати устидан махсус назорат қилиш, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари каби жамоат тузилмалари фаолияти учун қулай шарт-шароит яратиш тадбирлари ҳам киради.

Нодавлат корхоналари, ташкилотлари маълум фаолият турлари билан шуғулланишинини қонун йўли билан тақиқлаш махсус оғоҳлантириш чоралари жумласига киради. Иқтисодий жиноятчиликка қарши курашда назорат органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларга иқтисодий ривожланган илғор мамлакатлар тажрибасига кўра суриштирув органи ҳуқуқларини бериш ҳам яхши профилактик самара бериши мумкин.

Назорат органларининг хўжалик ҳукуқий муносабатларида қонунийликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини мувофиқлаштириш, иқтисодий қарорларнинг салбий оқибатларини нейтраллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, илғор тажрибани тарқатиш ҳам муҳим профилактик аҳамиятга эга.

Товар-моддий бойликларни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг замонавий, жаҳон хўжалик алоқаларига қўшилишга қаратилган чоралари ҳам иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш мақсадларига хизмат қилади.

3. Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишнинг техник тадбирлари товар, хом ашёни ташишнинг янада мукамалроқ воситаларини ишлаб чиқиш, ўта ноёб хом ашё ва товар ресурсларини жойлаштириш ва сақлаш жойларида ишончли қурилмалар ўрнатиш, қалбаки ҳужжатларни аниқлаш усулларини яратиш, сохталаштирилган маҳсулотларни шошилишч аниқлаш усулларини жорий этишга қаратилган.

Саноатни техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, фан-техника ютуқларига асосланган ишлаб чиқаришлар ва чиқиндисиз технологияларни амалга жорий этиш ҳам иқтисодий жиноятларнинг олдини олиш ғоясига хизмат қилади.

4. Ҳукуқий чоралар иқтисодиётда ғайриқонуний хулқ-атворни огоҳлантиришда муҳим роль ўйнайди. Бу омил ҳозирги шароитда алоҳида аҳамият касб этади, чунки ҳукуқни таъминловчи механизм хўжалик амалиётидан ортда қолаётир. Иқтисодий муносабатларни тартибга солиш соҳасида аниқланган камчиликларни ҳисобга олиб, қонунчиликни такомиллаштириш қуйидагиларни қамраб олиши лозим:

- ◆ бозорда барча хўжалик объектлари учун умуммажбурий хулқ-атвор қоидаларини ишлаб чиқиш;

- ◆ хўжалик қонунчилигини истеъмолчиларнинг манфаатларига зиён етказадиган тарзда бузган юридик ва жисмоний шахсларни моддий жавобгарликка тортиш тизимини ишлаб чиқиш;

- ◆ инсофсиз рақобатнинг ҳар хил турлари учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни назарда тутиш.

Иқтисодий ислоҳот муваффақияти илгари амалда бўлган, ислоҳот мақсадлари ва вазифаларига зид келмайдиган ҳукуқий қоидаларни янги қабул қилинган қоидалар билан мувофиқ ҳолатга келтиришга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ.

Иқтисодий хулқ-атворнинг судхўрлик, сохта тадбиркорлик, сохта банкротлик, даромадларни яшириш каби хавфли шакллари учун маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий этиш ҳам умумий огоҳлантирувчи аҳамиятга эга.

Қонун ижодкорлиги жараёнини ислоҳ қилиш иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш мақсадларига хизмат қилади. Қонунларнинг бажарилмаслиги кўпинча уларнинг но-изчиллиги, қабул қилинувчи қарорларнинг салбий оқибатларига барҳам бермаслиги билан изоҳланади. Бу қабул қилинаётган қонун лойиҳаларининг мустақил экспертизасини жорий этишни тақозо қилади. Иқтисодий жиноятларнинг олдини олишда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш чоралари ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Бу ерда хўжалик судлари ҳамда прокуратуранинг умумий назорати алоҳида ўрин эгаллайди. Мазкур органлар ҳуқуқбузарликларнинг илк босқичларидаёқ қонунга ҳурматсизликка йўл қўймаслик бўйича таъсирли чоралар кўришга қодир.

5. Тарбиявий чоралар мустабид тузум давридан қолган боқимандалик кайфиятидан халос бўлиш, ташаббускорлик ва омилкорлик хусусиятларини шакллантиришга хизмат қилади. Тадбиркорлик алоҳида фаолият тури ва ижтимоий ҳодиса сифатида муайян тарихий ва ижтимоий муҳитларда тикланмоқда. Шу сабабли ижтимоий онгда жамиятни жипслаштириш, одамлар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қодир ўта самарали иқтисодиётли жамият қуриш ғоясини юксалтириш муҳим тарбиявий аҳамиятга эгадир.

16-мавзу: КОРРУПЦИЯ ЖИНОЯТЧИЛИГИНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Коррупция жиноятчилигининг криминалогик тавсифи, сабаб ва шарт-шароитлари.
2. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш.

16.1. Коррупция жиноятчилигининг криминалогик тавсифи, сабаб ва шарт-шароитлари

Республикамизда бугунги кунда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида коррупция жиноятчилиги сонининг ошиб бораётганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг камровли ислохотлар йўлида жиддий ғов бўлмоқда. Айниқса тадбиркорлик соҳасидаги коррупция жиноятчилигининг улуши ошиб бораётганлиги салбий ҳодисадир. Р. Қодиров таъкидлаганидек, “Шуни афсус билан айтиш керакки назорат органлари, ёки тадбиркорга хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи қайси бир давлат идораси фаолиятини таҳлил қилмаган ўша жойдаги маъсул ходимнинг қонунсиз ҳаракатига дуч келасиз”¹.

Коррупция жиноятчилиги деганда коррупция хусусиятига ега бўлган жиноятларнинг мажмуи тушунилади. Коррупция – бу мансабдор шахслар ва давлат хизматчиларининг сотиб олиниши ва шу асосда уларнинг ўз шахсий ёки жиноий гуруҳ, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб расмий хизмат ваколатларидан ҳамда улар билан боғлиқ обрўси ва имкониятларидан фойдаланиши билан тавсифланадиган ижтимоий ҳодисадир. С.Роуз-Аккерман таъкидлаганидек, “коррупция давлат бошқарувининг айрим жиҳатларининг тўғри йўлга қўйилмаганлиги белгисидир”².

Коррупциянинг сиёсий жиҳатдан хавфлилиги қуйидагиларда ифодаланади:

- қабул қилинган қонун ва бошқа норматив актларнинг коррупциялашган давлат аппарати ва унинг таркибий қисмлари томонидан йўқотилишида;

¹ Қодиров Р. Қонуний ҳимоя – бош мезон // Халқ сўзи. 2005 йил 29 июль. – Б.1-2.

² Роуз-Аккерман С. Коррупция и государства. Причины, следствия, реформы: Пер.с.англ. О.А. Алякринского. – М.: Логос, 2003. – С.7.

- фуқароларнинг тоъбелиги қонунлар билан эмас, балки коррупциялашган давлат хизматчиларининг зулмидан келиб чиқади;

- ижтимоий онги коррупция сингари сиёсий режимнинг салбий усулини чуқур сингдириш ва ҳ.к¹.

БМТ Бош Ассамблеясининг 1979 йил 17 декабрдаги 34/169 сон Резолюсияси билан қабул қилинган мансабдор шахснинг ҳуқуқий тартиботни сақлаш соҳасидаги ҳулқ-атвор кодексининг 7-моддасида баён етилган талабларнинг мазмунига кўра, “коррупция” ёки мансаб ваколатларини ғаразгўйлик манфаатларида суистеъмол қилиш жамиятда беғараз хизмат қилиш принципини бузишга йўналтирилган ҳаракатлардир².

Коррупция механизми – бу:

- икки томонлама тузилган битим бўлиб, унда мансабдор шахс ёки давлат хизматидаги бошқа шахснинг мансаби, обрўси ва улар билан боғлиқ имкониятларига асосланиб, ўз хизмат ваколатлари ёки хизматларини жисмоний ва юридик шахсларга, гуруҳлар (шу жумладан жиноий уюшма)га норасмий “пуллайди”, “харидор” эса давлат тузилмаси ёки бошқа тузилмадан ўз мақсадларида фойдаланиш имкониятини қўлга киритади;

- хизматчи томонидан товламачилик йўли билан пора ёки қўшимча ҳақ ундирилиши;

- кучли руҳий таъсир кўрсатиш йўли билан хизматчиларнинг фаол сотиб олиниши (уюшган жиноятчилик учун хос).

Коррупция жиноятчилик детерминациясининг умумий ва махсус жараёнлари оқибатидир. Жиноятчилик детерминациясининг махсус жараёнлари асосан мансаб ёки бошқа хизматлар билан боғлиқ ҳисобланади. Коррупция жиноятчилигининг сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитларни кўриб чиқишда:

- мансаб вазифаси;

- ижтимоий назоратнинг ҳолатини қайд етиш зарур.

Мансаб билан боғлиқ бўлган (хизмат шарт-шароитларида) коррупциянинг вужудга келишига сабаб бўлувчи ҳолатлар жумласига қуйидагилар киради:

¹ Коррупция в Узбекистане. Истоки и возможности ее преодоление.

² СССР и международное сотрудничество в области прав человека. Документы и материалы. – М., 1989. – С.503.

- Меҳнатга мансабдор ва уларнинг оилаларига муносиб ҳаёт кечириш имконини берадиган миқдорда ҳақ тўлаш қоидаларини бажармаслик.

- Бошқарув типи. Вазиятдан келиб чиққан ҳолда бошқариш билан боғлиқ бўлган вазифалар кўп жиҳатдан алоҳида хизматчиларнинг ихтиёрига биноан ҳал етилади. Ҳуқуқий тартибга солиш фақат умумий тартибда амалга оширилади, шунинг учун ҳам бу ерда шахсий ихтиёр ва ўзбошимчаликка кенг йўл очилади. Норматив бошқарувда маълум типдаги вазиятда уларни батафсил тартибга соладиган ҳуқуқий нормаларнинг қўлланилиши ҳақида гап боради. Бу ҳолда ҳам порахўрлик мавжуд бўлади, аммо пора амалдорнинг белгиланган қоидаларни бузиши учун берилади.

- Ижтимоий-руҳий вазият. Давлат хизматчилари муҳитидаги коррупциянинг нормал ҳодиса сифатида эътибор етилиши жиноий мойилликни шакллантирувчи омил ҳисобланади.

Коррупция жиноятчилигини содир етувчи мансабдор шахсларда моддий фойда олиш учун қонун ва ахлоқ нормаларига қарши бориш, касб этикасини бузишга мойиллик кучли бўлади. Унда очкўзлик ва ҳасадгўйлик сингари шахснинг феъл-атворини тавсифловчи хусусиятлар ҳам таъсир кўрсатади. Бундай шахс яшаётган ижтимоий муҳит ҳақида гапирганда:

- унда коррупция ва бошқа жиноий фаолият натижасида катта моддий фаровонликка еришган шахсларнинг мавжудлиги;

- шахснинг турмуш даражаси моддий жиҳатдан таъминланганлиги ва келгусида бу таъминланганлик даражасининг кескин камайиши;

- ниҳоятда қиммат турувчи одатлар, қизиқишларнинг мавжудлиги ва бошқа шунга ўхшаш ҳолатларни ҳам қайд этиб ўтиш лозим.

Ижтимоий назорат огоҳлантирувчи хусусиятга эга бўлиши керак. Мансабдор шахсларнинг даромадлари ва харажатлари, уларнинг ўз хизмат мажбуриятларини бажариши устидан назоратнинг йўқлиги, коррупция фактларига эътибор бермаслик ёки юзаки, қонунга асосланмаган ҳолда эътибор бериш коррупция жиноятчилигининг содир етилишини енгиллаштирувчи, айбдорларнинг бир қисми учун эса – сабабий комплексни ташкил етувчи, жиноий мойилликни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар ҳисобланади.

16.2. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш

Коррупция жиноятчилигини умумий ва махсус олдини олиш чоралари мавжуд бўлиб, умумий олдини олиш коррупциядан янги ижтимоий муносабатларни вужудга келтириш ва мустаҳкамлаш, бозор муносабатларига ижтимоий таянч яратиш воситаси сифатида фойдаланилишини истисно этиш, шунингдек, жиноий йўл билан топилган даромаднинг расмийлаштирилиши ва кўпайтирилишини назарда тутати¹.

Республикамизда ҳокимият ва бошқарув органларининг фақатгина 1998 йилнинг ўзида коррупция характеридаги 1500 дан ортиқ жиноятлар аниқланган ва улардан 450 та жиноят иши судга оширилган. Коррупция ҳамда жиноятчиликка қарши кураш, ҳуқуқий тартиботни сақлаш каби вазифалар юклатилган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ҳам мазкур жиноятлар содир этилиши ҳолатлари аниқланган. Хусусан, 1998 йилнинг ўзида суд маҳкамаси ходими, 4 та прокуратура, 20 та ички ишлар, 10 та солиқ инспекцияси, 17 та божхона ходимлари жиноий жавобгарликка тортилган.

Коррупцияни махсус олдини олишда қуйидаги чораларни қўллаш муҳимдир:

- мансабдор шахслар, хизматчилар ва уларнинг оилаларига муносиб ҳаёт кечириш имконини берадиган иш ҳақи тайинлаш;
- давлатнинг мансабдор шахслари ва бошқа тоифа хизматчиларнинг даромадлари ва харажатлари ҳамда кадрлар сиёсати устидан қаттиқ назорат ўрнатиш;
- коррупция ва жиноятчиликка қарши кураш олиб бораётган шахслар (ва уларнинг оила аъзолари)нинг хавфсизлигини таъминлаш;
- давлат аҳамиятига молик лавозимни эгаллаганлиги муносабати билан бериладиган қимматбаҳо давлат уйларида хизмат доирасида фойдаланиш режимини жорий этиш;
- Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимидан амалга ошириладиган барча тўловларнинг қонунийлигини таъминлаш ва ҳ.к.

Коррупция жиноятчилигига қарши курашни ташкил қилиш қуйидагиларга асосланиши лозим:

¹ Абдурасулова Қ., Зокирова О. Криминология. Ўқув-услубий қўлланма. –Т.: ТДЮИ, 2003.

- коррупциядаги ўзгаришлар ва унинг сабабларини мунтазам таҳлил қилиш; реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий шарт-шароитлар, ижтимоий онг ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг аҳволидан келиб чиқиб унга қарши кураш стратегияси ва тактикасини аниқлаш;
- қонун ости ҳужжатларига эмас, қонунларга асосланиш;
- Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашнинг мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;
- ихтисослашган кадрларни тайёрлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларида ихтисослашган бўлинмаларни ташкил этиш;
- фуқаролик жамиятларининг турли институтлари, аҳоли ва юридик шахсларнинг ёрдамидан фойдаланиш;
- иш натижаларини систематик баҳолаш ва мавжуд чоратадбирлар тизимига тузатиш киритиш ва ҳ.к.

17-мавзу: ГИЁХВАНДЛИК ВОСИТАЛАРИНИНГ ҒАЙРИҚОНУНИЙ МУОМАЛАСИ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАРНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Гиёҳвандлик воситаларнинг ғайриқонуний муомаласи тушунчаси ва криминологик тавсифи.

2. Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг ҳолати, тузилиши ва динамикасининг умумий тавсифи.

17.1. Гиёҳвандлик воситаларнинг ғайриқонуний муомаласи тушунчаси ва криминологик тавсифи

«Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи» тушунчаси гиёҳвандлик воситаларини олиб кириш (олиб чиқиш), транзит тарзида ўтказиш, сақлаш, бериш, реализасия қилиш, тақсимлаш, олиш, ташиш, жўнатиш, ишлаб чиқариш, тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва уларни йўқ қилиш, шунингдек, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни етиштиришдан иборат ғайриқонуний ҳаракатларнинг йиғиндисидир.

Гиёҳвандлик воситалари – бу инсон организмига махсус (рағбатлантирувчи, кўзғатувчи, азобловчи, галлюсиноген) таъсир кўрсатувчи, унда бу воситаларни муттасил истеъмол қилишга мойилликни пайдо қилувчи келиб чиқиши синтетик ёки табиий бўлган моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлардир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган Гиёҳвандлик воситалари рўйхатларига киритилган гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларгина гиёҳвандлик воситалари сифатида еътироф етилади.

Гиёҳвандлик воситалари жумласига киритилмаган моддалар (бир қатор анальгетиклар, маиший кимё воситалари ва ҳ.к.)ни сууистеъмол қилиш заҳарвандлик - токсикомания деб аталади. Кўпинча токсикоманияда ҳам гиёҳвандликдаги сингари боғлиқлик ва ўзгарган реактивлик кўринишлари намоён бўлади, бироқ уларнинг фойдаланиш даражаси нисбатан пастроқдир. Шунга карамай, бу моддаларнинг истеъмол қилиниши оқибатида гиёҳвандликдагидан кам бўлмаган шахснинг руҳий ва жисмоний бу-

зилишига олиб келади¹. Шу боисдан ҳам заҳарвандлик моддалари (токсикантлар)нинг бир қисми маълум вақтдан сўнг гиёҳвандлик воситаларининг расмий рўйхатига киритилиши мумкин, деб ўйлаймиз. «Наркотизм» атамасига келсак, бу атама янги эмас, уни М.Н.Гернет ва В.Г.Введенский, ўз асарларида қўлланганлар².

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш туфайли вужудга келадиган - наркотик мастлик, заҳарвандлик моддаларининг таъсири эса -заҳарли мастлик деб аталади. Агар гангитиш мақсадида (гиёҳвандлик воситалари жумласига киритилмаган) тиббий препаратлар қўлланса, дори-дармонларни истеъмол қилиш натижасидаги мастлик ҳақида гап боради³. Бироқ кейинчалик бу атама махсус ва юридик адабиётларда қўлланилмай қолган. У фақат 1970 йилнинг бошларидан эътиборан қўлланила бошланди. Бир қатор муаллифларнинг фикрича, бу тушунча нисбатан кенг қамровли бўлиб, тўлиқ ёки қисман гиёҳвандлик тушунчасини ҳам ўз ичига олади. Бундай ёндашув тиббий жиҳати ёрқин намоён бўлган гиёҳвандликдан ҳар хил кўринишлари қонунда тақиқланган салбий ижтимоий ҳодисани турли йилларда бир мамлакатда гиёҳвандлик воситаси ҳисобланмаслиги ёки улар қаторига киритилиши мумкин⁴.

Юқорида айтилганларга асосланиб гиёҳвандлик воситаларига қуйидагича таъриф бериш мумкин. Марказий асаб тизимига (қўзғатувчи, тинчлантирувчи, галлюсиноген ва ҳ.к.) таъсир кўрсатувчи табиий ёки сунъий табиатга эга бўлган, шунингдек, дори препаратлари, ўсимликлар (бу ўсимликларнинг қисмлари); доимий равишда уларнинг истеъмол қилиниши натижасида қатъий руҳий ва жисмоний боғлиқлик (гиёҳвандлик)ни вужудга келтирувчи, кейинчалик истеъмол қилиш тўхтатилганида абстиненциянинг ривожланиши ва истеъмол дозасининг кўпайиши (толерантлик)ни вужудга келтирувчи агар уларнинг истеъмол қилиниши ижтимоий хавфли кўринишларда ва улар қонунда гиёҳвандлик воситалари деб белгиланган бўлса, бундай моддалар гиёҳвандлик воситалари дейилади.

¹ Вальдман А.В., Бабаян Э.А., Звартау Э.Э. Психофармакологические и медико-правовые аспекты токсикомании. - М.: Медицина, 1988. - С. 228.

² Гернет М.Н. Наркотизм, преступность и уголовный закон //Право и жизнь. - 1924. №3-4; Введенский В.Г. Наркотизм и преступность. - М.: 1925. - С.14.

³ Пятницкая И.Н. Клиническая наркология. - С.332.

⁴ Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. М: -Юристь, 1996. -С.542-544.

Енг кенг тарқалган гиёҳвандлик воситалари жумласига қуйидагилар киради:

- наша ва ундан тайёрланган гиёҳвандлик воситалари (марихуана, наша ёки «план» ва ҳ.к.);
- кўкнори ва ундан тайёрланган гиёҳвандлик воситалари (афюн, таряк, морфий, героин, промедол, кодеин ва ҳ.к.);
- кокаин ва ундан тайёрланган гиёҳвандлик воситалари;
- лизергин кислотаси – ЛСД;
- кимёвий синтез қилинган воситалар (амфетомин, триметилфентанил ва ҳ.к.).

Гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш бартараф этилиши қийин бўлган ёки бартараф етиб бўлмайдиган жисмоний ва руҳий боғлиқликка олиб келади.

Аҳолининг гиёҳвандлик воситалари истеъмол қилишга берилиши:

- миллатнинг ялпи жисмоний, руҳий ва маънавий таназзулга учрашига; мамлакат иқтисоди, фуқаролар турмуши ва мудофаа қобилятининг таянчи бўлиши керак бўлган жуда кўп одамларнинг шахсий деградасиясига;

- аҳолининг насл қолдириш қобилятига ва келгуси авлодларнинг саломатлигига салбий таъсир кўрсатилишига;

- жиноятчиликнинг оммавий негизлари яратилишига;
- виктимлик даражаси юқори бўлган шахсларнинг кўпайишига;

- қуроли кучларнинг жанговар қобилятига путур етишига;

- гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилишга мойил шахсларни профилактика қилиш, даволаш, уларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш ва бошқа шунга ўхшаш тадбирларга давлат ва жамият томонидан катта маблағларнинг ажратилишига олиб келади.

«Психотроп моддалар» атамасига тўхталадиган бўлсак, ушбу моддалар билан боғлиқ бўлган қонунга хилоф операсиялар учун Ўзбекистон Республикаси ЖКда ҳам жавобгарлик белгиланган. Халқаро ҳуқуқ нуктаи назаридан психотроп моддаларга келиб чиқиши сунъий ва табиий бўлган, БМТнинг 1971 йилги Конвенсияда шундай модда, деб классификасия қилинган моддалар

киради¹. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят Кодексидаги янги «психотроп модда» атамаси бугунги кунда чуқур ҳуқуқий маъно касб этдики, бу 1999 йили қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида»ги қонунида ҳам ўз аксини топди. Ҳуқуқий нуқтаи назардан психотроп моддалар жумласига фақат гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш Давлат комиссияси томонидан тасдиқланган психотроп моддалар Рўйхати (3-рўйхат)да санаб ўтилган. Ушбу рўйхат Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш Давлат комиссияси, Республика Ички ишлар вазирлиги ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тақдим этилади ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

17.2. Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг ҳолати, тузилиши ва динамикасининг умумий тавсифи

Тадқиқотлар натижасида олинган маълумотлар ва экспертларнинг баҳолашларига қараганда, Ўзбекистон Республикасида гиёҳвандлик воситаларини сурункали истеъмол қилувчи шахслар сони 200 минг кишини, гиёҳвандлик воситаларини синаб кўрган шахслар сони еса ундан ҳам кўпроқни ташкил этади. Ваҳоланки, соғлиқни сақлаш органлари томонидан рўйхатга олинган гиёҳвандлар сони атиги 30 минг кишини, ташкил қилади. Бу мазкур ҳодисанинг латентлик даражаси юқори (6-7 барабар) эканлигидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикасида 1995-2000 йилларда гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ бўлган 40288 та жиноят рўйхатга олинган бўлса, 2001 йилда 9005 та жиноят қайд этилган² ва бу жиноятларни очиш натижасида 11,5 тонна наркотиклар мусодара қилинган³.

Республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари ва Соғлиқни сақлаш муассасаларининг маълумотларига кўра 2000

¹ Комитет экспертов ВОЗ по лекарственной зависимости. 19-й доклад. –М.: Медицина, 1974. –С. 12.

² Ниязов А. Халқаро наркобизнесга қарши фаолиятда прокуратуранинг ўрни. //Гиёҳвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий амалий анжуман материаллари. Т.: 2002. - Б.121-122.

³ Ўзбекистон Республикаси Прокуратураси маълумотларидан. . Т.: 2002.

йилда 14400 нафар бўлган бўлса, 2003 йилнинг бошларида доимий равишда гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчи фуқаролар 30 мингга яқинлашган¹.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, гиёҳвандлик воситаларига ружу қўйганлар сони 2001 йилда 2000 йилга нисбатан 16%га ортган. Бироқ республика МХХ ходимларининг оператив маълумотларига кўра ҳақиқий аҳвол расмий рўйхатга олинганлар сонидан кўра 10-15 маротаба кўпдир. Бу иллатнинг енг хавфли жиҳати шундаки, гиёҳвандлик вояга етмаганлар орасида ҳам кўпайиб бормоқда. Ўсмир-ёшлар орасида гиёҳвандлик воситаларини алкоғолли ичимликларга нисбатан кўпроқ истеъмол қилишдек субмаданият шаклланиб бормоқда.

Олиб борилган тадқиқотлар жараёнида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш тажрибасига эга бўлган ўсмирлар гиёҳвандлик воситаларини алкоғолли ичимликлардан кўра қўйидаги афзалликлари борлигини таъкидлашган:

1) атрофдагиларнинг шахс гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилаётганлигини билиши қийинлиги туфайли уларнинг ўз касаллигини яшира олиши (сўралганларнинг 34,2%);

2) жамиятда наркоманларга нисбатан муносабатнинг алкоғоликларга қараганда яхшироқ эканлиги (23,7%);

3) алкоғоликларга нисбатан гиёҳвандлар орасида ўзаро ҳам-жиҳатлик ва қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги (14,2%);

4) гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилиш натижасидаги кайф (эйфория)нинг анча кўпроқ давом этиши (24,3%) кабилар.

Тошкент, Нукус, Самарқанд шаҳарларидаги нарковазиятни ўрганиш, шуни кўрсатадики, 2000-2002 йилларда вояга етмаганлар орасида гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилувчилар шу давр мобайнида алкоғолли ичимликларни истеъмол қилувчиларга нисбатан 1,5 марта кўпроқни ташкил қилган.

Шуни ҳам қайд этиш лозимки, агар республикаимиз ҳудудида 1995-2000 йилларда ушланган наркотикларнинг 20-22,2 фоизи опий гуруҳига мансуб бўлган гиёҳвандлик воситалари ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2001 йилда мусодара қилинган наркотикларнинг 84% ни опий ва героин ташкил қилди. Бундай «товар»ларни катта миқдорда ушлаш ҳоллари кўпайган.

¹ Абдуллаев А. Проблемы борьбы с наркобизнесом и наркоманией в Республике Узбекистан. // Гиёҳвандликка қарши кураш: назария ва амалиёт (ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатлар) мавзусидаги халқаро илмий-амалий анжуман материаллари . Т.:2002.- Б.54.

Йиғилган маълумотларни ўрганиш республика наркобозорида муайян ўзгаришлар рўй берганлигини кўрсатади, яъни кўкнор ва наша миқдори камайиб, уларнинг ўрнини «қаттиқ» ва синтетик гиёҳвандлик воситалари эгаллаётганидан далолат беради.

Республикамиз шаҳарларида вояга етмаганлар томонидан морфин, кокаин кабиларнинг истеъмол қилиш фактларига дуч келмадик. Бунинг сабаби ушбу наркотиклар нархининг қимматлиги туфайли уларга талабнинг йўқлигида деб ўйлаймиз. Вояга етмаганлар асосан опий хом ашёсини томирга юбориш усули билан истеъмол қиладилар ва героин моддасидан фойдаланадилар.

Организмга юбориладиган бир доза гиёҳвандлик воситаларининг нархи, Тошкентда 10-15 минг сўмга тенг бўлиб, уни республикамизнинг бошқа шаҳарларидаги нархи ҳам тахминан шунчани ташкил қилади.

Вояга етмаганлар опий хом ашёсини организм учун «хавфсиз» даражагача тозалаш технологиясини билмаганликлари сабабли гиёҳвандлик воситалари билан бирга кофе, куйдирилган шакар ва бошқа ингредиентларни ҳам истеъмол қиладилар. Бу ингредиентлар сотилаётган наркотик модда дозасининг миқдорини кўпайтириш учун қўшилади.

Ҳарбий хизматга чақирилаётган вояга етмаганлар стационар текширувдан ўтказилганда барча наркоманларнинг ички органлари (айниқса, жигар) фаолиятининг бузилганлиги аниқданган. Агар 1970-1980 йилларда гиёҳвандлик воситаларининг суистеъмол қилиниши шу турдаги ўсимликлар етиштириладиган минтақаларга хос бўлган бўлса, ҳозирги вақтга келиб, бу муаммо республикамизнинг кўпгина шаҳарлари ва аҳоли пунктларини ҳам қамраб олди. Гиёҳвандлик илгари шаҳарларга хос муаммо бўлган бўлса, у энди қишлоқларга ҳам кириб бормокда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг маълумотларига кўра 1991 йилдагига нисбатан 2001 йилда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиш билан боғлиқ жиноятлар миқдори 4,5 баробарга ошган. Айтиқса, 1995 йилда бундай жиноятлар кўпайган. Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга хилоф муомаласи билан боғлиқ бўлган рўйхатга олинган жиноятларнинг умумий кўрсаткичи 1999 йилда 1999 йилдагига қараганда 11% га кўпайди ва 6630 та жиноятни, 2000 йилда 7100 та жиноятни ташкил этди.

Гиёҳвандлик воситаларининг гайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятчиликнинг тузилиши қуйидаги кўринишга эга (2001 йилгача бўлган ҳолатга кўра):

- гиёҳвандлик воситаларини талон-торож қилиш (ўғирлик, талончилик, босқинчиликлар) – 0,6%;
- гайриқонуний равишда тайёрлаш, сотиб олиш, сақлаш, ташиш, жўнатиш – 93%;
- бошқа шахсларни истеъмол қилишга жалб етиш – 0,7%;
- бангхоналар ташкил қилиш ёки сақлаш – 1%;
- гиёҳвандлик воситаларини олиш мақсадида рецептларни қалбакилаштириш – 0,1%;
- қонунга хилоф равишда таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган ўсимликларни экиш ёки ўстириш – 1%;
- гиёҳвандлик воситаларининг қонуний муомалада бўлиши қоидаларини бузиш – 2,5%.

18-мавзу. ЭКОЛОГИЯ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЧИЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

1. Экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси
2. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг криминалогик тавсифи
3. Экология соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имконият яратувчи омиллар
4. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари ва асосий йўналишлари

18.1. Экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси

Экология соҳасидаги жиноят – бу жиноят қонунида назарда тутилган атроф муҳит ва унинг унсурларига тажовуз қилувчи ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). У табиат объектларидан бевосита ғайриҳуқуқий фойдаланиш ёки уларга зарарли таъсир кўрсатиш натижасида уларда салбий ўзгаришлар ясалишида ифодаланиши мумкин.

Миллий иқтисодиётни ривожлантиришнинг экстенсив методлари жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири соҳасида эҳтиёжлар билан уларни қондириш имкониятлари (усуллари) ўртасида қарама-қаршилик юзага келишига сабаб бўлган. Кўп йиллардан бери мавжуд бўлган бу зиддиятлар ижтимоий борлиқ ва ижтимоий онгдаги салбий ҳодисаларни акс эттиради ва экология соҳасида жиноятларни юзага келтиради.

Орол фожиаси, ҳайвонот ва ўсимлик дунёсига зарар етказилиши, ҳаво ва сув хавзаларининг ифлосланиши, зарарли химикатлардан назоратсиз фойдаланиш, нитратларнинг одамлар соғлиғига салбий таъсири инсон жиноий фаолиятининг экологияда ўз ифодасини топган оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Экология соҳасидаги жиноятлар жумласига (бугунги кунда ва қонунга биноан) қуйидагилар киради: экологик хавфсизлик нормалари ва талабларининг бузилиши; атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши ҳақидаги маълумотларни атайлаб яшириш ёки бузиб кўрсатиш; атроф табиий муҳитнинг ифлосланиши оқибатларини тугатиш чораларини кўрмаслик; атроф табиий муҳитни ифослантириш; ердан, ер ости бойликларидан фойда-

ланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш; экинлар, ўрмонларни нобуд қилиш; ўсимликлар касалликлари ёки зараркунандаларига қарши кураш талабларини бузиш; ветеринария ёки зоотехника қоидаларини бузиш; зарарли кимёвий моддалар билан муомалада бўлиш қоидаларини бузиш; ҳайвонот ёки ўсимликлар дунёсидан фойдаланиш тартибини бузиш; сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш талабларини бузиш; алоҳида муҳофаза қилинадиган табиий ҳудудлар режимини бузиш.

Табиийки, кўрсатилган нормалар атроф муҳитга ғайриҳуқуқий тажовузларнинг ҳаммасини қамраб олмайди. Экология соҳасидаги жиноятлар жиноят қонунида бевосита кўрсатилган белгилар бўйича етарли даражада қайд этилмаган. Бу камчиликни бартараф этиш амалда мумкин эмаслиги туфайли шуни эътиборга олиш лозимки, ЎзР ЖКнинг бир қанча моддаларида оқибатлари экологик аҳамият касб этиши мумкин бўлган муайян ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган. Шу тариқа жиноят қонуни, бир томондан, экология соҳасидаги жиноятларни бевосита акс эттиради, бошқа томондан – атроф муҳитга ҳам зарар етказиши мумкин бўлган қилмиш учун жавобгарлик ўрнатади.

Экология соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни табақалаштириш ҳам муҳим криминологик аҳамиятга эга. Бундай ҳуқуқбузарликлар ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жиноий ёки маъмурий жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга табиий муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун маъмурий жавобгарлик ҳақида махсус боб (VIII боб) киритилган бўлиб, ундан атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида маъмурий жавобгарликка сабаб бўлувчи ғайриҳуқуқий хулқ-атворнинг кўпгина таркиблари ўрин олган. ЎзРнинг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига, жумладан, ерлардан хўжасизларча фойдаланиш ёки уларни яроқсиз ҳолга тушириш; ер бериш тартибини бузиш; вақтинча эгаллаб турилган ерларни ўз вақтида қайтариб бермаслик ёки уларни ўз ўрнида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтирмаслик; хўжалик ичидаги ер тузиш лойиҳаларидан ўзбошимчалик билан четга чиқиш, давлат ер кадастри юритиш қоидаларини бузиш; ер ости бойликларини геологик жихатдан ўрганиш иш-

ларини олиб бориш қоидалари ва талабларини бузиш; сув захи-
раларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш; ўрмон фонди
ерларидан фойдаланиш қоидаларини бузиш; атмосфера ҳавоси-
ни муҳофаза қилиш талабларига риоя қилмаслик ва ҳ.к. учун
маъмурий жавобгарлик назарда тутилган.

Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик ўрнатиш жуда муҳим аҳа-
миятга эга, чунки экология соҳасидаги ҳуқуқбузарлик натижа-
сида етказилган зиён кўп миқдорда бўлиб, баъзан орқага қайта-
риб бўлмайдиган хусусият касб этади. Экологик-ҳуқуқий жа-
вобгарликка хос бўлган жиҳат шундан иборатки, ҳуқуқий муно-
сабатларда тарафлардан бири сифатида иштирок этувчи орган-
лар жумласига, умумий давлат органлари (суд, прокуратура,
милиция ва ш.к.дан ташқари), экология соҳасидаги ҳуқуқбузар-
ликларни бевосита кўриб чиқиш ҳуқуқи берилган махсус ор-
ганлар киради. Экологик-ҳуқуқий жавобгарлик институти ком-
плекс хусусиятга эга, чунки ҳуқуқнинг турли тармоқлари (ер,
қончилик, сув, ўрмон ҳуқуқи, маъмурий ҳуқуқ, жиноят ҳуқуқи
ва б.) нормаларини ўз ичига олади.

Табиатдан оқилона фойдаланиш, инсон учун қулай табиий
муҳитни сақлаш ва жамиятнинг экологик хавфсизлигини таъ-
минлаш борасидаги ижтимоий муносабатлар экология соҳаси-
даги ҳуқуқбузарликлар объекти ҳисобланади. Айрим муаллиф-
лар бунини бир қанча сабабларга кўра етарли эмас деб биладилар.
Биринчидан, табиий бойликлардан оқилона фойдаланиш уларни
хўжалик соҳасидаги манфаатларга навбатма-навбат бўйсунди-
ришни назарда тутаяди, бунда одамлар ҳаёти ва соғлиғини
муҳофаза қилиш иккинчи ўринга тушиб қолади. Иккинчидан,
бу таърифдан беқарор атроф табиий муҳитдан фойдаланиш бо-
расидаги муносабатлар ҳуқуқ билан тартибга солинмайди, уни
сақлаш мақсади эса қонунчилик вазифаларига кирмайди, деган
хулоса келиб чиқади. Шу боис экология соҳасидаги ҳуқуқбу-
зарлик объектини инсон ва жамиятнинг оптимал ҳаёт фаоли-
ятини яшаш муҳити билан ўзаро алоқада таъминлаш учун шарт-
шароитлар яратиш борасидаги ижтимоий муносабатлар деб
таърифлаш тўғрироқ бўлар эди.¹

¹ Ерофеев Б.В. Экологическое право России. – М., 1996. – 279-б.

18.2. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг криминологик тавсифи

Экология соҳасидаги жиноятчилик – экологик жиноятлар, яъни атроф табиий муҳитга ва инсон соғлиғига зиён етказувчи, жиноят қонунига биноан тақиқланувчи ва жиноий жазога тортилувчи ижтимоий хавфли қилмишларнинг мураккаб мажмуи.

Экология соҳасидаги жиноятчилик ўзининг демографик, экологик, ижтимоий хусусиятга эга бўлган салбий оқибатларининг оғирлик даражасига кўра бугунги кунда миллий хавфсизликка реал хавф туғдиради. Бу хавф қуйидаги ҳолатларда айниқса яққол намоён бўлади:

яшаш муҳити ҳаётнинг давомийлиги пасайишига, касалланиш, ўлим ҳолларининг кўпайишига ва аҳоли генофондининг заифлашувига сабаб бўладиган даражада ёмонлашувида;

экологик танглик ҳудудларининг юзага келишида;

тикланмайдиган табиий ресурслар (минерал хом ашё, углеводородли энергия манбалари)нинг камайишида;

йирик техноген ҳалокатлар юз бериш хавфининг ошишида;

ер устидаги ҳамда сизот сувлар сифатининг ёмонлашувида;

радиоактив ифлосланишнинг тарқалишида;

ҳаво ҳавзасининг ифлосланиши ҳамда иқлимнинг хавфли даражада ўзгаришида;

озик-овқат маҳсулотлари хавфли даражада ифлосланишида.

Экология соҳасида энг кўп аниқланадиган жиноятлар жумласига одатда ўрмонни ғайриқонуний кесиш, тупроқ ҳамда ўсимликлар тўшамини ифлослантириш киради. Бозор муносабатларига ўтиш шароитида ушбу турдаги жиноятларнинг хавфлилик даражаси айниқса ортади. Сўнгги йилларда экология соҳасида янада оғирроқ оқибатларга сабаб бўлаётган жиноятларнинг янги турлари кўпайиб бораётир. Булар: тикланмайдиган табиий ресурсларни талон-торож қилиш; қазиб олинган минерал хом ашёдан ғайриқонуний фойдаланиш; инсон учун зарarli озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа истеъмол товарлари олиб кириш; ЎзР ҳудудида табиий муҳит учун зарarli бўлган хорижий технология ва ишлаб чиқаришларни жойлаштириш.

Экология соҳасидаги жиноятлар ўзининг бир қанча муҳим хусусиятларига кўра иқтисодий (табиий ресурслардан ғайриҳу-

кукий фойдаланиш), зўравонлик (инсон соғлиғига бевосита шикаст етказиш билан боғлиқ) ёки тамагирлик (ғайриқонуний ов, балиқ овлаш) жиноятлар ҳамдир, бироқ ўз салбий оқибатлари, етказадиган зиён даражасига кўра деярли доим улардан оғирроқ ҳисобланади.

Экологлар берган маълумотларга кўра, масалан, сув ҳавзалари диоксин билан заҳарланишининг ўзидан Россияда ҳар йили 20 минг киши ҳалок бўлмоқда. Стратосферанинг озон қатлами ифлосланиши натижасида деярли шунча одам тери раки билан касалланади¹.

Экология соҳасидаги жиноятчилик яширинлик даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Бу соҳада содир этиладиган жиноятларнинг оз қисми статистикада акс эттирилади. Бунда мазкур жиноятларнинг нафақат яширин, балки яшириладиган қисми ҳам каттадир: аниқланган жиноятлар бўйича ҳар йили қўзғатиладиган жиноят ишларининг умумий миқдори улар ҳақида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга маълум бўлган хабарлар сонига мос келмайди.

ЎЗР ЖКда экология соҳасида содир этиладиган жиноятларнинг кўпгина таркиблари учун жавобгарлик назарда тутилган. Бундай жавобгарлик ўрнатишнинг бош мақсади экология соҳасидаги жиноятларнинг сабабларига ҳамда уларга имконият яратувчи шарт-шароитларга барҳам беришдан иборат.

Ҳуқуқни қўллаш амалиётининг таҳлили жиноий жавобгарлик чоралари асосан табиий ресурсларни ғайриқонуний қўлга киритиш билан боғлиқ жиноятлар учун қўлланилишидан далолат беради. Атроф табиий муҳитга зарар етказиш ҳамда аҳолининг экологик хавфсизлигини бузувчи жиноятлар (сув ҳавзалари, атмосфера ҳавосини ифлослантириш ва б.) учун жиноий жавобгарлик ўрнатувчи нормалар жуда кам қўлланилади.

Атроф табиий муҳитни ифлослантириш ҳоллари мулкдорлар табиатни муҳофаза қилиш тадбирлари учун мўлжалланган харажатларни тежаб қолишга ҳаракат қилиши билан изоҳланади. Корхоналарнинг раҳбарлари ва тадбиркорлар табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ишлаб чиқиш, молиялаштириш ва амалга оширишдан бўйин товлаш, шунингдек уларни лозим даражада амалга оширмасликни кўпинча банкротликдан сақланиш, иш жойларини сақлаб қолиш, ишлаб чиқарилаётган маҳсу-

¹ Криминология. – М., 1997. – 517-б.

лот таннархини камайтиришга уриниш билан асослашга ҳаракат қилади. Амалда бундай ғайриҳуқуқий ҳаракатлар замирида бошқа иқтисодий сабаблар – мавжуд барча, шу жумладан қонунда ман этилган усуллар билан мумкин қадар кўпроқ бойлик орттиришга интилиш ётади.

Экология соҳасидаги янги жиноятлар ҳам иқтисодий сабаблар билан изоҳланади. Кўпгина хорижий фирмалар сифатсиз ёки ўз мамлакатларида тақиқланган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа истеъмол товарларини сотиш мақсадида Ўзбекистон ҳудудига киришга фаол ҳаракат қилмоқдалар.

18.3. Экология соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имконият яратувчи омиллар

Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг сабаблар мажмуида кўп сонли ва ранг-баранг омиллар ўзаро таъсирга киришади. Умумий ва сурункали амал қилувчи омиллар инсон билан табиатнинг ўзаро таъсирланиш жараёни, унинг мазмуни ва хусусиятини белгиловчи ижтимоий муносабатларга хос бўлган қарама-қаршиликлардан келиб чиқади. Бу қарама-қаршиликларнинг аксарияти замирида сўнгги йилларда мамлакатимизда юз бераётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар натижасида юз бераётган салбий жараёнлар ётади.

Ўзбекистон режали иқтисодиётдан бозор муносабатларига ўтиши муайян ижобий натижалар билан бир қаторда жамият, давлат ва унинг фуқаролари иқтисодий ва экологик манфаатлари ўртасида мутаносибликнинг йўқолишига олиб келди, атороф табиий муҳитнинг беқарорлашиш жараёнларини тезлаштирди, экология соҳасида жиноятлар содир этишнинг янги омиллари пайдо бўлиши учун шарт-шароит яратди.

Бу омилларнинг аксарияти ишлаб чиқариш соҳасида амал қилади. Атроф табиий муҳитни зарарлантирувчи корхоналар иши уни муҳофаза қилиш учун катта харажатлар қилишни тақозо этади. Ишлаб чиқариш жараёни иштирокчилари табиатдан оқилона фойдаланиш талабларига риоя этмасдан, ишлаб чиқаришнинг рентабеллигини оширишга ҳаракат қилиши қонунбузарликка туртки беради.

Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг умумий сабаблари инсон ва табиат ўзаро таъсирга киришиш чоғида юзага келувчи

карама-қаршиликлар соҳасида ётади. Бу карама-қаршиликлар иқтисодий беқарорлик шароитида экология соҳасида ғайриҳуқуқий ва баъзан жиноий хатти-ҳаракатлар учун шарт-шароит яратади.

Экология соҳасидаги жиноятларга доир жиноят ишларини ўрганиш мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган экология соҳасидаги жиноятлар ҳамда мансаб мавқеига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этиладиган экология соҳасидаги жиноятларни ажратиш имконини беради. Бу жиноятлар қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этилиши, тамагирлик ёки бошқа хусусиятга эга бўлиши мумкин.

Экология соҳасида мансабдор шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар одатда ижтимоий хавфлилик даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради, баъзан экологияга жуда катта, ўрнини тўлдириб бўлмайдиган зарар етказади. Бу асосан экология соҳасида мансабдорлик жиноятига сабаб бўлган карама-қаршиликлар замирида ташкилий-бошқарув ёки маъмурий-хўжалик вазифаларини бажариш ётиши билан боғлиқ. Режалаштириш, тақсимлаш, оператив бошқариш, ташкилий тузилмалар ташкил этиш, назорат, жамиятнинг атроф муҳит билан ўзаро таъсирини техник-технологик жиҳатдан ҳамда ресурслар билан таъминлаш вазифалари айти шу соҳада амалга оширилади.

Шундай қилиб, экологик жиҳатдан муҳим қарорлар қабул қилиш ваколатига эга мансабдор шахслар кўп сонлидир. Мазкур шахсларнинг экология соҳасидаги ғайриҳуқуқий хулқ-атворида қуйидагилар салбий таъсир кўрсатади: экологик аҳамиятга молик фаолиятда табиатни муҳофаза қилиш тадбирларини ўз вақтида ўтказишдан воз кечиш ҳисобига фойдали қазилмалар ва хом ашё ресурслари олишни арзонлаштиришга ҳаракат қилиш; табиий ресурсларни қайта ишлаш ҳамда улардан фойдаланишни асоссиз равишда соддалаштириш ёки тезлаштириш ва ҳ.к.

Ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқлари ҳамда транспортнинг атроф муҳитни ифлослантиришда иштирокини баҳолашга доир маълумотларни келтириш мумкин. Биринчи ўринни кўп йиллардан бери металлургия саноати эгаллаб келади. Унинг фаолиятидан ифлосланиш улуши қарийб 40% ни ташкил этади. Атроф табиий муҳитнинг ифлосланишида иссиқлик электростанцияларининг улуши – 30%, нефть қазиб олиш ҳамда кимё

саноатининг улуши – 20%, автомобиль транспортининг улуши – тахминан 10-15%, ишлаб чиқариш бошқа тармоқларининг улуши – 7-10%.

Экология соҳасида жиноятлар қасддан ҳам, эҳтиётсизлик орқасида ҳам содир этилиши мумкин. Қасддан жиноят содир этувчиларга эгоизм, жамоат манфаатларига беписандлик, экология қонунчилигига ҳурматсизлик ва ҳоказолар хос.

Экология соҳасида эҳтиётсизлик орқасида мансабдорлик жиноятлари одатда енгилтаклик, атроф муҳитни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи қонунларга ҳурматсизлик, уқувсизлик, бошбошдоқлик ва назоратсизлик хос бўлган шахслар томонидан содир этилади.

Экология соҳасида мансаб мавқеига эга бўлмаган шахслар томонидан содир этиладиган жиноятлар жумласига аввало ов ҳамда балиқ овлаш қоидаларини бузиш, дарахтлар, бошқа ўрмон экинларини ғайриқонуний кесиш киради.

Ушбу тоифадаги жиноятларнинг умумий сабаблари жумласига қуйидагилар киради: овчилик, балиқчилик ва бошқа фаолият соҳаларини тартибга солишда мавжуд жиддий камчиликлар; эҳтиёжларни қондиришнинг қонуний воситалари лозим даражада ривожланмаганлиги; жиноий фаолиятга назорат чоралари билан самарали таъсир кўрсатилмаслиги; экология соҳасидаги жиноятлар учун жиноий ва маъмурий жавобгарлик назарда тутилган қонунчилик самарали қўлланилмаслиги (айрим жиноятчиларнинг жазосизлиги) ва ҳ.к.

Субъектив сабаблар жумласига қуйидагилар киради: экологик ва ҳукукий онг даражасининг пастлиги; аҳоли айрим гуруҳларининг мазкур жиноятларга бефарқлиги.

Кўрсатиб ўтилган жиноятларнинг сабаблари ғайриҳукукий фаолият билан шуғулланишнинг экологик-географик шарт-шароитлари билан узвий боғлиқ. Бу асосан ов ёки балиқ овлаш билан фаол шуғулланиш имконияти сақланган ҳудудлардир.

Сўнгги йилларда экология соҳасидаги жиноятларнинг ер ости бойликларини ғайриқонуний қазиб олиш, доривор гиёҳлар ўстириш каби турлари ҳам ривожланмоқда.

Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг мансабдорлик билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий омиллари ранг-барангдир. Уларнинг жумласига, юқорида санаб ўтилганлардан ташқари, турмуш даражасининг пасайиши, ишсизлик, бепул ёки имтиёзли

даволаниш имкониятининг йўқолиши киради. Айни шу сабабларга кўра браконьерлик, ерни шахсий эҳтиёжлар учун ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, алоҳида муҳофаза қилинадиган ҳудудлар режимини бузиш кенг тарқалмоқда. Бу жиноятларни содир этувчи шахслар иқтисодий қийинчиликлар натижасида қонуний тирикчилик манбаларини йўқотиб, кўпинча қонунни бузишга мажбур бўлмоқдалар. Аммо бу жиноятларни тамагирлик ниятида содир этувчи шахслар сони ҳам анчагина.

Экология соҳасидаги ижтимоий муносабатларни қонун йўли билан тартибга солиш асосан ишлаб чиқариш ва бошқа хўжалик фаолияти салбий оқибатларининг олдини олишга эмас, балки бу оқибатлар юзага келганидан сўнг уларни тугатишга қаратилганки, бу экологик нуқтаи назардан ҳам, иқтисодий нуқтаи назардан ҳам мақсадга мувофиқ эмас. Қонунчиликда экологик чеклашлар ҳамда табиатдан фойдаланиш режимлари тизими етарли даражада ўз аксини топмаган, қонунчиликни экологияни муҳофаза қилишга йўналтириш концепцияси мавжуд эмас.

Экология соҳасидаги жиноятчиликка назорат органлари ҳамда корхоналар мансабдор шахсларининг атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги фаоллиги сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда.

18.4. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари ва асосий йўналишлари

Экология жиноятчилигининг олдини олиш умумий чораларини амалга ошириш жамият ва табиатнинг ўзаро таъсири соҳасидаги ижтимоий жараёнларнинг натижалари билан бевосита боғлиқ. Экология соҳасидаги ижтимоий муносабатларда қонунийлик ва ҳуқуқий тартибот, қонуний экологик онг ва хулқатворни шакллантиришга қодир узоқ муддатли антикриминоген таъсир айнан макродаражада шаклланади. Бу жараёнларни оптималлаштиришда табиатнинг экологик аҳамиятга молик унсурларига бўлган барча мулк шаклларининг қонуний мавжудлиги муҳим ижтимоий муаммосини ҳал қилиш улкан аҳамият касб этиши мумкин.

Барча даражаларда антикриминоген жараёнларнинг субъектлари жумласига қуйидагилар киради: давлат, идоралар, корхоналар, жамоат ташкилотлари, айрим фуқаролар.

Криминологик жиноятчиликни умумий огоҳлантириш соҳасида хусусан атроф муҳитга фаол таъсир кўрсатувчи саноат ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш, табиатни авайлаб асрашга қаратилган оптимал технологияларни ривожлантириш билан боғлиқ ижтимоий-иқтисодий чоралар муҳим аҳамиятга эга.

Ижтимоий-иқтисодий омилларнинг антикриминоген таъсири ерларнинг ҳолати, уларнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига яроқлилиги, ҳайвонот ва ўсимликлар оламининг ҳолати, сувларнинг ҳолати, уларнинг саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариши, жамоат ва фуқароларнинг турли эҳтиёжларини қондиришга яроқлилигига илмий асосланган муносабат билан узвий боғлиқ бўлиши лозим. Бунда инсон хулқ-атвори, инсон меҳнатининг хусусияти, урф-одатлар, анъаналар, ўзликни англаш, ўзига ўзи баҳо бериш ва ҳоказоларга таъсир кўрсатишга қодир географик омиллар, иқлим омиллари ва бошқа омиллар ҳисобга олиниши шарт.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда ижро этувчи ва қонун чиқарувчи ҳокимият тузилмалари ҳузурида ташкил этиладиган тегишли қўмиталар ва комиссиялар катта роль ўйнаши лозим.

Ижтимоий ва индивидуал даражаларда экологик-ҳуқуқий онг (тафаккур)ни муттасил ўтсириб бориш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш фаолиятининг асосий имкониятлари айтишда шу вазифани ечиш билан боғлиқ.

Экологик-ҳуқуқий тарбияни такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар жумласига қуйидагилар киради: ҳуқуқий тақиқлар билан одамларнинг ички ва ташқи келишувини таъминлаш; экология соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи нормаларни тарғиб қилиш ва улар ҳақида ахборот бериш; фуқароларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш, уларнинг мазкур ҳуқуқбузарликлар билан мurosасизлигини кучайтириш.

Экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарадорлиги умумий ва махсус профилактика чораларини фаол қўллашни назарда тутди.

Махсус профилактика чоралари жумласига қуйидагилар киради: экологик аҳамиятга молик хулқ-атвор, шу жумладан жиноят-ҳуқуқий тақиқларга риоя этиш устидан назоратни тако-

миллаштириш; экология соҳасида аниқланган ҳуқуқбузарликлар ҳақида тегишли идораларга ахборот бериш; махсус режим ўрнатиш ҳамда технология ва бошқарув вазифалари ва жараёнларини қайта қуриш; экология учун зарарли бўлган муайян ҳаракатларни амалга оширишни норматив йўл билан тақиқлаш ва ҳ.к.

Айрим табиий комплекслар, ҳудудлар, участкалар, сув ҳавзалари, атмосфера ҳавоси, ҳайвонот олами, ўрмон массивлари ва шу кабилар назорат объектлари ҳисобланади. Бундан ташқари, айрим одамлар гуруҳлари ва фуқароларнинг ҳуқ-атвори устидан назорат олиб бориш лозим.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, табиатни муҳофаза қилувчи инспекциялар, жамоат ташкилотлари, маҳкамавий назорат органлари назорат субъектлари ҳисобланади. Назорат усуллари табиий объектлар ҳолатини бевосита кузатиш, рейдлар, текширувлар ўтказиш, объектларни ғайриқонуний киришдан қўриқлаш, ўтказиш режимини ўрнатиш, экология соҳасида содир этилган ҳуқуқбузарлик қуролларини олиб қўйиш, ғайриҳуқуқий ҳаракатларни тўхтатиш ва ҳоказоларни қамраб олади.

Экология соҳасидаги ҳуқуқий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқ нормаларига риоя этилишини назорат қилиш алоҳида ўрин эгаллайди. Булар: табиатни муҳофаза қилиш қонунчилигининг ижро этилишини устидан прокурор назорати; рухсат берувчи тизим фаолияти; маъмурий назорат.

Прокурор тақдимномаси, протести ва таклифлари, судларнинг хусусий ажримлари, ички ишлар органлари, табиатни муҳофаза қилувчи органларнинг ахборотлари экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишнинг самарали чораларидир.

Табиатни муҳофаза қилиш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳим профилактик аҳамиятга эга. Экология соҳасидаги жиноятларга қарши кураш қонунларга ҳамда уларга мувофиқ қабул қилинган қонун ости ҳужжатларига биноан ва уларнинг доирасида олиб борилади. Бу қонун ҳужжатларида экология соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш ҳаракатлари атрофлича баён этилган, экология соҳасида хавфсизликни таъминлашга қаратилган муҳим тадбирларни ўтказиш юзасидан кўрсатмалар берилган. Улар экология соҳасидаги жиноят аломатлари бўлган фактларга доир

материалларни милиция ва прокуратура органларига топшириш тартибини белгилайди.

Табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг ҳуқуқий базасини муттасил такомиллаштириш экология соҳасидаги жиноятларга қарши кураш самарадорлигини оширишнинг муҳим омилларидан биридир. Бу йўналишда катта қонун ижодкорлиги ишлари олиб борилмоқда, бу жиноятларга қарши курашда кўмаклашишга қодир бўлган янги норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва қабул қилиш, мавжудларини эса такомиллаштириш учун қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат бирлашмалари, олимлар ва тадбиркорлар куч-ғайратини бирлаштириш чоралари кўрилмоқда.

Экология соҳасидаги турли муаммоларни ечишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш топшириғини назарда тутувчи давлат илмий-техникавий дастурлари ҳам экология соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашнинг ҳуқуқий негизини мустаҳкамлашга кўмаклашади.

Экология соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашда илмий-амалий конференциялар, кенгашлар, давра суҳбатлари ҳам муҳим роль ўйнайди. Улар турли соҳа мутахассисларининг куч-ғайратини бирлаштиради, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва ҳуқуқни қўлловчи органларнинг бу борадаги фаолиятини мувофиқлаштиришни янада яхшилайдди.

Экология соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш олиб боровчи органлар тизимида ихтисослашган табиатни муҳофаза қилиш прокуратураси муҳим роль ўйнаши лозим.

Экология соҳасидаги жиноятчиликка қарши кураш мустаҳкам ҳуқуқий негизга эга бўлиши керак. Масалан, экология соҳасида қонунни бузганлик учун жисмоний ва юридик шахсларнинг жавобгарлигини ошириш билан боғлиқ барча муҳим қоидалар бир махсус қонунда жамланса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Экология соҳасидаги жиноятчиликка қарши курашда у ҳаётнинг биологик асосларига, инсоннинг саломатлиги ва ривожланишига амалда хавф туғдиришини доимо ёдда тутиш муҳимдир.

19-мавзу. СОЛИҚ ЖИНОЯТЧИЛИГИ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ КРИМИНОЛОГИК ТАВСИФИ

1. Солиқ жиноятчилиги тушунчаси ва унинг криминалогик тавсифи
2. Солиқ жиноятчилигининг динамикаси
3. Солиқ жиноятчилиги сабаблари ва уни белгиловчи омиллар хусусияти
4. Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш

19.1. Солиқ жиноятчилиги тушунчаси ва унинг криминалогик тавсифи

«Солиқ жиноятчилиги» тушунчаси солиқ солиш билан боғлиқ жиноятлар мажмуига нисбатан қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги солиқ тизимини белгиловчи қонун ҳужжатлари 1991 йилда қабул қилинган, шу боис нисбатан янги, муттасил ўзгарувчи қонун ҳужжатлари жумласига киради. Солиқ соҳасидаги асосий қонунлар: 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонун, 1997 йил 29 апрелда қабул қилинган ва 1998 йил 1 январдан қонуний кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси.

Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан, солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар деганда солиқ тўловчилар белгиланган тартибда тегишли даражадаги бюджетга ёки бюджетдан ташқари фондга киритадиган мажбурий бадаллар тушунилади. Солиқнинг моҳияти ялпи ички маҳсулотнинг муайян қисмини давлат мажбурий бадал тариқасида ўз фойдасига олиб қўйишидан иборат.

Белгиланган тартибда ундириладиган барча солиқлар мажмуи солиқ тизимини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикасининг ҳозирги солиқ тизими ўн бешдан ортиқ ҳар хил солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз ичига олади. Улар икки гуруҳга ажратилади: умумдавлат солиқлари; маҳаллий солиқлар ва йиғимлар. Бюджетга солиқ тушумларининг энг катта улуши қўшилган қиймат солиғи, юридик шахслардан олинадиган даромад (фойда) солиғи, акциз солиғи, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғига тўғри келади.

Ўзбекистон Республикасида юридик ва жисмоний шахслар, қонун ҳужжатларига биноан солиқ тўлаш мажбурияти юкланган бошқа тоифадаги шахслар солиқ тўловчилар ёки солиқ субъектлари ҳисобланади. Булар: корхоналар ва ташкилотлар, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл инвестициялари иштирокида ташкил этилган корхоналар, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи халқаро бирлашмалар ва ташкилотлар, алоҳида баланс ва ҳисобварақққа эга бўлган молиявий ва бошқа шунга ўхшаш корхоналар ва ташкилотларнинг бўлинмалари.

Солиқ тўловчилар белгиланган тартибда ва муддатларда солиқ органларида рўйхатдан ўтиши, солиқлар ва йиғимларнинг тегишли суммасини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда тўлаши, бухгалтерия ҳисобини ва ҳисоб ҳужжатларини қонун ҳужжатларига мувофиқ юритиши, молиявий ҳисоботни, солиқлар бўйича ҳисоб-китобларни ёки даромадлар тўғрисидаги декларацияларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда солиқ органларига тақдим этиши шарт.

Солиқ жиноятларига қарши курашиш учун жиноят қонунчилиги 1994 йил 22 сентябрда ЖКнинг 184-моддаси «Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш» билан тўлдирилди. Ушбу модданинг биринчи қисмига биноан, фойда (даромад) ёки солиқ тўланадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, башарти тўланмаган сумма анча миқдорни ташкил қилса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай олти ойгача қамоқ билан жазоланади. 184-модданинг иккинчи қисмига биноан, ўша қилмишлар такроран ёки кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд мол-мулк мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. 184-модданинг учинчи қисмига мувофиқ, худди шундай қилмишлар жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг етмиш беш бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки мол-мулк

мусодара қилиниб ёки мусодара қилинмай уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимининг шаклланиши солиқ жиноятлари сони ўсиб бораётган шароитда юз бермоқда.

Мутахассисларнинг баҳолашича, солиқ тўлашдан бўйин товлаш натижасида ҳар йили давлат бюджетига солиқ тўловларининг қарийб ярми келиб тушмаяпти.

Солиқ жиноятлари динамикасининг таҳлили улар жадал суръатларда ўсиб бораётганлигидан далолат беради. Бунда шунини қайд этиш лозимки, рўйхатга олинган жиноятлар сонининг кўпайганлиги маълум даражада солиқ хизмати фаолиятининг такомиллашуви ва фаолашуви билан боғлиқ.

19.2. Солиқ жиноятчилигининг динамикаси

Солиқ жиноятчилигининг таркибига назар ташласак, унда солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш билан боғлиқ жиноятлар улуши анча катта эканлигини кўришимиз мумкин.

Бу ҳар хил сабабларга кўра давлат бюджетига солиқ тўлашни истамайдиган мулкдорлар сони кўпайиб бораётганлиги билан изоҳланиши мумкин. Айни вақтда, статистика маълумотлари солиқ жиноятчилиги миқёсини тўлиқ акс эттирмайди. Ушбу жиноятлар яширинлик даражасининг юқорилиги билан тавсифланади. Солиқ хизмати мутахассислари баҳолашича, жиноятларнинг асосий қисми аниқланмайди, уларнинг сони эса кўпайиши мумкин.

Статистика солиқ соҳасидаги жиноятлар одатда даромад солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бузиш (жами солиқ жиноятларининг 43%), қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бузиш (28,4%), йўл фондига тўланадиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бузиш (6,7%), жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бузиш (3,7%), акциз солиғини ҳисоблаш ва тўлаш тартибини бузиш (1,2%) билан боғлиқ эканлигини кўрсатади.

Солиқ жиноятлари мулк шаклидан қатъи назар, турли корхоналарда содир этилади. Бироқ, шунини қайд этиш лозимки, хусу-

сий мулк шаклига асосланган корхоналарда жами солиқ жиноятларининг 80% га яқини аниқланади.

Солиқ жиноятларининг тарқалганлиги солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан жиноий бўлмаган ҳаракатлар билан боғлиқ.

Солиқ соҳасида аниқланган жиноятлар сони хўжалик юритувчи корхоналарнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари бўйича куйидагича тақсимланади: акциядорлик жамиятлари ва масъулияти чекланган жамиятлар – 69,8%, давлат ва муниципал корхоналари – 12,3%, индивидуал-хусусий корхоналар – 3,9%.

Мазкур ҳолат шу билан изоҳланадики, хусусий мулк шаклига асосланган корхоналарда бошқарув ҳамда ички назоратни амалга ошириш ҳуқуқига, одатда, чекланган доирадаги шахслар эга бўлади. Бундай корхоналарда раҳбар органларни уларнинг амалдаги эгалари бошқаради, лозим даражада назорат олиб берилмайди.

Солиқ жиноятлари сонининг корхоналар фаолият соҳаси бўйича тақсимланиши ҳам диққатга сазовор: озиқ-овқат маҳсулотлари билан савдо қилувчи корхоналар – 24%, халқ истеъмоли товарлари билан савдо қилувчи корхоналар – 16%, хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи корхоналар – 12%, молия-кредит операцияларини амалга оширувчи корхоналар – 9%, кўчмас мулк билан савдо қилувчи корхоналар – 8%, темирни қайта ишловчи корхоналар – 8%.

Шундай қилиб, солиқ жиноятларининг аксарияти савдо соҳасида содир этилади.

Солиқ жиноятларини содир этишнинг аниқланган усуллари куйидаги турларга ажратиш мумкин:

1. Корхонанинг молия-хўжалик фаолиятини бухгалтерия ҳисоби ҳужжатларида тўлиқ ёки қисман акс эттирмаслик.

2. Иқтисодий кўрсаткичларни бузиб кўрсатиб, солиқ солинадиган база миқдорини камайтириш.

3. Солиқ солиш объектини бузиб кўрсатиш (реализация қилинган маҳсулот қиймати ёки ҳажмини камайтириб кўрсатиш; солиқ солиш объектини сохталаштириш).

4. Иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобини юритиш тартибини бузиш.

5. Молия-хўжалик фаолиятини солиқ органлари назорати остидан чиқариш (солиқ органларида рўйхатдан ўтказмаслик, со-

лик органларига хабар бермасдан банкларда қўшимча ҳисоб-варақлар очиш).

Солиқ жиноятлари содир этувчи шахсларнинг криминалогик тавсифи ҳақидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовор. Бундай шахсларнинг криминалогик портрети умумжиной қилмишлар содир этувчи шахсларнинг криминалогик портретидан сезилари даражада фарқ қилади.

Ҳар юз жиноятчидан 74 таси – эркаклар. Бу ҳолат корхона-ларнинг раҳбарлари орасида эркаклар кўпчиликини ташкил этиши билан изоҳланади. Солиқ жиноятлари содир этувчи шахслар орасида аёллар одатда бухгалтерия ҳисобини юритиш ва ҳисобот тақдим этиш билан боғлиқ лавозимларни эгаллайди.

Солиқ жиноятлари содир этувчиларнинг ўртача ёши унча катта бўлмай, 38 ёшни ташкил этади. Солиқ жиноятларининг 20% 21-30 яшар шахслар томонидан, 36% - 31-40 яшар шахслар томонидан, 36% – 41-50 яшар шахслар томонидан, 8% – 51 ёшдан катта шахслар томонидан содир этилган.

Солиқ соҳасидаги жиноятчилар маълумот даражасининг юқорилиги билан ажралиб туради. Солиқ жиноятлари содир этган шахсларнинг 58% олий ёки тугалланмаган олий маълумотга ва ҳатто илмий даражага, 22% - ўрта махсус маълумотга эга бўлган. Бу табиий ҳолдир, чунки бухгалтерия ҳисобини юритиш, ҳисобот тақдим этиш учун жавобгар шахслар тегишли ихтисослик ва малакага эга бўлиши керак.

Солиқ жиноятчилари орасида илгари судланган шахслар улуши 7% ни ташкил этади.

Солиқ жиноятларига жинойий гуруҳлар тузиш хос эмас. Группавий жиноятлар солиқ жиноятлари умумий сонининг 10% дан ҳам кам. Одатда гуруҳ аъзолари сони икки кишидан ошмайди ва раҳбар билан бухгалтердан ташкил топади. Айрим ҳолларда иштирокчилар ролини раҳбар ўринбосари, кассир, омборчи, товаршунос бажаради.

Солиқ жиноятлари содир этишда мақсад тўланиши лозим бўлган солиқлар миқдорини камайтириш ёки солиқ тўлаш мажбуриятини бажаришдан тўлиқ бўйин товлаш, яшириб қолинган маблағларни ўзлаштиришдан иборат бўлади.

Солиқ жиноятчилари асосан тамагирлик ниятида ҳаракат қилади, бироқ амалпарастлик мотивлари, ўз корхонасининг меҳнат жамоаси тақдири ҳақида ўйлаш, бурчни нотўғри тушуниш, бошқа мотивлар учраши ҳам мумкин.

19.3. Солиқ жиноятчилиги сабаблари ва уни белгиловчи омиллар хусусияти

Солиқ жиноятчилиги сабаблари ва уни белгиловчи омиллар умумий жиноятчилик билан боғлиқ шундай жараёнлардан фарқ қилади.

Солиқ жиноятчилиги бозор муносабатлари, хусусий мулк ва тадбиркорлик билан чамбарчас боғлиқ. Жаҳон тажрибаси шундан далолат беради.

Хусусий мулк шаклига асосланган корхоналар сони кўпайиши билан давлат ва жамият манфаатлари билан шахсий манфаатлар ўртасидаги қарама-қаршилик миқёси ўсиб боради.

Солиқлар бюджет даромадларининг асосий манбаи ҳисобланади. Бюджет харажатларининг ўсиши, инфляция жараёнлари давлатни солиқ юкини оширишга мажбур қилади. Бироқ, Ўзбекистонда ислохотлар даврида аксарият корхоналар эскирган асбоб-ускуна ва технологиялардан фойдаланар, айланма воситаларг тақчиллигини ҳис қилар, ўзининг рақобатбардош бўлмаган маҳсулотини ички ва ташқи бозорларда сотишга қийналар эди. Буларнинг барчаси ўзаро тўловларнинг амалга оширилмаслиги ва солиқ тўлаш имкониятининг камайишига сабаб бўларди.

Қонун ҳужжатларига узлуксиз ўзгартиришлар киритилиши кўшимча қийинчиликлар туғдирарди.

Ҳар хил мулк шаклларига мансуб йирик корхоналарнинг раҳбарлари ўртасида ўтказилган махсус сўров респондентларнинг 4% дан кўпроғи миллий солиқ тизимимизни самарали эмас деб ҳисоблашини кўрсатди. Раҳбарларнинг 80% га яқини мавжуд солиқ тизими иқтисодий тангликдан чиқиш ва бозорнинг шаклланишига қулай шарт-шароит яратмайди деб ҳисоблайди. Аксарият тадбиркорлик фикрига кўра, мавжуд солиқ тизими инвестицияларнинг келишига тўсқинлик қилади, инфляцияни кучайтиради, таркибий ўзгаришларга монелик қилади, солиқ тўлашдан бўйин товлашга туртки беради.

Бироқ, шунга қарамай, солиқ жиноятчилигининг ахлоқий-психологик омили кўп жиҳатдан кўрсатилган ҳолат билан эмас, балки айбдорларнинг солиқ тизимига салбий муносабати, ҳуқуқий маданият даражасининг пастлиги, тамагирлик ниятининг кучлилиги билан белгиланади.

Ўзбекистон Республикасининг солиқ тизими ҳозирги кўри-нишда 1991 йилдан кейин шаклланди, ҳолбуки, аксарият хорижий мамлакатларда солиқ солиш институтининг тарихи асрлар билан ўлчанади. Бу мамлакатларда солиқ тўловчилар ўзлари тўлаган солиқлар қайси мақсадларга йўналтирилишини яхши биладилар, солиқ тўлаш тартиби ҳамда солиқ мажбуриятларини бузганлик учун жавобгарлик чораларидан хабардорлар. Солиқ тўлашдан бўйин товловчи шахслар давлат ва жамият томонидан қораланади.

Солиқ жиноятчилари орасида хуфёна иқтисодиётнинг собиқ корчалонлари, мансабдор шахслар ва жиноятчилар бисёр. Уларнинг аксарияти моддий эҳтиёжларининг катталиги, бойлик орттиришга интилишининг кучлилиги билан тавсифланади. Солиқ тўлашдан бўйин товланган улар ўз мақсадига эришиш усулларидан бири сифатида қарайди.

Бироқ, шунини таъкидлаш лозимки, солиқ жиноятларининг бир қисми корпоратив, группавий манфаатдорликка асосланади. Солиқ органларидан яширилган маблағлардан корхоналарнинг раҳбарлари ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кредитларни қайтариш, ходимларга маош тўлаш учун ишлатган ҳоллар маълум. Бу ерда ўз корхонасининг молиявий ҳолатини яхшилашга ва шу йўл билан унинг даромаддорлигини оширишга интилиш кузатилади. У корхоналар, уларнинг ходимларини рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш сиёсатида камчиликлар мавжуд бўлган, айниқса, уларга ишсизлик, маошнинг ўз вақтида тўланмаслиги таҳдид солган ҳолда юзага келади ва амалга оширилади.

19.4. Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш

Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш турли даражаларда ва бир неча йўналишда амалга оширилиши лозим.

Умумдавлат даражасида иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ишлаб чиқаришни юксалтириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тўлов қобилиятини ошириш муҳимдир.

Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш тизимида ҳуқуқий базани такомиллаштириш алоҳида ўрин эгаллайди. Солиқ тизимининг эркинлаштирилиши натижасида юз бериши кутилаётган ўзгаришлар маҳаллий солиқлар сонининг камайи-

ши, тушумдан тўланадиган барча солиқларнинг бекор қилиниши, даромад солиғи ставкасининг пасайиши ва бошқа муҳим ўзгаришлар билан боғланмоқда.

Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олишда солиқ инспекциялари муҳим роль ўйнаши мумкин. Улар маслаҳат фаолиятини такомиллаштириши, солиқ тўловчиларга солиқлар миқдори ва уларни тўлаш тартибига доир масалаларни ечишда ёрдам бериши лозим.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати Ўзбекистонда солиқ жиноятчилигига қарши кураш олиб боровчи ҳуқукни муҳофаза қилиш органи ҳисобланади. У ўз фаолиятини «Ўзбекистон Республикасининг Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ амалга оширади. Ушбу Қонунга мувофиқ солиқ хизматининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини назорат қилиш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши учун зарур шарт-шароитларни таъминлаш, солиқ тўловчиларга солиқлар бўйича мажбуриятларни бажаришларида ёрдам кўрсатиш;

солиқ сиёсатининг рўёбга чиқарилишида бевосита қатнашиш;

солиққа тортиладиган объектлар ва субъектларнинг тўлиқ ҳамда ўз вақтида ҳисобга олинишини таъминлаш;

солиқлар бўйича ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш.

Фуқаролар ва тадбиркорларда солиқлар бўйича маданиятни шакллантириш зарурлиги солиқ назорат органларига махсус профилактика тадбирлари ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Махсус оммавий ахборот воситалари, аввало газета ва журналлар солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишни тарғиб қилишга яқиндан ёрдам беради. Бу нашрларда солиқ тизимини ислоҳ қилиш, солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик, солиқлар бўйича маданиятни шакллантириш масалаларига доир материаллар мунтазам эълон қилиб борилади.

Солиқ тўловчиларни тарбиялаш ишида телевидение жуда катта роль ўйнайди. Солиқ тўловчиларни қонунга бўйсунтириш руҳида тарбиялаш, солиқ соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жамоатчиликда инсофсиз солиқ тўловчиларга нисбатан салбий муносабатни шакллантиришда солиқ хизмати органлари билан оммавий ахборот воситалари ўртасида ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимдир.

АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.А. Ўзбекистон – ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: Ўзбекистон, 1992, 78 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 86 б.
3. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. –Т.: Ўзбекистон, 1997, 312 б.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ асрга интилоқда. –Т.: Ўзбекистон, 1999, 48 б.
5. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
6. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қура-миз. –Т.: Ўзбекистон, 2000.
7. Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Тошкент, 2001.
8. Каримов И.А. Ватанимизнинг тинчлиги ва хавфсизлиги ўз куч-қудратимизга, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги ва бу-килмас иродасига боғлиқ. –Т.: Ўзбекистон, 2004. Том 12.
9. Каримов И.А. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Халқ сўзи. 2005 йил 20 янв.
10. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни де-мократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи. 2005 йил 29 янв.
11. Каримов И.А. Эскича қарашлар ва ёндашувлар билан янги ҳаёт қуриб бўлмайди. Халқ сўзи. 2005 йил 18 фев.
12. Абдумажидов Г.А. Не исчерпан потенциал гуманизма // Правда Востока, 1989, 20 сентября.
13. Абдусаломов М., Каракетов Ю. Ответственность за вымо-гательство. –Т.: 1997. –С.7.
14. Абдухалимова М. и др. Проблемы защиты прав женщин против насилия в Наманганской области.//Ж. Женщины Центральной Азии. 2001, Спец.выпуск. –С. 66.
15. Абызов Р.Л. Прогнозирование преступного поведения я методические основѣ индивидуальной профилактики пре-ступлений: Автореф.дис.. канд. юрка. наук. М., 1980. С. 9.
16. Агафонов КЛ. Рецидив преступлений: Автореф. дис... канд. юрид. наук. М., 1974. С. 9.

17. Алиев Н.Б. Повторность и рецидив преступлений по советскому уголовному праву. Махачкала, 1978. С. 68-69.
18. Ахроров А. ва бошқалар. Жиноят ижроия ҳукуқи. –Т.: Ўқитувчи, 2002. Б. 40.
19. Блувштейн Ю.Д. О некоторых закономерности рецидивного поведения (модель "эволюции" рецидивной преступности) // Сб. научнѣх работ ЛитНИИСЭ. Вильнюс, 1980. Вып. б. С. 198.
20. Борьба с групповыми правонарушениями несовершеннолетних. Киев, "Наукою думка", 1982.
21. Борьба с вовлечением несовершеннолетних в преступную деятельность. - Киев, "Наукова думка" 1986, С. 154-186.
22. Бородин С.В. Ответственность за убийство: квалификация и наказание по российскому праву. -М.: Юрист, 1994. – С.192-193.
23. Бузынова С.П. Уголовно-правовое понятие рецидива и его виды // Проблемы уголовно-правовой борьбы с преступностью. М., 1989. С. 35
24. Гуров А.И. Профессиональная преступность. Прошлое и современность. М., 1990. С. 9.
25. Голик Ю.В. Личность случайного преступника: криминологические и уголовно-правовые Проблемы: Автореф. дне... канд. юрид. наук. Томск, 1982. С. 9.
26. Горбатовская Е.Г., Кононов А. І., Юпкова Е.М. Личность рецидивистам использование данных о ней в деятельности прокуратуры. М., 1987. С. 12-21.
27. Гришанин П.Ф. Социально-правовые Проблемы борьбы с рецидивной преступностью. М., 1981. С. 5.
28. Джекебаев У. Основные принципы уголовного права Республики Казахстан (сравнительный комментарий к книге Дж. Флетчера и А.В.Наумова. «Основные концепции современного уголовного права»). Алматы: Жеті жары, 2001. –С. 54.
29. Дагель П.С. Учение о личности преступника в советском уголовном праве. Владивосток, 1972. С. 122-131.
30. Долгова А.И. Криминологические Проблемы взаимодействия социальной среды и личности: Автореф. дне... юкт. юрид. наук. М., 1980. С. 18-19.
31. Долгова А.И., Ермаков ВД Вопросы методика разработан

- классификации несовершеннолетних преступников и ее основания//Типология личности преступника и индивидуальное предупреждение преступлений. М., 1979. С. 64.
32. «Жизнь. Как она возникла? Путем эволюции или путем творения?», 1992, с. 224.
33. Закон о борьбе с коррупцией поможет взяточникам, а не обществу. См., Известия 1993 г. 11 августа.
34. Зарипов З.С., Исмаилов И. Криминология. –Т., 1996. –Б. 226.
35. Зелинский А.Ф. Рецидив преступлений: структура, связи, прогнозирование. Харьков, 1980. С. 6.
36. Зокирова О. Рашк мотиви билан содир этиладиган жиноятларга қарши кураш муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2004. –Б. 100.
37. Зубков А.И. Психологические Проблемы организации перевоспитания осужденных//Юридически» психология. М.,1983.С.190.
38. Зуфаров Р.А. Криминологическая характеристика взяточничества //Ж. Давлат ва ҳуқуқ. 2002. №3 (11), -Б. 43.
39. Ефимов М.А., Шкурко В.А. Рецидивная преступность и ее предупреждение. Минск, 1977. С.7.
40. Иващенко А.В. Многократные рецидивисты, не признанные особо опасными; криминологический и уголовно-правовой аспект: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. Томи, 1986. С. 9.
41. Игошев К.Е. Основные аспекты и виды типизации личности преступника // Советское государство и право. 1975. № 6. С. 66.
42. Кадыров А. Отягчающие обстоятельства и индивидуализация наказания по уголовному законодательству Республики Узбекистан. – Ташкент, Шарк, 1995., -С. 140-149.
43. Каракетов Ю.М. С учетом общественного мнения // Народное слово, 1994, 5 мая.
44. Карпец И.И. Проблема преступности. М., 1969, С. 113-115; Кузнецова Н.Ф. Преступление и преступность. М., 1969. С. 179; Рецидивная преступность: понятие и криминологическая характеристика / Ниедре А.М. и др. Рига, 1983. С. 10-11.
45. Караев Т.Э. Повторность преступлений. М.. 1983. С. 29

46. Кинге Х. Понятие рецидива преступления в уголовном праве и криминологии // Труды по правоведению. Тарту, 1975. С. 60-61.
47. Ковалев А.Г. Психологические основы исправления правонарушителя. М., 1968. С. 48-51.
48. Курганов СИ. Взаимосвязь нравственного сознания и преступного поведения несовершеннолетних: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 1984. С. 10-13.
49. Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. –Т.: Адолат, 1998. –Б. 116.
50. Кривошеин П.К. Повторность в советском уголовном праве: Автореф. дис...докт. юрид. наук. М., 1990. С. 23.
51. Кудрявцев В.Н- Общая теория квалификации преступлений. М., 1972. С. 312; Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. М., 1964. С. 8.
52. Кузнецов Н.Ф. Проблема криминологической детерминации, М., 1984, с. 69.
53. Кунашев АХ Уголовная ответственность за рецидив преступления по советскому уголовному праву: Автореф. дис.... канд. юрид. наук. М., 1970. С. 4.
54. Лейкина Н.С. Личность преступника пинка и уголовная ответственность. Л., 1968, С. 115.
55. Малков В.П. Множественность преступлений и се формы по советскому уголовному праву. Казань, 1982. С. 91;
56. Мерген А, Первое правонарушение // lugend und DeUnquet», 1988. С. 195.
57. Механизм преступного поведения. М. 1981. С. 30.
58. Михайлов А.Е. Роль личностных факторов в механизме насильственных преступлений: Автореф. дис.... канд. юрнд. наук. Киев, 1989. С. 14-15.
59. Михлин А.С., Иванова А.Т. Об однородном рецидиве и сочетании различных преступлений у судимых лиц // Труды ВНИИ МВД СССР. М., 1978. J* 36. С. 47-56.
60. Михлин А., Рамазин С. Пути совершенствования законодательства о борьбе с рецидивом //Социалистическая законность. 1984. № 3. С. 73.
61. МихлинА.С. Личность осужденных к лишению свободы и Проблемы их исправления и перевоспитания. Фрунзе, 1980. С.33.

62. Нарбутаев Э. Уголовная политика: исходные критерии и построения. // Ҳуқуқ. Право. Law. 2004. № 1 (25). –С. 74.
63. Нарбутаев Э.Х. Борьба с преступностью: Закон и практика. Ташкент, Меҳнат, 1991. –С. 195.
64. Никифоров А.С. Совокупность преступлений. М-, 1965. С. 16.
65. Панько К.А. Рецидив преступлений и механизм правового регулирования ответ [ценности рецидивистов: Автореф. дис.... докт. юрид. наук. Киев, 1989. С. 21.
66. Паше-Озерский Н.Н. Общественность в борьбе за предупреждение рецидива // Роль общественности в борьбе с преступностью. Воронеж, 1960. С. 185.
67. Пенитенциарные системы зарубежных стран. Киев, 1993; Обзор опыта зарубежных стран по оказанию гуманитарной помощи и социальной адаптации лицам, отбывшим уголовное наказание. Управление профилактической службы МВД СССР. №16/3-301 от 21 мая 1991 г.
68. Попов В.И. Особо опасный рецидив и его предупреждение органами внутренних дел. Кие», 1975. С. 11.
69. Ражабова М. Шариатда жиноят ва жазо. –Т.: Адолат, 1996. Б.83.
70. Рецидивная преступность: понятие к криминологическая характеристика. Рига, 1983. С. 94; Кафаров Т.М. Проблемы рецидива в советском уголовном праве. Баку, 1972. СПб.
71. Сахаров А.Б. Личность преступников и типология преступников//Социалистическая 1973. №3. С. 22-24. Эта же концепция высказывается А.Б.Сахаровым в к книге: Личность преступника. М., 1975. С. 53. и лекции: Учение о личности преступника и его значение в профилактической деятельности органов внутренних дел. М- Московская ВШ МВД СССР. 1984. С. 39.
72. Собиров М.С., Шомуротов Ш. Бозор муносабатлари шароитидаги иқтисодий жиноятлар, уларнинг қичқача криминологик тавсифи ва олдини олиш йўллари. –Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 1999. –Б.21.
73. Стручков Н.А. Проблема личности преступника: Лекции по криминологии. Л., 1983. С. 60-63.
74. Стручков Н. А., Шупилов В. П. Исполнение уголовного

- наказания в капиталистических странах. М., 1979. С.73-74.
75. Таджиев Э.А. Понятие и уголовно-правовое значение обстоятельств, смягчающих наказание. Т.: 2003. 45 б.
76. Ткачевский Ю.М. Досрочное освобождение от наказания. М., 1962. С. 49
77. Трайнин А.Н. Уголовное право. Часть общая. М., 1929. С. 288; Галиакбаров Р., Ефимов Е. Множественность преступных деяний как институт советского уголовного права // Советская юстиция. 1967. № 2. С. 5;
78. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. –Т.: Янги аср авлоди, 2003, Б.35.
79. Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳукукий оқибатлари ва либераллаштириш муаммолари. –Т.: Янги аср авлоди, 2005. –Б.33.
80. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳукукида ахлоқ тузатиш ишлари. –Т.: ТДЮИ, 2003. Б. 36.
81. Усмоналиев М., Каракетов Ю. Криминология. —Т.: Янги аср авлоди. 2001. –Б. 247-248.
82. Утевский Б.С. Основные вопросы советской науки исправительно-трудового права // Советское государство и право. 1987. № 3. С. 38-39.
83. Филонов А.Б. Детерминация возникновения и развития отрицательных черт характера у лиц с отклоняющимся поведением // Психология формирования и развития личности. М., 1981. С.338-361.
84. Филимонов В.Д. Общественная опасность личности преступника. Томск, 1970.
85. Халматова М. Оилавий муносабатлар маданияти ва соғлом авлод тарбияси. –Т.: Ўзбекистон, 2000, -Б. 91-92.
86. Чукмаитов Д.С. Проблемы взаимодействия личности и социальной среды во время отбывания // Право и государство, № 6. 1997 г. с. 12-23.
87. Чукмаитов Д.С. Влияние первого преступления на последующую противоправную деятельность рецидивистов. М. 1994.
88. Шестаков Д.А. Семейная криминология. СПб., 1996. 72 с.
89. Шестаков Д.А. Супрежеское убийство, как общественная проблема. Санкт-Петербург. Из-во. С.Петербургское Университета. 1992, 68 с.

90. Шерозия А.Е. К проблеме создания и бессознательного психологического. Опыт интерпретации и изложения общей теории. Тбилиси, 1973. Т. 2. С. 468.
91. Шляпочников А. Некоторые вопросы борьбы с преступностью // Советская юстиция. 1957.МЗ. С, 41.
92. Шмаров В.И. Предупреждение преступлений среди освобожденных от наказания. М., 1974. С. 34-41.
93. Яковлев А.М. Борьба с рецидивной преступностью. М., 1964. С. 109.

ТЕСТЛАР

1. Криминология бу – ...

а) Бозор муносабатларининг ривожланишига имкон берувчи жараёнлар ва ҳодисаларни аниқлаш усуллари ва воситаларини, жамиятни демократлаштириш жараёнларини ўрганадиган ижтимоий-назарий фан

б) Таълим беришнинг, талабаларда ижобий билимларни шакллантиришнинг янги усуллари ва йўллари аниқлайдиган ва таҳлил қиладиган ижтимоий-педагогик фан

в) шахсни, унинг хатти-ҳаракатларининг сабаблари ва шарт-шароитларини, жиноятчи шахсни ўрганишнинг усул ва воситаларини ўрганадиган ижтимоий-психологик фан

г) жиноятчилик, жиноятчининг шахси, жиноятчилик сабаблари ва уларни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар, уларнинг олдини олиш усуллари ва воситаларини ўрганадиган ижтимоий-ҳуқуқий фан

2. Криминология фанининг объекти нимадан иборат?

а) жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар

б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар

в) давлат органлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар

г) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни тергов қилиши, очиши ва жиноятчиларни қидириши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар

3. Криминология фанининг предмети нимадан иборат?

а) криминологиянинг объектини ташкил этувчи ижтимоий муносабатларнинг қонуниятлари, қонунлари, тамойиллари ва ўзига хос хусусиятлари

б) шахснинг ижтимоий тузилмадаги ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрни ва роли

в) республика фуқаролари шахсининг ижтимоий муносабатлар тизимида тутган ўрни ва роли

г) шахснинг турли давлатлардаги ижтимоий муносабатларнинг ҳозирги ривожланишида тутган ўрни ва роли ҳамда уларда юз бераётган жараёнларга муносабати

4. Криминологиянинг предмети нечта асосий элементлардан иборат?

- а) 2 та элементдан
- б) 3 та элементдан
- в) 4 та элементдан
- г) 5 та элементдан

5. Криминология фанида жиноятчилик нимани ташкил қилади?

- а) предмет
- б) тузилиши (структура)
- в) динамика
- г) ҳолат

6. Криминология фанида жиноятчининг шахси нимани ташкил қилади?

- а) предмет
- б) тузилиши (структура)
- в) динамика
- г) ҳолат

6. Криминология фанида жиноятчилик сабаблари ва уни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар нимани ташкил қилади?

- а) предмет
- б) белги
- в) динамика
- г) ҳолат

7. Криминология фанида жиноятларнинг олдини олиш муаммолари нимани ташкил қилади?

- а) предмет
- б) динамика
- в) ҳолат
- г) даража

8. Криминология фанининг тизими қандай қисмлардан ташкил топган?

- а) умумий ва махсус назарий
- б) умумий ва махсус
- в) умумий ва назарий
- г) умумий ва амалий

9. Криминология фанининг Умумий қисмида қайси муаммолар кўриб чиқилади?

а) жиноят ишларини қўзғатиш, жиноятларни очиш ва тергов қилиш муаммолари

б) аҳоли турли қатламларининг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ривожланиши билан боғлиқ муаммолар

в) жиноятчининг шахси, жиноятларнинг сабаблари ва уларни вужудга келтирувчи шарт-шароитлар, жиноятчиликка қарши кураш, криминология фанининг ривожланиши билан боғлиқ муаммолар

г) жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, ахлоқий ҳолати, шунингдек аҳолининг турли қатламларини ўрганувчи турли фанларнинг ривожланиш муаммолари

10. Криминологиянинг Махсус қисмида қайси муаммолар кўриб чиқилади?

а) айрим турдаги жиноятларнинг криминологик хусусияти, жиноий қилмишларнинг мазмуни ёки жиноятчи шахсининг хусусиятларига доир муаммолар

б) жиноий қилмиш ёки жиноятчи шахсининг хусусиятларидан келиб чиқиб, айрим турдаги жиноятчиликнинг криминологик тавсифига доир муаммолар

в) айрим турдаги жиноятларнинг жиноят-ҳуқуқий хусусиятига, жиноий қилмишларнинг мазмунига ёки жиноятчилар тоифаларининг хусусиятларига доир муаммолар

г) айрим турдаги жиноятларнинг жиноий ва криминалистик хусусиятига, жиноий қилмишларнинг мазмунига ёки жиноятчилар тоифаларининг хусусиятларига доир муаммолар

11. Криминология фанининг қандай мақсади мавжуд?

а) назарий ва ижтимоий

б) амалий ва ҳаётий

в) назарий ва криминалистик

г) назарий ва амалий

12. Криминологиянинг назарий мақсади нимада намоён бўлади?

а) жамият ривожланишининг долзарб муаммоларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг исталаётган бўлғуси натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўлади

б) жамиятдаги турли жараёнлар ривожланишининг долзарб муаммоларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг иста-лаётган бўлғуси натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўла-ди

в) келажакда жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишга қаратилган илмий ва амалий таклифлар, тавсия ва хулосалар ишлаб чиқишда намоён бўлади

г) вояга етмаганлар ва бошқа тоифадаги жиноятчилар содир этган жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг долзарб муам-моларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг келажакда-ги натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўлади

13. Криминология фанининг амалий мақсади қандай шакл-лантирилади?

а) жиноятчиликнинг олдини олиш жиноят ишларини тергов қилишнинг самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулосалар ва қоидаларни эътиборга олган ҳолда

б) кадрларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг моддий-тех-ника, молиявий жиҳатдан таъминланганлиги ва реал вақтни эътиборни олган ҳолда

в) жиноятчиларни қидириш бўйича тадбирларнинг самара-дорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулоса-лар ва қоидаларни эътиборга олган ҳолда

г) давлат органлари ташкилий тадбирларининг самарадорли-гини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулосалар ва қоидаларни эътиборга олган ҳолда

14. Криминология фанининг вазифаларидан бирини кўрса-тинг.

а) жамиятдаги ижтимоий жараёнларнинг ҳолати, даражасига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш

б) жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг ҳолати, даража-сига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ўрганиш

в) жиноятчиликнинг ҳолати, даражаси, динамикаси ва тузи-лишига таъсир этувчи объектив ва субъектив омилларни ўрга-ниш

г) жиноят ишларини тергов қилиш ва жиноятчиларни қиди-риб топиш ҳолати, даражасига таъсир этувчи объектив ва субъ-ектив омилларни ўрганиш

15. Криминология фанининг вазифаларидан бирини кўрсатинг.

а) жамиятдаги жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганиш усуллари-
ни аниқлаш учун уларнинг турларини ижтимоий-криминологик
тадқиқ этиш

б) жиноятчиликка қарши кураш усуллари аниқлаш учун
унинг турларини ижтимоий-криминологик тадқиқ этиш

в) жиноят ишларини судга топшириш учун уларнинг турла-
рини ижтимоий-криминологик тадқиқ этиш

г) жиноятларни очиш, тергов қилиш ва жиноятчиларни қи-
дириб топиш усуллари ижтимоий-криминологик тадқиқ этиш

16. Криминология фанининг вазифаларидан бирини кўрсатинг.

а) корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар фаолиятини
ташқил қилишнинг асосий йўналишлари аниқлаш

б) жиноятларни тергов қилишнинг асосий йўналишлари
аниқлаш

в) жиноятларнинг олдини олишнинг асосий йўналишлари ва
чораларини аниқлаш

г) жиноятларни очиш ва жиноятчиларни қидириб топишнинг
асосий йўналишлари аниқлаш

17. Криминология фанининг асосий функциясини кўрсатинг.

а) ёзма

б) оғзаки

в) ошқора

г) тавсифлаш

18. Криминология фанининг асосий функциясини кўрсатинг.

а) тушунтириш

б) ҳуқуқий

в) ноҳуқуқий

г) давлатга оид

19. Криминология фанининг асосий функциясини кўрсатинг.

а) режалаштириш

б) прогноз қилиш

в) режадан ташқари

г) йиллик

20. Криминология қайси фан билан айниқса чамбарчас боғлиқ?

- а) жиноят ҳуқуқи
- б) жиноят процесси
- в) криминалистика
- г) фалсафа

21. Криминология фани қачон вужудга келган?

- а) XV аср охирида
- б) XVI аср охирида
- в) XVII аср охирида
- г) XIX аср охирида

22. «Криминология» атамаси қандай маънони билдиради?

- а) жиноят қурбонлари ҳақидаги таълимот
- б) жиноятчилар ҳақидаги таълимот
- в) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги таълимот
- г) жиноятчилик тўғрисидаги таълимот

23. Криминология қандай фан?

- а) фуқаролар содир этган ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги
- б) жиноятларни очиш усуллари тўғрисидаги
- в) бошқа фанлардаги илмий йўналишлар тўғрисидаги
- г) жиноятчилик тўғрисидаги

24. Криминология фани ҳажмига кўра қандай фан?

- а) ноҳуқуқий фан
- б) умумий ва индивидуал фан
- в) ижтимоий-ҳуқуқий фан
- г) ижтимоий ва ахлоқий фан

25. «Криминология» атамаси қайси сўзлардан ташкил топган?

- а) латинча – «Crimen» ва инглизча «Logos» сўзларидан
- б) латинча – «Crimen» ва латинча «Logos» сўзларидан
- в) инглизча – «Crimen» ва латинча «Logos» сўзларидан
- г) латинча – «Crimen» ва юнонча «Logos» сўзларидан

26. Криминологиянинг предметини (баҳс мавзуини) нима ташкил қилади?

а) ғайриижтимоий қарашларга эга бўлмаган ва ижобий хулқ-атворга эга бўлган шахс

б) жиноятни очиш ва жиноятчиларни қидириб топиш усуллари ва йўллари

в) жиноятчилик, жиноятчининг шахси

г) жиноятларни тергов қилиш тактикаси ва усуллари

27. Криминологиянинг асосий вазифаси нимадан иборат?

а) жиноятчиларни қидириб топишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш

б) жиноятларни тергов қилишга доир тадбирларни ишлаб чиқиш

в) жиноятчиларни қидириб топиш ва ушлашга доир тадбирларни ишлаб чиқиш

г) жиноятчиликнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқиш

28. Криминологиянинг функцияларидан бирини аниқланг.

а) тарихий

б) диалектик

в) статистик

г) прогноз қилиш

29. Криминологиянинг предметига нима киради?

а) жамиятнинг ижтимоий соҳасидаги ўзгаришлар

б) бошқа фаннинг турлари, уларнинг категориялари, шунингдек қонунлари

в) жиноятчиликнинг олдини олиш масалалари

г) давлат ва унинг органларининг тузилишини ўрганиш

30. Криминологиянинг предметига кирувчи элементларидан бирини аниқланг?

а) жамиятнинг аъзоси бўлган шахс

б) ижтимоий ҳаётда фаол иштирок этувчи фуқаролар

в) давлатнинг сиёсий тизимидаги муаммолар

г) жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар

31. Криминология нимани ўрганади?

- а) умуман табиат ва жамият қонуниятларини
- б) давлатнинг иқтисодий ривожланиши
- в) жиноятчилик сабаблари ва жиноятчининг шахси
- г) давлатнинг илмий-техникавий тараққиёти

32. Криминологиянинг принципларидан бири бўлган «амалиёт билан алоқадорлик» нимада намоён бўлади?

а) турли хил давлат органларининг фаолиятини объектив таҳлил қилишда

б) жиноятларнинг олдини олиш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятининг ўзаро алоқадорлигини таҳлил қилишда

в) жамиятдаги ҳодисалар ва жараёнларнинг тарихий боғлиқлигини таҳлил қилишда

г) аҳолининг ижтимоий қатламлари ҳар томонлама ривожланишига имкон берувчи муайян сабаблар ва шарт-шароитлар ривожланишининг қонуниятларини баҳолашда

33. Криминологиянинг предметиға қайси муаммоларни кiritиш лозим? 1) иқтисодий муносабатлардаги зиддиятлар; 2) одамларнинг хатти-ҳаракатлари; 3) жамиятда мавжуд бўлган маданий омиллар; 4) жиноятчиликни ўрганиш; 5) урбанизация ва миграция жараёнлари.

- а) 1,2,4,5
- б) 1,2,3,4,5
- в) 1,2,3
- г) 2,3,5,1

34. Қайси фан маълумотларидан криминологияда энг кўп фойдаланилади? 1) кибернетика; 2) психиатрия; 3) математика; 4) социология; 5) жиноят ҳуқуқи.

- а) 1,2,4,5
- б) 1,2,3,4,5
- в) 1,2,3
- г) 2,3,5,1.

35. Криминология ўқув фанининг мақсадларини кўрсатинг: 1) талабаларда криминологик тафаккур, криминоген вазиятни баҳолаш кўникмаларини (маҳоратини) шакллантириш; 2) тала-

баларга курс дастурида белгиланган билимлар бериш; 3) ҳудуд, шаҳар, қишлоқдаги криминологик вазиятни таҳлил қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш; 4) талабаларда жиноятларни очиш, тергов қилиш ва жиноятчиларни қидириб топиш кўникмаларини ҳосил қилиш.

- а) 1,2,3,4
- б) 2,3,4
- в) 1,2,3
- г) 1,2,4

36. Криминология ўқув фанининг вазифалари нимадан иборат? 1) жиноятчиликни мураккаб ижтимоий ҳодиса, жамиятнинг маҳсули, ижтимоий тизим элементи сифатида тасаввур этиш; 2) асосий криминологик концепциялар билан таништириш; 3) мамлакатдаги, ҳудуддаги, шаҳардаги жиноятчиликни ҳамда унинг турлари ва тоифаларини криминологик таҳлил қилишни ўргатиш; 4) талабаларга жиноятларни очиш, жиноятчиларни ушлаш ва уларнинг хоссаларини ўрганиш тактикаси ва усулларини ўргатиш.

- а) 1,2,3,4
- б) 2,3,4
- в) 1,2,3
- г) 1,2,4

37. Криминология – бу: 1) жиноятчилик, унинг олдини олиш йўллари ва воситаларини ўрганадиган ижтимоий-ҳуқуқий фан; 2) жиноятчиларни, уларнинг ғайриқонуний қилмишларининг олдини олиш йўллари ва воситаларини ўрганадиган ижтимоий-ҳуқуқий фан; 3) жиноятчиликни, жиноятчилик тоифаларини, жиноятларнинг муайян турларини, унинг олдини олиш йўллари ва воситаларини ўрганадиган ижтимоий-ҳуқуқий фан; 4) жиноятчиликни, уни аниқлаш, жиноятларни очиш, тергов қилиш, қайд этиш, ҳисобга олиш, жиноят ишини судга топшириш йўллари ва воситаларини ўрганадиган ижтимоий-ҳуқуқий фан.

- а) 1,2,3,4
- б) 1,2,3
- в) 1,2,4
- г) 3,4

38. Криминология фанининг Умумий қисмида ҳодисалар ва тушунчалар яхлит, умумлашган ҳолда, жиноятлар турларига хос хусусиятларни ажратмаган ҳолда таҳлил қилинади. Бунда қуйидагилар кўриб чиқилади: 1) жиноятчилик (унинг тушунчаси, асосий кўрсаткичлари); 2) жиноятчиликнинг сабаблари; 3) жиноятчининг шахси (тушунчаси, жиноятчилар шахсининг типологияси); 4) криминологиянинг ривожланиши

- а) 1,2,3,4
- б) 1,2,3
- в) 1,2,4
- г) 3,4

39. Криминология фани қандай қисмлардан ташкил топган?

- а) кириш ва хулоса
- б) кириш ва хотима
- в) умумий ва махсус
- г) муқаддима ва предмет

40. «Криминологик тавсиф» тушунчаси нимани билдиради?

- а) муайян белгиларига кўра, бир гуруҳга бирлаштирилган жиноятларнинг тавсифи
- б) муайян бир ҳодисалар ва жараёнлардаги фақат сифат ва миқдор кўрсаткичларининг тавсифи
- в) фан ривожланиши жараёнининг тавсифи
- г) жиноятчилик ва жиноятлар, жиноятчиларнинг шахси, жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлардаги барча белгилар ва хоссаларнинг тавсифи

41. Криминологиянинг амалий мақсади нимадан иборат?

- а) жиноятчиликка қарши курашнинг самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулосалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш
- б) жиноят ишларини тергов қилишнинг самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулосалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш
- в) жиноятчиларни қидириш бўйича тадбирларнинг самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулосалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш

г) давлат органлари ташкилий тадбирларининг самарадорлигини оширишга доир илмий ва амалий тавсиялар, хулосалар ва қоидаларни ишлаб чиқиш

42. Криминология фанининг объекти нимадан иборат?

а) Жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликлар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар

б) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар

в) Давлат органлари ва уларнинг фаолияти билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар

г) Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятларни тергов қилиши, очиши ва жиноятчиларни қидириши билан боғлиқ ижтимоий муносабатлар

43. «Криминология» сўзи қандай маънони билдиради?

а) жиноят қурбонлари ҳақидаги таълимот

б) жиноятчилар ҳақидаги таълимот

в) маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги таълимот

г) жиноятчилик тўғрисидаги таълимот

44. Криминология фанининг асосий функцияларини кўрсатинг.

а) тавсифлаш ва прогноз қилиш

б) ёзма ва оғзаки баён этиш

в) оғзаки, ёзма, ошкора

г) ошкора, демократик

45. Криминология фанининг вазифаларини кўрсатинг. 1) жиноятчиликка қарши кураш усуллари аниқлаш учун унинг турларини ижтимоий-криминологик тадқиқ этиш; 2) жиноятчи шахсини ўрганиш, конкрет жиноятнинг содир этилиш механизмини аниқлаш; 3) жиноятлар ва жиноятчи шахсларни классификация қилиш; 4) жиноятларни очиш, тергов қилиш ва жиноятчиларни қидириб топиш усуллари ижтимоий-криминологик тадқиқ этиш.

а) 1,2,3

б) 1,2,3,4

в) 2,3,4

г) 1,3,4

46. Криминологиянинг асосий функцияларини кўрсатинг.

- а) тушунтириш, таҳлил қилиш, таклифлар бериш
- б) тавсифлаш, тушунтириш, прогност қилиш
- в) жиноятчиликни олдини олиш, жиноятчи шахсига таъриф бериш, жиноятчилик сабабларини аниқлаш
- г) прогност қилиш, жиноятчи шахсини ўрганиш, илмий тадқиқотлар олиб бориш

47. Криминология фанининг методлари бу:

- а) криминологиянинг предметларини энг самарали билиш усуллари (йўллари, воситалари)нинг тизими
- б) криминалистиканинг предметларини энг самарали билиш усуллари (йўллари, воситалари)нинг тизими
- в) социология, психология ва фалсафанинг предметларини энг самарали билиш усуллари (йўллари, воситалари)нинг тизими
- г) жиноят ҳуқуқи ва жиноят-ижроия ҳуқуқининг предметларини энг самарали билиш усуллари (йўллари, воситалари)нинг тизими

48. Жиноятчиликка таъриф беринг

- а) барча содир этилган жиноятларнинг йиғиндиси
- б) синфий ҳодиса
- в) ижтимоий ҳодиса
- г) маълум бир худудда, муайян бир давр мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг йиғиндиси, тарихан ўзгарувчан, ижтимоий ва жиноят ҳуқуқий ҳодиса

49. Криминология фанининг асосий функциясини кўрсатинг.

- а) прогност қилиш
- б) режалаштириш
- в) режадан ташқари
- г) йиллик

50. Криминология фанининг вазифаларидан бирини кўрсатинг.

- а) жиноятларнинг олдини олишнинг асосий йўналишлари ва чораларини аниқлаш
- б) корхоналар, ташкилотлар ва муассасаларнинг вояга етмаганлар билан ишлаш борасидаги фаолиятини ташкил қилишнинг асосий йўналишлари аниқлаш

в) жиноятларни тергов қилишнинг асосий йўналишлари аниқлаш

г) жиноятларни очиш ва жиноятчиларни қидириб топишнинг асосий йўналишлари аниқлаш

51. Криминологиянинг назарий мақсади нимада намоён бўлади?

а) жиноятчиликка қарши курашнинг долзарб муаммоларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг исталаётган бўлғуси натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўлади

б) жамият ривожланишининг долзарб муаммоларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг исталаётган бўлғуси натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўлади

в) жамиятдаги турли жараёнлар ривожланишининг долзарб муаммоларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг исталаётган бўлғуси натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўлади

г) вояга етмаганлар ва бошқа тоифадаги жиноятчилар содир этган жиноятларни очиш ва тергов қилишнинг долзарб муаммоларини аниқлаш борасидаги илмий фаолиятнинг исталаётган бўлғуси натижаларини сўзда ифодалашда намоён бўлади

52. Жиноятчилик даражасини белгиланг

а) жиноятчилик тўғрисидаги расмий статистика маълумотлари

б) содир қилинган жиноятлар абсолют миқдорининг аҳоли сонига нисбатан ўлчанадиган миқдор ва сифат кўрсаткичлари

в) латент жиноятчиликнинг кўрсаткичлари

г) жиноятчиликнинг миқдор ва сифат кўрсаткичлари

53. «Жиноятчиликка қарши кураш дастури» нимани билдиради?

а) вазифалар, воситалар ва усулларни кўрсатиш орқали жиноятчиликка қарши кураш чоралари тизимини белгиловчи ҳужжат

б) маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятининг йўналишлари ва ташкил этилишини кўрсатиш орқали айрим турдаги жиноятларнинг олдини олиш чораларининг тизимини белгиловчи ҳужжат

в) вазифалар, воситалар ва усулларни кўрсатиш орқали кураш чораларининг тизимини белгиловчи ҳужжат

г) жиноятларни очиш, тергов қилиш ва жиноятчиларни аниқлаш чораларининг тизимини белгиловчи ҳужжат

54. Криминологиянинг ўзига хос предметини қуйидаги қонуниятлар ташкил қилади: 1) жиноятчиликнинг барча кўринишлардаги қонуниятлари; 2) жиноятчиликнинг детерминацияси ва сабабияти; 3) жиноятчиликнинг турли таъсирларга дуч келиши; 4) фуқароларнинг ғайриқонуний хулқ-атворлари.

а) 1,2,3,4

б) 2,3,4

в) 1,3,4

г) 3,2,4

55. Криминология мустақил фан сифатида 18-асрнинг охири ва 19-асрнинг бошларида шаклланган. Унинг ривожланиши қуйидаги даврларга ажратилади: 1) замонавий ва классик; 2) классик ва позитивистик; 3) замонавий, классик ва позитивистик; 4) ижобий, салбий ва классик.

а) 1,2,3

б) 1,2,3,4,

в) 1,2,4

г) 3,4

56. Криминология фани позитив даври «социологик» йўналишининг асосчилари кимлар?

а) Ф. Лист, Э. Ферри;

б) Э. Ферри, С. Позднишев;

в) И. Фойницкий, Ф. Лист, С. Позднишев;

г) И. Фойницкий, Ф. Лист, С. Позднишев, Э. Ферри;

57. Криминология фани ривожланишининг ҳозирги даври қайси даврни ўз ичига олади?

а) 20-асрнинг 30-йилларидан бошлаб ҳозирги вақгача;

б) 19-аср бошидан ҳозирги вақтгача;

в) 18-аср охиридан ва ҳозирги вақтгача;

г) 17-аср боши ва ҳозирги вақтгача.

58. Криминология фани классик даврининг ғояларини бирлаштирган италиялик ҳуқуқшунос олимнинг кимлигини аниқланг.

- а) Чезаре Беккариа;
- б) Чезаре Грант Агнессо;
- в) Чезаре Мертон Рамиро;
- г) И. Фойницкий

59. Чезаре Беккарианинг 1764 йилда чоп этилган китобини кўрсатинг.

- а) «Жиноятлар ва жазолар ҳақида»
- б) «Жиноятчилар ва жазолар ҳақида»
- в) «Жиноятчилар ва жиноятлар ҳақида»
- г) «Жиноятлар, жазолар ва жиноятчилар ҳақида»

60. Криминологияда позитивизмнинг асосчиси деб ҳисобланадиган инсонни аниқланг.

а) Италияда 1876 йилда қамоқхона шифокори бўлгани ҳолда ўзининг «Жиноятчи одам» асарини чоп эттирган Цезарь (Чезаре) Ломброзо (1835–1909)

б) Италияда 1876 йилда қамоқхона шифокори бўлгани ҳолда ўзининг «Жиноятчи одам» асарини чоп эттирган Цезарь (Чезаре) Лоцкарт (1835–1909)

в) Италияда 1876 йилда қамоқхона шифокори бўлгани ҳолда ўзининг «Жиноятчи одам» асарини чоп эттирган Цезарь (Чезаре) Фейрбах (1835–1909)

г) Италияда 1876 йилда қамоқхона шифокори бўлгани ҳолда ўзининг «Жиноятчи одам» асарини чоп эттирган Цезарь (Чезаре) Бендам (1835–1909)

61. Италияда 1876 йилда қамоқхона шифокори бўлгани ҳолда ўзининг «Жиноятчи одам» асарини чоп эттирган Цезарь (Чезаре) Ломброзо (1835–1909) жиноятчиларни куйидаги гуруҳларга таснифлашни ишлаб чиққан:

- а) туғма жиноятчилар;
- б) ақли норасо жиноятчилар;
- в) ҳиссиётга берилган жиноятчилар, уларга «сиёсий васвос»ларни ҳам киритган;
- г) тасодифий жиноятчилар.

62. Ломброзо асос солган антропологик мактаб кейинчалик қайси назария асосида ривожлантирилди?

- а) хавфли ҳолат;
- б) конституционал мойиллик назарияси;
- в) ирсий мойиллик;
- г) эндокрин мойиллик.

63. Криминология фани ривожланишидаги классик даврда қайси назария пайдо бўлди?

- а) жазонинг муқаррарлиги;
- б) «соф ақл» назарияси;
- в) психоаналитик назария;
- г) омиллар назарияси.

64. Криминология фанининг ҳозирги ривожланиш даврида қайси назария пайдо бўлди?

- а) фрустрация назарияси;
- б) эндокрин назария;
- в) клиник криминологик назарияси;
- г) конституционал мойиллик назарияси;

65. Биологик йўналишга қайси назария мос келади?

- а) фрустрация назарияси;
- б) антропологик назария;
- в) хромосома назарияси;
- г) клиник назария

66. Социологик йўналишга қайси назария мос келади?

- а) омиллар назарияси;
- б) маданиятлар тўқнашуви назарияси;
- в) иқтисодий назария;
- г) ижтимоий бошбошдоқлик (дезорганизация) назарияси.

67. Ижтимоий онгда жиноий (криминал) антропология кимнинг номи билан боғланади?

- а) Чезаре Ломброзо;
- б) Чезаре Беккариа;
- в) Чезаре Мертано;
- г) Чезаре Антонио.

68. «Хавфли ҳолат» концепциясини ким ишлаб чиққан?

- а) Э. Ферри;
- б) Р. Гарофало;
- в) Ф. Грамматика ва М. Ломоносов;
- г) Э. Ферри ва Р. Гарофало.

69. «Хавфли ҳолат» концепциясининг моҳияти нимадан иборат?

- а) жиноятчини жазолаш эмас, балки жиноят содир этишга ортиқча мойиллик ҳолатидан чиқариш керак;
- б) жиноятчини жиноят содир этишга ортиқча мойиллик ҳолатидан чиқариш эмас, балки жазолаш керак;
- в) жиноятчини жазолаш эмас, балки жиноят содир этишга ниҳоятда мойиллик ҳолатига янада чуқурроқ киритиш керак;
- г) жиноятчини жазолаш, бунинг устига жуда қаттиқ ва ноинсоний усуллар билан жазолаш керак.

70. Маданиятлар тўқнашуви назариясининг моҳияти нимадан иборат?

- а) ҳаётга бўлган ҳар хил қарашлар, одатлар, тафаккур ва хулқ-атвор тарзлари (стереотиплари), турли хил қадриятлар одамларнинг бир-бирларини тушунишларини, ҳамдардлик ва қайғудошликни қийинлаштиради, бошқа маданиятларнинг вакиллариغا нисбатан қаҳр-ғазаб келтириб чиқариши мумкин;
- б) одатлар, тафаккур ва хулқ-атвор тарзлари, турли хил қадриятлар одамларнинг бир-бирларини тушунишларини, ҳамдардлик ва қайғудошликни қийинлаштиради, бошқа маданиятларнинг вакиллариغا нисбатан қаҳр-ғазаб келтириб чиқариши мумкин;
- в) турли хил қадриятлар одамларнинг бир-бирларини тушунишларини, ҳамдардлик ва қайғудошликни қийинлаштиради, бошқа маданиятларнинг вакиллариغا нисбатан қаҳр-ғазаб келтириб чиқариши мумкин;
- г) тафаккур ва хулқ-атвор тарзлари, турли хил қадриятлар одамларнинг бир-бирларини тушунишларини, ҳамдардлик ва қайғудошликни қийинлаштиради, бошқа маданиятларнинг вакиллариغا нисбатан қаҳр-ғазаб келтириб чиқариши мумкин.

71. «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси» қайси фандан келиб чиққан?

- а) жинойт ҳуқуқи фанидан
- б) криминалистика фанидан
- в) жинойт процесси фанидан
- г) криминология фанидан

72. Криминология тарихида юзага келган дастлабки кримнологик мактабларни кўрсатинг.

- а) антропологик ва социологик
- б) криминалистик ва профессионал (касбга оид)
- в) жинойт-ҳуқуқий ва оператив
- г) жинойт (криминал) ва криминологик

73. «Антропологик» мактабнинг асосчилари кимлар?

- а) Ч. Ламбозо, Э. Ферри ва Р. Гарофало
- б) Э. Ферри, Лихачев ва Анисимов
- в) Ч. Ламбозо, Гаврилов ва Сладков
- г) Гарофало, Власов ва Самойлов

74. «Омиллар социологик назарияси»нинг асосчилари кимлар?

- а) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Лист, Принс
- б) Спиридонов ва Шестоков, Адольф Кетле, Ван-Гомель
- в) Ростов ва Сальников, Адольф Кетле, Ван-Гомель
- г) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Орехов ва Павлов

75. Криминологик тафаккурнинг асосчиси ким?

- а) Арасту ва Афлотун, Адольф Кетле, Ван-Гомель
- б) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Черних ва Попов
- в) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Дьяков ва Павлов
- г) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Петров ва Николаев

76. «Психоаналитик» назариянинг асосчиси ким?

- а) Зигмунд Фрейд
- б) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Кант ва Анисимов
- в) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Демьянков ва Чернишев
- г) Адольф Кетле, Ван-Гомель, Ломоносов ва Давидов

77. «Жиноятчиликка конституциявий мойиллик» назариясининг асосчиси ким?

- а) Э. Кречмер
- б) Адольф Кетле
- в) Ван-Гомель
- г) Демченков

78. «Антропологик» назариянинг моҳияти нимада?

- а) жиноий хулқ-атвор сабабларини асосан инсоннинг жисмоний ва руҳий жиҳатлари билан изоҳлаш
- б) жиноятчиликнинг сабабларини асосан инсоннинг жамоат бўлиб яшаш нормалари ва қоидаларини билмаслиги, давлат қонунларида белгиланган нормаларни бузиш билан изоҳлаш
- в) табиатдаги ўзгариб боровчи жараёнлар, инсоният ривожланишининг қонуниятларини тушунтириш
- г) турли фанлар соҳасидаги ўзгариб боровчи жараёнларни тушунтириш

79. Жиноий хатти-ҳаракатни ўрганишнинг «эгизаклар» усулининг моҳияти нимада?

- а) жиноий хатти-ҳаракат содир этган шахсни унинг шахсий хислатлари ва эгизакларнинг хатти-ҳаракатларини тадқиқ этиш асосида ўрганиш усули
- б) жиноятчининг шахсини унинг хислатларига хос хусусиятларини тадқиқ этиш асосида ўрганиш усули
- в) жиноятчининг шахсини унга хос алоҳида хоссалар ва белгиларни инобатга олиб ўрганиш усули
- г) турли хил жиноятчилар содир этадиган жиноятларни ўрганиш усули

80. Жиноятчиликнинг «ирсий назарияси»нинг моҳияти нимада?

- а) шахснинг жиноийлашувига олиб боровчи хромосомалари бузилиши ҳодисаларини кўриб чиқиш
- б) жамоат тартибини ҳам, жамиятдаги бошқарув тартибини ҳам бузувчи ҳодисаларни кўриб чиқиш
- в) жамиятда, турли хил ижтимоий гуруҳлар ва тузилмаларда юз берувчи ҳодисаларни кўриб чиқиш
- г) жамиятда ўрнатилган ижтимоий муносабатлар бузилганида юзага келадиган ҳодисаларни кўриб чиқиш

81. «Криминологик назария» терминининг тўғри таърифини кўрсатинг.

а) жиноятчилик, унинг сабаблари, жиноятлардан жабр кўрган жиноятчининг шахси, жиноятчиликка кўрсатиладиган олдини олиш таъсир чораларини билишнинг англандан тажрибасини берадиган (хабар қиладиган) илмий принциплар, ғоялар тизимининг тури

б) давлат тузилиши, қонунчилик ва ижроия ҳокимият ваколатлари берилган турли хил давлат органлари тизимининг тури

в) жиноятчиликнинг турли тоифалари ва соҳаларига кирадиган жиноятчилар ва жиноятларнинг тури

г) жиноятчиликнинг қонуниятлари, хоссалари, сифат ва миқдор кўрсаткичларини ўрганиш билан шуғулланувчи ҳар хил фанларнинг тури

82. Криминологияда «классик» мактабининг моҳияти нимада?

а) жиноятни ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолашда

б) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолашда

в) маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолашда

г) маҳалла қўмиталарининг фаолиятини ҳар томонлама ўрганиш ва баҳолашда

83. «Позитивистик» мактабнинг асосчиси ким?

а) Ч. Ломброзо

б) Ч. Беккариа

в) Р. Вальтсман

г) В. Волгорева

84. Жиноятчиликни кўплаб ижтимоий муаммолар орасидаги энг кескин ижтимоий муаммо деб ҳисоблаш мумкинми?

а) жиноятчилик жамиятдаги ижобий ҳодисадир

б) жиноятчилик ижтимоий тизимда юзага келади ва ривожланадиган ижтимоий ҳодисадир

в) жиноятчилик ижтимоий муаммо эмас, чунки бу ҳодиса етарлича ўрганилмаган ва тадқиқот орқали унинг бутун тузилишини қамраб олиш мумкин эмас

г) жиноятчилик жиноятчининг шахсисиз ижтимоий муаммо ҳисобланмайди

85. Жиноятчилик нима?

а) муайян ҳудудда муайян вақт мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг мажмуи бўлмиш жамиятдаги тарихан ўзгарувчан ижтимоий ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса

б) муайян ҳудудда муайян вақт мобайнида содир этилган барча жиноятларнинг мажмуи бўлмаган ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг норасмий ҳисобларида қайд этиладиган жамиятдаги тарихан ўзгарувчан ижтимоий ва ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса

в) муайян ҳудудда муайян вақт мобайнида ижобий хулқ-атворга эга бўлган шахсларнинг муайян гуруҳлари содир этадиган ҳамда фақат муайян ижтимоий гуруҳда юзага келадиган ижтимоий ва жиноий-ҳуқуқий ҳодиса

г) муайян ҳудудда муайян вақт мобайнида жамиятда, ижтимоий тузумда, ижтимоий тизимда, ижтимоий гуруҳда содир этилган фақат иқтисодий ва сиёсий жиноятларнинг мажмуи бўлмиш тарихан ўзгармас ижтимоий ва жиноий-ҳуқуқий ҳодиса

86. Жиноятчилик нима билан ўлчанади?

а) миқдор ва сифат кўрсаткичлари билан

б) миқдор ва сифат кўрсаткичлари ҳамда математик формулалар билан

в) математика, арифметика, геометрия, физика каби фанларни билиш билан

г) криминология, социологик, фалсафа, сиёсатшунослик, тарих, жиноят ҳуқуқи каби фанларнинг усуллари билан

87. Жиноятчилик оддий мажмуа эмас, балки:

а) яхлит мажмуа;

б) жиноятлар мажмуи;

в) муайян тизимли хоссаларга, жиноятларнинг бутун ичида бошқа ижтимоий ҳодисалар билан барқарор алоқадорлигига эга бўлган жиноятлар мажмуи;

г) муайян тизимли хоссаларга, жиноятларнинг бутун ичида бошқа ижтимоий ҳодисалар билан барқарор алоқадорлигига эга бўлган жиноятлар мажмуи, яхлит йиғинди.

88. «Жиноят» ва «жиноятчилик» тушунчалари ўртасидаги фарқ, аввало, шундаки:

- а) жиноят – инсон жиноий хулқининг якка акти;
- б) жиноятчилик – статистик мажмуа; жиноят салбий ижтимоий ҳодисадир;
- в) жиноятчилик барча жиноятларнинг мажмуи ва жамиятнинг ижтимоий ҳодисасидир.

89. Жиноятчилик нима?

а) жиноятларнинг турлари (ғаразли, зўравонликка асосланган ва ҳ.к.) ёки жиноятчиларнинг тоифалари (вояга етмаганлар, хотин-қизлар, эркаклар ва ҳ.к.) бўйича гуруҳлаштириладиган айрим жиноятлар (элементлар)нинг яхлит мажмуи;

б) жиноятларнинг турлари бўйича гуруҳлаштириладиган одам ўлдиришларнинг яхлит мажмуи;

в) жиноятларнинг турлари ёки жиноятчиларнинг тоифалари бўйича гуруҳлаштириладиган қонунга итоаткор фуқаролар айрим қилмишларининг яхлит мажмуи;

г) ўқувчиларнинг турлари ёки тоифалари бўйича гуруҳлаштириладиган элементлар.

90. Умуман жиноятчиликка ҳам, алоҳида олинган жиноятга ҳам қуйидагилар хос:

- а) ижтимоий хавфлилик;
- б) жиноят қонунига зидлик;
- в) ягоналик ва ўзгармаслик;
- г) ушбу ҳодисаларни ўрганишдаги қийинчилик.

91. Жиноятчилик ҳақида статистик мажмуа сифатида сўз юритганда мазкур ҳодисага хос бўлган муайян ҳодисаларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- а) оммавийлик;
- б) тартибга солиб бўлмаслик;
- в) барқарорлик;
- г) жиноий-ҳуқуқий хусусият.

92. Жиноятчиликнинг хоссалари нима?

- а) ушбу ҳодисани ифодаловчи белгилар
- б) жиноятчиликнинг ўзгарувчанлигини ифодаловчи унинг турлари

- в) ўзгарувчанлик ва комплекслик
- г) жиноятчиликнинг тизимли, ҳажмли ва яғоналиги

93. Жиноятчиликнинг миқдорий кўрсаткичлари аввало қуйидагилардир:

- а) жиноятчиликнинг ҳажми;
- б) жиноятчиликнинг даражаси;
- в) жиноятчиликнинг динамикаси;
- г) жиноятчиликнинг интенсивлиги.

94. Жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичлари асосан қуйидагилардан иборат:

- а) жиноий-ҳуқуқий жазога лойиқлик;
- б) жиноятчиликнинг хусусияти ва ҳудудий тарқалганлиги;
- в) жиноятчиликнинг тузилиши;
- г) жиноятчиликнинг латентлиги.

95. Жиноятчиликнинг лоақал битта ёки умуман барча кўрсаткичларининг ўзгариши нимага олиб келиши мумкин?

- а) бутун жиноятчиликнинг ўзгаришига
- б) оператив ва қидирув тадбирларининг ўзгаришига
- в) профилактика фаолиятининг даражаси ўзгаришига
- г) шахс хусусиятларининг ўзгаришига

96. Жиноятчиликнинг миқдорий хусусиятлари орасида қуйидагилар ажратилади:

- а) жиноятчиликнинг ҳолати;
- б) жиноятчиликнинг даражаси;
- в) жиноятчиликнинг динамикаси;
- г) жиноятчиликнинг коэффиценти.

1,2,3,4

97. Жиноятчиликнинг ҳолатини вақт белгиси бўйича қуйидагича белгилаш мумкин:

- а) йилнинг чораги;
- б) ой;
- в) ярим йил;
- г) йил.

98. Жиноятчиликнинг ҳолатини белгилаш учун дастлабки асос нимадан иборат?

- а) жиноятлар статистикаси;
- б) арифметика ва алгебра;
- в) жиноят ҳуқуқи ва умумий статистика;
- г) социология ва экологик билимлар.

99. Ҳудуддаги жиноятчилик динамикасини таҳлил қилиш асосида нималарни амалга ошириш мумкин?

а) яқин ва узоқ келажакда жиноятчиликнинг имкониятдаги хусусиятини прогноз қилиш, бу унга қарши кураш тадбирларини криминологик жиҳатдан режалаштиришнинг зарур даражадаги мақбул асосидир;

б) яқин ва узоқ келажакда фуқароларнинг феъллари қандай бўлиши мумкинлигини прогноз қилиш;

в) яқин ва узоқ келажакда аҳолининг бир ҳудуддан бошқа ҳудудларга кўчишини прогноз қилиш;

г) давлат органлари кундалик фаолиятидаги ўзгаришларни прогноз қилиш.

100. Ҳудуддаги жиноятчиликнинг динамикасини таҳлил қилиш нима?

а) жиноятчиликка қарши курашга доир тадбирларни зарур ва мақбул даражада криминологик режалаштиришнинг асоси;

б) вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашга доир тадбирларни зарур ва мақбул даражада криминологик режалаштиришнинг асоси;

в) ички ишлар органларининг фаолиятини такомиллаштиришга доир тадбирларни зарур ва мақбул даражада криминологик режалаштиришнинг асоси;

г) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир тадбирларини зарур ва мақбул даражада криминологик режалаштиришнинг асоси.

101. Жиноятчиликнинг сифат кўрсаткичлари нималардан иборат?

- а) тузилиши, хусусияти, баҳоси;
- б) жиноятчининг шахси ва ўзига хос хислатлари;
- в) оммавийлик ва индивидуаллик;
- г) катта ҳажмга ва кўп қирраларга эгаллиги.

102. Жиноятчиликнинг хусусияти (характери) деганда нима тушунилади?

а) ижтимоий хавфи энг кўп бўлган ва жамият ривожланишининг муайян даврида кенг тарқалган жиноий фаолият тури

б) жамият ривожланишининг муайян даврида кенг тарқалган якка тартибдаги меҳнат фаолиятининг тури

в) ижтимоий хавфи энг кўп бўлмаган ва жамият ривожланишининг муайян даврида кенг тарқалган жиноий фаолият тури

г) ижтимоий хавфи энг кўп бўлмаган ва жамият ривожланишининг муайян даврида кенг тарқалмаган жиноий фаолият тури

103. Жиноятчиликнинг баҳоси нима?

а) жиноий тажовузлардан келадиган бевосита ва билвосита иқтисодий ҳамда ижтимоий-психологик зарарнинг ҳажми ва хусусияти

б) жиноий тажовузлардан келадиган бевосита ва билвосита иқтисодий ҳамда ижтимоий-психологик рағбатлантиришнинг ҳажми ва хусусияти

в) ёшлар ва катталарнинг хулқиға бевосита ва билвосита таъсир кўрсатишнинг ҳажми ва хусусияти

г) фуқаролар етказган зарарни иқтисодий ҳамда ижтимоий-психологик қоплашнинг ҳажми ва хусусияти

104. Жиноятлар айрим турларининг ва турли даражалардаги жиноятчиликнинг ҳар хил тузилишини ўрганишда қандай имкониятлар пайдо бўлади?

а) жиноятчиликнинг ҳолатини ва бошқа қонуниятларини аниқлаш;

б) жиноятчиликнинг динамикасини ва бошқа қонуниятларини аниқлаш;

в) жиноятчиликнинг даражасини ва бошқа қонуниятларини аниқлаш;

г) жиноятчиликнинг ҳолати, динамикаси ва бошқа қонуниятларини аниқлаш.

1,2,3,4

105. Жиноятчилик нима?

а) барча турдаги жиноятларнинг мажмуи

б) расмий ҳисобда қайд этилмаган жиноятларнинг турлари

- в) бошқарув тартибига қарши жиноятлар
- г) фуқароларнинг шахси ва жамоат тартибига қарши жиноятлар

106. Жиноятчиликнинг кўрсаткичларидан бирини кўрсатинг.

- а) тузилиши
- б) жиноятни содир этиш шарт-шароитлари
- в) жиноятни содир этиш усуллари
- г) жиноятни содир этиш вақти

107. Жиноятчиликнинг даражасига нима киради?

- а) жиноятчиликнинг коэффиценти
- б) биринчи марта ва бир неча марта жиноятлар содир этган шахсларнинг сони
- в) судга топширилган жиноят ишларининг сони
- г) жиноят учун ҳукм қилинган жиноятчиларнинг сони

108. Жиноятчилик динамикасига нималар киради?

- а) жиноий гуруҳларнинг профессионализми, уюшганлиги
- б) муайян вақт мобайнида жиноятчиликнинг ўсиши ёки пасайиши
- в) жиноятчиликнинг ҳудудий ҳажми
- г) муайян турдаги жиноятларнинг ривожланиши

109. «Жиноятчилик»нинг энг тўлиқ ва тўғри таърифни кўрсатинг.

- а) ижтимоий, сиёсий, мафкуравий, ғайриахлоқий ҳаракатлар мажмуи
- б) нисбатан оммавий, тарихан ўзгарувчан ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса, айрим турдаги жиноятларнинг мажмуи
- в) ижтимоий хавфли хусусиятга эга бўлган оммавий, тарихан ўзгарувчан ижтимоий-ҳуқуқий ҳодиса, шахсларнинг фақат маъмурий қонунчилик билан тақиқланган айбли ҳаракатлари мажмуи
- г) муайян ҳудудда содир этилган ҳамда ушбу ҳудуддаги шахсга ва аҳолига тўғри келадиган жиноятлар сонини акс эттирувчи кўрсаткич

110. Қуйидаги терминларнинг қайси бири жиноятчиликнинг элементини акс эттиради?

- а) ҳолат
- б) улуш
- в) ривожланиш
- г) тугатиш

110. Жиноятчиликнинг ҳолати деганда нима тушунилади?

- а) жиноятчилик коэффиценти
- б) муайян давр мобайнида муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг ҳамда уларни содир этган шахсларнинг сони
- в) муайян турдаги жиноятларнинг улуши ва муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг сони ҳамда муайян жиноятларнинг муайян давр мобайнида содир этилган жиноятларнинг умумий сонига нисбати
- г) қайд этилган вақт мобайнида жиноятчиликнинг ўзгариши

111. Жиноятчилик даражасини нима билдиради?

- а) жиноятчиликнинг коэффиценти
- б) жиноятчиликнинг ҳолати
- в) муайян турдаги жиноятларнинг улуши
- г) муайян ҳудудда содир этилган барча жиноятларнинг ҳамда айрим турдаги жиноятларнинг сони

112. Жиноятчиликнинг тузилиши деганда нима тушунилади?

- а) одам ўлдирганлик учун ҳукм қилинган жиноятчилар сонининг улар болаларининг сонига нисбати
- б) айрим турдаги жиноятларнинг барча жиноятларнинг умумий сонигаги улуши
- в) жиноятчиликнинг коэффиценти
- г) жиноятчиликнинг ўсиши ва пасайиши

113. Қуйида келтирилган таърифлардан қайси бири «жиноятчиликнинг динамикаси» терминининг маъносини акс эттиради?

- а) жиноятларнинг умумий сони
- б) жиноятларнинг ўсиши ва пасайиши
- в) жиноятчиликнинг коэффиценти
- г) босқичлаштириш орқали кўчирилган жиноятчиларнинг сони

114. Жиноятчиликнинг юзага келиши сабаблари нималардан иборат?

а) хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши, ибтидоий уруғчилик тузумининг синфларга бўлиниши, ижтимоий-иқтисодий зиддиятларнинг пайдо бўлиши

б) жамиятда турли хил давлат тузилмаларининг, давлатнинг қонун чиқарувчи ва ижро этувчи ҳокимияти пайдо бўлиши

в) янги турдаги технологияларнинг пайдо бўлиши, турли ҳудудларда ишлаб чиқаришнинг кенгайиши

г) ҳар хил фанларни, жамиятда юзага келадиган жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганадиган хусусий илмий предметларнинг пайдо бўлиши

115. Жиноятчиликнинг белгисини кўрсатинг.

а) оммавийлик

б) индивидуаллик

в) ўхшашлик

г) такрорланмаслик

116. Жиноятчиликнинг турларини кўрсатинг

а) бирламчи, рецидив

б) иккиламчи, рецидив

в) биринчи навбатдаги ва иккиламчи

г) бирламчи ва изчил

117. Жиноятчиликнинг ҳолатини ифодаловчи кўрсаткич нимадан иборат?

а) муайян ҳудудда қайд этиладиган жиноятларнинг мутлақ сони

б) жиноят туфайли етказилган моддий зарар миқдори

в) жиноятлардан жабрланганларнинг сони

г) жиноятларнинг ўсиш суръатлари

118. Рецидив жиноятчиликнинг динамикаси деганда нима тушунилади?

а) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда содир этилган рецидив жиноятларнинг умумий сони

б) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда содир этилган рецидив жиноятчиликнинг ўсиши ва пасайиши

в) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда рецидив жиноятларни содир этган шахсларнинг сони

г) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда содир этилган айрим турдаги жиноятларнинг сони

119. Маиший жиноятчилик нима?

а) вояга етмаганлар ва ёшлар орасида содир этиладиган жиноятчилик

б) шахсга қарши содир этиладиган жиноятчилик

в) турмуш соҳасида шахсга ва жамоат тартибига қарши содир этиладиган жиноятчилик

г) бошқарув тартиби соҳасида содир этиладиган жиноятчилик

120. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг динамикаси деганда нима тушунилади?

а) вояга етмаган шахснинг жиноий-ҳуқуқий белгиси

б) вояга етмаганлар содир этадиган жиноятларнинг ўсиши ёки пасайиши

в) катталар ва вояга етмаганлар ўртасида юзага келадиган жиноий-ҳуқуқий муносабатлар

г) вояга етмаганларнинг ижтимоий-демографик белгилари

121. «Вояга етмаганлар жиноятчилигининг аҳволи» тушунчаси нимани билдиради?

а) иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг умумий аҳволи

б) муайян давр мобайнида муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг умумий сони

в) рецидивистлар содир этган жиноятларнинг умумий сони

г) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда содир этилган, шунингдек уларни содир этган вояга етмаганларнинг умумий сони

122. Жиноятчиликнинг мутлақ ўсиши деганда нима тушунилади?

а) муайян вақт мобайнида содир этилган жиноятчилик ҳажмининг ўсишида намоён бўладиган жиноятчилик динамикасининг кўрсаткичи

б) муайян вақт мобайнида муайян даврда, ҳуддда ёки вилоят, туманда содир этилган жиноятчилик ҳажмининг ўсишида намоён бўладиган жиноятчилик динамикасининг кўрсаткичи

в) жиноятчилик динамикасининг муайян давр мобайнида содир этилган жиноятлар сонининг ўсишида намоён бўладиган кўрсаткичи

г) муайян давр мобайнида жиноятчилик ҳажмининг ортиши билан ифодаланадиган индивидуал жиноий механизм сабаблари ва шарт-шароитлари динамикасининг кўрсаткичи

123. Жиноятчиликнинг барқарорлиги нима?

а) ҳудуддаги иқтисодий ва ижтимоий жараёнларнинг барқарорлиги

б) рецидив ва бирламчи жиноятчиликнинг барқарор нисбати

в) ҳудуддаги иқтисоднинг барқарор ҳолати

г) ҳаракатларни содир этиш механизмининг барқарорлиги

124. Жиноятчиликни ўрганиш босқичларининг ва унга қарши курашиш чораларининг турларини кўрсатинг.

а) тайёрлов, асосий (ишчи) ва якуний

б) бирламчи ва иккиламчи

в) биринчи, иккинчи, учинчи, тўртинчи ва якуний босқичлар

г) босқичлар ҳар хил бўлади

125. Жиноятчиликнинг таърифини кўрсатинг.

а) муайян сабаблар ва шарт-шароитлар туфайли муайян ижтимоий тизимда юзага келадиган тарихан ўзгарувчан, оммавий, салбий ижтимоий ҳодиса

б) муайян иқтисодий жиноятлар мажмуи

в) бошқарув тартибига қарши муайян жиноятлар мажмуи

г) муайян жиноятлар мажмуи

126. Турли кўринишлардаги жиноятчилик ўз ичига қуйидагиларни олади:

а) муайян ҳудуддаги жиноятчилик;

б) индивидуал жиноий хулқ;

в) муайян жиноят;

г) фуқароларнинг ижобий ҳаракатлари;

1,2,3

127. Жиноятни жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам, криминалогия ва криминалистика нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқиш мумкин. Жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан қаралганда жиноят қандай таҳлил қилинади?

а) инсоннинг жиноий тақиқни айбли тартибда бузишидан иборат нисбатан алоҳида ҳаракати;

б) инсоннинг жиноий тақиқни айбли тартибда бузишидан иборат нисбатан алоҳида бўлмаган ҳаракати;

в) инсоннинг жиноят қонуни билан белгиланмаган тақиқни айбли тартибда бузишидан иборат нисбатан алоҳида ҳаракати;

г) барча фанлар ҳар қандай ҳодисалардан ўрганадиган предмет

128. Жиноятни жиноят ҳуқуқи нуқтаи назаридан ҳам, криминалогия ва криминалистика нуқтаи назаридан ҳам қараб чиқиш мумкин. Криминалогия нуқтаи назаридан қаралганда жиноят қандай таҳлил қилинади?

а) инсон учун ташқи шарт-шароитлар ва инсоннинг (жиноятчининг) хусусиятларини биргаликда олиб;

б) жиноий хулқнинг шу номдаги ҳаракати сифатида эмас, балки макон ва замонда ривожланадиган муайян жараён сифатида;

в) ҳодисаларнинг ривожланишига имкон берувчи жараёнлар билан боғлиқ бўлмаган айрим фанларнинг предмети сифатида;

г) алоҳида ижобий хусусиятларга эга бўлган ҳамда жамият, ижтимоий гуруҳлар, фуқаролар томонидан маъқулланган жараён сифатида

129. Кўплаб жиноятлар орқали қуйидагилар намоён бўлади:

а) жиноий хулқнинг барқарорлиги;

б) уюшганлик;

в) ижтимоий хавфлилик;

г) содир этилган жиноятларнинг индивидуаллиги.

130. Қайси жиноятларнинг латентлик даражаси юқори?

а) зўравонликка асосланган;

б) ғаразли зўравонликка асосланган;

в) порахўрлик, қуролларни олиб юриш ва сақлаш.

131. Латентлик даражасини аниқлаш учун қандай усуллар қўлланилади?

а) аноним анкеталар ёрдамида аҳоли ўртасида сўров ўтказиш;

б) ҳужжатларни, жумладан, шахсли ёки шахсиз жиноят ишларини таҳлил қилиш;

в) эксперт баҳолашлар ва кузатиш;

132. Латентлик даражаси паст бўлган жиноятни кўрсатинг.

а) босқинчилик

б) қийнаш

в) таносил касаллигини юктириш

133. Латентлиги юқори бўлган жиноятни кўрсатинг.

а) касса вурлик

б) фирибгарлик

в) талончилик

134. Латентлиги юқори бўлган жиноятни кўрсатинг.

а) номусга тегиш

б) қамоқдан қочиш

в) таносил касаллигини юктириш

135. Одатда латентлигича қоладиган жиноятни кўрсатинг.

а) жиний аборт

б) савдо қоидаларини бузиш

в) безорилик

136. Латент жиноятчилик турларидан бирини аниқланг.

а) сунъий

б) илгаридан қайд этилмаган

в) махсус яширилган

137. Латент жиноятчилик турларидан бирини аниқланг.

а) табиий

б) илгаридан қайд этилмаган

в) махсус яширилган

138. Латент жиноятчилик турларидан бирини аниқланг.

а) чегаравий

б) илгаридан қайд этилмаган

в) фуқаролар хабар бермаган жиноятлар

139. Латентлик бу – ...

а) содир этилган, аммо ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан расмий руйхатга олинмаган жиноятларнинг жами

б) органлар ва бошқа юридик ҳамда жисмоний шахсларга номаълум бўлган жиноятлар

в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ёки бошқа субъектларга маълум бўлган, аммо жиноят сифатида англолмаган қилмишлар мажмуи

140. Сизнингча, фуқаролар нима сабабдан содир этилган жиноятлар ҳақида ИИОга хабар қилмайдилар?

а) жиноятчи билан жабрланувчи ўртасида яқин ва мураккаб ўзаро муносабатлар мавжудлиги туфайли

б) жиноятчи билан жабрланувчи ўртасида яқин ва мураккаб ўзаро муносабатлар мавжуд бўлмаганлиги туфайли

в) жиноятчи билан жабрланувчи ўртасидаги яқин ва мураккаб ўзаро муносабатлар қонун билан белгиланмаганлиги туфайли

141. Сизнингча, фуқаролар нима сабабдан содир этилган жиноятлар ҳақида ИИОга хабар қилмайдилар?

а) жабрланувчида криминоген ҳолатлар мавжудлиги сабабли

б) жабрланувчида ижобий хислатлар мавжудлиги сабабли

в) жабрланувчида хислатлар ва хусусиятлар мавжудлиги сабабли

г) жабрланувчида ижобий хулқ мавжудлиги сабабли

142. Латент жиноятчиликни ўрганишдан кўзланган мақсад нима?

а) қайд этилмаган жиноятлар тарқалиши ва даражаси ортишининг олдини олиш

б) қайд этилган жиноятлар тарқалиши ва даражаси ортишининг олдини олиш

в) ижтимоий ҳодисалар ҳамда жамиятда юзага келадиган жараёнлар тарқалиши ва даражаси ортишининг олдини олиш

143. Латент жиноятчиликдан кейин қандай оқибат юз бериш мумкин?

а) аҳоли ўртасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар обрўининг тушиши

- б) корхоналар, муассасалар ходимларининг обрўси тушиши
- в) аҳоли ўртасида фуқаролар, айрим ижтимоий гуруҳлар обрўсининг тушиши

144. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда сунъий латент жиноятчилик содир этилишининг сабаблари нималардан иборат бўлиши мумкин?

- а) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари ҳуқуқи онгининг пастлиги
- б) турли давлат тузилмалари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан етарли таъминланмаганлиги
- в) туманлар, шаҳарлар ва вилоятлар ҳокимликлари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатдан етарли тартибга солинмаганлиги

145. Латент жиноятчиликни аниқлаш ва ўрганиш усулларини кўрсатинг.

- а) жабрланувчилар ва экспертлар ўртасида сўров ўтказиш, олинган маълумотларни таҳлил қилиш
- б) турли давлат органлари ўртасидаги ривожланиб бораётган ўзаро муносабатларга доир маълумотларни ўрганиш
- в) турли давлат органларининг фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларини ўрганиш

146. Латент жиноятчиликнинг турларидан бирини аниқланг.

- а) сунъий
- б) олдиндан кўрилмаган
- в) махсус

147. Вояга етмаганларнинг латент жиноятчилиги нима?

- а) вояга етмаганларнинг ички ишлар органлари аниқлаган жиноятлари
- б) вояга етмаганлар содир этган, аммо жиноят статистикасида қайд этилмаган жиноятлар
- в) солиқ инспекцияси аниқлаган, аммо жиноят статистикасида қайд этилмаган жиноятлар

148. Шахс деганда нима тушунилади?

- а) инсоннинг ижтимоий муҳит билан алоқалари ва амалий фаолияти орқали ўзаро таъсири акс этган ижтимоий-психологик хислатларининг тизими

б) инсоннинг ижтимоий муҳит билан алоқалари ва ўзаро таъсири акс этмаган ижтимоий-психологик хислатларининг тизими

в) инсоннинг ижтимоий муҳит билан алоқалари акс этган ва амалий фаолияти орқали ўзаро таъсири кўринмайдиган ижтимоий-психологик хислатларининг тизими

149. Шахснинг тузилишида нималар мавжуд?

- а) ижтимоий мақом;
- б) ижтимоий функциялар;
- в) ҳамма жавоб туғри

150. Одатда жиноятчиларнинг маълумот даражаси қандай бўлади?

- а) паст;
- б) юқори;
- в) ҳам паст, ҳам юқори;

151. Жиноятчининг шахси – бу:

- а) ижтимоий-демографик, биофизиологик белгиларнинг мажмуи;
- б) ижтимоий-психологик белгилар мажмуи;
- в) жиноят-ҳуқуқий белгилар мажмуи;

152. Жиноятчи шахсининг ижтимоий белгиларига нималар киради?

- а) касби;
- б) фуқаролиги;
- в) ижтимоий мақоми.

153. Жиноятчи шахсининг физиологик хислатлари қуйидагилардан иборат:

- а) касаллик белгиларининг мавжудлиги;
- б) жисмоний хусусиятлари;
- в) баданида алоҳида белгиларнинг мавжудлиги;

154. Жиноятчининг криминологияда кўпинча тадқиқ этиладиган руҳий оғишларига қуйидагилар киради:

- а) психопатия;
- б) алкоголизм ва гиёҳвандлик;
- в) асаб тизимининг жароҳатлари;

155. Жиноятчиларни таснифлаш имкон беради:
а) жиноятчи шахсининг чуқурроқ таҳлил этилишига;
б) жиноий фаолият сабабларини таҳлил қилишга;
в) жиноий фаолиятнинг имкониятларини илмий жиҳатдан олдиндан кўришга;

156. Жиноятчиларни қуйидагича таснифлаш мумкин:
а) демографик белгиларига кўра;
б) яшаш жойининг белгиларига кўра;
в) шахснинг жиноят содир этиш пайтидаги аҳволига оид маълумотларга кўра;

157. Содир этилган жиноятда намоён бўлган шахсий-мотивацион хислатларнинг хусусиятларига кўра жиноятларнинг қуйидаги турлари ажратилади:

- а) ўта хавфли жиноятлар;
- б) зўравонликка асосланган жиноятлар;
- в) ғаразли жиноятлар;

158. Ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятига кўра жиноятчиларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

- а) шахсга қарши оғир жиноятлар содир этган жиноятчилар;
- б) шахсга қарши унча оғир бўлмаган жиноятлар содир этган жиноятчилар;
- в) ўғрилиқлар, ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш, мансаб жиноятларини содир этган жиноятчилар;

159. Жиноятчининг шахси – бу ...

- а) ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган салбий хислатлар мажмуини ифодаладиган ғайриижтимоий йўналишида намоён бўлувчи жиноятни содир этган шахс
- б) ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган салбий хислатлар мажмуини ифодаладиган ғайриижтимоий йўналишида намоён бўлмаган жиноятни содир этган шахс
- в) ижтимоий жиҳатдан муҳим бўлган салбий хислатлар мажмуини ифодаладиган ғайриижтимоий йўналишида намоён бўлмаган тўғри қилмишни содир этган шахс

160. Қуйидаги белгилардан қайси бири жиноятчи шахсининг тузилишига киради?

- а) биофизиологик белги;
- б) фақат унинг феълига оид белгилар;
- в) у жойлашган жой;

161. Қуйидаги белгилардан қайси бири жиноятчи шахсининг тузилишига киради?

- а) ижтимоий-демографик белги
- б) ижтимоий-математик белги
- в) ижтимоий-фалсафий белги

162. Жиноятчи шахсининг жиноят-ҳуқуқий белгисига нима киради?

- а) унинг жиноий гуруҳдаги ўрни ва роли
- б) унинг таълим муассасасидаги ўрни ва роли
- в) унинг ижтимоий тизимдаги ўрни ва роли

163. Жиноятчи шахсининг ижтимоий-демографик белгисига нималар киради?

- а) машғулоти тури, оилавий аҳволи
- б) ҳавфлилиги, оқибатлари
- в) етказилган зарар миқдори

164. Жиноятчи шахсининг белгиларидан бирини кўрсатинг.

- а) ижтимоий-демографик
- б) ижтимоий-сиёсий
- в) ижтимоий-математик

165. Жиноятчи шахсининг белгиларидан бирини кўрсатинг.

- а) жиноят-ҳуқуқий
- б) жиноий жавобгарликка тортиладиган
- в) жиноий жазоланадиган

166. Жиноятчи шахсининг белгиларидан бирини кўрсатинг.

- а) биофизиологик
- б) биоэнергетик
- в) биоижобий

167. Жиноятчиларни классификация қилиш деганда нима тушунилади?

- а) уларни муайян мезонлар ва белгиларидан келиб чиқиб гуруҳларга бўлиш
- б) уларни қисмлар бўйича ва ҳажми бўйича тақсимлаш
- в) уларни математик формулалар ва ечимлар бўйича тақсимлаш

167. Жиноятчилар классификациясининг қандай турлари мавжуд?

- а) тасодифий, ғаразли
- б) оддий ва мураккаб
- в) якка ва кўп сонли

168. Криминология фанида «жиноятчининг шахси» нимани ташкил қилади?

- а) предметни
- б) назарияни
- в) амалий аҳамиятни

169. «Жиноятчиликка қарши кураш» деганда нимани тушунасан?

- а) жиноятларнинг содир этилишига имкон берувчи омилларни бартараф этишга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа чоралар мажмуи
- б) ҳам ижобий, ҳам салбий ҳаракатларнинг содир этилишига имкон берувчи омилларни бартараф этишга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа чоралар мажмуи
- в) фуқаролар онгининг ижобий шаклланиши сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни бартараф этишга қаратилган иқтисодий, сиёсий, ташкилий ва бошқа чоралар мажмуи

170. «Жиноятчиликнинг миқдори» атамаси нимани билдиради?

- а) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда қайд этилган жиноятларнинг мутлақ сони
- б) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда қайд этилмаган жиноятларнинг мутлақ сони
- в) муайян вақт мобайнида муайян ҳудудда қайд этилган жиноятларни содир этган жиноятчиларнинг мутлақ сони

171. Маиший соҳадаги жиноятчилик сабабларидан бирини кўрсатинг.

- а) спиртли ичимликларни суиистеъмол қилиш
- б) гиёҳвандлик
- в) турмушдаги доимий жанжаллар

172. Жиноятчининг шахси деганда нима тушунилади?

а) унинг ташқи шароитлар (вазият) билан бирга олинганида жиноий хатти-ҳаракатга таъсир этувчи ижтимоий жиҳатдан муҳим хислатларининг мажмуи

б) ташқи шароитларга ва микромуҳитга, шунингдек жиноий хатти-ҳаракатга таъсир этувчи хусусиятлари ва хислатларининг мажмуи

в) унинг ташқи шароитлар (вазият) билан бирга олинганида жамиятнинг бошқа аъзоларига, фуқароларга, айниқса мансабдор шахсларга таъсир этувчи ижтимоий жиҳатдан муҳим хислатларининг мажмуи

173. Муайян жиноятни содир этиш нима?

а) шахснинг салбий ахлоқий-психологик хислатлари ва объектив шарт-шароитлар ўзаро таъсирининг натижаси;

б) индивиднинг ноқулай шароит таъсирида қарор топган ахлоқий шаклланишининг натижаси;

в) ташқи объектив шароитлар таъсирининг натижаси;

174. Жиноий хулқ механизмига нималар киради?

а) жиноятни содир этиш мотивлари;

б) жиноятни режалаштириш;

в) жиноятни ижро этиш;

175. Макромуҳит ҳодисаларига қуйидагилар киради:

а) иқтисодий ривожланишнинг хусусиятлари;

б) сиёсий қарашлар;

в) жамиятнинг ижтимоий ривожланишига оид масалалар;

176. Муайян ҳаётӣй вазият – бу ...

а) бевосита жиноят содир этилишидан аввал мавжуд бўладиган ҳамда шахснинг хислатлари билан бирга унинг жиноят содир этишига таъсир кўрсатувчи ташқи ҳолатлар мажмуи

б) бевосита жиноят содир этилишидан аввал мавжуд бўлмайдиган ҳамда шахснинг хислатлари билан бирга унинг жиноят содир этишига таъсир кўрсатувчи ташқи ҳолатлар мажмуи

в) бевосита жиноят содир этилишидан аввал мавжуд бўладиган ҳамда шахснинг хислатлари билан бирга унинг жиноят содир этишига таъсир кўрсатмайдиган ташқи ҳолатлар мажмуи

177. Жиноятдан аввалги (предкриминал) вазият — бу...

а) субъект учун ташқи хусусиятга эга бўлган ҳамда жиноятдан бевосита олдин келадиган ва жиноят содир этган субъектнинг шахсий хислатлари билан ўзаро таъсирга эга бўладиган ҳолатлар мажмуи

б) жиноятдан бевосита олдин келадиган ва жиноят содир этган субъектнинг шахсий хислатлари билан ўзаро таъсирга эга бўлмайдиган ҳолатлар мажмуи

в) жиноятдан бевосита олдин келадиган ва жиноят содир этмайдиган субъектнинг шахсий хислатлари билан ўзаро таъсирга эга бўлмайдиган ҳолатлар мажмуи

178. Эр-хотин ўртасида турмушда содир этиладиган жиноятларнинг сабабларини кўрсатинг.

а) доимий оилавий жанжаллар, эр-хотиннинг бевафолиги

б) қариндошлар ўртасидаги жанжаллар

в) дўстлар ўртасидаги мунтазам жанжаллар

179. Маиший жиноятчилик детерминантлари деганда нима тушунилади?

а) маиший соҳадаги жиноятларнинг содир этилиш усуллари

б) маиший жиноятларнинг содир этилиш механизми

в) маиший жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар

180. Баъзан жиноятчи ўзида пайдо бўлган установка (майл)га мувофиқ ҳаракат қилади. Тезлик билан қарор қабул қилиш ва жиноят воситаларини танлаш зудлик билан юз беради. Бунга нималар таъсир этади?

а) вазият;

б) ушбу шахс учун одатий бўлиб қолган бундай шароитларда ўзини тутиш усуллари;

в) шериклар;

181. Жиноий хатти-ҳаракатнинг турли босқичларида инсоннинг аҳволи ҳам ташқи муҳитнинг ҳолати ҳам:

- а) ўзгармай қолади;
- б) барқарор қолади;
- в) мутлақо ўзгармайди;

182. Жиноий хатти-ҳаракат механизмини ўрганганда қуйидагиларни аниқлаш зарур:

- а) мотивлар ниманинг таъсирида шаклланганлигини;
- б) нима учун жиноий хатти-ҳаракатнинг айнан шу варианты бўйича қарор қабул қилинганлигини;
- в) айнан шу жиноий хатти-ҳаракат ҳақидаги қарор қандай ҳолатларнинг таъсирида қабул қилинганлигини;

183. Хатти-ҳаракатнинг жиноятдан кейинги (посткриминал) босқичида жиноятчи нималарни таҳлил қилади?

- а) юз берган воқеани;
- б) жиноят изларини яширади, фош бўлмаслик чораларини кўради.
- в) жиноий йўл билан топилган мулкни тасарруф этади;

184. Криминологик маънода жиноятдан кейинги (посткриминал) ҳуқ — бу:

- а) жиноий хатти-ҳаракат босқичи;
- б) жиноятни содир этиш йўллари ва усуллари билан боғлиқ бўлмаган жиноий хатти-ҳаракат босқичи;
- в) шахснинг мустақил ривожланиш йўлига ўтиш жараёнининг босқичлари;

185. «Жиноий фаолият» атамаси «жиноий хатти-ҳаракат»дан фарқли равишда муайян шароитларда жиноят содир этишдан ташқари қуйидагиларни ҳам билдиради:

- а) шахснинг ижтимоий мавқеини олдиндан, мақсадга мувофиқ излаши;
- б) шахснинг жиноий ниятларини амалга ошириш учун шароитни олдиндан, мақсадга мувофиқ излаши;
- в) шахснинг жиноий фаолият юритиши учун муҳим жиҳатларни олдиндан, мақсадга мувофиқ излаши

186. Жиноятчиликнинг детерминантлари – бу:

а) жиноятчиликни ўз оқибатлари сифатида юзага келтирадиган ва келтириб чиқарадиган ҳамда салбий, экологик, ижтимоий, психологик, ташкилий-бошқарув ҳодисаларининг мажмуидан иборат бўлган сабаблар ва шарт-шароитлар;

б) муайян вақт мобайнида содир этилган ва фақат шахсга қарши жиноятлар мажмуи бўлган унча ўзгармас ижтимоий ва жиний-ҳуқуқий ҳодиса;

в) жамиятда ижтимоий хавф туғдирмайдиган тарихан ўзгарувчи ижтимоий ва жиний-ҳуқуқий ҳодиса, барча жиноятларнинг, шунингдек фақат битта ҳудудда содир этилган бошқа қилмишларнинг мажмуи;

187. Криминологик детерминация тизимига нималар киради?

а) сабаблар;

б) шарт-шароитлар;

в) жиноятчи шахс;

188. Сабаблар нима?

а) бошқа ҳодисалар, яъни оқибатларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;

б) мамлакат ривожланишида иқтисодий жараёнларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;

в) шахсларнинг жамиятда белгиланган нормалар ва қоидаларга риоя этиш билан боғлиқ ҳаракатларини юзага келтирувчи ҳодисалар;

189. Криминологияда жиноятчиликнинг сабаби деганда нима тушунилади?

а) оқибат сифатида жиноятчиликни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;

б) оқибат сифатида ғайриқонуний қилмишларни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;

в) оқибат сифатида муайян жиноятни келтириб чиқарувчи ҳодисалар;

190. Сабаб ва шарт-шароитларнинг оқибат билан алоқадорлиги нима деб аталади?

а) детерминация, боғлиқлик;

б) ажратиш ва боғлиқлик;

в) уйғунлик ва ажратиш;

191. Криминологик детерминация – бу:

а) ҳукмрон ижтимоий муносабатлар учун ижтимоий-салбий ҳодисалар тизими бўлган жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар, ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи;

б) ҳукмрон бўлмаган ижтимоий муносабатлар учун ижтимоий-салбий ҳодисалар тизими бўлмаган жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар, ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи;

в) ҳукмрон ижтимоий муносабатлар учун ижтимоий ижобий ҳодисалар тизими бўлган жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлар, ҳодисалар ва жараёнлар мажмуи;

192. Жиноятчиликнинг иқтисодий сабаблари – бу:

а) манфаатпарастлик;

б) текинхўрлик;

в) одамларнинг эҳтиёжи;

193. Жиноятчиликнинг ҳуқуқий сабабларини нималар ташкил қилиши мумкин?

а) ҳуқуқий нигилизм;

б) ҳуқуқий енгилтаклик;

в) ҳуқуқий маданиятсизлик;

194. Жиноятчиликнинг шарт-шароитлари нималардан иборат бўлиши мумкин?

а) иқтисодий ислохотлар амалиёти ва стратегиясидаги хато-лар;

б) қурол-яроғ ва наркотиклар муомаласини назорат қилмаслик;

в) шахсий ва ижтимоий хавфсизликни моддий, ташкилий ва ҳуқуқий таъминлашдаги камчиликлар;

196. Муайян жиноятнинг шарт-шароитларини нималар ташкил қилиши мумкин?

а) жиноятнинг (жиноятчининг шахсида мавжуд бўлган) сабаблари;

б) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа соҳалари ривожланаётган даврдаги сабаблар ва уларга имкон берган шароитлар

в) шахс ва зарур вазият

197. «Жиноятчиликнинг детерминантлари» тушунчаси нима билдиради?

а) жиноятчиликнинг келиб чиқишига имкон берган турли ҳоллар, жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлиги

б) фуқаровий-ҳуқуқий муносабатлар

в) ҳўжалик соҳасида юзага келадиган муносабатлар

198. Ғаразли жиноятларнинг сабабларидан бирини аниқланг.

а) сиёсий

б) иқтисодий

в) ижтимоий

199. Жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитлардан бирини кўрсатинг.

а) гуруҳий хусусиятга эга бўлган сабаблар ва шарт-шароитлар

б) ягона хусусиятга эга бўлган сабаблар ва шарт-шароитлар

в) одатдаги сабаблар ва шарт-шароитлар

200. Жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларни бартараф этиш учун нималар зарур?

а) жиноятчиликни, жиноятчи шахсини ўрганиш;

б) жиноятларнинг содир этилиш йўлларини ўрганиш;

в) ушбу жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берган шароитларнинг юзага келишини ўрганиш

201. Жиноятчиликнинг омили – бу:

а) барча турдаги муайян жиноятларнинг мажмуи

б) ғайриқонуний қилмишлар мажмуи ва ушбу қилмишнинг механизми

в) жиноятчиликка имкон берган ҳодисалар мажмуи

202. Шахснинг ахлоқсизлиги деганда нима тушунилади?

а) жамиятда қарор топган ахлоқий қадриятларни қабул қилмаслиги, ахлоқий нормаларга нигилистик муносабати, шахснинг маънавий жиҳатдан таназзули

б) жамиятда қарор топган ахлоқий қадриятларни қабул қилмаслиги, ахлоқий нормаларга ижобий муносабати, шахснинг маънавий жиҳатдан таназзули

в) жамиятни қабул қилмаслиги, ахлоқий нормаларга ижобий муносабати, шахснинг маънавий жиҳатдан таназзули

203. Латентлик нечта даражага бўлинади?

а) 4

б) 2

в) 3

204. Латент жиноятчиликдаги сабаблари...?

а) профессионал жиноятчиликнинг ривожланиши

б) криминалистика техника всоиталарининг талабга жавоб бера олмаслиги

в) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари камчилиги

205. Сизнингча, қайси гуруҳдаги жиноятчиларнинг латент (яширин)лиги юқори?

а) ҳарбий хизматни ўташ тартибига қарши жиноятлар

б) бошқарув тартибига қарши жиноятлар

в) жамоат тартибига қарши жиноятлар

206. Сизнингча, латентли юқори жиноятлар қайси жавобда тўғри кўрсатилган?

а) порахўрлик, фирибгарлик, божхона қоидаларини бузиш, монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш, Талончилик, растрата

б) қасддан одам ўлдириш, эҳтиётсизликдан одам ўлдириш, қасддан баданга оғир шикаст етказиш, хавф остида қолдириш, кўп хотинли бўлиш

в) ўғрилиқ, номусга тегиш, эҳтиётсизлик орқасида баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказиш, ҳарбий ёки муқобил хизматдан бўйин товлаш, савдо қоидаларини бузиш ва лицензиясиз фаолият билан шуғулланиш.

209. “Коррупция” хусусида қандай тушунчага эгасиз?

а) тўлиқ

б) йўқ

в) ўрта

211. Коррупция латентлиги қайси даражада деб кўрсата оласиз?

- а) ўрта
- б) юқори
- в) паст

212. Коррупция атамасига қайси гуруҳдаги жиноятларга тааллуқли?

а) ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш-беришда воситачилик қилиш, мансаб сохтакорлиги, талончилик

б) пора олиш, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиш, лицензиясиз фаолият олиб бориш, суд қарорларини бажармаслик

в) ҳокимият доирасидан четга чиқиш, порахўрлик, валюта қимматликларини қонунга ҳилоф равишда олиш, ўтказиш, савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга ҳилоф равишда шуғулланиш, сохта тадбиркорлик

213. Экология соҳасидаги жиноятларнинг латентлик даражаси қандай?

- а) юқори
- б) паст
- в) ўрта

214. Сизнингча, қайси гуруҳдаги жиноятларнинг латентлиги юқори?

а) экинзор, ўрмон ёки бошқа дов-дарахтларга шикаст етказиш ёки уларни нобуд қилиш, сув ёки сув хавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш, ветенария ёки зоотехника қоидаларини бузиш

б) ҳайвонот ёки ўсимлик дунёсидаги фойдаланиш тартибини бузиш, атроф табиий муҳитни ифлослантириш, экология хавфсизлигига оид нормалар ва талабларни бузиш

в) ўсимликлар касалликлари ёки зарар-қунандалари билан кураш талабларини бузиш, алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг тартибини бузиш.

М У Н Д А Р И Ж А

1-мавзу. Криминология предмети, вазифалари ва тизими	3
1.1. Криминология тушунчаси ва унинг предмети	3
1.2. Турдош фанлар тизимида криминологиянинг ўрни	8
1.3. Криминологиянинг вазифалари	12
1.4. Криминология тизими ҳақида	17
2-мавзу. Жиноятчилик тушунчаси, унинг асосий хусусиятлари ва турлари	19
2.1. Жиноятчилик тушунчаси ва унинг белгилари	19
2.2. Жиноятчилик кўрсаткичлари	22
2.3. Жиноятчилик таркиби	27
2.4. Жиноятчилик динамикаси	28
3-мавзу. Жиноятчиликнинг сабаблари	30
3.1. Сабабиятни билишнинг асосий принциплари	30
3.2. Жиноятчилик сабаблар тўғрисидаги асосий назариялари	34
3.3. Жиноятчилик сабабларини таснифлаш муаммоси	54
4-мавзу. Жиноятчининг шахси тушунчаси ва криминологик тавсифи	58
4.1. Шахс умумий тушунчаси.....	58
4.2. Жиноят субъектининг шахси ва унинг таркиби	62
4.3. Жиноятчиларни таснифлаш.....	68
5-мавзу. Шахс ғайриижтимоий мойиллигининг шаклланиши ҳамда муайян жиноят содир этиш механизми.....	70
5.1. Умумий асосий қоидалар.....	70
5.2. Шахснинг салбий хулқ-атвори шаклланишига таъсир этувчи асосий омиллар	72
5.3. Муайян ҳаётӣ вазият	81
5.4. Психологик механизм	85
6-мавзу. Криминологик виктимология асослари	89
6.1. Виктимология тушунчаси ва унинг аҳамияти	89
6.2. Виктимликни таснифлаш.....	92
6.3. Криминологияда виктимликнинг олдини олиш вазифалари	96
7-мавзу. Жиноятчиликнинг олдини олиш.....	99
7.1. Жиноятчиликнинг олдини олиш тушунчаси	99
7.2. Жиноятларнинг олдини олиш таркиби	102
7.3. Жиноятларни профилактика қилиш турлари	110

8-мавзу. Жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамкорлик	117
8.1. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида БМТ йўналишидаги халқаро ҳамкорлик	117
8.2. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида халқаро ноҳукумат ташкilotлари йўналишидаги халқаро ҳамкорлик.....	120
8.3. Жиноятчиликка қарши кураш соҳасида Интерпол йўналишидаги халқаро ҳамкорлик	121
9-мавзу. Рецидив жиноятчиликнинг криминологик тавсифи ҳамда унинг олдини олиш	122
9.1. Рецидив жиноятчилик тушунчаси, турлари ва тавсифи.....	122
9.2. Рецидив жиноятчилик ижтимоий типи сифатидаги рецидивист шахсининг ўзига хос хусусиятлари	133
9.3. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олиш	138
10-мавзу. Уюшган жиноятчилик ва унинг олдини олиш	145
10.1. Уюшган жиноятчилик мазмуни ва таърифи ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари. Уюшган жиноятчилик таркиби.....	145
10.2. Уюшган жиноятчиликнинг олдини олишнинг энг муҳим масалалари.....	151
11-мавзу. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг криминологик тавсифи	154
11.1. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг ҳолати	154
11.2. Вояга етмаганлар томонидан жиноят содир этилишига имконият яратувчи сабаб ва шарт-шароитлар.....	157
11.3. Вояга етмаган жиноятчининг шахси	161
11.4. Вояга етмаганлар жиноятчилигининг олдини олиш	164
12-мавзу. Аёллар жиноятчилиги ва унинг олдини олиш	169
13-мавзу. Оиладаги жиноятларнинг криминологик тавсифи	175
13.1. Оиладаги жиноятлар	175
13.2. Онанинг ўз чақолоғини қасддан ўлдиришнинг кримино- логик тавсифи.....	180
13.3. Оилага қарши жиноятлар.....	183
13.4. Оиладаги жиноятларнинг олдини олиш.....	188
14-мавзу. Тамагирлик ниятида зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятларнинг криминологик тавсифи ҳамда уларнинг олдини олиш.....	193

15-мавзу. Иқтисодий жиноятларнинг криминологик тавсифи ҳамда уларнинг олдини олиш.....	205
15.1. Иқтисодий жиноятчилик тушунчаси ва унинг криминологик тавсифи.....	205
15.2. Иқтисодий жиноятларнинг сабаблари ва уларни юзага келтирувчи омиллар	207
15.3. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш.....	210
16-мавзу. Коррупция жиноятчилигининг криминологик тавсифи	216
16.1. Коррупция жиноятчилигининг криминологик тавсифи, сабаб ва шарт-шароитлари.....	216
16.2. Коррупция жиноятчилигининг олдини олиш.....	219
17-мавзу. Гиёҳвандлик воситаларининг ғайриқонуний муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг криминологик тавсифи	221
17.1. Гиёҳвандлик воситаларнинг ғайриқонуний муомаласи тушунчаси ва криминологик тавсифи	221
17.2. Гиёҳвандлик воситаларининг қонунга ҳилоф муомаласи билан боғлиқ жиноятларнинг ҳолати, тузилиши ва динамикасининг умумий тавсифи	224
18-мавзу. Экология соҳасидаги жиноятчилик ва унинг олдини олиш	228
18.1. Экология соҳасидаги жиноятлар тушунчаси.....	228
18.2. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг криминологик тавсифи	231
18.3. Экология соҳасидаги жиноятларнинг сабаблари ва уларга имконият яратувчи омиллар	233
18.4. Экология соҳасидаги жиноятчиликнинг олдини олиш чоралари ва асосий йўналишлари	236
19-мавзу. Солиқ жиноятчилиги тушунчаси ва унинг криминологик тавсифи.....	240
19.1. Солиқ жиноятчилиги тушунчаси ва унинг криминологик тавсифи	240
19.2. Солиқ жиноятчилигининг динамикаси	242
19.3. Солиқ жиноятчилиги сабаблари ва уни белгиловчи шарт- шароитлар хусусияти	245
19.4. Солиқ соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш	246
Фойдаланилган адабиётлар	249
Тестлар.....	256

Қ.Р.Абдурасулова

КРИМИНОЛОГИЯ

Мухаррир: С.Салимова.

Техник муҳаррир: А.Боймаматов.

Компьютерда саҳифаловчи: Ф.Нурлибаев.